

Нега айрим одамларнинг  
хамма нарсаси бор,  
бонка одамларда эса ҳеч вақо йук?

The New York Times бестселлери

# Зукколар ва Ландавурлар



Муваффақият калити

Малкольм  
Гладуэлл



Малкольм Гладуэлл

## **ЗУККОЛАР ВА ЛАНДАВУРЛАР**

Нега айрим одамларнинг ҳамма нарсаси бор,  
бошқа одамларда эса ҳеч вақо йўқ?



УЎК 159.923

КБК 88.53

Г 55

Гладуэлл, Малкольм.

Зукколар ва ландавурлар [Матн] / М. Гладуэлл. - Тошкент : «Ofset-Print» МЧЖ, «Nihol», 2019. - 240 б.

ISBN 978-9943-23-151-1

УЎК 159.923

КБК 88.53

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима  
ва чоп қилинди.*

Бу фоний дунёни адолатли деб бўлмайди. Негаки, унда пул, ҳокимият, шон-шухрат ва омад одамларнинг барчасига тенг тақсимланган эмас. Нега айрим одамларнинг ҳамма нарсаси бор, бошқа одамларда эса ҳеч вақо йўқ? Омаднинг сабабларини фақат инсоннинг табиат инъом этган шахсий фазилатлари билан боғлаш тўғримикиан?

Малкольм Гладуэлл ҳар доим мутлақо тасодиф ҳисоблаб келинган муваффақиятларнинг замирида ётган яширин қонуниятларни кашф этган биринчи инсондир. Бу қонуниятлар нега аксарият буюк хоккейчилар фақат январда туғилганлигини ва ҳеч қачон октябрда туғилмаслигини, нима учун математикани осиелик талабалар бошқалардан кўра осонроқ ўзлаштиришини, нега Нью-Йоркнинг энг обрўли адвокати бўлиш учун албатта яҳудий бўлиш лозимлигини тушунтириб беради. Бу китоб Билл Гейтс, «Битлз» ва Моцарт каби шахсларни нима боғлаб туришини ҳамда улар нега ўз тенгдошларидан ўзиб кетганлигини кўрсатади.

«Зукколар ва ландавурлар» — «қандай қилиб муваффақиятли инсон бўлиш»ни ўргатувчи қўлланма эмас. Бу сиз ўзингиз фойдаланишингиз мумкин бўлган ҳаёт қонуниятлари оламига завқли бир саёҳатдир.

ISBN 978-9943-23-151-1

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2019

© Malcolm Gladwell, 2008

## Мундарижа

Муқаддима. Розето жумбоғи «Маҳаллий аҳоли фақат қариганлиги учунгина вафот этар эди. Ана шунақа, биродар...».....	4
---	---

### I ҚИСМ. ИМКОНИЯТ

1-Боб. Матфей эффекти «Бу ерда ҳатто статистик таҳлил ҳам шарт эмас! Шундоғам ҳам- маси яққол кўриниб турибди» .....	12
--	----

2-Боб. 10 000 соат қоидаси «Гамбургда эса биз тинимсиз саккиз соатлаб муסיқа чалардик» .....	30
--	----

3-Боб. Зукколар масаласи оддий ва жўн эмас «Агар сиз ақлли болакайларнинг яхлит гуруҳи билан ишласан- гиз, битта болакайнинг IQ даражасини билишдан фойда кам»... 58	
--	--

4-Боб. Даҳолар масаласи ҳам ғаройиб. Иккинчи қисм «Узоқ мунозаралардан сўнг Робертга синов муддати беришга қарор қилинди ».....	78
---	----

5-Боб. Жо Фломнинг учта сабоғи «Мэри йигирма беш цент олди» .....	98
--	----

### II-ҚИСМ.МЕРОС

6-Боб. Харлан, Кентукки «Ўлсанг, эркакдай ўл, аканг каби ўл» .....	134
---	-----

7-Боб. Самодаги ҳалокатли вазият «Капитан, метеорадиолокатор бутун бизга анча ёрдам берди».....	147
---	-----

8-Боб. Шолиполяр ва математика бўйича тестлар «Йил бўйи тонг отмасидан турадиган инсоннинг оиласи қаш- шоқ яшамайди».....	185
---	-----

9-Боб. Маританинг келишуви «Энди мен фақат КИРР болалари билан дўстлашаман» .....	207
--	-----

Хотима. Ямайка тарихи «Агар аралаш оилада бола туғилса, улар эркинроқ бўлади » .....	222
--	-----

Миннатдорликлар.....	236
----------------------	-----



МУҚАДДИМА

## Розето жумбоғи

«Маҳаллий аҳоли фақат қариганлиги  
учунгина вафот этар эди. Ана шунақа,  
биродар...»

### 1

Розето-Вафорторе шаҳарчаси Римдан бир юз олти миш километр масофада, Италиянинг жануби шарқий томонида, Апеннин тоғлари этагидаги Фоджа минтақасида жойлашган. У ўрта асрлардаги қишлоқлар андозасида: каттакон марказий майдон атрофида барпо этилган. Майдонда бир замонлар бу ўлкадаги катта ерларга эгалик қилган Саджезе оиласининг саройи бор. Равоқли ўтиш йўлаги Кармель тоғининг Мадонна черковига олиб боради. Икки томонида қизил сопол томли қўшқават уйлар тизилган тош зиналар тоққа томон кўтарилиб боради.

Розето аҳолиси асрлар бўйи тоғдаги мрамор конларида ёки воҳанинг пастида ястанган далаларда меҳнат қилганлар. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун улар тоғдан пастга ва пастдан тоққа – ортга қараб олти километр йўл бостанлар. Бу жуда машаққатли иш. Бу деҳқонлар деярли саводсиз, ҳаддан зиёд қашшоқ эдилар ва қачондир аҳвол яхшиланишидан умид ҳам қилмасдилар. Бироқ XIX аср охирига келиб, уммон ортида бир мамлакат борлиги ва ўша ерда улар учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳақидаги овозалар бу ерга ҳам етиб келди.

1882 йилнинг январида Розето аҳолисидан 11 киши — ўнга эркак ва бир бола — уммон ортига, Нью-Йоркка жўнадилар. Биринчи оқшомни улар Манхеттеннинг Кичик Италия деб аталадиган ўлкасидаги Малберри-стрит кўчасида жойлашган емакхонанинг шундоққина саҳнида ухлаб ўтказдилар. Кейин улар ғарбга равона бўлдилар ва Нью-Йоркдан

145 километр олисликдаги Пенсильвания штатининг Бангор минтақасидаги очик сланец конидан иш топдилар. Бир йил ўтгач, Италиянинг Розето шаҳарчасидан яна 15 киши Америкага отланди. Уларнинг баъзи бировлари ватандошлари билан бирга сланец конида ишлаш учун Бангорда қолди. Янги келган муҳожирлар Янги Дунёда очилаётган истиқболлар ҳақида уйига хабар жўнатишди ва тез кунларда розетоликлар бирин-кетин топган-тутганларини жомадонга жойлаб, Пенсильванияга кўчиб кета бошладилар. Дастлабки муҳожирларнинг мўъжаз ирмоғи тезда улкан бир оқимга айланди. Биргина 1894 йилда 1200 розетолик она қишлоқларидаги бутун-бутун кўчаларни ҳувиллатиб Америка паспорти олиш учун муурожаат қилди.

Янги кўчиб келганлар Бангорни ягона тик йўлак боғлаб турган тошли чўққи ёнбағридан ер сотиб ола бошладилар. Қияликдан балаңд-пастга ўрлаган сўқмоқ кўчалар атрофини икки қаватли ва шифер томли тош уйлар эгаллай бошлади. Кармель тоғининг Биби Марям черкови қад ростлади. Черков жойлашган бош кўчага Италияни бирлаштирган қаҳрамон Гарибалди номи берилди. Бошланишида улар ўз шаҳарчаларини Янги Италия деб номладилар. Бироқ бироз вақт ўтар-ўтмас ҳаммалари битта қишлоқдан келганликларини ҳисобга олиб, бу номни ўзгартирдилар. Янги Италия энди Розетога айланди.

1896 йилда Кармель тоғининг Биби Марям черковига ёш ва серҳаракат руҳоний — Паскуаль де Ниско ота тайинланди. У черков биродарлигини барпо этди ва байрамларни ташкил қилди. Руҳоний ерларни тозалашга ва черков томорқасида саримсоқ, ловия, картошка, қовун ва мевали дарахтлар экишга даъват қилди. Ўзи уруғлар ва буталар тарқатди. Шаҳарчада ҳаёт жонланди. Розетоликлар чўққа боқишни ва тоқзорлар барпо этишни бошлашди ҳамда узумдан қўлбола шароб тайёрлашни йўлга қўйишди. Мактаб, монастир қурилди, боғ ва қабристон барпо этилди. Гарибалди-авенюда кичик дўконлар, нонвойхоналар, ресторанлар ва майхоналар очилди. Ўн-ўн иккита бичув-тикув цехлари пайдо бўлди.

Кўшни Бангорда асосан валлияликлар ва инглизлар жойлашди, нариги шаҳарчада асосан олмонлар яшашарди. Британ, олмон ва италян муҳожирлари орасидаги таранг муносабатлар туфайли Розето ташқи дунё учун ёпиқ шаҳарчага

айланиб қолган эди. Агар сиз XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Розето кўчаларида айланиб юриш имконига эга бўлганингизда, бу ерда фақат италянча сўзлашаётган одамларни эшитар эдингиз, нафақат италянча, айнан Фоджанинг жанубий қавми бўлган Италиянинг Розето аҳолиси шевасини тинглардингиз.

Розето аҳли учун уларнинг мўъжаз, аммо ҳамма нарса етарли бўлган шаҳарчаси бутун дунёга тенг эди. Стюарт Вульф деган инсон бўлмаганда, Розето шу ёпиқ дунёлигича қолиб кетарди.

Вульф шифокор эди. У ошқозон касалликларини ўргана ва Оклахома дорилфунунининг тиббиёт мактабида дарс берарди. Ёз ойларини у Пенсильваниядаги фермада, Розето шаҳарчаси яқинида ўтказарди, бироқ бу ҳали ҳеч нарсани билдирмасди, чунки Розето қолган бутун дунёдан шу қадар айри ҳолда яшардики, қўшни шаҳарчалардаги одамлар ҳам у ҳақда деярли ҳеч наrsa билишмасди. «Ёз ойларининг бирида 1950-йилларнинг охирида, мени маҳаллий тиббий жамиятда маъруза ўқишга чақиришди», дея эслайди Вульф ўз интервьюларидан бирида. Маърузадан сўнг маҳаллий шифокор менинг олдимга келди ва бир бардоқдан пиво ичишга таклиф қилди. Сухбат пайтида у менга шундай деди: «Биласизми, мен бу ерда ўн етти йилдан бери шифокор бўлиб ишлайман, мижозлар менинг олдимга ҳамма томондан ташриф буюришади, бироқ шу пайтгача Розетодан бирорта олтмиш ёшдан кичик мижоз юрак хасталиги билан келмаган».

Вульф бу хабарга унча ишонмади. 1950-йилларда ҳали холестерин миқдорини камайтирадиган дорилар ихтиро қилинмаган ва юрак касалликларининг олдини олиш тадбирлари жорий этилмаганди. Инфарктлар Америка Қўшма Штатларида эпидемия тусини олди ва 65 ёшдан кичик инсонлар ўлимнинг асосий сабаби бўлди. Соғлом ақлнинг англамига кўра, шифокор ўлароқ, юрак касаллигига бирор марта дуч келмаслик мумкин эмас эди.

Вульф бу сирнинг тагига етишга қарор қилди. Талабалар ва ҳамкасбларининг хайрихоҳлиги билан, у шаҳарча аҳолисининг узоқ йиллик, топиш мумкин бўлган, барча ўлим ҳодисасига оид гувоҳномаларини ўрганиб чиқди. Шифокорларнинг қайдномаларини таҳлил қилди. Аждодларнинг ша-

жараларини тузди. «Ишимиз бошимиздан ошиб ётарди» — деб эслайди Вульф. Тадқиқот иши 1961 йилда бошланган эди. Мэр бизга ёрдам учун ўзининг тўртта ҳамширасини ажратди ва муниципалитет биносида ишлашга шароит яратиб берди. Мен энди унинг мажлисларни қаерда ўтказишига қизиққан-нимда, у шундай жавоб берди: «Биз мажлисларни вақтинча тўхтатиб турамиз». Аёллар бизга таом келтиришарди. Бизнинг кичик хоналаримиз бўлиб, у ерда одамлардан таҳлил учун қон олинар ва электрокардиограммалар қилинарди. Шу тариқа тўрт ҳафта ўтди. Шундан сўнг мен ҳокимиятдагилар билан гаплашдим ва бизга ёз бўйи ишлаш учун мактаб биносини ажратишди. Биз у ерга Розето шахрининг барча аҳолисини тиббий текширувга таклиф қилдик».

Натижалар жуда ғалати эди. Розетода яшайдиганларнинг бирортаси 55 ёшгача инфарктдан ўлмаган ва ҳеч қандай юрак хасталигига чалинмаган эди. 65 ёшдан катталар орасидаги юрак хасталикларидан вафот этиш кўрсакичи ҳам мамлакатдаги умумий кўрсаткичларнинг ярмича эди. Бошқа сабаблар билан ўлим ҳолатлари ҳам аслида бўлиши лозим даражадан 30–35 % паст эди.

Вульф ёрдамга ўз дўстини, оклахомалик социолог Жон Брунни чақиради. «Мен тиббиётдан таҳсил оладиган талабаларни ва аспирант-социологларни интервью олувчилар сифатида ёлладим ва биз уйма-уй айланиб, барча йигирма бир ёшдан ошган фуқаролар билан суҳбатлашишни бошладик» — эслайди Брун. Бу ҳодисалар эллик йил аввал юз берган, аммо бу тадқиқот ҳақида гапираётганда, Бруннинг овозида ҳозир ҳам ҳайрат сезиларди. На ўз жонига суиқасд, на ичкиликбозлик, на гиёҳвандлик бўлган, ҳатто, жиноятчилик ҳам йўқ ҳисобида эди. Уларда бирор киши нафақахўр эмасди. Кейин биз ошқозон яраси борларни излай бошладик. Бирорта бундай одам топмадик. Маҳаллий аҳоли фақат қариганлиги учунгина вафот этар эди. Ана шунақа, биродар».

Вульфнинг ҳамкасблари розетоликлар учун махсус ном топишарди, одатий мезонларни қўллаб бўлмайдиган, ҳаёти биз ўргангандан бошқача инсонлар, дейишарди. Розето аҳолиси ана шундай ўзига хослар тоифаси эди.

## 2

Дастлаб Вульф розетоликлар Эски Дунёдан олиб келинган ўзига хос диета – парҳезкорликка риоя қиладилар ва шунинг учун улар ҳавас қилгулик соғлиққа эгалар, деб тахмин қилди. Аммо тез орада бу тахминдан воз кечишга тўғри келди. Розето аҳолиси таомларни Италиядаги каби фойдали зайтун мойида эмас, чўчқа ёғида қовурарди. Италияликларнинг пиццаси туз, ёғ, помидор, анчоус ва пиёз солинган юпқагина хамирдан иборат бўларди. Пенсильванияда эса пиццалар сосиска, паперони пишлоғи, сальями, чўчқа гўшти ва тухумлар билан тўлиб тошган, қалин хамирдан иборат эди. Авваллари ширинкулча ва тузланган тешиккулчалар фақат Мавлуд каби байрамларда тановул қилинарди, аммо Розетода одамлар ширинликларни йил бўйи ердилар. Диетологлар розетоликларнинг таомлари таркибини таҳлил қилганларида, улар истеъмол қиладиган калорияларнинг 41 % ёғлардан иборатлиги аниқланди. Қолаверса, бу инсонлар эрталаб турадиган, йога билан шуғулланадиган ёки олти чақирим пиёда юрадиган одамлар эмасди. Уларнинг кўпчилиги паровоз каби тутун чиқариб сигарета чекар ёки семизликдан лопиллаб юрарди.

Хўш, агар сабаб парҳезда ҳам, спортда ҳам бўлмаса, балким ирсиятдадир? Бир шаҳарчадан уммон ортига келган розетоликлар бир-бирлари билан қариндош эдилар ва Вульф уларда касалликларни авж олишга қўймайдиган қандайдир ген борлигини тахмин қилди. У розетоликларнинг АҚШнинг бошқа худудларида истиқомат қиладиган барча қариндошлари тиббий варақаларини ўрганиб чиқди, уларнинг ҳам соғлиғи шунақа бақувват эканми-йўқми, деб текширди. Асло, улар розетоликлар каби мустаҳкам соғлиққа эга эмасди.

Шунда Вульф тадқиқот объекти бўлган розетоликлар яшайдиган жойни ўрганишга киришди. Эҳтимол, шарқий Пенсильваниянинг тоғолди воҳасида яшаш уларнинг соғлиғига шу қадар ижобий таъсир ўтказаеттандир? Розетонинг шундоқ қуйисида, тоғ ёнбағрида Бангор шаҳри жойлашган, Розетодан бор-йўғи бир неча километр нарида қўшни Назарет шаҳарчаси бор эди. Бу шаҳарчаларнинг кўлами деярли Розето билан бир хил, уларда ҳам меҳнатсевар оврўполик

мухожирлар яшашарди. Вульф бу иккала шаҳарча аҳолиси тиббий варақаларини ҳам обдон ўрганди. У ердаги 65 ёшдан ошганлар орасидаги ўлим ҳолатлари розетоликларникидан уч баробар кўп эди.

Вульф қадам-бақадам Розетоликларнинг тилсими парhezда ҳам, спортда ҳам, ирсиятда ҳам ва яшаш жойларида ҳам эмас, деган хулосага келди. Бу сирнинг моҳияти шаҳар ҳаётининг ўзида эди. Шаҳарчада айланар ва унинг аҳолиси билан суҳбатлашар эканлар, Вульф ва Брун Розето шаҳрига тарих солган изларни сеза бошлашди. Улар розетоликлар қандай қилиб бир-бирлариникига меҳмонга боришларини, италянча гап сотишларини ва бир-бирлари учун туҳфалар пиширишларини кузатдилар. Шаҳарнинг ижтимоий тизимини ташкил этадиган улкан сулолалар, уруғ-аймоқлар билан танишдилар. Бир том остида оиланинг уч авлоди яшашини, кексалар ҳурмат-иззат қилинишини ҳис этдилар. Черковдаги ибодатда қатнашдилар ва тақво бир жойга тўпланган инсонларни тинчлантиришига ва биродарлаштиришига гувоҳ бўлишди. 2000 одам истиқомат қиладиган шаҳарчада 22 та жамоавий ташкилот бор эди. Бу шаҳарчада тенглик руҳи яшарди: бойлар ўз бойликларидан кибранмас ва шу билан бирга омади у қадар юришмаган ҳамшаҳарларига ташвишлардан халос бўлишда кўмаклашар эдилар.

Жанубий Италиядан шарқий Пенсильвания тоғлари ёнбағрига юртдошлик маданиятини олиб ўтган розетоликлар барқарор ва ишончли ижтимоий тизим барпо этдилар ва бу жамоавий инсоний муҳит замонавий дунёнинг балоларидан уларни асраб келарди. Уларнинг соғлиқлари юртдошлари мўъжазгина тоғ шаҳарчасида яратган тинчлик муҳити туфайли сақланган эди. «Сен Розетога ташриф буюрасан ва тушлик дастурхони атрофида оиланинг уч авлоди бирга ўтирганлигини, нонвойхоналарни, кўчаларда айланиб юрган ёки ўриндиқларга ўтириб, бир-бири билан гап сотаётган одамларни кўрасан, эрлари сланец конларида меҳнат қиляётган пайтда кундузлари тикувчилик цехларида кийим-кечак тикаётган аёлларни кўрасан, — деб ҳикоя қиларди Брун. — Худди шу нарсани сен Италиянинг қишлоқ жойларида ҳам кўришинг мумкин. Бу чинданга ҳайратга соладиган томоша».

Брун ва Вульф ўз тадқиқотлари натижаларини тиббий жамоатчиликка ҳавола этганларида қанчалик ишончсиз-

лик, қаршиликларга дуч келганликларини тасаввур қиларсиз. Улар ҳамкасблари мураккаб жадвалларга тўла, қандайдир генлар, мураккаб физиологик жараёнлар баён этилган кўпсаҳифали маълумотларни ҳавола этадиган анжуманларда қатнашардилар. Брун ва Вульф эса кўчада гап сотиб юрган ва бир оилада уч авлод битта уйда яшайдиган қанақадир сирли одамларнинг соғлиғи ҳақида сўзлашарди. Анъанавий назариялар бизни шунга ишонтирарди: узоқ яшаш бизнинг ўзимизга боғлиқ, бизнинг ирсиятимизга, қанақа қарорлар қабул қилишимизга асосланади. Саломатлик нималарни истеймол қилишимиз, спорт билан қанчалик изчил шуғулланишимиз, сифатли тиббий ёрдамни олишимизга боғлиқ, дейишарди улар. Чунки биз саломатликни *маданият* кесимида кўришга одатланмаганмиз.

Брун ва Вульф тиббий жамоатчиликни соғлиқ ва юрак хасталикларига янги нуқтаи назардан қараш зарурлигига ишонтиришлари керак эди. Шунинглаш лозим эдики, агар алоҳида олинган қарорлар ва хатти-ҳаракатлар билан изоҳласак, биз узоқ умр кўриш сабабларини аниқлай олмаймиз. Бир инсонни ўрганишнинг ўзи етарли эмас. Унинг қандай маданиятга алоқадорлигини, унинг дўстлари ва қариндошлари кимлигини, улар қай манзилда туғилганлигини тушуниш ҳам керак. Биз яшаётган дунёнинг қадриятлари ва атрофимиздаги одамлар бизнинг шахсимизда чуқур из қолдиришини англаб етишимиз ва чуқур идрок этишимиз керак. Мазкур китобда мен омад ва мувафқиятнинг манбаларини англаш учун Брун ва Вульф саломатлик манбасини англаш учун бажаргани каби ишларни амалга ошираман.

I ҚИСМ  
**ИМКОНИЯТ**



## 1-БОБ

**Матфей эффекти**

«Бу ерда ҳатто статистик таҳлил ҳам шарт эмас! Шундоғам ҳаммаси яққол кўриниб турибди»

## 1

2007 йил май ойининг илиқ бир кунида Ванкуверда, Британ Колумбиясида «Медисин-Хат Тайгерс» ва «Ванкувер Жайнтс» жамоалари ўртасида хотира кубоги ўйналди. «Тайгерс» ва «Жайнтс» — Канада хоккей лигасининг икки машҳур хоккей жамоалари, дунёдаги энг навқирон ва кучли ўсмирлар хоккей командаларидир. Уларда спортнинг бўлғуси юлдузлари — 17, 18 ва 19 ёшли ўсмир ва ёшлари ўйнайди, бу болалар оёқда юра бошлаганиданок конкига чиқади ва шайба ирғитади.

Ўйин миллий телевидениеда олиб кўрсатилади. Ванкувер кўчаларининг икки ёнида реклама тахталарида соврин ўйналиши ҳақида эълонлар осилган. Ўйингоҳ минбарларида бўш ўрин қолмаган. Муз устига қизил гилам тўшалди ва шарҳловчи иштирок этаётган мансабдор шахсларни таништира бошлади. Биринчи бўлиб Британ Колумбиясининг Бош вазири Гордон Кэмпбелл пайдо бўлди. Ундан сўнг гулдурос қарсақлар остида афсонавий ўйинчи бўлган Горди Хоу чиқди. «Хонимлар ва жаноблар, — хабар берди шарҳловчи, — кутиб олинг, қаршингизда — жаноб Хоккей!»

Кейинги бир соат давомида жамоалар ёрқин, аيني пайтда тажовузкор ўйин намойиш қилдилар. Марио Близнак ҳаракати билан иккинчи давра бошида «Жайнтс» биринчи голни киритди. Шу давранинг охирида «Жайнтс» дарвозабони Тайсон Сексмит «Тайгерс»нинг очколар бўйича етакчи ўйинчиси Даррен Хелмнинг шайбасини ўтказиб юборди ва «Тайгерс» баланд келди. «Жайнтс» жамоаси учинчи чоракда ўзларини оқлашди ва иккинчи голни киритишди, кейин

«Тайгерс» дарвозабонининг астойдил уринишларига қарамасдан, учинчи зарба ҳам дарвоза тўрига тушди.

Ўйин тутагач, ғолиб жамоанинг ечиниш хонасида ўйинчилар, уларнинг яқинлари ва спорт журналистлари тўпланишди. Хона ҳавоси сигарета тутунига, шилта ҳўл бўлган хоккей кийимидан таралган тер ва шампан шароби ҳидига тўлганди. Деворда қўлда ёзилган плакат осифлиқ ва унда: «Жангта киришгин» – деган ёзув. Хонанинг ўртасида «Жайнтс» мураббийси Дон Хейес. Унинг кўзларида ёш милтирарди. «Мен ўз йигитларим билан фахрланаман! Уларнинг чехрасига бир қаранг, уларнинг ҳаммаси бор кучини сарфлади!»

Канада хоккейи меритократия<sup>1</sup> тамойилларига қурилган. Минглаб канадалик болалар ҳали боғча ёшида ҳаваскорлик спортига қадам қўядилар. Бу ёшдагилар учун ҳам, қолган бошқа ёшдагилар сингари, алоҳида лига мавжуд ва ҳар бир лигада ўйинчилар баҳолаб борилади ва сараланади. Фақат энг яхшилар кейинги даражага кўтариладилар. Ўсмирлар юниорлик даражасига етганларида, уларни тўрт тоифага бўлишади. Бу тоифаларни ҳаваскорлик лигалари деб атайдилар. Junior B тоифасига кичкина жайдари шаҳарчаларнинг жамоалари киради. Кейинги, ундан юқорироқ поғона — Junior A, эҳромнинг тепасида Major Junior A туради. Агар Major Junior A синфидаги жамоа Хотира соврини ўйинларида иштирок этса, у энг юқорига кўтарилган бўлади.

Спортнинг бошқа кўплаб турларида ҳам шунга ўхшаш танлов тизимлари амал қилади. Европада ва Жанубий Америкада бу футбол учун стандарт бир амалиётдир; Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун спортчиларни ҳам худди шундай саралаб олишади. Шу йўсинда давом эттирадиган бўлсак, мумтоз мусиқада бўлғуси мохир мусиқачилар, балетда – балериналар, таълим тизимида – бўлғуси олимлар ва заковатли элита ҳам худди шу тарзда танлаб олинади. Энг зўрларни ва истеъдоддиларни танлаб олиш ҳамда вояга етказишга интилишда биз тўрни янада кенг ёямиз ва танловни имкон қадар эрта ўтказишга интиламиз.

1 Меритократия — (сўзма-сўз таржимада «муносиблар ҳокимияти»), лотинча *meritus* — муносиб ва бошқалар. — юнонча. *критоc* — ҳокимият, бошқарув) — шундай бошқарув тамойилики, унга кўра, ижтимоий келиб чиқиши ёки молиявий иқтидорига қарамасдан, энг қобилиятли инсонлар раҳбар лавозимларига ўтиришлари керак. (Тахририят изоҳи).

Major Junior A гуруҳида жойни пул билан сотиб олиб бўлмайди. Бунда сизнинг отангиз ким, онангиз ё бобонгиз ким эканига қаралмайди, оилангиз қанақа бизнесга эгаллиги ҳам аҳамиятсиздир. Ё сизнинг Канаданинг энг шимолий минтақасидаги гадойтопмас бир овлоқда яшашингиз ҳам ҳеч кимга қизиқ эмас. Агар истеъдодингиз бўлса, ортингиздан спорт ёлловчиларининг бир тўдаси овлаб юради, агар сиз ўзингизнинг қобилиятингизни ривожлантиришга тайёр бўлсангиз, тизим сизнинг хизматингизга муносиб баҳоберади. Ҳоккейда омадни фақат шахсий фазилатларингизгина келтиради, бу ерда иккала сўз ҳам муҳим. Ўйинчиларни ўз шахсий ишига қараб баҳолашади ҳамда қандайдир бошқа омиллар эмас, айнан қобилиятларингиз асосида хулоса чиқаришади.

Ёки бошқача ҳам бўлиши мумкинми?

## 2

Бу китоб ғайритабиий, кутилмаган хатти-ҳаракатларга қодир инсонлар ҳақидадир. Хулқ-атвори ва эришган муваффақиятлари биз ўрганиб қолган тушунчалар доирасидан чиқадиган, олимлар «ўзига хослар» деб атайдиган инсонлар ҳақидадир.

Кейинги бобларда мен сизга даҳолар, бизнесменлар, рок юлдузлари ва компьютер дастурловчилари ҳақида ҳикоя қиламан. Биз омадли адвокатларнинг тилсимларини очамиз, самолётни ҳалокатга учратганлардан ҳаққоний учувчилар нимаси билан фарқланишини билиб оламиз, осиеликлар нима сабабдан математикада бошқалардан кўра кучлироқ эканини аниқлаймиз. Ноодатий инсонларнинг ҳаётини ўрганиш жараёнида мен ютуқларнинг манбалари ҳақидаги биз ўрганиб қолган одатий тасавурларимиз хато эканини исботлаб беришга ҳаракат қиламан.

Омади кулган инсонлар нега бизни қизиқтиради? Нега биз уларнинг аслида қанақа эканлигини билгимиз келади, уларнинг хулқ-атвори қандай, улар қанчалик билимга эга, қандай ҳаёт кечиришади, табиат уларга қандай истеъдодлар ато этган? Бизнинг тасавурларимизга кўра, айнан шахсий фазилатлари бу одамларга омаднинг, муваффақиятнинг чўққисига чиқишга кўмаклашган.

Ҳар йили миллиардерлар, тадбиркорлар, рок юлдузлари ва бошқа машҳурлар номидан нашр этиладиган автобиографияларда ҳамиша айнан битта сюжет йўналиши кузатилади: оддийгина оиладан чиққан ўсмир ўзининг тиришқоқлиги ва истеъдоди туфайли муваффақият йўлини очган бўлади. Акалари томонидан қул қилиб сотиб юборилган Юсуф донишмандлиги ва заковати сабаб Фиръавннинг энг яқин ёрдамчиси даражасигача кўтарилади. XIX аср ёзувчиси Горацио Элжер романларида Нью-Йорклик қашшоқликда ўсган болакайлар мардлиги ва тадбиркорлиги туфайли алал-оқибат йирик бойларга айланадилар. «Ўйлайманки, бу аслида камчилик, қусурдир», — Америка Президентининг ўғли, акаси ва Уолл-Стритдаги банк соҳибининг набираси бўлиш қанақа бўлади ҳамда бу бўлғуси мартабада қандай акс этади, деган саволга бир пайт Жей Буш шундай жавоб берган эди. Флорида губернатори лавозимига номзодлик қилар экан, у ўзини доимо ҳамма нарсага ўзи эришган инсон деб тақдим этарди. Бу биз қанчалик ʼз ютуқларимизни ўз фазилатларимиздан деб қатъий билишимизни кўрсатиб турибди. Биз ғайришуурий бир тарзда юксак ютуқларни инсоннинг шахсий ўзига хосликлари билан боғлаб тушунтиришга интиламиз.

Бироқ мен «Зукколар ва ландавурлар» номли бу китобимда муваффақият сирларини фақат шахсий ўзига хосликлар билан боғлаш шарт эмаслигини исботлашни истайман. Шахсий фазилатлар юксак муваффақиятларнинг ҳаққоний табиатини тушунтиролмайди ва ўзига хос одамлар бошқалардан нимаси билан ажралиб туради? — деган асосий саволга жавоб беролмайди. Менинг фикримга кўра, уларнинг шахсий фазилатлари билангина қизиқишнинг ўзи тўғри эмас, бошқа омилларга кўпроқ эътибор бериш лозим. Бу одамлар қаердан пайдо бўлди? Уларнинг болалиги қандай шароитларда ўтган? Улар қаерда вояга етганлар? Қандай оилада? Қайси авлод вакиллари? Уларнинг хулқ-атвори қандай ўзига хос вазиятларда ва қанақа омиллар таъсирида шаклланган?

Мазкур китоб саҳифаларида биз шундай ўзига хос ғояни ишлаб чиқамиз-ки, унга кўра инсон учун муваффақиятга эришишда қулай имкониятлар, омадди вазиятлар, оила ва маданий мерос қандай ўрин тутишини баҳолаймиз. Бу ишни бошлаш учун хоккей бизга ажойиб бир мисол бўлиб хизмат

қила олади, чунки бу спорт туридаги ютуқлар бир қараганда кўрингани каби осон, тушунтирилиши эса, имконсиздир.

## 3

Қуйида 2007 йилдаги «Медисин-Хат Тайгерс» жамоа-си иштирокчиларининг рўйхати келтирилади. Бу рўйхатга диққат билан қаранг: кўзингизга ғалати бир ҳолат намоён бўлмаяптими?

№	Фамилияси, исми	Позицияси	Дастакни ушлаши	Бўйи	Вазни	Туғилган санаси
9	Бреннан Бош	Марказий хужумчи	Ўнг	5.7	170	14 февраль 1988 й
11	Скоп Уосден	Марказий хужумчи	Ўнг	6.1	201	4 январь 1988 й
12	Колтон Грант	Чап қанот хужумчиси	Чап	5.9	175	20 март 1989 й
14	Даррен Хелм	Чап қанот хужумчиси	Чап	6.0	182	21 январь 1987 й
15	Дерек Дорсетт	Ўнг қанот хужумчиси	Чап	5.11	178	20 декабрь 1986 й
16	Дейн Тодд	Марказий хужумчи	Ўнг	5.10	168	10 январь 1987 й
17	Тайлер Суистан	Ўнг қанот хужумчиси	Ўнг	5.11	180	15 январь 1988 й
19	Мэтт Лоури	Марказий хужумчи	Ўнг	6.0	184	2 март 1988 й
20	Кевин Андершут	Чап қанот хужумчиси	Чап	6.0	187	12 апрель 1987 й
21	Жеррид Сауер	Ўнг қанот хужумчиси	Ўнг	5.10	207	12 сентябрь 1987 й
22	Тайлер Эннис	Марказий хужумчи	Чап	5.9	155	6 октябрь 1989 й
23	Жордан Хикмогт	Марказий хужумчи	Ўнг	6.0	181	11 апрель 1990 й
25	Якуб Рампел	Ўнг қанот хужумчиси	Ўнг	5.8	166	27 январь 1987 й
28	Бреттон Камерон	Марказий хужумчи	Ўнг	5.11	170	26 январь 1989 й


№	Фамилияси, исми	Позицияси	Дастакни ушлаши	Бўйи	Вазни	Туғилган санаси
36	Крис Стивенс	Чап қанот хужумчиси	Чап	5.10	197	20 август 1986 й
3	Горд Болдуин	Ҳимоячи	Чап	6.5	205	1 март 1987 й
4	Девид Шлемко	Ҳимоячи	Чап	6.1	195	7 май 1987 й
5	Тревор Гласе	Ҳимоячи	Чап	6.0	187	22 январь 1988 й
10	Крис Рассел	Ҳимоячи	Чап	6.11	177	2 май 1987 й
18	Майкл Сауэр	Ҳимоячи	Ўнг	6.3	205	7 август 1987 й
24	Марк Ишервуд	Ҳимоячи	Ўнг	6.0	180	31 январь 1989 й
27	Шейн Браун	Ҳимоячи	Чап	6.1	189	20 февраль 1989 й
29	Жордан Бендфельд	Ҳимоячи	Ўнг	6.3	230	9 февраль 1988 й
31	Райан Холфелд	Дарвозабон	Чап	5.11	165	20 июнь 1989 й
33	Мэтт Китли	Дарвозабон	Ўнг	6.2	189	27 апрель 1986 й

Сезмадингизми? Сезмаган бўлсангиз, хафа бўлманг, ахир кўп йиллар мобайнида буни дунёда ҳеч ким сезмаган. Канадалик руҳшунос Рожер Барнсли 1980-йиллар ўртасида нисбий ёш феноменига эътиборни қаратган илк инсон бўлди.

Барнсли турмуш ўртоғи Пола ва икки ўғли билан Жанубий Альбертада ўтган «Летбриж Бронкос» жамоаси ўйинида иштирок этиб уни бевосита томоша қилган. Бу жамоа «Ванкувер Жайнтс» ва «Медисин-Хат Тайгерс» каби Major Junior А лигасига кирган жамоа эди. Ўйин дастурига кўз ташлаётиб, Пола жамоа таркибини кўриб қолади. Ҳа, худди сиз ҳозир кўргангиз сингари рўйхатни кўради.

— Рожер, — дейди у эрига, — биласанми, бу йигитлар қачон туғилган?

— Уларнинг бари ўн олти ёшдан то йигирма ёшгача бўлган йигитлар, тахмин қиламанки, удар саксонинчи йилларнинг охирларида туғилган, — жавоб берилади.



— Мен қайси ойда туғилганини айтяпман.

«Мен хотиним талмовсираяпти, деб ўйладим, (кейинчалик Барнсли шундай ҳикоя қилганди.) — Аммо ўзим ҳам қараб кўргим келди ва Пола айтган жиҳат дарҳол кўзга ташланди. Қандайдир тушунарсиз бир сабабга кўра, рўйхатдагиларнинг аксарияти январь, февраль ва март ойида туғилганлар эди».

Кечқурун уйга қайтгач, Барнсли ўзи топа олган барча маълумотномалардаги малакали хоккей ўйинчиларининг туғилган кунларини текшириб чиқди. Қонуният яққол кўзга ташланиб турарди. Барнсли хотини ва ҳамкасблари ёрдамида Онтарио Хоккей лигасининг барча ўйинчиларига оид маълумотномаларни йиғди. Яна ўша ҳолат. Ўйинчиларнинг аксарияти январда туғилган. Иккинчи энг кўп учрайдиган ой февраль эди. Учинчиси — март. Барнсли шуни аниқладикки, Онтарио Хоккей лигасининг январда туғилган ўйинчилари сони йил охирида, ноябрда туғилганлардан беш ярим баробар кўп эди. У ўйинчиларнинг ёши 11 ва 13 атрофида бўлган кучли жамоаларни ўрганиб чиқди. Бу юлдуз таркибли элитага оид жамоаларга танлаб олинадиган ўсмир ўйинчилар эди. Яна ўша ҳолат. Миллий Хоккей лигасини ўрганишга навбат келди. Бу ерда ҳам ўша вазият. Барнсли маълумотларни қанчалик чуқур ўргангани сари шунга ишончи комил бўлдики, бу тасодифий мутаносиблик эмас, бу Канада хоккейининг темир қонуни эди. Исталган сара гуруҳдаги ўйинчиларнинг 40 фоизга яқини январь ва март ойи ўртасида туғилган эди, 30 фоизи — апрель ва июнь ўртасида, 20 фоизи — июль ва сентябрь ўртасида ва фақат 10 фоизигина — октябрь ва декабрь ўртасида таваллуд топган.

«Рухшунос бўлиб ишлаган шунча йиллик меҳнат фаолиятим давомида бу қадар кенг кўламли омилни бирор марта учратмаганман, — иқрор бўлади олим. — Бу ерда ҳатто статистик таҳлил ҳам шарт эмас! Шундоғам ҳаммаси яққол кўришиб турибди».

Энди «Медисин-Хат Тайгерс» жамоаси таркибига яна бир марта назар ташланг. Кўряпсизми? Йигирма бешта ўйинчидан ўн еттитаси январь, февраль, март ёки апрелда туғилган.

Энди қуйида мен Хотира соврини финалидаги дастлабки иккита голнинг батафсил баёнини келтираман, фақат бу гал ўйинчиларнинг исмлари ўрнига уларнинг туғилган кунла-

рини кўяман. Энди бу ёшлар хоккей жамоалари ўртасидаги чемпионатга эмас, Жадий, Далв ва Балиқ мучаллари ўртасида ўтказилган ғалати спорт маросимини эслатади.

Ўн иккинчи март «Тайгерс» дарвозасини айланиб ўтади, шайбани жамоодошига, 4 январга узатади, у ўз навбатида 22 январга оширади, у эса, ўз навбатида, шайбани 12 мартга йўллайди. У эса бир зарба билан шайбани «Тайгерс» дарвозасига йўналтиради, дарвозада 27 апрель турарди. Дарвозабон шайбани қайтаради, «Жайнтс»даги 6 март шайбани эгаллаб олиб, яна дарвозага томон йўл олади! «Медисин-Хат Тайгерс» ҳимоячилари, 9 февраль ва 14 февраль, унинг йўлини тўсиш учун ташланишади, айни пайтда 10 январь уларни кузатиб турарди. Олтинчи март гол уради!!!

Энди иккинчи даврага ўтамыз.

«Медисин-Хат Тайгерс»нинг навбати келди. Очколарга кўра уларнинг етакчиси, 21 январь, майдоннинг ўнг томонида ҳаракат тез қилмоқда. У тўхтаб қолади, «Жайнтс»нинг ҳимоячиси, 15 февралдан қочиш учун ўтирилади ва чаққонлик билан шайбани жамоодошига, 20 декабрга узатади. Мана, буни узатиш деса бўлади! Унинг шиддатини кўринг! Хужум қилаётган ҳимоячидан, 17 майдан қочиб, 20 декабрь шайбани ортга, 21 январга узатади. У зарб билан шайбани уради! «Жайнтс» ҳимоячиси, 12 март, зарбани қайтариш учун олдинга интилади. «Жайнтс» дарвозабони, 19 март, шайбага ташланади, аммо бу бефойда эди. Шайба дарвозада эди, 21 январь ғолибларга хос виқор билан кўлларини ёзади. Жамоодоши, 2 май, қувончдан унинг елкасига чиқиб олади.

#### 4

Буларнинг барчасини осонгина тушунтирса бўлади, улар на илми нужум билан ва на дастлабки уч ойнинг сеҳру жодуси билан боғлиқ эмас. Гап шундаки, Канадада ёшга оид хоккей гуруҳларига ўйинчи танлаш 1 январда ниҳоясига етади. Бошқача айтганда, бола 9 ёшлилар гуруҳига тушиши учун у 1 январгача тўққиз ёшга тўлган бўлиши лозим. Агар 2 январда ўн ёшга тўлса, у ўзининг ўн ёшга тўлган кунини деярли декабрда нишонлайдиган болалар билан бир гуруҳда ўйнайди. Мазкур ўспиринлик арафасида тургай ёшда эса 12 ойлик



фарқ ўспириннинг жисмоний ҳолатида сезиларли тафовут бўлишини англатади.

Канадада, дунёнинг энг хоккейсевар мамлакатида, мураббийлар сара гуруҳларга болаларни айнан тўққиз-ўн ёшларида саралаб олишади ва, табиийки, ҳал этувчи бир неча ойда афзалликка эга бўлган, бўйи баландроқ ва чаққонроқ болани танлашади.

Юлдузли таркибга эга жамоага ўйинчи танлаб олинса, нима юз беради? У билан энг яхши мураббийлар шуғулланишади, у жуда кучли ўртоқлари билан ўйнайди ва бундан ташқари, мавсумда «уйдаги» лигада қолган ўртоқлари каби 20-ўйинда эмас, 50-70 ўйинда ўйнайди. Унинг икки, ҳатто уч баробар кўпроқ меҳнат қилишига тўғри келади. Агар бошида унинг афзаллиги ёшдаги озгина фарқ бўлса, 13-14 ёшларга келиб, энди у юқори тоифали таълим ва қўшимча амалиёт туфайли катта маҳоратга эга бўлади ҳамда унинг Канада хоккей лигасига танлаб олинишда, у ердан эса катталар гуруҳига ўтишда имконияти кўпаяди.

Канадада хоккей ўйинчиларини танлаб олиш усули — социолог Роберт Мертон «ўз-ўзидан амалга ошадиган башорат» деб атаган ҳодисанинг яққол намунаси, бу вазиятда «сохта танлаш ўз ортидан янги хулқ-атворни келтириб чиқаради ва у нотўғри танлашни «ҳаққоният»га айлантиради». Канадаликлар тўққиз-ўн ёшлилар ўртасида ким яхши ўйинчи эканини аниқлашда нотўғри асосга эгадирлар. Улар яхшиларни эмас, ёши бир неча ойда бўлса-да каттароқларни танлаб олишади. Аммо бу «юлдуз»ларни ўқитиш давомида дастлабки хато асос алал-оқибат тўғри бўлиб кўринади. Мертон айтганидай: «Ўз-ўзидан амалга ошадиган башоратнинг алдамчи тарзда асосланганлиги янги хатолар босими келтириб чиқаради. Зеро башоратчи ўзининг аввалдан ҳақлигига далил сифатида ходисаларнинг ҳаққоний ривожини кўрсатиб боради».

Бу фавкулдада ҳодисани баён этар экан, Мертон «Матфей эффекти» атамасини ишлатади, бу атама Янги Аҳддаги Матфейнинг муқаддас даъватномасидан келиб чиққан: «Зеро кимда бўлса, унга яна берилади ва кўпайтирилади, кимга берилмаган бўлса, ундан бори ҳам тортиб олинади». Айнан омадли инсонларнинг олдида кўпинча яна янги имконият эшиклари очилади ва уларни янада катта ютуқларга олиб

боради. Айнан бой инсонлар юқори солиқ имтиёзларига эга бўлади. Муаллимлар айнан яхши талабаларга янада кўпроқ эътибору билим берадилар. Айнан энг ёши катта тўққиз ва ўн ёшлилар энг яхши мураббийлардан таълим олиб, маҳоратларини оширадилар.

Барнслининг таъкидлашига кўра, Матфей эффекти учта омил мавжудлигида: ажратилиш, тақсимлаш ва дифференциялашган тажрибада намоён бўлади. Агар сиз ўйинчиларнинг лаёқатлилиги ёки лаёқатсизлиги ҳақидаги қарорни улар навниҳол пайтида қабул қилсангиз, «истеъдоддилар»ни «истеъдодсизлар»дан ажратсангиз ва биринчиларига сифатли тажриба орттириш имконини берсангиз, ўспиринларнинг танлов тутаган санага яқинроқ таваллуд топган кичик бир гуруҳини улкан афзаллик билан тақдирлаган бўласиз.

Америка Кўшма Штатларида на футболда, на баскетболда бу муаммони кузатмайсиз. У ерда ажратиш, тақсимлаш ва дифференцияга кўп эътибор беришмайди. Бунинг натижасида у қадар жисмоний ривожланмаган бола ҳам бу спорт турлари билан катта тенгдошлари ёнида, биргаликда шуғуллана олади. Фақат бейсболда бунақа эмас. Америкада амалда барча мактабдан ташқаридаги бейсбол лигаларига танлов 31 июлда тугалланади. Бу шуни англатадики, етакчи лигаларнинг аксарият ўйинчилари туғилган кунларини августда нишонлайдилар. (Рақамлар ҳайрон қолдирмай қўймайди: 2005 йил маълумотларига қараганда, асосий бейсбол лигаларининг барча ўйинчиларидан 505 нафари августда туғилган.)

Европа футболда ҳам Канада хоккейи ва Америка бейсболиники каби худди шундай қоидалар амал қилади: спортнинг бу турида ҳам тақсимот туғилиш санаси билан боғлиқдир. Англияда танлов 1 сентябрда яқунланади, шунинг учун бир-икки йил аввал Англия Премьер-лигасида сентябрь ва ноябрь ўртасида туғилган 288 футболчи ўйнади ва фақат 136 ўйинчи июнь ва август орасида туғилганлардан иборат бўлган. Халқаро футболда саралаш авваллари 1 августда яқунланган ва шунинг учун яқинда ўтган ўсмирлар чемпионатида 135 ўйинчи 1 августдан кейинги дастлабки уч ойда туғилган ҳамда фақат 22 ўйинчи май, июнь ва июлда таваллуд топган. Бугун саралаш санаси 1 январга кўчирилган. Чехословакиянинг юниорлар ўртасидаги 2007 йилги чемпио-

нати финалига чиққан ўсмирлар терма жамоаси таркибини кўздан кечиринг.

№	Фамилияси, исми	Туғилган санаси	Позицияси
1	Марсел Геков	1 январь 1988 й	Ярим ҳимоячи
2	Фридрих Лудек	3 январь 1987 й	Дарвозабон
3	Петр Йанда	5 январь 1987 й	Ярим ҳимоячи
4	Якуб Дохналек	12 январь 1988 й	Ҳимоячи
5	Якуб Марес	26 январь 1987 й	Ярим ҳимоячи
6	Михаль Хелд	27 январь 1987 й	Ҳимоячи
7	Марек Стрестик	1 февраль 1987 й	Ҳужумчи
8	Йири Валента	14 февраль 1987 й	Ярим ҳимоячи
9	Ян Симунек	20 февраль 1987 й	Ҳимоячи
10	Томас Оклестек	21 февраль 1987 й	Ярим ҳимоячи
11	Лубос Калуда	21 февраль 1987 й	Ярим ҳимоячи
12	Петр Радек	24 февраль 1987 й	Дарвозабон
13	Ондрей Мазух	15 март 1989 й	Ҳимоячи
14	Ондрей Кудела	26 март 1987 й	Ярим ҳимоячи
15	Марек Сухи	29 март 1988 й	Ҳимоячи
16	Мартин Фенин	16 апрель 1987 й	Ҳужумчи
18	Томас Пехарт	26 май 1989 й	Ҳужумчи
19	Лукас Кубан	22 июнь 1987 й	Ҳимоячи
20	Томас Чихлар	24 июнь 1987 й	Ҳимоячи
21	Томас Фристак	18 август 1987 й	Дарвозабон
22	Томас Микола	26 сентябрь 1988 й	Ярим ҳимоячи

Кўриниб турибдики, терма жамоага саралаб олиш пайтида чех футбол мураббийлари ёз ўртасидан кейин туғилган барча футболчиларга жомадонини йиғиштириб, уйга раво-на бўлишларини тавсия этганлар.

Бироқ хоккей ва футбол фақат спорт ўйинларидир, унда камчилик саралашда намоён бўлади. Бироқ худди шу каби мутаассиблик жуда жиддий аҳамиятга эга соҳаларда, масалан таълим соҳасида ҳам тарқалган. Фарзандлари ўқув йилининг охирида туғилган ота-оналар кўпинча бироз кутадилар ва болаларини кейинги мавсумда мактабга берадилар: чунки беш ёшли бола ўздан ёши бир неча ойга каттароқ болалар билан баробар югура олмайди. Бироқ, тахмин қилишимча, ота-

оналарнинг аксарияти болакай бошида бир қадар ноқулай вазиятга тушса ҳам, кейинчалик катталарга етишиб олади, деб ўйлайдилар. Етиб ололмайди. Ҳаммаси хоккейдаги каби бўлади. Йил бошида туғилган боланинг йил охирида туғилган бола олдида ривожланишдаги озгина олдиндалиги узоқ вақт сақланиб қолади. Бу фарқ болаларни академик ютуқлар борасида паст ўзлаштиришнинг, рағбатлантириш борасида эса тушкун тахмин-гумонларнинг тор доирасига солади.

У қадар узоқ бўлмаган, шу яқин йилларда икки иқтисодчи — Келли Бедард ва Элизабет Дюи — TIMMS (математика ва табиий фанлар бўйича бутун дунёда ҳар тўрт йилда бир ўтказиладиган) тестларида олинган баллар ўқувчининг туғилган санасига боғлиқми-йўқми эканини аниқлашга қарор қилдилар. Улар аниқлашича, тўртинчи синф ўқувчилари орасида ёши катта болалар кичик ёшли болаларга қараганда тўрт-ўн икки балл юқори баҳо олган. Дюининг сўзларига қараганда, «бу жуда улкан тафовут». Бу шунинг англатадики, интеллектуал ривожланиши бир хил бўлган иккита танлов якунланиш санасидан икки қарама-қарши ойларда туғилган тўртинчи синф ўқувчисидан ёши каттароғи 80 фоизлик балл олган бир пайтда, ёши кичик бола — 68 балл олади. Ахир саралаб олишда боланинг истейдод даражаси шу кўрсаткичларга қараб баҳоланади.

«Ҳаммаси спортдагидай, — дейди Дюи. — Биз ростдан ҳам болаларни жуда ёшлигидан қобилиятига қараб турли гуруҳларга бўламиз. Бизда ўқиш ва математика бўйича алоҳида илғорлар гуруҳлари бор. Бироқ, болалар боғчаларида ва биринчи синфларда болаларни баҳолаётган экан, кўпчилик мураббийлар боланинг жисман ривожланганлиги билан қобилиятларини адаштириб юборадилар. Шунинг учун ёши биров катта болалар илғорлар гуруҳларига тушишади, у ерда яна бошқалардан яхшироқ кўникмаларга эга бўладилар; илғор, элита гуруҳларда шуғулланганлиги туфайли улар кейинги йилда янада юқори натижаларни кўрсатадилар. Яна бир йил ўтгач, тарих такрорланади ва уларнинг натижалари янада яхшиланади. Бундай ажратиш амалиётини қўлламайдиган ягона мамлакат — Даниядир. У ерда ўн ёшгача болаларни қобилиятига қараб ажратиш ман этилган». Данияда ёш ўртасидаги тафовутлар текисланиб кетгунча кутишни афзал кўришади.

Дюи ва Бедард худди шундай тадқиқотни коллеж талабалари ўртасида ҳам ўтказганлар. Натижалар қандай бўлган? Американинг тўрт йиллик таълимга эга юқори босқич коллежларида — гуруҳнинг ёши кичикроқ қисмига кирадиган талабалар бор-йўғи 11,6 фоизни ташкил этадилар. Ривожланиш ва ёшдаги дастлабки тафовутлар йиллар ўтгач ҳам йўқолиб кетмайди. Улар сақланиб қолади. Ва минглаб талабалар учун бу уларнинг коллежга кириш-кирмаслигини — келажак учун жиддий қадамлар қўйиш-қўймаслигини ҳал қиладиган ҳодисага айланади.<sup>2</sup>

## 5

Нисбий ёш эффектнинг қандай таъсир кўрсатишини ўйласанг, дамнинг ичингта тушиб кетади. Канада хоккей лигасининг ўйинини кузата туриб, қаршингда ростдан ҳам энг яхшилар ўйнаётганига ишонгнинг келади. Лекин аслида бундай эмас. Энг истеъдоддиларни топишга чоғланган тизим, атайлаб бўлмаса-да, йилнинг муайян фаслида туғилганларга улкан афзаллик ҳавола этади. Нега йилнинг айнан шу қисми энг яхши деб эътироф этилади? Бунинг учун бирорта ҳаққоний сабаб мавжуд эмас. Бу тизимнинг бир инжиқлигидир, бундан бошқа сабаб йўқ.

«Менинг назаримда, бу аҳмоқлик, — дейди Дюи. — Ақлга сиғдириш қийин: саралашнинг охириги муддатини ўзбошимчалик билан танланиши ва унинг бу қадар жиддий оқибатларни келтириб чиқариши билан ҳеч кимнинг иши бўлмапти».

Нисбий ёш эффекти одамни хавотирга солади, чунки ким афзаллик олишини белгиловчи тизимнинг ўзи номукамалдир. Бизнинг назаримизда, гўё илғорлар лигасида ёки истеъдодли ёшлар гуруҳларида иштирок этиш бирорта ёш истеъдод элақдан тушиб кетмаслигига кафолат берадигандай туюлади. Бироқ чехлар жамоасининг рўйхатига яна

2 Яна бир ижтимоий феномен нисбий ёш билан боғлиқдир. Барнсли ва унинг икки касбдоши шуни аниқладиларки, ўз жонига қасд қилишга уринадиган талабаларнинг аксарияти ўқув йилининг иккинчи ярмида туғилган эканлар. Олимлар буни фанларни ўзлаштиришдаги паст даража депрессияни келтириб чиқариши билан изоҳладилар. Тўғриси, бу ерда таъсир спортдаги каби яққол кўринмайди.

бир марта боқинг. Унда июлда, октябрда, ноябрда ва декабрда туғилган бирорта ўйинчи йўқ, биттадан август ва сентябрда туғилган ўйинчи бор. Йилнинг иккинчи ярмида дунёга келганларни назарга олишмаган, рад этишган ёки катта спорт оламига қўйишмаган. *Истеъдодли чех спортчиларининг деярли ярмига талабгор бўлмаган.* Йилнинг иккинчи ярмида туғилиш чекига тушган ёш чех спортчиси нима қилсин? Футболда унинг йўли берк. Вазият унинг фойдасига ишламайди. Эҳтимол, у чехлар жуда яхши кўрадиган бошқа спорт турига — хоккейга бориши керакдир? Ўзингизни босинг, биродар. (Мақсадга яқин келаётганимизни билиб турганингизга ишончим комил). Энди эътиборингизга 2007 йилги жаҳон чемпионатида бешинчи ўринни олган Чехословакия ёшлар хоккей терма жамоаси таркибини ҳавола этаман.

№	Фамилияси, исми	Туғилган санаси	Позицияси
1	Девид Кветон	3 январь 1987 й	Ҳужумчи
2	Йири Сухи	3 январь 1988 й	Ҳимоячи
3	Михаил Коларз	12 январь 1987 й	Ҳимоячи
4	Якуб Войта	8 февраль 1987 й	Ҳимоячи
5	Якуб Киндл	10 февраль 1987 й	Ҳимоячи
6	Михаил Фролик	17 февраль 1989 й	Ҳужумчи
7	Мартин Ханзаль	20 февраль 1987 й	Ҳужумчи
8	Томас Свобода	24 февраль 1987 й	Ҳужумчи
9	Якуб Церни	5 март 1987 й	Ҳужумчи
10	Томас Куделка	10 март 1987 й	Ҳимоячи
11	Ярослав Баргон	26 март 1987 й	Ҳимоячи
12	Х. Ц. Литвонокс	22 апрель 1987 й	Ҳимоячи
13	Даниил Ракос	25 май 1987 й	Ҳужумчи
14	Давид Кухейда	12 июнь 1987 й	Ҳужумчи
15	Владимир Сobotка	2 июль 1987 й	Ҳужумчи
16	Якуб Ковар	19 июль 1988 й	Дарвозабон
17	Лукас Вантух	20 июль 1987 й	Ҳужумчи
18	Якуб Ворачек	15 август 1989 й	Ҳужумчи
19	Томас Посписил	25 август 1987 й	Ҳужумчи
20	Ондрей Повелец	31 август 1987 й	Дарвозабон
21	Томас Кана	29 ноябрь 1987 й	Ҳужумчи
22	Михаль Репик	31 декабрь 1988 й	Ҳужумчи

Йилнинг охиригача уч ойда туғилганлар хоккей билан буткул хайрлашишлари ҳам мумкин.

Бор ҳақиқат шундаки, ўйинчиларнинг бу рўйхати кишида оғир таассурот қолдиради, чунки у биз ютуқни қандай тушунишни афзал кўришимизни яққол ошкор этиб турибди. Бизнинг тасаввуримизга кўра, ажойиб талабани ёки истеъдодли спортчини топиш шохсупага чиқадиган модел қиёфали қизни топиш каби осондай туюлади. Уни излаб топсак бўлди, ахир у қердадир яшайди ва ўша ерда юрибди-ку... Бироқ дунё ҳар ҳолда бунақа қурилмаган. Саралаш муддатининг ўзбошимчалик билан танланишида хоккейда ким илғор ўйинчи бўлишини ва ким бўлмаслигини ҳал этиш қарори жамиятга ҳавола этилган. Оқибатда деярли туғилгандаёқ хоккей ўйинчисига айланадилар. Буюк спортчиларнинг фаолияти модел агентлигининг фаолиятига унчалик ўхшамайди. У кўпроқ денгиз пиёдалари тамойилига асосланган: агар сиз жисмоний жиҳатдан яроқли қиз ва йигитларни топсангиз, тўғри ўқитиш ва машқлар орқали исталган одамни ноёб жангчига айлантиришингиз мумкин. Дунёни модел агентлигига монанд оламга айлантириш дилни хира қилади, юракни торайтиради, чунки гўзал бўлиб туғилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Денгиз пиёдалариникига ўхшаган ҳаёт кишига кўтаринкилик бахш этади: чунки унда ютуққа эришиш ихтиёрсиз омилларга боғлиқ бўлиб қолмайди.

Келинг, гапни саралашнинг сўнгги санаси ҳам аҳамиятли эканидан бошлайлик. Биз туғилган кунни ҳисобга олган ҳолда икки ёки учта хоккей лигасини ташкил этишимиз мумкин. Майли, ўйинчилар алоҳида дастурлар асосида машқ қила қолишсин. Мисол учун «барча юлдузлар» жамоасини кўриб чиқайлик. Агар йилнинг охирида туғилган барча чех ва канадалик спортчилар тенг имкониятга эга бўлганларида Чехия ва Канада миллий терма жамоаларига номзодлар икки барабар кўп бўларди.

Мақтаблар ҳам худди шу тарзда ҳаракат қилишлари мумкин. Бошланғич ва ўрта синфлар январь, февраль, март ва апрелда туғилганларни бир синфга, ёзда туғилганларни, — бошқа синфга, кузда туғилганларни — учинчи синфга олишлари мумкин. Шунда ўқувчилар ривожланиш ва вояга етганлик даражаси ўзларига тенг бўлганлар орасида таҳсил олишарди. Бошқарув нуқтаи назаридан бундай ечим-

лар жараённи мураккаблаштириши мумкин, аммо улар ортиқча харажат талаб қилмайди ва ўз ихтиёридан ташқари ҳолда таълим тизимининг мурувватидан мосуво қолганларга имконият беради. Бошқача айтганда, биз – натижада сиз буни кўрасиз – нафақат спортда, балки бошқа соҳаларда ҳам ютуқларга эришиш тизимини назорат қила олган бўлардик. Бироқ, биз буни қилмаяпмиз. Нима учун? Чунки биз қатъий равишда ютуққа шахсий фазилатлар, қобилиятлар орқали эришилади, деб ҳисоблаймиз, демак, бунда биз ўсаётган дунё, жамиятимиз тавсия қилаётган қоидалар мутлақо ҳисобга олинмайди.

## 6

Кейинги тўрт бобда биз ютуққа эришишда имконият қандай аҳамиятга эга эканлигини кўриб чиқамиз. Йилнинг биринчи ярмида туғилган ўйинчиларга ҳавола этиладиган имтиёзлар бир қараганда, унчалик сезиларли эмасдек туюлади. Агар истеъдодли ва омаддиларнинг — яхшиларнинг энг яхшиси бўлганларнинг ҳаётини диққат билан ўргансак, уларга бу алоҳида имтиёзлар ҳавас қиладиган даражада тез-тез учраб туришига гувоҳ бўламиз. Мен «алоҳида» деган сифатдошни ишлатдим, чунки биз тилга олган гуруҳларга ажратиш ўзига хос ва ҳайратланарли қонуниятларга боғлиқ. Китобимизнинг биринчи қисми шу қонуниятлар билан танишишга бағишланади.

Иккинчи қисмда турли мамлакатларнинг маданий мероси кўриб чиқилади. Биз ўз ютуқларимизни қай даражада мерос сифатида олганмиз? Бу қисм Кентукки ва Пенсильваниядаги икки ғалати шаҳар тарихидан бошланади. У ердан биз Гуам оролига, Жанубий Корея, Колумбия, Хитойдаги Чжуцзян дарёси водийсига, Нью-Йоркка ўтамиз ва ниҳоят — Ямайкага келамиз. Ўз саёҳатимиз мобайнида биз иккита бир-биридан алоҳида соҳадаги – математикадаги ва самолётни бошқариш соҳасидаги ютуқларнинг сирларини билиб оламиз. XXI асрнинг бу икки асосий вазифаларини одамлар қандай ҳал этаётганларини ўрганиш учун биз улар аждодларининг урф-одатлари ва эътиқодларига мурожаат қилишимизга тўғри келади.

Бутун китоб бўйлаб бир ғоя қизил ипдай ўтади. Ютуқлар-



ни шахсий фазилатлар билангина боғлаб, биз инсоннинг салоҳиятини бекорга сарфляпмиз. Биз бошқаларнинг ҳам юксак ютуқ поғоналарига чиқиш имкониятини бой беряпмиз. Биз ютуқларга эришишга монелик қиладиган қоидаларни ўйлаб топяпмиз. Истикболи йўқ, деган баҳонада одамларни муддатидан олдин ҳисобдан чиқариб юбормоқдамиз. Биз ютуққа эришганларнинг қаршисида ҳаддан зиёд ортиқча таъзим қиламиз ва омадсизликка учраганларни кўкрагидан жуда осон итариб юборамиз. Бу китобни ўқиб, сиз ана шу жиҳатлар хусусида ўйланасиз: агар биз омад ва ютуқларнинг илдизи қанчалар чуқур ва буюк инсонлар вазиятларга қанчалик боғлиқ эканини тасаввур қилганимизда эди, бизнинг ҳаётимиз нақадар афзал ва адолатли бўлар эди?

Биологлар кўпинча организмнинг экологияси ҳақида гапирадилар: энг баланд эман дарахти бу қадар юксакка кўтарилишига унинг энг яшовчан ниҳолдан экилганлигигина сабаб эмас. Ҳамма гап шундаки, у ўсаётганда бошқа дарахтлар уни қуёшдан тўсиб қолмаганлар, ниҳол унумдор ерга тушган, у ҳали ниҳол эканида қуёнлар унинг танасини ғажиб ташламаган, дурадгор улкан дарахтга айланмасидан уни кесиб кетмаган. Ҳаммамиз биламизки, ютуққа эришадиган одамлар ва гуруҳлар энг яшовчан уруғдан чиққанлар. Аммо биз уларни иситган қуёшни, улар илдиз отган тупроқни, уларга учраган қуён ва дурадгорларни етарлича биламизми? Бу китоб баланд дарахт ҳақида эмас. Балки у ўсган ўрмон ҳақидаги китобдир.

## 7

Хотира соврини финал ўйини олдидан «Медисин-Хат Тайгерс» ўйинчиларидан бирининг отаси Горд Уосден ўзининг ўғли Скотт ҳақида ҳикоя қилиб берди. Горд бошига бейсболка, эгнига эса қора футбол кийимини кийиб олган, иккаласида ҳам жамоа эмблемаси бор эди. « Скотт тўрт ёки беш ёшга кирганида, — эслади Уосден, — у хоккей таёғини кичик укасининг қўлига тутқазди, кичик укаси ҳали ўзи юролмас, юришга ўргатиш аравачасида эди, улар шу тарзда эртадан кечгача опшонада хоккей ўйнардилар. Скотт ҳамиша хоккейни севган. Кичик лигаларда ўйнаган пайти ҳам намунавий матчларда иштирок этарди. Ҳамиша ААА тўифаларидаги

жамоаларга тушарди. Ўн икки ёшдан то ўн беш ёшгача доимо энг яхши терма жамоаларда ўйнади, — Уосденнинг ҳаяжонланаётгани кўриниб турарди. Ахир, Скоттни ҳаётидаги энг масъулиятли ўйин кутаётганди. — У ҳаммасига тинимсиз меҳнат қилиши билан эришди. Мен у билан фахрланаман».

Жўшқинлик, истеъдод ва тинимсиз меҳнат — юксак ютуқларнинг таркибий қисмларидир. Лекин яна бир унсур мавжуд. Уосден қачон ўғлининг бу ноёб истеъдодига, ноодатий қизиқишига эътибор қаратган? «Биласизми, у ўз тенгдошлари орасида энг бўйи баланди бўлган, ўсмирлигидаёқ кучли эди ва гол уришга уста эди. Тенгдошларидан ажралиб турарди, жамоа капитани эди...»

Ўз ёшига қараганда бўйи баланд эдими? Албатта. Скотт Уосден 4 январда, хоккейда илғор ўйинчилар танлаб олинган сўнг санадан уч кун ўтиб дунёга келган. У бахтлилар тоифасидан эди. Агар бирор-бир инжиқлик сабаб саралаш бошқа вақтда ўтказилганда, эҳтимол бу йигитчани биз муз устида кўрмасдик, Балки, у хотира соврини ўйинларини томошабинлар минбаридан туриб кузатиб ўтирган бўларди.

## 2-БОБ

**10 000 соат қондаси****«Гамбургда биз тинимсиз саккиз соатлаб мусиқа чалардик»**

## 1

1971 йилда Энн-Арбор шаҳарчасида Мичиган университетининг янги компьютер маркази очилди. Марказ Бил-авенюда, унчалик баланд бўлмаган, юзаси қора ойна билан қопланган ғиштин иморатда жойлашган эди. Оқ кошчилар билан безатилган кенг хонада баҳайбат ЭҲМ – электрон ҳисоблаш машиналари турарди. Шу ерда дарс берадиган ўқитувчилардан бирининг айтишича, «улар «2001 йил самовий саргузаштлари» фильмининг сахна безакларини эслатарди». Уларнинг ён томонида ўнлаб тутмачали перфораторлар жойлаштирилди, бу перфораторлардан компьютер терминаллари сифатида фойдаланишарди. 1971 йилда улар ҳақиқий санъат асари ҳисобланарди. Мичиган университети информатика бўйича энг илғор ўқув дастурларини ҳавола этарди, шунинг учун бу марказ фаолият юритган даврда бу ерда минглаб талабалар сабоқ олишди. Уларнинг энг бесўнақайи Билл Жой исмли ўсмир эди.

Жой Мичиган университетига айнан ўша йили ўқишга қабул қилинганди. Унинг ёши 16 да эди. У сочлари патила тўзиган, қотма бола эди. Ўрта мактабда у «энг тиришқоқ ўқувчи» мартабасига эришганди. Биллнинг сўзларига қараганда, бу фазилати унинг синфдошлари орасида «мижғов ботаник» деган лақаб орттирганини англатарди. У инженер ёки математик бўлмоқчи эди, бироқ у биринчи курс тугаётганда тўсатдан компьютер марказига кириб қолади — ва шу ерда қолиб кетади.

Бу марказ унинг ҳаётига айланди. Жой вақт топди дегунча, дастурлаш билан шуғулланарди. Информатика профессорининг олдида иш топиб, бутун ёз бўйи шу ерда қолди.

1975 йилда Жой Берклидаги Калифорния университети қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. Бу ерда у дастурий таъминот оламига янада чуқурроқ шўнғиди. Фалсафа доктори унвонини олиш учун топширган оғзаки имтиҳонидан у чивин учишининг шу қадар мураккаб алгоритмини ҳавола этдики, — унинг мухлисларидан бирининг ёзишича — «имтиҳон қилаётганларни буткул ҳайрону лол қилиб қўйди ва уларнинг бири кейинчалик Жойни «Мўйсафидларни лол қолдирган Исо» билан қиёслади».

Дастурчилар гуруҳи билан биргаликда Жой Unixни — ЭЎМ учун AT&T компанияси ишлаб чиққан дастурий таъминотни қайта ёзишга киришди. Жойнинг янгича ишланмаси жуда муваффақиятли чиққанди. У шу қадар муваффақиятли эдики, ҳанузгача бутун дунёдаги миллионлаб компьютерларнинг операцион тизими сифатида ишлатилиб келинмоқда. «Агар Macintoshга код кўриниб турган тизим жорий этилса, — дейди Жой, — мен йигирма беш йил аввал ўйлаб топган нарсани кўриш мумкин бўлади». Сиз Интернетдан фойдаланиш имконини берадиган дастурни ким ёзганини биласизми? Уни айнан Билл Жой ёзган.

Берклида таълимни тугатганидан сўнг, Жой Кремний воҳасида Sun Microsystems компаниясини ташкил этди — айнан шу компания туфайли компьютер инқилоби юз берди, Жой эса бошқача компьютер тили — Java дастурини ишлаб чиқишга киришди. Жойнинг шон-шухрати янада кенг тарқалди. Кремний водийси аҳолиси у ҳақида шу қадар эҳтиром билан гапиришадикки, буни Microsoft аҳлининг Билл Гейтсга муҳаббати билан қиёслаш мумкин. Уни ҳатто «Интернет Эдисони» деб ҳам аташади. Йел университетининг информатика бўйича мутахассиси Дэвид Гелернтер шундай дейди: «Билл Жой — компьютерлар тарихидаги энг салмоқли шахслардан биридир».

Даҳо шахс ҳисобланиш Билл Жойнинг ҳаёти тарихи кўп бор ҳикоя қилиб берилган ва ундан ҳамиша битта хулоса келиб чиққан. Компьютерга оид дастурлаш — соф меритократия соҳасидир. Бу соҳа оламида таниш-билишчилик, пул ёки казо-казоларнинг аралашуви туфайли юқорига кўтарилиш йўқ. Ҳамма нарса истеъдод ва ютуқларга қараб белгиланади, фақат энг яхшилар ютуққа эришадилар. Жой, ҳеч бир шубҳасиз, энг яхшилар тоифасига киради.

Агар биз хоккей ва футбол тилсимини очмаганимизда, бу мулоҳаза шубҳа уйғотмасди, албатта. Ахир спортнинг бу соҳалари ҳам меритократия намунаси бўлиши керакмасмиди. Аслида эса ҳаммаси бошқача. Биз истейдод деб атайдиган нарсалар қобилиятлар, қулай имкониятлар ва тасодифан ҳавола этилган афзалликларнинг мураккаб калавасидир. Келинг, Билл Жойнинг тарихига қайтамиз ва бу тарих бизга меритократия деб аталадиган ҳодисанинг илдиизига чуқур кира олиш имкониятини бериш-бермаслигини кўриб чиқамиз. Агар буюк шахслар алоҳида имкониятлар туфайли ютуққа эришсалар, бу имкониятлар бирор-бир қонуниятларга бўйсунмайдими? Аниқланишпича, шундай... бўйсунар экан.

## 2

1990-йилларнинг аввалида руҳшунос Андерс Эриксон икки ҳамкасби билан Берлиндаги мусиқа Академиясида тадқиқот ўтказди. Ўқитувчилар ёрдами билан скрипкачи талабаларни уч гуруҳга ажратишди. Биринчи гуруҳга салоҳиятини дунё эътироф этадиган даражада деб баҳоланганларни, иккинчи гуруҳга — «келажигдан умид бор»ларни киритишди. Учинчи гуруҳга — малакали мусиқачи бўлишдан умид қилинмайдиган, нари борса — мактабда мусикадан дарс бериб юрадиганларни жамлашди. Ҳамма иштирокчиларга битта саволни беришди: илк бор қўлингизга скрипкани олганингиздан то бутунгача неча соат машқ қилгансиз?

Ҳамма иштирокчилар деярли бир вақтда бошлашган, беш ёшлардан қўлларига чолғу ушлашган. Дастлабки бир неча йил ичида ҳаммалари бир хил — ҳафтасига икки-уч соат машқ қилганлар. Тахминан саккиз ёшлардан фарқ бошланган. Синфда энг яхшилари ҳисобланган талабалар бошқаларга қараганда энг кўп машқ қилганлар: тўққиз ёшларда ҳафтасига олти соат; 12 ёшда — саккиз соатдан; 14 ёшда — 16 соатдан, шу тариқа 20 ёшгача машқ қилганлар, — яъни ўз маҳоратларини бир мақсад йўлида тинимсиз оширганлар — ҳафтасига 30 соатдан зиёд машқ қилганлар. Шундай қилиб, 20 ёшга кирганда, энг яхши талабаларнинг натижалари умумлаштирилганда, улар 10 000 соатдан зиёд машқ қилганлиги ойдинлашган. Ўртача даражада талабаларда соатлар миқдори 8000 бўган, бўлғуси мусиқа муаллимлари 4000 соатдан кўп машқ қилмаганлар.

Шундан сўнг Эриксон ўз ҳамкасблари билан малакали пианиночилар ва ҳаваскор пианиночиларни ўрганганлар. Уларда ҳам худди шундай қонуният намоён бўлган. Ҳаваскорлар болалиқда ҳафтасига уч соатдан зиёд шуғулланмаганлар, шунинг учун 20 ёшга келиб, уларнинг умумий амалиёт соатлари 2000 соатдан ошмаган. Малакачилар эса, аксинча, ҳар йили машқлар давомийлигини оширганлар ва 20 ёшга келиб, уларнинг ҳар бири «ўз жомадони»да 10 000 соатдан зиёд машқларга эга бўлганлар.

Шу нарса диққатга сазоворки, Эриксон ва унинг ҳамкасблари алоҳида куч сарфламасдан ва тенгдошларидан кам машқ қилиб, катта ютуқларга эришган бирорта талабани топа олмадилар. Бутун кучи, жон-жаҳди билан тиришиб машқ қилган ва лекин етарли қобилияти бўлмагани учун олдинга чиқа олмаган талаба ҳам топилмади. Мазкур тадқиқот натижаларига асосланиб, энг яхши мусиқа ўқув юртига киришни истовчи ва етарли қобилиятларга эга инсонларни фақат тиришқоқлик билан қилинган меҳнат ажратиб туради, деб хулоса қилиш мумкин эди. Бор-йўғи шу. Дарвоқе, энг яхши талабалар қолганларга нисбатан шунчаки кўпроқ меҳнат қилиб қўя қолмаганлар. Улар зиёд, *ҳаддан зиёд* кўп меҳнат қилганлар.

Бу фикр — фаолиятнинг мураккаб турларида юксак маҳоратга эришиш учун муайян амалиёт зарур, деган фикр, — малакага оид тадқиқотларда кўп марта айтилган. Олимлар ҳатто маҳоратга элтадиган сеҳрли рақамни ҳам белгилаб қўйганлар: 10 000 соат.

Невропатолог Даниел Левитин шундай ёзади: «Кўп сонли тадқиқотлардан қуйидаги манзара намоён бўлади: қайси соҳа ҳақида гап бормасин, дунёвий миқёсдаги эксперт мақоми даражасига тенг малакага эга бўлиш учун 10 000 соат амалиёт талаб этилади. Бастакорлар, баскетболчилар, ёзувчилар, чангичилар, пианиночилар, шахматчилар, ашаддий жиноятчилар ва бошқалар таҳлил этилган тадқиқотларда бу сон ғаройиб бир тарзда такрорланади. Ўн минг соат тахминан кунига уч соат демакдир ёки бу ўн йил мобайнида ҳафтасига йигирма соат деганидир. Бу, албатта, бир хил одамларга бу машғулот бошқаларга қараганда самарали таъсир этишини аниқламайди. Бироқ, ҳали ҳеч ким маҳоратнинг юксак даражасига бундан оз муддат машқ қилиб эришган эмас.

Шундай таассурот қоладики, онг барча зарур ахборотни ўзлаштириб олиши учун айнан шунча вақт лозим бўлади».

Бу ҳатто болалиқдан истеъдодли бўлган, деб ҳисобланадиган инсонларга ҳам тегишлидир. Мисол учун, дейлик, Моцартни олайлик. Маълумки, у олти ёшлигидан мусиқа ёза бошлаган. Бу ҳақда «Даҳоликни тушуниш» (Genius Explained) китобида руҳшунос Майкл Хоув шундай ёзади:

«Етук бастакорларнинг асарлари билан солиштирганда, Моцартнинг илк асарларида бирор-бир ажралиб турадиган буюк ҳодиса кўзга ташланмайди. Бу асарлар унинг отаси томонидан ёзилган бўлиши ва кейинчалик тузатирилганлиги эҳтимоли жуда каттадир. Вольфгангнинг кўплаб дастлабки асарлари, дейлик, масалан, фортепиано ва оркестр учун илк еттита концерти аксарият ҳолларда бошқа бастакорлар асарларининг компиляцияси экани кўринади. Тўлалигича Моцартга тегишли бўлган концертларнинг энг буюк деб ҳисобланадиганидан дастлабки (9-рақам. 271-концерт) йигирма бир ёшда ёзилган. Бу пайтга келиб Моцарт ўнинчи йил мусиқа басталаётганди».

Мусиқашунос Харольд Шонберг бундан ҳам узоққа назар ташлайди. Унинг сўзларига кўра, Моцарт «кеч ривожланган», чунки у ўзининг буюк асарларини илк мусиқа басталай бошлаганидан 20 йил ўтгач ёза бошлаган.

Шахматда гроссмейстер бўлиш учун ҳам камида ўн йил талаб қилинади. (Фақат афсонавий Бобби Фишер бу мўтабар унвонни бироз олдин олган: бунинг учун тўққиз йил сарфлаган.) Ўн йил нима дегани? Тахминан 10 000 соат изчил ўрганиш шунча вақтни олади. Бу 10 000 соат — буюк маҳоратнинг соҳир рақамидир.

Чехословакия ва Канада миллий жамоаларида 1 сентябрдан олдин туғилган ўйинчиларнинг йўқлиги каби ғалати фактнинг сабаби ҳам асли шундадир. Ахир рўйхатларда йил охирида туғилган ва ўзининг буюк истеъдоди билан рейтингларнинг юқори поғонасига кўтарилган ҳеч бўлмаса бир неча хоккей ёки футбол ўйинчиси бўлиши керакмасми?!

Аммо улар йўқ, Эриксон бунда ҳайратланарли ҳеч нарса ни кўрмайди. Кечроқ туғилган истеъдодли болани «барчаси юлдузлар» бўлган жамоага саралаб олишмайди, чунки унинг ҳали бўйи паст бўлади. Шунинг учун у катта ҳажмда машғулот олиб бориш имкониятидан маҳрум. Қўшимча машқлар-

сиз у малакали жамоалар ўйинчи танлайдиган муддатгача 10 000 соат машқни тўплай олмайди. Ўз ортида 10 000 соат машқлари бўлмаган ўйинчи биринчи тоифали ўйин кўрсатиш учун етарли барча кўникмаларни эгаллай олмайди. Ҳатто Моцарт — тарихдаги энг машҳур мусиқа вундеркинди — ўз истеъдодини 10 000 соатлик машқлардан кейин намоён қилган. Изчил чархланиб бормаган истеъдод аҳамиятга эга бўлолмайди.

Яна бир қизиқарли ҳолатни айтиб ўтиш лозим: 10 000 соат — бу жуда узоқ муддатли меҳнатдир. Ёш ўспиринлар бунча соатни якка ўзи ўтай олмайди. Ота-оналарнинг қўллаб-қувватлаши зарур бўлади. Сен қашшоқ ҳам бўла олмайсан, ахир сен кун кўриш учун тинимсиз ишлашингга тўғри келса, изчил машғулотларга вақтинг қолмайди. Одамларнинг аксарияти бунчалик катта муддатли машқни бажариш учун — «барчаси юлдузлар» жамоалари сингари — махсус дастурлар ёки батамом машқлар билан шуғулланишга имкон берадиган алоҳида имкониятлардан фойдаланадилар.

### 3

Шундай қилиб, яна Билл Жойга қайтамиз. 1971 йилда у ҳали бўйи баланд, тортинчоқ, ўн олти ёшли бир ўсмир эди. Массачусетс технология институти, Калифорния технология институти ёки Ватерлоо университети жалб этган математика доҳийси. «Болалиқда Билл ҳамма нарсани билишни истарди ва буни ниманидир истагини тушунишидан олдинроқ истаётган бўларди, — деб ҳикоя қилади унинг отаси Уильям. — Агар жавобини билсак, биз жавоб берар эдик. Агар билмасак, унинг қўлига китоб тутқазар эдик». Коллежга ўқишга кираётганида академик қобилиятларни аниқлайдиган Scholastic Aptitude Test синовларида Жой математика бўйича энг юқори балл тўплайди. «У ерда қийин нарсанинг ўзи йўқ эди, — дейди у билагонлик билан. — Яна икки марта текшириб чиқиш учун ҳам вақт қолди».

У исталган соҳани танлаши мумкин эди: биология бўйича докторлик илмий даражасини олиши, тиббиёт коллежига ўқишга кирса ҳам бўлар эди. Талабаларга хос ҳаёт тарзига ўзини уриши мумкин эди: ўқиш, футбол, ичкиликлардан тийилмаган кечки ўтиришлар, имтиҳонга фақат бир кун



қолганда тайёрлана бошлашлар, қизларга беўхшов гап отишлар, ҳамхоналар билан дунёнинг моҳияти ҳақидаги суҳбатлар — бир сўз билан айтганда, кўплаб талабаларга таниш, шовқин-суронли ва бетартиб ҳаёт тарзи. Аммо у бундай қилмади, чунки деярли тасодифан Билл авенюдаги кўзга ташланавермайдиган бинога дуч келиб қолди.

Жой дастурлашнинг алифбосини энди ўрганаётган 1970-йилларда компьютерлар баҳайбат эди, бутун бир хонани эгалларди. Сизнинг бутунги микротўлқинли иситкичининг тирноқдек жой оладиган хотирасичалик қудратга эга бўлган — битта ҳисоблаш машинаси — деярли миллион доллар турарди. Ва бу нарх 1970-йилларнинг доллари эди. Компьютерлар оз эди. Агар сиз уларнинг бирортасини излаб топсангиз ҳам, унга яқинлашиш қийин эди; агар сиз бу мўъжиза олдидан жой олсангиз ҳам, ундан фойдаланиш бир дунё қийматга эга бўларди.

Бундан ташқари, ўша пайтдаги дастурлаш ўта толиқтирадиган машғулот эди. Бу ҳали картон перфокартлар воситасида яратиладиган дастурлар замони эди. Тугмали перфоратор қартада кодлар қаторини тешарди. Мураккаб дастур тўда-тўда сақланадиган юзлаб — ҳатто минглаб — шундай картон қарталардан иборат бўларди. Дастур тайёр бўлганда, сиз ҳисоблаш машинасидан фойдаланиш имконини излардингиз ва операторга ўрам-ўрам қарталарни тутқазардингиз. Компьютерлар фақат битта топшириқни бажариши мумкин эди, оператор сизни навбатга ёзиб қўяр, шунинг учун сиз олдингизда қанча одам навбат эгаллаганига қараб, қартангизни бир неча соатдан сўнг, гоҳида бир кун ўтгач, қайтариб олишингиз мумкин эди. Агар дастурда заррача хато бўлса, адашиб тушган белги бўлса-да, сиз қарталарингизни қайтариб олардингиз ва ҳаммасини яна бошидан бошлардингиз.

Бундай шароитда дастурчи-эксперт бўлиш ўта қийин эди. Албатта, йигирма ёш нари-берисида ҳақиқий мутахассис бўлиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Агар сиз компьютер марказида ўтказган ҳар соат вақтингиздан бор-йўғи бир неча дақиқани «дастурлаш»га бағишласангиз, қандай қилиб 10 000 соат амалиётга эга бўласиз? «Қарталар орқали дастурлар экансиз, — деб эслайди ўша даврнинг компьютер мутахассиси, — сиз дастурлашни эмас, кўпроқ сабр ва эътиборлиликни ўрганасиз».

Айнан шу ерда Мичиган университети ўйинга киришади. 1960-йиллар ўрталарида у ноодатий ўқув юрти эди. Унинг анча муддатли компьютер тарихи ва пули бор эди. «Биз илк ярим ўтказгичли эслаб қолувчи қурилмани сотиб олганимизни эсламан. Бу олтмиш тўққизинчи йилда бўлганди. Ярим мегабайт хотиралик эди», — деб хотирлайди университет компьютер тизимини яратганлардан бири, Майк Александр. Бугун ярим мегабайтли хотира тўрт цент туради ва бармоқнинг учига жойлашади. «Ўйлайманки, ўшанда бу қурилма бир неча юз минг доллар турарди, — давом этади Александр, ва иккита катта музлаткичнинг ўрнини эгалларди».

Аксарият ўқув муассасаларининг буни сотиб олишга қурби етмасди. Мичиган университети ола биларди. Бирок, бундан ҳам муҳими, ушбу муассаса биринчилардан бўлиб қартон қарталарни замонавий вақт ажратиш тизимига алмаштирган дастлабки университетларидан бири эди. Бу тизим дунёга келишига, 1960-йилларнинг ўрталарига келиб, компьютерлар янада кучлироқ бўлганлиги ва бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларни бажара бошлагани сабаб бўлди. Компьютерчилар шунга шоҳид бўлдиларки, машинани бир пайтнинг ўзида юзлаб топшириқларни бажаришга ўргатиш мумкин экан, энди дастурчилар операторларга ўрам-ўрам қарталарни ташиб юришлари шарт эмас эди. Бир қанча терминалларни ташкил этиш кифоя эди, телефон линияси ёрдамида бу терминалларни ЭХМга улаш орқали барча дастурчилар бир вақтнинг ўзида онлайн ишлай олардилар.

Ўша ҳодисаларнинг шоҳиди бўлган гувоҳлардан бири вақтни тақсимлаш тизими пайдо бўлганидан кейинги ҳолатни шундай тасвирлайди:

«Бу шунчаки инқилоб эмас, ҳақиқий кашфиёт эди. Операторларни, тўда-тўда қарталарни, навбатларни унутинг. Вақтни тақсимлаш тизими туфайли сен телетайп олдида ўтиришинг, топшириқни териб жўнатишинг ва дарҳол жавоб олишинг мумкин. Вақтни тақсимлаш — интерфаол тизим: дастур жавоб сўрайди, сен жавобни теришингни кутади, уни қайта ишлайди ва натижани узатади. Ҳаммаси реал вақт ҳолатида юз беради».

Мичиган университети мамлакатда биринчилардан бўлиб вақтни тақсимлаш тизимини жорий этди, бу тизим MTS (Мичиган терминал системаси) номини олди. 1967 йилда

тизимнинг прототиби юзага келди. 1970-йилларда университетнинг компьютер салоҳияти бир пайтнинг ўзида юзлаб дастурчилар фаолият юритишига имконият яратди. «Ўтган асрнинг олтиншинчи йиллар охири ва етмишинчи йиллари бошида ҳеч бир университет Мичиган университетига тенг келолмас эди, — дейди Александр. — Балким, бу болада Массачусетс технология университетини тилга олиш мумкиндир. Эҳтимол, яна Карнеги-Меллон университети ва Дартмут коллежини. Бошқа ҳеч нима йўқ эди...».

1971 йилнинг кузида Энн-Арбордаги кампусга ташриф буюрганида, Билл Жойнинг қаршисида айнан мана шу имкониятлар турарди. У Мичиган университетини зинҳор компьютерлари учун танлаган эмасди. У ўрта мактабда компьютерни кўрмаган. Уни математика ва инженерлик иши қизиқтирарди. Аммо биринчи курсда унинг компьютерларга жиддий «меҳри тушиб қолди», аён бўлдики, у 17 ёшида талаба ўзининг хузур-ҳаловати учун дастурлаш билан шуғулланиши мумкин бўлган дунё университетларининг бирида ўқирди.

«Биласизми, перфоқарталар билан дастурлаш ва вақтни тақсимлаш бир-биридан қандай фарқланади? — сўрайди Жой. — Бу фарқ почта орқали шахмат ўйнаш билан юзма-юз ўтириб тезкор шахмат ўйнаш ўртасидаги фарққа ўхшайди». Энди дастурлаш тинкани қуритадиган иш эмас, роҳат-бахш машғулотга айланди.

«Мен шимолий кампусда яшардим, компьютер маркази ҳам шу ерда эди, — эслашда давом этади қаҳрамонимиз. — Мен у ерда қанча вақт ўтказардим? Ҳаддан зиёд кўп вақт. Марказ кунига 24 соат ишларди, мен у ерда тун бўйи шуғулланардим ва уйга эрталаб қайтардим. Ўша йилларда мен дарслардан ҳам кўра кўпроқ марказда шуғулланардим. Компьютерга муккасидан кетган биз каби ишқибозлар дарсларни, умуман университетда ўқиётганимизни унутиб қўйишдан жуда қўрқардик.

Битта муаммо бор эди: барча талабаларга компьютерда ишлаш учун фақат муайян вақтга рухсат этиларди. Сен рўйхатга ёзилаётган пайтда қанча вақт ишламоқчи эканингни кўрсатишинг керак эди. Тахминан бир соат рухсат этиларди. Кўпроғидан умид қилиш қийин эди, — бу хотиралар Жойнинг кулгисини келтиради. — Аммо кимдир ўшанда: агар вақт белгисининг ортига тенглик белгисини қўйиб, кейин би-

рор ҳарфни терсанг,  $t = k$ , вақтни ҳисоб қилувчи ҳисоблагич ишга тушмаслигини пайқаб қолди. Дастурий таъминотдаги бу хатони билиб қолдик,  $t = k$  ни ёзасан — ва истаганингча ишлашинг мумкин».

Эътибор беринг, Билл Жойнинг чекига қанчалар кўп қулай имкониятлар тушди. У олисни кўра оладиган раҳбариятга эга университетга кириш имконини олгани учун перфоқарталарсиз, вақтни тақсимлаш тизими орқали дастурлаш имкониятига эга бўлди; MTS тизимига хато кириб қолгани учун у истаганча вақт дастурлаши мумкин бўлди; университет компьютер марказини 24 соат ишлатиб қўйишга пул ажрата олгани сабабли у тунлари билан шу ерда машқ қилиши мумкин эди; ва ўзининг ўрганишига шунчалар кўп вақт ажрата олгани сабабли UNIXни қайта ёзиш зарур бўлганда у ҳамма нарсага тайёр эди. Билл Жой ўта истеъдодли инсон эди. У ўқишни истарди. Бу истакни ҳеч ким ундан олиб қўя олмасди. Бироқ, у мутахассиста айлангунича ўрганган барча билимларни ўқиб ва ўқиб олиши учун имкониятлар берилиши шарт эди.

«Мичиганда мен кунига саккиз-тўққиз соат дастурлар эдим, — иқрор бўлади Билл. — Берклига ўқишга кирганимда, туну кунларимни дастурлашга бағишладим. Терминал уйимда ҳам турарди ва мен тунги икки-учгача ухламасдим, эски фильмларни кўрар ва дастурлар эдим. Гоҳида терминал тугмалари устида ухлаб қолардим, — у тутмалар устига қандай қулашини кўрсатиб беради. — Курсор сатр охирига борганда, клавиатура ўзига хос овоз чиқаради: бип-бип-бип. Бу уч марта такрорланганда, ухлашга ётиш керак. Берклига келганимдан сўнг ҳам ҳаваскорлигимча қолгандим. Иккинчи курсга келиб ўртача даражадан юқорига кўтарилдим. Айнан шу пайтда мен дастурлар ёза бошладим, бу дастурлардан ҳали ҳам, ўттиз йил ўтгач ҳам фойдаланишмоқда, — у бир неча лаҳзагина жимиб қолади, хаёлида ҳисоб-китоб қилади, чўнки Билл Жой каби инсоннинг ҳисоб-китоб юриши учун узоқ вақт талаб этилмайди. Мичиган университетида 1971 йилда ўқиган. Иккинчи курсда фаол дастурлаш билан шуғулланган. Бунинг устига ёз ойларини, Берклида дастурлашга ажратилган кун ва тунларни қўшади. — Беш йил, — якунлайди Жой. — Ҳаммаси Мичиган университетида бошланганди. Демак, тахминан... ўн минг соат чиқар? Ҳа, шунча шуғулланганман».

## 4

Ютуққа эришишнинг бу қоидасини ҳамма учун умумий, деб аташ мумкинми? Ҳар бир юксад ютуққа эришган одамнинг тарихини миридан-сиригача синчиклаб ўрганилса, ҳамиша ҳам Мичиган компьютер маркази ёки «барча юлдузлар» жамоасидаги каби — кучайтирилган ўқиш-ўргатиш учун у ёки бу алоҳида имкониятларни кузатиш мумкинми?

Келинг, бу ғояни иккита мисолда кўриб чиқамиз, оддийроқ бўлиши учун мумтоз намуналарни оламиз: барчаси замонларнинг энг машҳур рок-гуруҳларидан бири бўлган «Битлз» ва сайёрамизнинг энг бой одамларидан бири бўлган Билл Гейтснинг ўрганамиз.

«Битлз» — Жон Леннон, Пол Маккартни, Жорж Харрисон ва Ринго Стар — 1964 йил февралда АҚШга келдилар, Америка муסיқий саҳнасига «Британия босқини» оқимини бошлаб бердилар ва оммавий муסיқанинг жарангини ўзгартирган хитларнинг яхлит туркумини ҳавола этдилар.

Аввало битта қизиқарли жиҳатни айтиб ўтайлик: Америка Қўшма Штатларига келгунча, улар қанча вақт ижод қилганлар? Леннон ва Маккартни 1957 йилдан шуғуллана бошлашган, Америкага келгунларича етти йил ишлашган. (Дарвоқе, гуруҳ ташкил этилганидан то «Сержант Пеппернинг ёлғиз қалблар Клуби оркестри» ва «Оқ альбом» сингари машҳур альбомлар яратилганича ўн йил вақт ўтган.) Агар бу тайёргарлик билан ўтган узоқ йилларни синчковлик билан ўрганиб чиқсак, хоккей, Билл Жой ва илк синфга оид скрипкачилар контекстида «Битлз» тарихи бизга жуда таниш манзарага эга бўлади. 1960 йилда, улар ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган мактаб рок жамоаси бўлган пайтда уларни Олмонияга, Гамбург шаҳрига таклиф этишади.

«Ўша пайтда Гамбургда рокн-рол муסיқа клублари мавжуд эмас эди, — деб ёзади «Ҳайқирик!» (Shout!) китобида гуруҳнинг биографи Филипп Норман. — Клублардан бирининг эгаси бўлган Бруно исмли инсонда турли рок-гуруҳларни таклиф қилиш ғояси туғилади. Ҳамма учун бир хил схема қарор топади. Танаффуссиз ва узоқ чўзиладиган чиқишлар бўлиши керак. Тащриф буюрганлар у ён-бу ёнга томон айланиб юрадилар. Муסיқачилар сайр этиб юрган оломонни ўзларига жалб этиш учун муסיқа асбобларини тинимсиз

чалишлари лозим. Америкача «қизил фонуслар» мавзесида бундай ҳаракатни «стриптиз нон-стоп» деб аташарди».

«Гамбургда Ливерпульдан келган кўплаб гуруҳлар мусиқа чаларди, — давом этади Норман. — Бунинг сабаби бор эди. Бруно гуруҳларни излаб Лондонга боради. Аммо Сохода у Лондонга тасодифан келиб қолган ливерпуллик бир антрепренер билан учрашиб қолади. Бу одам бир неча жамоаларнинг ташрифини ташкил этишга ваъда беради. Шундай қилиб, алоқа ўрнатилади. Охир-оқибат «Битлз»чилар нафақат Бруно билан, балки бошқа клубларнинг эгалари билан ҳам танишиб оладилар. Кейин бу шаҳарчага тез-тез келадилар, чунки бу ерда уларни мўл-кўл ичимликлар, ўта ҳиссиётли ва жўшқин мухлисалар кутиб турарди».

Ҳўш, шундай қилиб, Гамбургнинг ўзига хослиги нимада эди? Унчалик яхши ҳақ тўлашмас эди. Акустика ҳам у қадар кўнгилдагидек эмасди. Тингловчилар ҳам жуда миннатдор ва ишқибоз эмасдилар. Ҳаммаси гуруҳнинг мусиқа чалиш учун зарур бўлган вақтнинг кўплигидадир.

Жон Леннон Гамбургдаги «Индра» стриптиз-клубидаги чиқишлари ҳақида гуруҳ тарқалиб кетганидан кейин берган интервьюсида шундай деган эди:

«Биз кундан-кунга яхшиланиб борардик ва ўзимизга ишончимиз ортиб борар эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкинмас, чунки биз бутун тун давомида мусиқа чалардик. Тингловчиларнинг бошқа мамлакат одамлари экани ҳам қулай эди. Уларнинг қалбига кириш учун биз бор кучимизни сарфлар эдик, мусиқага қалбимиз ва руҳимизни қўшардик.

Ливерпульда биз нари борса, бир соат чиқиш қилардик, бунинг устига фақат ҳамма биладиган хитларни такрор-такрор чалардик. Гамбургда эса биз тинимсиз саккиз соатлаб мусиқа чалардик ва истасак-истамасак, ҳаракат қилишга мажбур эдик».

## Саккиз соат?

Гуруҳнинг зарбли асбоблар ижрочиси Пит Бест шундай ҳикоя қилади:

«Бизнинг чиқишимиз маълум бўлган заҳоти клубга оломон тўлиб кетарди. Биз ҳафтасига етти оқшом ишлардик. Аввал тўхтамасдан тунги ўн икки яримгача, яъни клуб ёпил-

гунча куй чалардик, бироқ машхур бўлиб борганимиз сари тунги соат иккиларгача ҳам ишлайдиган бўлдик».

## Ҳафтада етти тун?

1960-йилдан то 1962 йилнинг охиригача «Битлз» гуруҳи иштирокчилари Гамбургда беш марта бўлди. Биринчи келганларида улар 106 оқшом, ҳар тун беш ёки ундан кўп соат концерт бергандилар. Иккинчи марта келганларида улар 92 марта концерт берганлар. Учинчи ташрифда — 48 марта концерт бериш давомида 172 соатни сахнада ўтказдилар. Кейинги икки ташриф давомида, 1962 йил ноябрь ва декабрда улар 90 соат сахнада бўлганлар. Шундай қилиб, улар борйўғи бир ярим йилда 270 оқшом сахнада концерт берганлар. Илк шов-шувли ютуқлар бошлангунича бу жамоа камида 1200 марта жонли концерт берган. Сиз бу рақамларнинг нақадар оламшумул эканини тасаввур қиласизми? Замоनावий гуруҳларнинг аксарияти бутун фаолияти давомида ҳам бунчалик концерт бермаган. Гамбургнинг шиддатли мактаби — ана шундан иборат, «Битлз» гуруҳини бошқалардан ажратиб турган нарса ҳам шудир.

«Улар ҳали ғўр, пишмаган бир ҳолда кетдилар ва қойилмақом бир комил шаклда қайтдилар, — деб ёзади Норман. — Улар нафақат чидамлилиқни ўрганишди. Балки, уларнинг беҳисоб кўп кўшиқларни ёдлаб олишларига ҳам тўғри келди — бу рокн-ролл ва жаз оламида мавжуд бўлган деярли барча кўшиқларнинг кавер-версиялари эди. Гамбурггача улар сахна интизомини билмасдилар. Аммо қайтиб келгач, улар бошқа ҳеч кимга ўхшамайдиган бир услубда куйлай бошладилар. Бу уларнинг ўз услуби эди».

## 5

Энди Билл Гейтс тарихига ўтамиз. Бу инсоннинг тарихи ҳам қизиқарлилиқда «Битлз» тарихидан кам эмас. Ёрқин истеъдодли навқирон математик ўзи учун дастурлаш оламини очади. Гарвард университетида ўқишни тарк этади. Ўз дўстлари билан Microsoft номли компьютер фирмасини барпо

этади. Ўзининг даҳолиги, дадиллиги ва орият ва нафсонияти кучлилиги туфайли фирмани — дастурий таъминот маҳсулотли ишлаб чиқарувчи гигантга айлантирди. Бу энг умумий тарздаги бир изоҳдир. Энди эса бу тарих саҳифаларини чуқурроқ ковлаб кўрайлик-чи.

Гейтснинг отаси — Сиэтл шаҳридан бўлган бой адвокат, онаси — сармояси улкан банкирнинг қизи эди. Митти Билл ёшига нисбатан жуда билимдон бола эди, дарсларда зерикиб қоларди. Шунинг учун еттинчи синфда уни ота-онаси оддий мактабдан олиб, сиэтллик оқсуякларнинг болалари ўқийдиган хусусий ўқув муассасаси ҳисобланмиш «Лейксайд»га жўнатишди. Бу ерда Гейтс иккинчи йил ўқий бошлаганида компьютер клуби очилди.

«Мактаб ота-оналар кўмитаси ҳар йили ёзги хайрия согувларини уюштирар ва ҳамиша топилган маблағни нимага сарфлаш кераклиги борасида баҳслашилар эди, — деб эслайди Гейтс. — Гоҳида бу пуллар қашшоқ туманлардан келган болаларнинг ёзги оромгоҳлари учун тўланарди. Баъзан муаллимларга беришарди. Ўша йили ота-оналар тўпланган уч минг долларга компьютер терминалини сотиб олишди. Уни мўъжазгина хонага ўрнатишди, кейинчалик биз бу хонани эгаллаб олдик. Компьютерлар биз учун нотаниш ва сеҳрли бир жумбоқ эди».

1968 йилда бу, шубҳасиз, нотаниш бир нарса эди. 1960-йилларда ҳали коллежларнинг аксариятида компьютер марказлари йўқ эди. Яна ҳам ҳайратланарлиси — мактаб қанақа компьютер сотиб олгани эди. «Лейксайд» ўқувчилари ўша пайтда деярли ҳамма шуғулланадиган машаққатли тизим кўмагида дастурлашни ўрганганлари йўқ. Мактаб телетайп ASR-33 деб аталадиган, вақтни тақсимлаш режимида ишлайдиган ва бевосита Сиэтл марказидаги ЭХМга уланган терминалга эга эди. «Вақтни тақсимлаш тизими фақат 1965 йилда пайдо бўлганди, — давом этади Гейтс. — У ерда кимдир жуда узоқни кўрадиган инсон эди». Билл Жой вақтни тақсимлаш тизими орқали ўрганишнинг ноёб тизимида дастурлаш имконини фақат 1971 йилда, биринчи курс талабаси бўлганда қўлга киритганди, Билл Гейтс эса реал вақт режимида дастурлаш билан шуғулланишни мактабнинг саккизинчи синфида ва Билл Жойдан уч йил олдин бошлади.

Компьютер ўрнатилган кундан бошлаб, Гейтс компьютер



синфини эгаллаб олди. Бир неча мактабдош дўстлари билан бирга у мустақил равишда янги аслаҳани ўзлаштиришга киришди. ASR уланган ЭХМда ишлаш учун вақт сотиб олиш «Лейксайд» сингари бадавлат муассаса учун ҳам қиммат эди ва ота-оналар йиққан пул тезда адо бўлди. Ота-оналар яна пул йиғишди ва болалар бу пулларни ҳам тамом қилишди. Бу орада Вашингтон университетининг бир гуруҳ дастурчилари Computer Center Corporation (ёки C-Cubed) фирмасига асос солишди ва маҳаллий компанияларга компьютерда ишлаш учун вақтни сота бошлашди. Бахтли тасодиф туфайли фирма соҳибларидан бири — Моника Ронанинг ўғли «Лейксайд»да, Билдан бир синф юқорида таҳсил оларди. Рона мактабнинг компьютер клубига дам олиш кунлари фирманинг дастурий таъминотини синовдан ўтказишни таклиф қилди ва эвазига бепул компьютер вақти ажратадиган бўлди. Бундай таклифни ким ҳам рад этарди! Энди мактабдаги дарсдан сўнг Гейтс автобусда C-Cubed офисига борар ва у ерда ярим тунгача ишларди.

Тез орада C-Cubed хонавайрон бўлди ва Гейтс дўстлари билан Вашингтон университетининг компьютер марказига кўчиб ўтишди. Бироз вақт ўтгач, улар бошқа фирмага, ISI фирмасига ўтишади ва бу фирма уларга компаниянинг тўлов варақаларини автоматлаштириш учун дастурий таъминотни мукаммаллаштириш эвазига бепул компьютер вақти ҳавола қилди. 1971 йилнинг етти ойи мобайнида Гейтс ва унинг ўртоқлари ISI компьютерида 1575 соат компьютер вақтини ўтказишди, бу ҳафтада етти кун саккиз соатдан ишлаш демақдир.

Билл Гейтс ўзининг мактаб даврини шундай ҳикоя қилади:

«Мен компьютер жинниси бўлиб қолгандим. Жисмоний тарбия дарсларига бормасдим. Компьютер синфида оқшомгача қолиб кетардим. Дам олиш кунлари ҳам дастурлаш билан шуғулланардим. Ҳар ҳафта биз бу ерда йигирма-ўттиз соат ўтирардик. Шундай бир пайт ҳам бўлдики, бизга ишлашни таъқиқлашди, чунки биз Пол Аллен билан бирга паролларни ўғирладик ва тизимни бузиб кирдик. Мен ёз бўйи компьютерсиз қолдим. Бу менинг ўн беш-ўн олти ёшларимда бўлган. Кейин Пол Вашингтон университетидан текин компьютер топди. Машиналар тиббиёт марказида ва физи-

ка факультетида турарди. Улар кунига 24 соатгача ишларди, аммо тунги учдан эрталабки олтигача уларни ҳеч ким банд қилмаган экан, — Гейтс жилмаяди. — Мана, нима учун мен хаамиша Вашингтон университетига нисбатан сахийлик қиламан. Мен уларнинг қанчалаб компьютер вақтини ўғирлаганман! Мен тунда чиқиб кетардим ва университетгача пиёда ёки автобусда борардим». Кўп йиллар ўтгач, Гейтснинг онаси шундай эслайди: «Нега эрталаб уни уйғотиш бунчалар қийин бўлишини биз ҳеч тушуна олмасдик».

Бир гал ISI асосчиларидан бири бўлган Бад Пемброукка TRW технологик компанияси мурожаат қилади, чунки компания Вашингтон штати жанубидаги улкан Бонневил электростанциясига компьютер тизимини ўрнатиш учун шартнома имзолаган эди. TRW учун тез муддатда электростанциялаш учун махсус дастурий таъминот билан таниш бўлган дастурчилар керак эди. Бироқ компьютер инқилобининг илк йилларида бу қадар тор ихтисослик бўйича дастурчиларни топиш қийин эди. Аммо Пемброук кимга кўнғирок қилишни аниқ биларди: Унга ISI компютерида минглаб соатлар ишлаган «Лейксайд» мактаби болалари керак эди. Билл Гейтс ўшаанда мактабнинг юқори синфида ўқирди ва қандайдир йўл билан ўқитувчиларни Бонневилдаги мустақил тадқиқот лойиҳасида ишлаш учун дарслардан озод қилишга кўндира олди. Бу ерда у бутун баҳор ойлари мобайнида Жон Нортон бошчилигида код ишлаб чиқиш билан банд бўлди. Нортон, Гейтснинг сўзларига кўра, дастурлаш ҳақида шунчалар кўп нарсаларни айтиб бердики, ҳали шу пайтгача ҳеч ким бунчалик кўп маълумотни айтолмаганди.

Саккизинчи синфдан то ўрта мактабни тутагунча ўтган бу беш йил Билл Гейтс учун ўзига хос Гамбург вазифасини ўтади. Қайси томондан қараганда ҳам, унинг чекига Билл Жойга насиб қилганидан ҳам кўп имкониятлар тушди.

1968 йилда нечта мактаб вақтни тақсимлаш тизимига эга бўлган терминалга эгаллик қила олган? Биринчи имконият: Гейтсни ўқиш учун «Лейксайд»га юборишди. Иккинчи имконият: ўқувчиларнинг ота-оналари компьютерни ишлатиш учун боғлиқ харажатларни молиялаштира олдилар. Учинчи имконият: пул тутаганда аён бўлдики, ота-оналардан бири C-Cubed фирмасида ишлар экан, фирмага яқшанба кунлари кодларни текширадиган одамлар лозим ва бу кунлар тун-

ларга уланишига фирма қарши эмас. Тўртинчи имконият: Гейтс тасодифан IST фирмаси ҳақида эшитиб қолади, фирмага эса айнан шу вақтда тўлов варақаларини бошқаришни таъминлайдиган дастур ишлаб чиқувчилар керак эди. Бешинчи имконият: TRW халқаро компанияси Бад Пемброукка мурожаат қилди. Олтинчиси: Пемброукка маълум энг яхши дастурчилар ўрта мактаб ўқувчилари эди. Еттинчиси: «Лейксайд» мактаби болаларга баҳорги семестрни ўтказиб юбориш имконини берди. Саккизинчи имконият: Бонневил лойиҳасининг раҳбари Нортон ажойиб устоз эди.

Мазкур барча имкониятларнинг умумий жиҳати нимада? Улар туфайли Билл Гейтс амалиёт учун бир дунё вақтга эга бўлди. У ўз компаниясига асос солиш учун Гарвард университетининг иккинчи курсини ташлаб кетганида унинг дастурлашдаги стажи етти йил бўлганди. У ўзлаштирган соатлар 10 000 соатдан анча ошиб кетганди. Дунёда нечта ўсмир бу қадар катта тажриба билан мақтана оларди? «Агар шундай эллик киши топилса ҳам ҳайрон бўлардим, — иқрор бўлади Гейтснинг ўзи. — Аввал C-Cubed ва тўлов варақалари учун дастур, кейин TRW, ҳаммаси омадли келди. Ўйлайманки, ўша вақтлар мен дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш учун бошқа тенгдошларимга қараганда катта имкониятларга эга бўлганман. Буларнинг бари ишониш қийин бўлган бахтли тасодифлар туфайлидир».

## 6

Агар хоккейчилар, «Битлз» гуруҳидаги мусиқачилар, Билл Жой ва Билл Гейтс тарихларини жамласак, ютуқ сари йўл манзараси ойдинлашади. Жой, Гейтс ва «Битлз», шубҳасиз, жуда истеъдодли эдилар. Леннон ва Маккартни ноёб мусиқий зехниятга эга эдилар, Билл Жой эса чивин учинининг мураккаб алгоритмини ишлаб чиқиб, ўз профессорларини мислсиз ҳаяжонга солган. Буларнинг ҳаммаси аён.

Улар истеъдодининг залворли қисми, мусиқа ёки математикага қобилликдан ташқари, истак-иштиёқдан ҳам иборат бўлган. «Битлз» вакиллари ҳафтасига етти кун, кунига саккиз соатдан мусиқа чалишга тайёр эдилар. Билл Жой туни билан дастурлаш билан машғул бўлишга тайёр эди. Бизнинг аксариятимиз унинг ўрнида бўлсак ухлашга кириб кетган бўлар

эдик. Бошқача айтганда, истеъдодлиликнинг асосий омиллари-дан бири соатлаб — то табиат ато этган қобилият тугаб, ишлаш иштиёқи бошланганини билолмай қолгунча, ишлай билишдан иборатдир. Кейинги бобда мен бу масалада батафсилроқ тўхталаман, чунки бизнинг муваффақиятларнинг табиатини ногўғри тушунишимиз туғма қобилиятларга ҳаддан зиёд катта аҳамият беришимиз билан изоҳланади.

Бироқ, бундан ҳам муҳим бир омил — қулай имкониятлар омилидир. Тенгламанинг ушбу унсурини биз етарлича баҳолай олмаяпмиз. «Битлз» Гамбургга таклифномани буткул тасодифан олган. Агар шу таклиф бўлмаганда, улар бошқа йўлдан кетиши ҳам мумкин эди. «Менинг жуда омадим келган», дея — бизнинг интервьюмиз аввалида Билл Гейтс шунга иқрор бўлди. Бу иқрор унинг ажойиб қобилияти аҳамиятини камайтирмайди. Бу Билл 1968 йилда «Лейксайд» мактабига ўқишга қабул қилингани жуда ҳам омадли ҳодиса эканини яхши тушунишини кўрсатади.

Биз юқорида кўриб ўтган барча ўзига хос инсонларнинг чекига ноёб имкониятлар тушган. Энг ажойиб ҳолат шудир! Дастурий таъминотдан маблағ ишлаган миллиардерлар, рок-туруҳлар ва спорт юдузларига нисбатан бахтли тасодифлар истисно эмас, бир муқаррар қоидадир.

Охирида яна бир мисол. Олдинги боб ниҳоясида бўлгани каби тақвимий таҳлил ўтказамиз, фақат бу гал бизни таваллуд ойлари эмас, йиллар қизиқтиради. Инсоният тарихидаги энг бой 75 инсоннинг рўйхати билан танишинг. Бу рўйхатни яқинда Forbes журнали тузган. Уларнинг ҳар бирининг бойлик салоҳияти бугунги сотиб олиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда АҚШ долларларида баҳоланган. Рўйхатга ўтган асрларнинг қироличалари, қироллари, фиръавнлари, шунингдек замонамизнинг Уоррен Баффетт ва Карлос Слим сингари миллиардерлари киритилган.

№	Фамилияси, исми	Молиявий ҳолати (млрд. \$)	Келиб чиқиш мамлакати	Компанияси
1	Жон Рокфеллер	318.3	АҚШ	Standard Oil
2	Эндрю Карнеги	298.3	Шотландия	Carnegie Steel Company
3	Николай II	253.5	Россия	Романовлар сулоласи

№	Фамилияси, исми	Молиявий ҳолати (млрд. \$)	Келиб чиқиш мамлакати	Компанияси
4	Уильям Генри Вандербилт	231.6	АҚШ	Chicago, Burlington and Quincy Railroad
5	Осман Али Хан	210.8	Ҳайдаробод	Монархия
6	Эндрю Меллон	188.8	АҚШ	Gulf Oil
7	Генри Форд	188.1	АҚШ	Ford Motor Company
8	Марк Лициний Красс	169.8	Рим империяси	Рим сенати
9	Василий II	169.4	Византия империяси	Монархия
10	Корнелий Вандер- билт	167.4	АҚШ	New York and Harlem Railroad
11	Алан Руфус	166.9	Англия	Инвестициялар
12	Аменхотеп III	155.2	Қадимги Миср	Фиръавн
13	Вильгельм де Варенн	153.6	Англия	Графлик
14	Вильгельм II	151.7	Англия	Монархия
15	Елизавета I	142.9	Англия	Тюдорлар сулоласи
16	Кенжа Жон Рок- феллер	141.4	АҚШ	Standard Oil
17	Сэм Уолтон	128	АҚШ	Wall-Mart
18	Жон Жейкоб Астор	115	Германия	American Fur Company
19	Одо, Байе епископи	110.2	Англия	Монархия
20	Стефан Жирар	99.5	Франция	АҚШдаги илк банк
21	Клеопатра	95.8	Қадимги Миср	Птолемей мероси
22	Стефан Ван Рен- селлер III	88.8	АҚШ	Rensselaerswyck Estate
23	Ричард Меллон	86.3	АҚШ	Gulf Oil
24	Александр Терни Стьюарт	84.7	Ирландия	Long Island Rail Road
25	Кенжа Уильям Бэксаус Астор	84.7	АҚШ	Мерос

№	Фамилияси, исми	Молиявий холати (млрд. \$)	Келиб чикиш мамлақати	Компанияси
26	Дон Симон Итурби Патиньо	81.2	Боливия	Huanuni tin mine
27	Султон Хассанал Болкиах	80.7	Бруней	Монархия
28	Фредерик Вейер- хойзер	80.4	Германия	Weychaeuer Corporation
29	Мозес Тейлор	79.3	АҚШ	Citibank
30	Винсент Астор	73.9	АҚШ	Мерос
31	Карлос Слим Хелу	72.4	Мексика	Telmex
32	Т. В. Сунг	67.8	Хитой	Хитой Марка- зий Банки
33	Жей Гулд	67.1	АҚШ	Union Pacific
34	Маршалл Филд	66.3	АҚШ	Marshall Field and Company
35	Жорж Бейкер	63.6	АҚШ	Central Railroad of New Jersey
36	Гетти Грин	58.8	АҚШ	Seaboard National Bank
37	Билл Гейтс	58	АҚШ	Microsoft
38	Лоуренс Жозеф Эллисон	58	АҚШ	Oracle Corpo- ration
39	Ричард Аркрайт	56.2	Англия	Derwent Valley Mills
40	Мукеш Амбани	55.8	Ҳиндистон	Reliance Industries
41	Уоррен Баффет	52.4	АҚШ	Berkshire Hathaway
42	Лакшми Миттал	51	Ҳиндистон	Mittal Steel Company
43	Пол Гетти	50.1	АҚШ	Getty Oil Company
44	Длеймс Фейр	47.2	АҚШ	James Graham Fair
45	Уильям Уэйтман	46.1	АҚШ	Merck & Company
46	Рассел Сейдж	45.1	АҚШ	Western Union
47	Жон Блер	45.1	АҚШ	Union Pacific

№	Фамилияси, исми	Молиявий ҳолати (млрд. \$)	Келиб чиқиш мамлакати	Компанияси
48	Анил Амбани	45	Ҳиндистон	Reliance Domunication
49	Лиланд Стенфорд	44.9	АҚШ	Central Pacific Railroad
50	Кенжа Говард Робард Хьюз	43.4	АҚШ	Hughes Tool Company, Hughes Aircraft Company, Sum- ma Corporation, TWA
51	Сайрус Кергис	43.4	АҚШ	Curtis Publishing Company
52	Жон Инсли Блер	43.2	АҚШ	Daleware, Lackawanna and Western Railroad
53	Эдвард Генри Хар- риман	42.4	АҚШ	Pacific Railroad Union
54	Генри Рожерс	40.9	АҚШ	Standard Oil Company
55	Пол Аллен	40	АҚШ	Microsoft, Vulcan, Inc.
56	Жон Вернер Клог	40	Германия	Metropolitan Broadcasting Company
57	Ж. Морган	39.8	АҚШ	General Electric, US Steel
58	Оливер Пейн	38.8	АҚШ	Standard Oil
59	Йошиаки Цуцуми	38.1	Япония	Seibu Corpora- tion
60	Генри Клей Фрик	37.7	АҚШ	Camegie Steel Company
61	Жон Жейкоб Астор IV	37	АҚШ	Мерос
62	Жорж Пуллман	35.6	АҚШ	Puliman Company
63	Коллис Поттер Хантингтон	34.6	АҚШ	Central Pacific Railroad
64	Питер Аррел Браун Уайднер	33.5	АҚШ	American Tobacco Company

№	Фамилияси, исми	Молиявий ҳолати (млрд. \$)	Келиб чиқиш мамлакати	Компанияси
65	Филип Данфорт Армор	33.4	АҚШ	Amour Refrigerator Line
66	Уильям О'Брайен	33.3	АҚШ	Consolidated Virginia Mining Company
67	Жеймс Флад	32.5	АҚШ	Consolidated Virginia Mining Company
68	Ингвар Кампрад	33	Швеция	IKEA
69	К. П. Сингх	32.9	Ҳиндистон	DLF Universal Limited
70	Ли Ка-шинг	32	Хитой	Hutchison Whampoa Limited
71	Энтони Брейди	31.7	АҚШ	Brooklyn Rapid Transit
72	Элиас Хаскет Дерби	31.4	АҚШ	Денгиз орқали ташиш
73	Марк Хопкинс	30.9	АҚШ	Central Pacific Railroad
74	Эдвард Кларк	30.2	АҚШ	Singer Sewing Machine
75	Шахзода Ал-Валид бин Талал	29.5	Саудия Арабистони	Kingdom Holding Company

Биласизми, бу рўйхатда диққатга молик нарса нима? 75 кишидан яхлит 14 киши — XIX асрда бор-йўғи тўққиз йил фарқ билан туғилган америкаликлардир. Бир дақиқа ўйланг. Клеопатра ва бошқа қадимий Миср фиръавнларидан бошлаб то бугунгача ер шарининг ҳамма бурчакларини ўрганган тарихчилар инсоният тарихининг бирор йилини четлаб ўтмаганлар. Натижада исмларнинг деярли 20 % бир мамлакатнинг бир авлодига мансуб инсонлар бўлиб чиққан.

Мана, ўша исм-шарифлар :

1. Жон Рокфеллер, 1839
2. Эндрю Карнеги, 1835
28. Фредерик Вейерхойзер, 1834



33. Жей Гулд, 1836
34. Маршалл Филд, 1834
35. Жорж Бейкер, 1840
36. Гетти Грин, 1834
44. Жеймс Фейр, 1831
54. Генри Рожерс, 1840
57. Ж. Морган, 1837
58. Оливер Пейн, 1839
62. Жорж Пуллман, 1831
64. Питер Уайднер, 1834
65. Филин Армор, 1832

Гап нимада? Агар ўйлаб кўрсангиз, жавобини дарҳол топасиз. 1860-1870-йилларда Америка иқтисоди ўз бошидан, эҳтимол, ўз тарихидаги энг юксак тараққиётни бошдан кечирган. Бу даврда йўллар қурилди, Уолл-стрит барпо этилди, саноат ишлаб чиқариши фаол ривожланди. Анъанавий иқтисод фаолият юритган барча қоидалар инкор этилди, янги қоидалар жорий қилинди. Юқорида келтирилган рўйхатдан кўришиб турибдики, агар сиз янги очилган имкониятлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, бу ислохотлар даврида сиз 20-30 ёшлар атрофида бўлишингиз керак.

Агар сиз 1840-йилларнинг охирида туғилган бўлсангиз, биров кеч қолгансиз. Негаки, қулай вазиятдан фойдаланиш учун сиз ҳали жуда ёшсиз. Агар 1820-йилларда туғилган бўлсангиз, жуда қариб қолган бўласиз: сизнинг тафаккурингиз фуқаролик урушигача, аввалги ҳаёт тарзи таъсирида шаклланиб бўлган. Ўртадаги тўққиз йил муддат ҳамма томондан идеал ва мос келувчи йиллардир. Рўйхатдаги 14 инсоннинг ҳар бири узоқни кўра оладиган ва истеъдодли шахслар эди. Бироқ, истеъдодларидан ташқари, уларнинг чекига, худди январь, февраль ва мартда туғилган хоккейчилар ва футбол ўйинчилариники сингари улкан имконият тушди.<sup>3</sup>

Яхши. Келинг, худди шундай таҳлилни компьютер магнатлари бўлган Билл Жой ва Билл Гейтс сингари инсонларга қўллаб кўрамиз.

3 1830-йилларга мансуб мазкур гуруҳга нисбатан яна бир кашфиёт қилинди. Социолог Райт Миллз XX асргача бўлган мустамлака давридаги америка оқсуяклари таржимаи ҳолларини таҳлил қилиб чиқди. Аксариyat ҳолларда бунинг ҳайратли жойи йўқ, омадли тадбиркорлар имтиёзли

Кремний водийси нуронийлари эътирофича, шахсий компьютерлар тарихида энг машҳур сана 1975 йилнинг январидир. Айнан ўшанда Popular Electronics журнали Altair 8800 номли ноёб агрегат ҳақида мақола чоп этди. Унинг нархи \$397 эди. Бу топқир аслаҳани уйда мустақил йиғиш мумкин эди. Мақоланинг сарлавҳаси куйидагича эди: «ТЕХНИК ЮКСАЛИШ! Саноат моделларини сиқиб чиқарадиган дунёдаги илк мини-компьютер». Popular Electronics дастурий таъминот ва компьютерлар соҳаси учун Инжил каби эди, унинг бу сарлавҳаси шов-шув бўлиб кетди. Ўша пайтдаги компьютерлар Мичиган университетининг оқ кошин билан қопланган компьютер маркази ўртасида ястаниб ётган улкан машиналар сингари кўтариб бўлмайдиган қимматбаҳо машиналар эди. Компьютер фидойилари ва савдойилари узоқ йиллар мобайнида истаган ишқибоз сотиб олса бўладиган, унчалик катта бўлмаган шахсий компьютер пайдо бўладиган кунни кутардилар. Ўша кун келди.

Агар 1975 йилнинг январини шахсий компьютерлар замонининг бошланиши бўлса, бу борада ким энг қулай ҳолатда эди? Жон Рокфеллер ва Эндрю Карнеги билан бўлгани каби, албатта, компьютер инқилоби бошланган пайтда кексайиб қолганлар эмасди. Фақат ёшлар етарлича эркин, дадил ва мардонавор бўладилар, янги ғояларни олдинга сура оладилар. «Агар сиз 1975 йилда анча катта ёшда бўлсангиз, коллеж таҳсилдан сўнг дарҳол қайсидир IBMда иш бошлагансиз, IBMдан бошлаган одамлар, янги дунёга кўникиши осон эмас, — дейди кўп йиллар Microsoftда раҳбар лавозимларни эгаллаган Натан Майервольд. — Агар сен улкан ЭҲМ ишлаб чиқарадиган кўп миллиардлик компанияда ишлаган бўлсанг, муқаррар шу фикрга келасан: бу митти компьютерчалар билан шуғулланиш нимага керак? Компьютер саноати-га бундай қараш янги инқилобий ёндашувга буткул ёт эди. Яхши ҳаёт учун бу одамлар етарли бойлик тўплаган эдилар

оилалардан чиққан эди. Ягона истисно керакми? 1830- йиллар гуруҳи. Мана, шу ўн йилликда туғилишнинг афзаллиги жуда самарали бўлди: бу Америка тарихидаги камторона оиладан чиққанлар улкан бойликларга эга бўла олган ягона даврдир. Миллз бу ҳақда шундай ёзади: «Бу йил — 1835 йил Америка Кўшма Штатларининг бутун тарихида қашшоқ оилалардан чиққан болалар бизнесда улкан ютуқларга эришиши мумкин бўлган энг ажойиб давр бўлди ».

ва беқиёс кўп маблағ ишлаш ва бутун дунёга таъсир ўтказиш уларнинг тушларига ҳам кирмас эди».

Агар сиз 1975 йилдан бир неча йил олдин коллежни тугатган бўлсангиз ва дастурлаш бўйича биров тажрибангиз бўлса, катта эҳтимол билан, сизни аллақачон IBM ёки бошқа анъанавий компьютер компанияси ишга ёллаган бўларди. Сиз эски дунё одамисиз. Эндигина уй сотиб олгансиз. Уйлангансиз. Фарзандингиз туғилишини кутяпсиз. Сиз қандайдир 397 АҚШ доллари турадиган хаёлий компьютерни деб яхши ишингиздан ва нафақангиздан воз кечишга куч топа олмайсиз. Шундай қилиб, барча илгарироқ туғилган, дейлик, 1952 йилда туғилганларни ўчирамиз.

Сиз жуда ёш ҳам бўлмаслигингиз, яъни 1975 йилда сиз мақбул позицияни эгаллашингиз лозим, бунинг учун ўрта мактабни тугатган бўлишингиз керак. Шундай қилиб, 1958 йилдан кейин туғилганларни ҳам ўчирамиз. Бошқача айтганда, 1975 йилга келиб сиз кириб келаётган инқилобни англайдиган даражада навқирон ёшда бўлишингиз керак, бироқ ўрnidан туришга эрина бошлаган ёшда ҳам бўлмаслигингиз лозим. Сизнинг ёшингиз 20–21 да бўлиши, яъни сиз 1954 ёки 1955 йилда таваллуд топган бўлмоғингиз зарур.

Бу назарияни текширишни таклиф қиламан. Кремний водийсининг энг бой ва машхур магнати Билл Гейтсдан бошлаймиз. У қачон туғилган?

**Билл Гейтс: 28 октябрь, 1955 йил.**

Туғилиш учун идеал сана! Гейтсни 1 январда туғилган хоккей ўйинчиси дейиш мумкин.

Гейтснинг «Лейксайд»даги энг яқин дўсти Пол Аллен эди. У ҳам бор бўш вақтини компьютер синфида ўтказар ва ярим тунгача ISI ва C-Cubed офисларида қолиб кетарди. У Microsoftни Билл Гейтс билан бирга тузган.

**Пол Аллен: 21 январь, 1953 йил.**

Microsoftнинг учинчи бой одами — Стив Балмер, компаниянинг бош директори ва компьютер саноатида энг ҳурматга сазовор инсонлардан биридир.

## Стив Балмер: 24 март, 1956 йил.

Стив Жобсни, яъни Apple Computer асосчисини ҳам унутмайлик, у ҳам Гейтсдан кам бўлмаган шон-шуҳратга эга инсон. Гейтс сингари бой оилада ўсмаган, Жой каби Мичиган университетига таҳсил олмаган. Бироқ унинг ҳам ўз Гамбургги бўлганлигини англаш учун таржимаи ҳолини чуқур қовлаш шарт эмас. Стив Жобс Маунтин-Вьюда, Калифорния штатида, Сан-Францисконинг жануброғида, яъни Кремний водийсининг қоқ юрагида яшаган. Бу туманда Hewlett-Packard муҳандислари истиқомат қилган, бу компания ўша даврнинг энг салоҳиятли технологик компанияларидан бири эди, ҳозир ҳам шундай. Ўсмир Стив тинимсиз Маунтин-Вьюнинг эски-туски бозорчаларида кезиб юрар, бу ерда техника ишқибозлари ва ашқол-дашқол усталари турли-туман эҳтиёт қисмларини сотишарди. Жобс кейинчалик ўзи шуғулланиб, катта бойлик топган бизнеснинг ҳавосини симириб катта бўлганди.

Жобснинг «Тасодифий миллионер» (Accidental Millionaire) китобидан болалиги ҳақида тасаввур берадиган бир парчани ҳавола этаман.

У Hewlett-Packard мутахассисларининг кечки йиғилишларида иштирок этган. Уларда электроника соҳасидаги янгиликлар ва ютуқлар муҳокама қилинарди ва Жобс, ўзигагина хос йўсинда, муҳандислардан бир дунё кўшимча ахборотларни сўраб, билиб оларди. Бир куни у компания асосчиларидан бири бўлган Билл Хьюлеттга телефон қилади ва айрим деталларни сотиб олиш истагини билдиради. У керакли деталларни қўлга киритади ва ҳатто ёзда ўзи учун иш ҳам сўраб олади. У конвейер линиясида ишлайди ва бундан шу қадар ҳайратга тушадики, натижада ўзининг шахсий конвейерини лойиҳалашга қарор қилади...

Тўхтанг. Билл Хьюлетт у билан эҳтиёт қисмларни бўлишади?! Ўн уч ёшида терминалдан фойдаланишга чексиз имконият топган Билл Гейтс тарихидаги каби ҳодиса юз беради. Бу худди сиз кийим-кечак урфи, мода билан қизиққанда кўшнингиз Жоржио Армани бўлиб чиққанига ўхшайди. Стив Жобс қачон туғилган?

## Стив Жобс: 24 февраль, 1955 йил.

Эрик Шмидт — компьютер инқилобининг яна бир пионери. У Кремний водийсининг энг салоҳиятли компанияларидан бири — Novell компаниясини бошқарган, 2001 йилда Googlенинг Бош ижрочи директори лавозимига ўтирган.

**Эрик Шмидт: 27 апрель, 1955 йил.**

Албатта, Кремний водийсининг барча магнатлари 1955 йилда туғилган, деб туриб олаётганим йўқ. Ҳаммаси эмас, худди шундай Америка Қўшма Штатларининг барча бизнес корчалонлари 1830-йилларнинг ўртасида туғилмаган. Аммо бу ерда муайян қонуният борлиги кўриниб турибди ва биз буни кўрмасликка олишимиз инсофдан эмас. Биз ўзимизча муваффақият батамом шахсий фазилатларга боғлиқ деб ўйлаймиз, аммо биз кўриб чиққан тарихлар ҳаммаси бу қадар осон ва жўн эмаслигини кўрсатади.

Бу тарихлар тер тўкиб ишлаш имкониятига эга бўлган ва бундан бўйин товламаган инсонлар ҳақидадир. Тиришқоқлик билан қилинган меҳнатни жамият қадрлайдиган бир пайтда вояга етган инсонлар ҳақидадир. Уларнинг муваффақиятлари фақат уларнинг хизмати туфайлигина эмас. Бу улар вояга етган дунёнинг ҳам маҳсулидир. Бошқача айтганда, уларнинг ютуқлари уларнинг ўзларигагина аён бўлган сирли тилсимлар, яширин омиллар туфайли эмас. Бу ютуқларнинг мантқиқий асоси бор, гар биз бу мантқиқни англай олсак, ўйлаб кўринг, қаршимизда қандай кенг имконияту истиқболлар очилади!

Билл Жойни унутмайлик. Агар у бироз катта ёшда бўлса эди ва перфоқарталар билан ишлаб, жонига текканида табиий фанларга қизиқарди. Компьютер саноатининг афсонаси бўлган Билл Жой, балким, биолог Билл Жой бўларди. Агар у бир-икки йил кейин туғилганда эди, Интернет учун кодларни ишлаб чиқиш учун очилган мўъжаз деразача аллақачон ёпилган бўларди. Компьютер саноатининг афсонаси бўлган Билл Жой, балким, бу ҳолатда ҳам биолог Билл Жой бўларди.

**Билл Жой: 8 ноябрь, 1954 йил.**

Беркли таҳсилдан сўнг Жой Sun Microsystems компани-

ясининг түрт асосчиларидан бири бўлди ва Кремний водийсидаги асосий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларидан бирига айланди. Агар сиз ҳали ҳам туғилган сана ва жой ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деб билсангиз, мен қолган учта Sun Microsystems асосчиларининг туғилган саналарини келтираман:

Скотт Макнили: 13 ноябрь, 1954 йил.

Винод Хосла: 28 январь, 1955 йил.

Энди Бехтольшейм: 30 сентябрь, 1955 йил.

## 3-БОБ

## Зукколар масаласи оддий ва жўн эмас

«Агар сиз ақли болакайларнинг  
яхлит гуруҳи билан ишласангиз,  
битта болакайнинг IQ даражасини  
билишдан фойда кам»

## 1

Америка заковатлилар телешоуси 2008 йил мавсумининг бешинчи қисмида «Юз инсонга қарши бир инсон» рукнида махсус меҳмон сифатида Кристофер Ланганни таклиф қилади.

«Юз инсонга қарши бир инсон» — «Ким миллионер бўлишни истайди» шоусининг феноменал муваффақияти тўлкинида қалқиб чиққан кўплаб телевизион шоуларнинг биридир. Унинг асосий қатнашчилари — юзта оддий одам, яъни оломон. Ҳар ҳафта улар махсус таклиф қилинган меҳмон билан заковатлилар тўқнашувига киришадилар. Бир миллион доллар ўйналади. Юзта одамни енгиб чиқиш учун меҳмон етарлича билимдон бўлиши керак. Дарҳақиқат, бу ролга бошқа ҳеч ким Кристофер Ланган сингари мос келолмас эди.

«Бугун оломонни шафқатсиз тўқнашув, кураш кутмоқда, — деди кадр ортидаги овоз. — Крис Ланганни қарши олинг, уни кўпчилик Американинг энг ақли одами, деб атайди!» Камера эллик ёшлардаги калтабақай, миқти бир одамни кўрсатди. «Ҳисоб-китобларга кўра ўртамиёна инсоннинг IQ даражаси юз балл ҳисобланади. Эйнштейнники бир юз эллик балл бўлган. Крисники — бир юзу тўқсон беш. Ҳозирги пайтда унинг буюк ақли Коинотнинг келиб чиқиши назарияси билан банд. Аммо шу қадар буюк заковат эгаси оломонни енга олармикан, Крис оломондан миллион долларни ютиб оладими? «Юз инсонга қарши бир инсон» телешоусини кўринг!»

Гулдурос қарсақлар остида Ланган саҳнага чиқади.

— Сиз бизнинг ўйинимизда ютиб чиқиш учун юксак ақл керак деб ўйларсиз? — сўрайди шоуни олиб борувчи Боб Саджет, меҳмонга худди лаборатория тадқиқоти учун ажратилган нусхани кўздан кечиргандай синчков боқаркан.

— Менимча, юксак ақл баъзан халақит бериши ҳам мумкин, — жавоб берди Ланган. — Юксак IQ эгаси бўлиш учун ихтисослашиш керак, муайян илм соҳасини чуқур ўрганиш зарур, майда-чуйдаларга қарамаслик керак. Аммо ҳозир, бу одамларни кўрар эканман, — шундай дея, у оломонга кўз қирини солди, кўзларида мазкур ўйинга муносабатини англаган шодлик учқунлари порлаётгандай эди, — энди ғалаба қила оламан, деган фикрга келдим.

Кейинги ўн йилликда Крис Ланган фавқулодда шон-шуҳратга эришди. У даҳоликнинг буюк намунасига, ҳақиқий машҳурлик соҳибига айланди. Уни янгиликлар дастурларига таклиф қилишарди, у ҳақда журналларда ёзишарди. Режиссер Эррол Моррис у ҳақида ҳужжатли фильм суратга олди. «20/20» телевизион дастури «Ланганнинг ақлий ривожланиш коэффицентини ўлчаш учун» нейропсихологни таклиф қилди, аммо унинг кўрсаткичлари шу қадар юқори эдики, уни бехато, аниқ ўлчай олишмади. Бошқа гал Ланганга истеъдодли одамлар учун махсус ишлаб чиқилган тестни таклиф этишди. У битта саволдан бошқа ҳаммасига тўғри жавоб берди.<sup>4</sup>

Унинг биографисига назар ташласак: Олти ойлигида Крис аллақачон гапира бошлаганди. Уч ёшлигида радионинг дам олиш кунлари эфирга узатиладиган ҳажвий ҳикояларини тингларди. Крис уларнинг ортидан матнни кузатиб борар ва шу йўсинда мустақил равишда ўқишни ўрганиб олганди. Беш ёшида у бобосидан Худо ҳақида сўрай бошлади ва олган жавобларидан қониқмади.

Мактабда у ўзи аввал билмаган тил бўйича дарсга кирар ва ўқитувчи кирганча икки-уч дақиқада дарсликни варақлар ва матнни ажойиб бир тарзда ўзлаштириб оларди. Ўсмирли-

4 Бу IQ-тест Рональд Хефлин томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Хефлиннинг ўзи ўта юқори заковат эгаси эди. Мана, «Вербал аналогиялар» бўлимидаги саволлардан бири: «Тишлар товуққа худди ин .....га муносабатда бўлган каби қарайдилар?» Агар жавобини билишни истасангиз, мен сизга ёрдам беролмайман — мен жавобни билмайман!



гида фермада ишлар ва айна пайтда назарий физика билан кизиқарди. 16 ёшида Бертран Расселл ва Альфред Норт Уайтхеднинг фундаментал асари ҳисобланган «Математика тамойиллари» (*Principia Mathematica*)ни ўрганишга киришди. SAT (академик қобилиятларни аниқлаш учун имтиҳон)да, синов пайтида ухлаб қолганига қарамасдан, энг юқори баллни қайд этди.

Криснинг акаси Марк унинг кун тартиби тўғрисида шундай ҳикоя қилади: «Аввал у бир соат математика билан шуғулланади. Кейин бир соат француз тилини ўрганади. Кейин рус тилидан машқ қилади. Кейин фалсафага киришади. Шу тариқа ҳар куни, истисносиз ҳар куни шуғулланади».

Унинг иккинчи акаси, Жефф, шундай дейди: «Биласизми, Кристофер ўн тўрт ёки ўн бешга кирганида, расм чизишни яхши кўриб қолди, шунчаки, ўйнаб чизган суратлари худди фотографияга ўхшарди. Ўн беш ёшида эса у гитарада Жим Хендрикс партияларини сўнги аккордларигача аниқ чала оларди. Ўқув йилининг ярим вақтида у умуман мактабга бормасди. У фақат синов ва имтиҳонларда пайдо бўлар, ўқитувчилар ҳеч нарса қилолмай қолардилар. Биз бундан бошимиз кўкка етгундек қувонар эдик. У бир семестр ўтиладиган дарсликларни икки кунда ўзлаштириб оларди, имтиҳон топшириб, ўз ишларига қайтарди».<sup>5</sup>

5 Крис қандай ўсмир бўлганлигини тасаввур қилиш учун Л. исмли боланинг тарихи билан танишинг, унинг аклий ривожланиш коэффициенти ҳам Ланганники каби ўша 200 баллик диапазонда эди. Ҳикоя ўта истеъдодли болалар билан илк шуғулланганлардан бири, психолог Лета Холлингсуортнинг тадқиқотидан олинган. Ушбу ҳикоядан аён бўладики, IQ даражасининг 200 кўрсаткичи жуда, жуда юқоридир.

Ёш Л.нинг эрудицияси, ақлу идроки академик аниқликка интилиши ва синчковлиги одамили ҳайратга соларди. Бу бакуват, ҳаракатчан йигитча «Профессор» деган лақабни олганди. Унинг қобилияти ва ўқишга муносабати муаллимларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлганди. Унга кўпинча махсус мавзуларда: соатлар тарихи, двигателларни яратишнинг қадимий назариялари, математика ва тарих бўйича бир соатлик лекциялар ўқишни топширишарди. Хронометрия тамойилларини кўрсатиш учун у ёзув машинкасининг ғилдиракчаси каби турли ашқол-дашқоллардан маятникли соат ясарди. Ўзи ясаган соатларни у «Вақт ва унинг ўлчаниши» номли маърузаси давомида намойиш қиларди. Унинг оддий дафтларлари ҳам илмий асар намуналари эди.

«Юз инсонга қарши бир инсон» телешоуси суратга олинаётган пайтда Ланган ўта сокин ва ўзига ишонган ҳолатда эди. Овози босиқ. Кўзларида нур йилтираб турарди. У саволларни эшитар экан, тўғри жавоб излаб ўйланиб ўтирмас, фикрини ифодалаш учун аввалги саволларга қайтмас эди. У сўзларда адашиб, тутилиб қолмасди, гап кетидан гапни улаб борарди. Унинг лабларидан гаплар худди намоишига чиққан аскарлардай саф-саф учиб чиқарди. У Саджет ташлаган саволларга жавоб қайтарар, гўё бу саволлар унинг учун ўта жўн нарсадай эди. Унинг ютуғи 250 000 АҚШ доллари бўлганда, Ланган ҳамма жамланган пулни йўқотиш хавфи ўйинни муваффақиятли давом эттириш эҳтимолидан юқорироқ, деган қарорга келди ва ўйинни давом эттиришдан бош тортди. У кескин тўхтади ва деди: «мен пулни оламан». У Саджетнинг қўлини қаттиқ сиқди ва ўйинни ғолиб сифатида тарк этди, ахир, барча даҳолар шундай қиладилар-ку, тўғри эмасми?

## 2

Бу ҳодиса Биринчи жаҳон уруши тутагандан сўнг кўп вақт ўтмай содир бўлди. Стэнфорд университетининг ёш профессори, психолог Льюис Терман Генри Коуэлл деган ўсмир билан танишиб қолди. Бола қашшоқликда ўсган ва амалда етти ёшгача таълим олмаган, шунингдек тенгдошлари билан чиқиша олмасди. Айни пайтда у бор-йўғи биргина синфи бор мактабда фаррош бўлиб ишларди. Бу мактаб Стэнфорд кампусининг яқинида эди. Бироқ Коуэлл яширинча пианино чалиш учун тез-тез ишни ташлаб кетарди. Пианинода у ажойиб тарзда гўзал куйлар ижро этар эди. Терман инсон заковатини баҳолашга ихтисослашган олим эди; у стандарт IQ-тестни ишлаб чиққан, Стэнфорд-Бине тести деб аталадиган бу тестни ярим аср мобайнида дунёнинг миллионлаб

---

Унинг фикрича, «Транспорт воситалари» номли маърузаларда ер усти саёҳатларига кам эътибор берилади. Аммо у вақтнинг чекланганлиги мавзунини тўла очишга имкон бермаслигини тан оларди. Бироқ қадимги инсонларнинг назариялари билан танишишни зарур деб ҳисобларди. Қўшимча мустақил лойиҳа сифатида у двигателлар, локомотивлар ва бошқаларнинг биринчи вариантлари суратлари ва батафсил таснифларини чизиб, ёзарди... Ўша пайтда унинг ёши атиги 10да эди».

одамлари ечиб кўрганлар. Терман Коуэллнинг заковати даражасини ўлчаб кўришга қарор қилади. Унинг тахминича, болакай жуда истеъдодли эди. Текширишдан маълум бўлдики, ҳеч қаерда таълим олмаган бу бола жуда истеъдодли экан. Унинг IQ даражаси 140дан юқори чиқди, бу даҳоликка тенг кўрсаткич эди. Терман ҳайратга тушди. Халқ орасида ҳали бунақа қирраси чархланмаган олмосларнинг қанчаси хор бўлиб юрган экан? – деб ўзидан сўради у.

Терман уларни излашга тушди. Аввал ўн тўққиз ойлигида алифбони ёдлаб ўрганган қизалоқни топди, кейин яна тўрт ёшида Диккенс ва Шекспирни ўқиган қизчани топди. Кейин бир ёшгина йигитчани топди, уни юридик факультетдан ҳайдаб юборишибди, чунки у жуда узундан-узоқ юридик хулосаларни ёддан айтиб бера оларкан, профессорлар бунга ишонмаган ва фирибгарлик, деб аташган.

1921 йилда Терман истеъдодли инсонларни ўрганишни ўз ҳаётининг асосий ишига айлантиришга қарор қилди. Ҳамдўстлик фондидан салмоқли грант олиб, у мутахассислар жамоасини тўплади ва Калифорниянинг бошланғич мактабларига юборди. Ўқитувчилар энг яхши ўқувчилари номларини айтишди, бу ўқувчилар интеллектуал ривожланиш тестидан ўтказилди. Дастлабки ўн фоизга кирганлар иккинчи тестни ҳам топширишди; 130 балдан юқори баҳо олганлар учинчи тест синовларига ўтказилди. Умумий натижаларга кўра Терман энг истеъдодли ва заковатли ўқувчиларни танлаб олди. Тадқиқотнинг яқунланиш пайтигача у бошланғич ва ўрта мактабларнинг 250 000 ўқувчисини синовдан ўтказди ва улар орасидан 140–200 балл олган 1470 ўқувчини ажратиб олди. Бу ёш даҳолар гуруҳи «Термитлар» деган номни олди ва тарихдаги энг машҳур психологик тадқиқотлардан бирининг объекти бўлди.

Терман, худди курк бўлган товуқ сингари, ўз қаҳрамонларидан умрининг охиригача кўз узмади. У тадқиқоти объектларининг ҳаёт йўлини кузатди, синовдан ўтказди, ўлчади ва таҳлил қилди, уларнинг академик ютуқларини қайд этди, оилавий муносабатларининг ривожланишини кузатди, уларнинг барча касалликлари ҳақида маълумотларни тўплади, руҳий саломатликлари ҳолатларини ўрганди, ишдаги ҳар қандай ўсишларини ва иш жойи ўзгартиришларини ҳужжатлаштириб борди. У ўз ҳомийлигидагиларга ишга

киришлари ёки аспирантурага жойлашишлари учун тавсияномалар ёзиб берарди. У ўз эътибори остидагиларнинг барчасига ҳар доим маслаҳатлар берар ва улар билан юз берган ҳамма нарсани «Даҳоларни генетик ўрганиш» деган қалин, муқоваси қизил дафтарига қайд этиб борарди. Терман ҳақиқий машҳур инсонга айланди. (Албатта, бу атиги миқти, букчайган бир кўзойнакли психолог эришиши мумкин бўлган даражадаги машҳурлик эди). Матбуотда уни тинмай тилга олишар, сўзларидан иқтибослар келтиришар ва радиодаги шоуларга чақиришарди, у эса ўзининг машҳурлигидан ўзининг бир вақтлар бомба портлагандай шов-шувга сабаб бўлган назариясини яна бир бор далиллашда фойдаланарди: унингча инсоннинг заковатини худди унинг бўйини ўлчаган каби ўлчаш мумкин ва олинган натижалар унинг истиқболини тахмин қилиш имконини беради.

«Инсонда унинг заковатидан кўра муҳимроқ нарса йўқ, эҳтимол маънавият ҳам шундоқ муҳимдир», — деди бир гал Терман. У шунга қатъий ишонар эдики, айнан IQ даражаси юксак инсонлар «фан, санъат, таълим, давлат бошқаруви ва умуман ижтимоий фаровонликни олдинга силжитишга қодирдирлар». Тадқиқ этилаётган инсонлар вояга етгани сари Терман уларнинг муваффақиятлари ҳақида янги маълумотларни тўплаб борарди. Унинг кўз остига олганлари ҳали ўрта мактабда ўқиб юрганларида, у ҳаяжон билан шундай ёзган: «Калифорния газеталаридаги кўрик бўлиб ўтгани ҳақидаги исталган мақолани ўқиб кўринг, ғолиблар рўйхатида албатта истеъдоддилар гуруҳи аъзоларидан бир нечтасини кўрасиз». У адабий танқидчиларга ўзининг ижодий истеъдоди бор шогирдлари ёзган адабий асарлар намуналарини машҳур ёзувчиларнинг илк асарлари билан солиштириб кўришни таклиф қилар эди. Танқидчилар ҳеч қандай фарқ топа олмасдилар. Барча белгилар «қахрамонона характердагилар» салоҳиятига эга гуруҳни кўрсатар эди. Терман, унинг «термит»лари истиқболда Америка Қўшма Штатларининг оқсуяклари бўладилар, деб ишонар эди.

Бугун ҳам Терманнинг кўплаб ғоялари бизнинг ютуқларни қандай қабул қилишимизни белгилаб келмоқда. Мактабларда «истеъдоддилар» учун дастурлар ҳавола этилмоқда. Обрули университетларга кириш учун мажбурий интеллектуал ривожланганлик тестлари (American Scholastic Aptitude

Test сингари) топшириш лозим. Худди шу тасаввурлардан келиб чиқиб, Google ёки Microsoft сингари юксак технологик компаниялар ишга кирадиганларнинг ақлий қобилиятларини синчковлик билан баҳолашади: у ерда IQ тестда энг кўп балл олган инсонлар энг юксак салоҳиятга эга, деб ҳисоблашади. (Microsoft компаниясида, маълумки, ишга кирувчиларга номзодларни уларнинг фикрлашини синаш учун саволлар оқимига кўмиб ташлашади, шу жумладан классик саволни ҳам беришади: «Нега туйнукнинг қопқоғи юмалоқ?» Агар сиз бу саволнинг жавобини билмасангиз, демак, Microsoft компаниясида ишлайдиган даражада ақлли эмасиз.)<sup>6</sup> Агар мен сеҳрли кучга эга бўлсам ва сизга сизнинг IQ даражангизни 30 пунктга кўтариб беришимни айтсам, рад этмас эдингиз, тўғрими? Бу сизга катта ютуқлар келтиришига ишонар эдингиз. Агар биз Крис Ланган сингари шахслар ҳақида эшитиб қолсак, ундан ҳайратланардик, бу ҳайрат юз йил аввал Терман Генри Коуэлл билан учрашганда ҳис қилган ҳайратга ўхшаган бўларди. Даҳолар ҳайратли ақлга эгадир. Шубҳасиз, ҳеч ким уларга халақит беролмайди.

Аммо бу фикр у қадар ҳам тўғри эмас. Терман хато қилади. У ўзининг термитлари борасида хато қилган ва агар 16 ёшда «Математика асослари»ни ўзлаштираётган ўсмир Крис Ланган билан учрашганда ҳам — яна хато қилган бўларди. Терман истеъдод учун қулай имкониятлар ҳам зарурлигини ҳисобга олмаган, инсоннинг келиб чиқиши унинг қобилиятларидан кам бўлмаган аҳамиятга эгаллигини ўйламаган. Бундан ташқари, Терман муваффақият тенгламасида «истеъдод» унсурини нотўғри талқин қилган — бу хатони биз то бутунгача давом эттирмоқдамиз.



### 3

Заковатни баҳолайдиган жуда машҳур тестлардан бирининг номи «Равеннинг тараққийпарвар матрицаси» деб аталади. У тил билишни ёки махсус билимларни талаб қилмайди, чунки у фақат абстракт фикрлаш қобилиятини ўлчайди. Одатдаги Равен тести 48 топшириқдан иборат ва уларнинг

6 — Сиз қанча уринманг, доира қопқоқ, люкка тушиб кета олмайди. Тўғри бурчакли қопқоқ осонгина тушиб кетиши мумкин, бунинг учун сиз уни бир қадар ёнга эгсангиз бўлди.



хар бири олдингисидан мураккаброқ. IQ тўғри бажарилган топшириқлар сонига қараб ҳисобланади.

Мана Равен тестига қиритиладиган одатий жумбоқлардан бири.



Маъносини англадингизми? Ўйлашимча, кўпчилик гап нимада эканини тушунган. Тўғри жавоб С.

Энди яна бир жумбоқ. Энг охиргиси ва тестдаги энг мураккаби.



Тўғри жавоб А. Иқроор бўлишим керакки, мен бу саволга жавоб топа олмадим, тахмин қиламанки, ўқувчиларнинг ҳам аксарияти топа олмаган. Тўғри, Крис Ланган, катта эҳтимол билан, тўғри жавобни топа оларди: улар бунақа жумбоқларни ёнғоқ чаққандай чақиб ташлайдилар.

Равен матрицалари каби IQ тестлар натижалари ва ҳаётий муваффақиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун кўп сонли тадқиқотлар ўтказилган. Даража кўрсаткичларининг пастидан жой олганлар, 70 балдан паст тўплаганлар ақлий жиҳатдан қолоқ ҳисобланадилар. Ўртача кўрсаткич — 100 балл; коллежга ўқишга кириш учун тахминан шунча балл тўплаш лозим. Аспирантурага кириш учун топшириладиган етарлича мураккаб имтиҳонларда сиз камида 115 балл тўлашингиз шарт. Умуман олганда, коэффициент қанча баланд бўлса, сиз шунча узоқ ўқийсиз, қанча узоқ ўқисангиз, шунча, эҳтимол, кўп пул топасиз ва — хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — узоқроқ яшайсиз.

Айнан шу ерда тузоқ яширинган. Муваффақият ва заковат коэффициенти ўртасидаги алоқа муайян даражагача сақланиб туради. IQ тахминан 120 баллга етгандан кейинги қўшимча баллар ҳаётда сезиларли афзаллик олиб келмайди.<sup>7</sup>

«Шу нарса исботланган, IQ кўрсаткичи 170 бўлган одам IQ кўрсаткичи 70 бўлган одамдан яхшироқ фикрлайди, — деб ёзади британиялик психолог Лайам Хадсон. — Бу фикр янада яқинроқ сонлар учун ҳам, масалан, IQ кўрсаткичи 100 ва 130 бўлганда ҳам тўғридир. Аммо интеллект коэффициенти юқори одамларни қиёслаганда бу қоида ўз кучини йўқотади... IQ даражаси 130 бўлган олим Нобель мукофоти олишда IQ даражаси 180 бўлган олим билан бир хил имкониятга эгадир».

Бошқача айтганда, Хадсоннинг фикрига кўра, IQнинг аҳамияти баскетболда бўйнинг аҳамиятига ўхшайди. Бўйи 167 см. бўлган одамнинг боксда ҳақиқий профессионал жангчи бўлиш имконияти қай даражада? Йўқ. Малакали баскетболчи бўлиш ҳақида ҳеч бўлмаганда ўйлаш учун ҳам

7—Мана, интеллектни ўлчаш соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири бўлган Артур Женсен 1980 йилда ўзининг «Ақлий ривожланишни тестдан ўтказишдаги сакталиклар» (Bias in Mental Testing) китобида нималарни ёзган: «Баллар шкаласидаги тўртта ўта аҳамиятли ижтимоий ва шахсий бошланғич соҳалар қатта эҳтимоллик билан одамларни ажратади: умумий ақлий қобилиятларига кўра одатдаги мактабга қатнай оладилар ё қатнай олмайдилар (IQ 50 даража атрофида), умумтаълим мактабининг фанларини ўзлаштира оладилар ёки ўзлаштиролмайдилар (IQ 75 даража атрофида), ўрта мактабдаги дастур ёки академик коллежга тайёрлаш дастури билан ишлай оладилар ёки ололмайдилар (IQ 105 даража атрофида), юқори поғонали аккредитация қилинган коллежнинг касб-малака мактаблари ёки аспирантурага киришга имкон берадиган баҳолар билан тугата оладилар ёки ололмайдилар (IQ 115 даража атрофида). Қолган барча ҳолатларда заковат коэффицентининг бундан юқорилиги одатий касб интилишлари ва муваффақиятлар ўлчамларига таъсири у қадар сезиларли эмас. Бу IQ кўрсаткичи 115 ва 150, айниқса IQ кўрсаткичи 150 ва 180 бўлган инсонларнинг заковат қобилиятлари ўртасида сезиларли фарқ йўқлигини билдирмайди. Бироқ шкаланинг юқори IQ қисмидаги кўрсаткичлар юқорида келтирилган бошланғич кўрсаткичлари каби сезиларли эмас ва умуман умумэтироф этган муваффақият учун шахснинг муайян фазилатлари ва характери таъсирини қараганда, таъсири оздир».



камида инсоннинг бўйи 183 ёки 185 см. бўлиши зарур. Бошқа шарт-шароитлар тенг бўлганда, 187 см. 185 см.дан яхшироқ ва 189 см. 187 см.дан яхшидир. Бироқ муайян даражадан сўнг сантиметрлар сезиларли аҳамиятга эга бўлмай қолади. Одатда, 203 см. бўйга эга баскетболчи ундан бир неча сантиметр паст баскетболчидан яхшироқ бўлмайди. (Қолаверса, барча даврларнинг яхши ўйинчиси Майкл Жорданнинг бўйи ҳам 198 см. эди). Баскетболчи етарлича баланд бўйли бўлса бас – интеллект ҳам шундай.

«Юз инсонга қарши бир инсон» телешоусида хабар қилиндики, Эйнштейннинг ақлий ривожланганлик коэффициенти – 150 га тенг, Ланганники – 195. Яъни унинг IQ даражаси Эйнштейннинг IQ даражасидан 45 фоиз баланд, бироқ ҳеч ким Ланган буюк олимдан кўра 45 фоиз ақллироқ дея олмайди. Бу жуда кулгили бўларди. Фақат айтиш мумкинки, объектив мураккаб соҳаларда, масалан, физикада улар иккаласи ҳам, шубҳасиз, *етарлича ақлли одамлардир*.

Бироқ IQ қанақадир бошланғич аҳамиятга эга экани бизнинг ақлимизга тўғри келмайди. Биз шундай ўйлашга кўникканмиз, дейлик, бизнинг назаримизда, гўёки, Нобель мукофоти совриндорлари мияси энг юксак интеллектга эгадир; гўё улар коллежга кириш имтиҳонларида энг юқори баҳо олганлар, барча мавжуд бўлган стипендияларни олганлар ва ўрта мактабда ёрқин истеъдодларини намойиш қилганлар, уларнинг ортидан мамлакатнинг энг юксак университетлари қувиб юрган.

Бироқ, келинг, бир бор тиббиёт бўйича кейинги 25 америкалик Нобель мукофоти совриндорлари ўқиган университетлар рўйхатига назар соламиз:

Антиох коллежи

Браун университети

Калифорния университети, Беркли

Вашингтон университети

Колумбия университети

Кейс технологик институти

Массачусетс технологик институти

Калифорния технологик институти

Гарвард университети

Гамильтон коллежи

Колумбия университети

Шимолий Каролина университети  
Де По университети  
Пенсильвания университети  
Миннесота университети  
Нотр-Дам университети  
Жонс Хопкинс университети  
Йел университети  
Юнион коллежи, Кентукки  
Иллинойс университети  
Техас университети  
Муқаддас Хоч коллежи  
Амхерст коллежи  
Геттисберг коллежи  
Хантера коллежи

Бу рўйхатда Американинг энг яхши олий ўқув муассалари келтирилган, деб ҳеч ким айта олмайди. Албатта, бу ерда Йел ва Колумбия университетлари ва Массачусетс технологик институти бор. Бироқ унда Муқаддас Хоч коллежи ва Геттисберг коллежи ҳамда Де По университети ҳам бор. Яъни бу шунчаки яхши ўқув муассалари рўйхатидир.

Қуйида химия бўйича кейинги 25 америкалик Нобель мукофоти совриндорлари ўқиган олий ўқув юртлари рўйхати келтирилган:

Нью-Йорк шаҳар коллежи  
Стэнфорд университети  
Дейтон университети, Огайо  
Роллинс коллежи, Флорида  
Массачусетс технологик институти  
Гринелл коллежи  
Массачусетс технологик институти  
Макгилл университети  
Жоржиа технологик институти  
Огайо методистлар университети  
Раис университети  
Хоуп коллежи  
Бригхэм Янг университети  
Торонто университети  
Небраска университети  
Дартмут коллежи  
Гарвард университети

Бэриа коллежи  
 Аутсбург коллежи  
 Массачусетс университети  
 Вашингтон штати университети  
 Флорида университети  
 Калифорния университети, Риверсайд  
 Гарвард университети

Аён бўладики, бўлғуси Нобель мукофоти совриндорлари камида мақоми, масалан, Нотр-Дам ёки Иллинойс университети сингари ўқув муассасасига кира оладиган даражада ақлли бўлишлари лозим. Ҳа, шундоқ.<sup>8</sup>

Кескин гап бу, шундаймасми? Дейлик, сизнинг қизингиз бирданига иккита университетга киргани ҳақида хабар олди — Гарвард ва Вашингтондаги Жоржтаун университетларига, Колумбия округи. Сиз қайси ўқув муассасасини танлаган бўлардингиз? Ўйлайманки, Гарвардни танлайсиз, чунки бу университет «зўр». Унинг талабалари бошқаларга қараганда SAT — ўрта мактаб ўқувчилари коллежга кириш учун топширадиган яширин IQ-тестни 10–15 фоиз яхшироқ ечишади.

Бироқ, биз интеллект ҳақидаги билган нарсаларимизни эътиборга олсак, ўқув муассасаларини спорт мусобақасида югурувчиларни яқин-узоққа чопганларни ажратган каби ажратиш бемаъни эканини англаймиз. Эҳтимол, мутлақ шкалага кўра Жоржтаун университети талабалари Гарвард талабалари каби ақлли бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, улар етарлича ақлли эдилар, чунки фақат Гарвардни тугатганларгина Нобель мукофоти совриндорлари бўлган эмас, улар орасида Жоржтаун университети сингари университетлардан ҳам чиққанлар бор.

Яқинда психолог Барри Шварц муътабар ўқув муассасаларига мураккаб кириш жараёнларидан воз кечишни, қайсидир поғонадан ўтганлар ўртасида лотерея ўтказишни

8 Вазиятни охиригача ойдинлаштирамиз. Гарвард университети бошқа ҳар қандай олий ўқув муассасасига нисбатан кўпроқ Нобель совриндорларини етиштириши аён фактдир. Фақат бу рўйхатларга қаранг. Гарвард иккала рўйхатда ҳам бор ва бир марта эмас. Муқаддас Хоч Коллежи бир марта тилга олинади. Тарихдаги энг бой ва обрўли, истеъдодли талабаларини етиштирган университет рўйхатда кўп марта тилга олинмагани галати эмасми?

таклиф қилди. «Талабаларни икки тоифага ажратинг, — дейди Шварц. — Етарлича яхшилар ва етарлича бўлмаган яхшилар. Етарлича яхшилар мукофот олишади. Қолганлар рад этилади». Шварц тан оладики, унинг ғояси амалга ошиши деярли имконсиз. Ҳа, у мутлақо ҳақ. Хадсон ёзгани каби (у ўз тадқиқотларини ўғил болалар учун нуфузли ёпиқ инглиз мактабларда 1950–1960-йилларда ўтказган.): «Агар сиз ақлли болакайларнинг яхлит гуруҳи билан ишласангиз, битта болакайнинг IQ даражасини билишдан фойда кам».<sup>2</sup>

Бошланғич ўлчамининг таъсирини амалда кўрсатувчи яна битта мисолни, эҳтимол, янада ишонарли мисолни келтиришга рухсат беринг. Тарихан камситилган шахслардан ўқишга кириш борасидаги аризаларни кўриб чиқишда, Мичиган университетининг юридик мактаби — Америкадаги кўплаб нуфузли ўқув муассасалар каби — ҳуқуқий ҳимоя сиёсатига амал қилади. Мичиган университети талабалари сафини тўлдирадиган ёшларнинг 10 фоизи миллий озчиликлар вакиллари дир ва агар мактаб бу абитуриентларга нисбатан ўз талабларини бир қадар юмшатмаганида, яъни уларни тест натижаларидаги бир қадар паст баҳолари учун ўқишга қабул қилмаганида, бу кўрсаткичлар уч фоизга тушиб қоларди. Бундан ташқари, агар миллий озчиликка дахлдор ва дахли бўлмаган талабаларнинг баҳоларини қиёслганда, шу нарса аён бўладики, оқ танли талабалар яхшироқ ўқийдилар. Бунинг ҳайратли жойи йўқ: агар бирор гуруҳ университетта баландроқ баҳолар ва баллар билан ўқишга кирса, катта эҳтимол билан, бу гуруҳ ўқиш мобайнида ҳам юқори

9 Агар Чирмовуқ Лигасининг нуфузли университетларида танловнинг бе-маънилигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, қуйида келтирилган ҳисоб-китоблар билан танишинг. 2008 йилда Гарвард университетига 27 462 абитуриент ҳужжат топширган. Ўқишга кирмоқчи бўлаётганлар аксариятининг мактаб аттестатлари жуда яхши эди. Ўқиш тестида 2500 киши 800 балл олди. Ажойиб натижа. Мактабдаги SAT тестининг математика қисмини 3300 киши аълога топширган. 3300дан зиёд потенциал талабалар ўрта мактабдаги ўз синфида энг яхши ўқувчи ҳисобланди. Улардан қанчаси Гарвардга кира олди? 1600 киши кирди, бошқача айтганда, ҳар юз одамдан 93 таси кира олмади. Ажойиб баҳо олган бир ўқувчи Гарвардга кириши ва бошқаси рад жавоби олишига оқиллона бир изох борми? Албатта, йўқ. Гарвард ноҳалол ўйин олиб боради. Шварц ҳақ: лотерея ташкил қилиш лозим.

баҳолар олади. Айнан шу сабабли манфаатларнинг ҳуқуқий ҳимояланиши кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мичиган университети ҳатто тарихий камситилган шахслар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимояланиши дастури устидан ўз эътирозларини АҚШ Олий Судида эълон қилди: унда нуфузли илм даргоҳи ўз тенгдошларига нисбатан ёмон тайёрланган абитуриентларни қабул қилаётганлигидан норозилигини ифода қилди.

Бироқ, бир неча йил аввал Мичиган университети миллий озчиликка оид талабаларнинг ўқишни тугатгандан кейинги ҳаёти қандай кечаётганлигини аниқлашга қарор қилди. Улар қанча маош олишади? Касбларида қандай даражага эришишди? Ўз мартабаларидан қанчалар қониқадилар? Улар ижтимоий фойда келтирадиларми? Улар қанақа мукофотлар ва совринларга эга бўлдилар? Ҳаётий муваффақиятни кўрсатадиган барча омиллар баҳоланди. Тўпланган маълумотлар барчанинг ҳайратига сабаб бўлди.

«Биз миллий озчиликка дахлдор талабаларимиз ҳаёти ҳам фаровон эканини билардик, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири бўлган Ричард Лемперт. — Бироқ, тан олиш керак, биз, улар бир қадар ютуқлари билан мақтансалар-да, оқ танли талабалар сингари юксак муваффақиятларга эриша олмаган бўлсалар керак, деб тахмин қилардик. Ҳайратимизни оширган нарса шу бўлдики, уларнинг ҳаёти ҳеч ҳам бошқаларникидан кам бўлмаган. Бирор бир жиҳат бўйича биз сезиларли фарқ топа олмадик».

Яъни, Лемпертнинг сўзларига кўра, агар биз ҳаётий муваффақиятга эришиш каби муҳим мезон билан баҳоласак, миллий озчиликка дахлдор талабалар бошқалардан кам мавқега эришмайди. Улар ҳам оқ танли талабалар каби муваффақиятли инсонлардир. Нима учун? Бунинг сабаби: миллий озчиликка оид талабаларнинг баҳолари оқ танлиларникидан пастроқ бўлса ҳам, уларни тайёргарлик даражаси юқорига чиқишнинг бошланғич ўлчамидан етарлича юқоридир. Агар сиз ақлли талабаларнинг улкан аудиторияси билан ишласангиз, битта талабанинг билим даражасини билишдан фойда кам.

## 4

Келинг, яна бироз «бошланғич ўлчам» концепциясини ойдинлаштирамиз. Агар интеллект муайян даражагача рол ўйнаса, ундан кейин интеллект билан умуман боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар муҳим ўрин эгаллай бошлайди. Баскетбол билан ўхшашликка қайтамиз: агар сен етарлича баланд бўйли бўлсанг, тезлик, чаққонлик, майдонни ҳис этиш, тўп билан ишлашда абжирлик, тўп отишнинг аниқлиги сингари омиллар биринчи планга чиқади.

Мазкур «бошқа омиллар»га нималар киради? Дейлик, бизнинг IQ даражамизни ўлчашнинг ўрнига, мен сизга буткул бошқа турдаги тестларни таклиф қиламан.

Қуйидаги ашёларни ишлатишнинг имкон қадар кўп вариантларини ёзинг:

- 1) ғишт;
- 2) кўрпа.

Бу (бир неча ҳавола этилган вариантдан тўғриси таниладиган Равен тестига қарама-қарши) дивергент қобилиятлар тестидир. У тафаккурни, хаёлотни ишга солади, фикрнинг турли йўналишларда ишлашига имкон беради. Мазкур дивергент қобилиятлар тестига ягона тўғри жавоб йўқ. Синонни ўтказётган инсонни вариантларингизнинг кўплиги ва ноёблиги қизиқтиради. Мазкур тест таҳлилий тафаккурни эмас, буткул бошқа нарсани — ижодий тафаккурга яқинроқ фикрлаш тарзини ривожлантиради.

Дивергент қобилиятлар тестининг мураккаблиги конвергент қобилиятлар тестидан кам эмас ва агар сиз бунга шубҳалансангиз, бироз дам олинг ва ҳозирок ғишт ва кўрпадан фойдаланиш йўллари топишга киришинг.

Қуйида келтирилган вариантларни Лайам Хадсонга нуфузли инглиз ўрта мактабининг Пул исмли ўқувчиси таклиф этган:

Ғишт: дўкон пештахталарини ўмаришда ойнани синдириш мумкин. Уй қуриш мумкин. «Рус чархпалаги» ўйинида, агар сиз қоматингизни қўллаб-қувватламоқчи бўлсангиз (ўн қадам ортга кетиб ўгирилиш ва отиш керак — ўзини олиб қочиш керак эмас). Кўрпа кроватдан сирғалиб тушмаслиги учун тўрт четига ғишт боғлаб қўйиш мумкин. Ғишт билан бўш кока-кола шишаларини синдириш мумкин.

Кўрпа: у билан ўраниб, беркиниш мумкин. Ўрмонда юмалаб ётаман десанг, тагинга солиш мумкин. Чайла ўрнида фойдаланса бўлади. Уни тутатиб, тутунидан сигнал бериш мумкин. Қайиққа елкан қилса бўлади, арава қилиб тортиш мумкин ёки чана қилиб учса бўлади. Сочиқ ўрнида артиниш мумкин. Узоқни кўра олмайдиган одамлар нишон қилиб унга отса бўлади. Ёнаётган баланд уйлардан кўрпага сакраш мумкин.

Пул ёзган жавобларни ўқиб, унинг қандайлигини тасаввур қилиш мумкин. Қувноқ. Унинг бузғунчиликка мойиллиги бор, инсоний сезимларнинг қадрига етади ва драматурглик қобилияти мавжуд. Унинг ақли зўравонлик саҳнасида хирсий туйғуларга, ёниб кетаётган осмонўпар бинолардан сакраётган одамлардан тўшакдан сирғалиб тўшаётган кўрпа сингари оддий саҳналарга осон кўчиб ўтади. Шундай тасаввур пайдо бўладики, яна ўн дақиқа вақт кўшиб берилса, у яна ғишт ва кўрпани ишлатишнинг 20 та йўлини топа олади.<sup>10</sup>

Энди қиёслаш учун Флоренс исми ўқувчининг жавобларини кўрамиз. Хадсоннинг айтишича, Флоренс — ҳақиқий вундеркинд, мактабда унинг IQ даражаси энг юксаклардан биридир.

Ғишт: қурилиш учун, отиш учун.

Кўрпа: у билан ўраниб ётиш мумкин, ёнғинни ўчириш мумкин, дарахтга боғлаб, беланчак сифатида ишлатса бўлади.

Флоренснинг тасавури борми? У кўрпа ва ғишдан фойдаланишнинг энг оддий ва функционал йўллари

10 Мана, бошқа ўқувчининг вариантлари. Улар Пулнинг вариантларига караганда ҳатто кизиқроқдир.

Ғишт: ўғрилиқ пайтида деразани синдириш, кудукнинг чуқурлигини ўлчаш, жанг қуроли, маятник, уймакорликда машқ қилиш, қурилиш учун, Архимед қонунини намоиш қилиш учун, абстракт ҳайкалтарошлик унсури, мувозанат сақлаш учун посанги, буюмларни сувга чўктириш учун оғирлик, болға, пойабзалдан лойни қоқиш учун мослама, йўлак тўшаш учун материал, устига нарса қўйиш учун остлик, эшикни очик ушлаб туриш учун пона, тарозида юк, қимирлаётган стол оёғи остига қўйиладиган таглик, пресс-папье, у билан қуённинг уясига қирадиган жойни беркитиш мумкин.

тилга олади, холос, шундан нарига ўтолмайди. Унинг ақли Пулники каби теран ва мослашувчан эмас. Флоренсни Пулдан ажратиб турадиган асосий нарса интеллект даражасининг юқорилиги эмас. Уларнинг иккаласида ҳам бу кўрсаткич бошланғич ўлчамдан юқоридир. Асосий нарса Пулнинг зўравонлик саҳнасида хирста, хирсдан ёнаётган бинодан сакраётган одамларга осон ўтиши ва айна пайтда бирор нарса эсдан чиқармаслик қобилиятидир. Флоренсда бундай қобилият йўқ. Энди айтинг-чи, бу ўқувчилардан қайси бири Нобель мукофоти совриндори бўладиган ижодий тадқиқотчилик фаолиятига мосроқ?

Нобель мукофоти мавзусини бошлаган эканмиз, барча олимлар орзу қиладиган бу мукофотнинг яна бир қизиқарли ўзига хослигини айтиб ўтишимиз зарур. Нобель мукофоти совриндорларининг жуда кўпчилиги ўз вақтида бошқа Нобель мукофоти совриндорининг қўлида таҳсил олганлар. 1970-йилда социолог Гарриет Цукерман Нобель мукофоти бағишланган тадқиқотини эълон қилганида, совриндорларнинг ярмидан кўпроғи америкаликлар эди. Айрим ҳолатларда занжир кузатилди — «Нобель совриндориустоз — Нобель совриндори-шогирд» занжири авлодлар ҳаёти мобайнида узилмаган. Химия бўйича 1909 йилда Нобель мукофотини олган Вильгелм Оствалд 1920 йилда химия бўйича совриндор бўлган Вальтер Нернстнинг устози эди, ўз навбатида Нернст физика бўйича 1923 йилда Нобель мукофоти эришган Роберт Милликенга устозлик қилганди. Милликен эса 1936 йилда физика бўйича Нобель мукофотини олган Карл Андерсонга устозлик қилган, Андерсоннинг талабалари орасида эса Дональд Глазер бор эди ва бу талаба 1960 йилда физика бўйича Нобель мукофотини олган. 1938 йил Нобель мукофотини олган физик Энрико Фермининг шогирдлари ва ходимларидан камида олти киши кейинчалик Нобель мукофоти совриндори бўлган.

Бунинг изоҳи юзада турибди. Буюк олим бўлиш учун буюк олимдан ўрганиш керак, бошқа ким ўргата олади?! Шунинг учун илмий мартабаларга эришиш учун фаолиятни бошлаш пайтида машҳур устоз билан бирга ишлашдан ҳам фойдалироқ нарса йўқ. Яна бир қизиқарли тафсилот. Бўлғуси совриндорлар ўзларининг номдор профессорлари маърузаларини тинглаб юрган пайтларда, бу номдор про-



фессорларнинг ўзлари ҳам аксарият ҳолларда ҳали Нобель мукофоти совриндорлари бўлган эмасдилар. Яъни талабалар нафақат машҳур профессорларнинг курсларига ёзилганлар, балким келгусини ўйлаган ҳолда барча устозлар рўйхатига қараганлар ҳамда танлаганлар — танлаганда ҳам ўз соҳасида салмоқли шахсларга айланадиганларини танлаб олганлар.

Цукерман ёзганидай, бўлғуси совриндорлар «аввал бошдан умумий илмий қозонда қайнаганлар». Мана, совриндорлардан бири унга аспирантурада ўқиган пайтини қандай ҳикоя қилиб берган: «Аксарият талабалар профессорларни кўз юмганча бармоқни нуқиш орқали танлаганлар. Улар илмий планда кимнинг ким эканлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаганлар ва гумроҳларча эмраниб турганлар. Мен бундай ҳолатда эмасдим».

Ҳаёт оқимида итоаткорона сузиб юрадиган паришонхотир профессорлар Нобель мукофоти олмайдилар. Уни яхлит ва батамом илмга берилган ва муваффақиятга чоғланганлар оладилар, бу фазилат эса таҳлилий қобилиятга боғлиқ эмас.

Бу Мичиган университети юридик мактаби ўқувчиларининг ҳаммаси бир йўсинда муваффақиятга эришганлигининг иккинчи сабабидир. Яхши адвокатга нафақат юқори интеллект керак. Унга Пулники каби мослашувчан ақл зарур, у Билл Жой каби қаттиқ меҳнат қилиши шарт, Нобель мукофоти совриндорлари каби мартабаталаб бўлиши лозим. Демак, миллий озчиликка даҳлдор талабалар конвергент тестларда олган бир қадар паст баллар улар бошқа муҳим фазилатларга ҳам эга эмас, деганини англамайди.

## 5

Терманнинг хатоси шунда эди. У ўзининг термитлари интеллектуал шкаланинг энг юқори чўққисидан—99 фоизнинг 99-чи фоизидан, — эканига ёпишиб олди ва бу истисно факт ҳамма нарсани ҳал этмаслигини тушуна олмади.

Бу пайтга келиб, «термит»лар вояга етдилар ва Терманнинг хатоси кўзга яққол кўрина бошлади. Унинг вундеркиндиларидан баъзилари китоблар, илмий мақолалар ёзишди ёки бизнесда ютуқларга эришишди. Бир нечта одам давлат бошқарувида лавозимларга чиқди. Улар орасидан Олий Суднинг иккита судьяси, битта муниципал суднинг судьяси,

Калифорния қонунчилик мажлисининг икки аъзоси ва битта катта мансабдор чиқди. Аммо ҳеч ким миллий миқёсдаги шахсга айланолмади. Аксарияти етарлича даромадга эришишди — аммо бирортаси ҳам ҳаддан ортиқ бойиб кетгани йўқ. Уларнинг кўплари эришган мартабани шунчаки мартаба дейиш мумкин ва ҳайратланарлиси, собиқ термитларнинг кўпчилигини Терманнинг ўзи ҳам омадсизлар, деб атаган. Синчковлик билан қатъий танлаб олинган бу аълочиларнинг бирортаси Нобель мукофоти совриндори бўлолмади. Дарвоқе, Терманнинг ҳамкасблари ўз вақтида мактаб ўқувчилари орасидан иккита бўлғуси Нобель мукофоти совриндорларини — бошланғич мактаб ўқувчилари Уильям Шокли ва Луис Альваресни — тест синовидан ўтказганлар ва иккаласини ҳам заковати паст деб баҳолаганлар. Уларнинг IQ даражаси етарли бўлмаган.

Ўзининг фош этувчи танқидий мақоласида социолог Питирим Сорокин шундай хулосага келади: агар Терман ўз гуруҳини термитларники сингари оилалардан синовсиз, беихтиёр танлаб олганда, IQ даражаларини баҳоламаганда ҳам, бундай гуруҳ аъзолари худди шундай, синчковлик билан тўпланган «даҳолар» гуруҳиникидай натижаларни кўрсатган бўлардилар. «Ҳеч бир даҳолик мезонлари бўйича ва ҳар қандай хаёлот парвози орқали, — деб хулоса қилди Сорокин, — «истеъдодли» гуруҳни умуман яхлит «истеъдодли» деб бўлмайди».

«Даҳоларнинг генетик ўрганилиши» асарининг сўнги тўртинчи жилди хулосасида «даҳо» сўзи йўқолди, у фақат асар номидагина қолган, холос. Ҳаммасидан кўнгли совиган Терман ёзди: «Биз ишонч ҳосил қилдикки, заковат ва муваффақият ҳеч қачон ўзаро боғлиқ эмас».

Шундай қилиб, мен бу бобнинг бошида ҳикоя қилган Крис Ланганнинг ғайри-одатий заковати унинг муваффақиятга эришиш имконини баҳолашда ҳеч қандай ўрин эгалламайди. Ҳа, миллион одамдан биттаси шундай ақлга эга бўлиши мумкин ва 16 ёшида «Математика асослари»ни ўзлаштира олади. Ҳа, унинг лабидан учаётган сўзлар пишиқ ва қуйма гаплар. Нима бўпти? Агар биз унинг муваффақиятга эришиш имконларини баҳолашни истасак, у ҳақида бошқа яна кўп нарсаларни билишимиз керак.

## 4-БОБ

## Зукколар масаласи оддий ва жўн эмас. Иккинчи қисм

«Узоқ мунозаралардан сўнг Робертга синов муддати беришга қарор қилинди»

## 1

Крис Ланганнинг онаси Сан-Францискода туғилган ва у ота-онасининг оиласи билан гаплашмаган. Аёлнинг тўртта ўғли бўлиб, уларнинг барчаси турли оталардан бўлган эди. Крис — тўнғич ўғил эди. Унинг отаси ҳали у туғилмасиданоқ йўқолган ва миш-мишларга қараганда, Мексикада ҳалок бўлган экан. Криснинг онаси турмушга чиққан иккинчи эркакни ўлдириб кетишган. Учинчи эри ўз жонига қасд қилган. Тўртинчи эри эса омадсиз журналист Жек Ланган эди.

«Мен болалиқда биз каби қашшоқ яшаган бошқа бир одамни билмайман, — деб ҳикоя қилади Крис Ланган. — Бизда бирорта бир рангли, жуфт пайпоқ бўлмаган. Пойабзал, иштонлар — ҳаммаси тешилиб кетгунча кийиларди. Ҳар бир кийим — ягона нусхада. Эсимда, биз қип-яланғоч ҳолда ваннада кийимларни ювардик, — сабаби, кийиб туриш учун бошқа кийимимиз йўқ эди».

Жек Ланган кўпинча сурункасига ичкилик ичар ва йўқолиб кетарди. Уйдан чиқишда у ошхона шкафларини қулфлаб кетар, болалар бирор егулик ола олмасдилар. Бир гал у Крисни орқа ҳовлидаги куённинг қафасига қамаб, бутун тунни ўтказишга мажбур қилганди. Яна у болаларни қамчин билан уриб, жазоларди: болалар кўпинча мактабга чандиқ ва юзлари кўкариб келишарди.

Оила тинимсиз у ёқдан-бу ёққа кўчарди, чунки Жек Ланган тез-тез ишини ўзгартирарди, чунки бу ичкиликбозни ҳеч ким бир ерда узоқ ушлаб турмасди. Бир гал ёзда оила

хиндуларнинг ўтовида яшаган, ўшанда улар ерэнғоқ ёғи ва маккажўхори унидан нон еб кун кўришганди. Бирмунча вақт улар Виржиния-Ситида, Невада штатида яшашди. «Шаҳарчанинг барча аҳолиси камарларида тўппонча тақиб юришарди, — деб эслайди Марк. — У ерда бор-йўғи битта полициячи бўлиб, «Дўзах фаришталари» деган бандитлар тўдаси келиб қолса, у участка хонасига беркиниб оларди. Уша ердаги маҳаллий майхонани ҳеч қачон унутмайман — унинг номи «Бир челак қон» деб аталарди».

Болалар бошланғич мактабда ўқиганларида, оила Монтана штатидаги Бозман шаҳарчасига кўчиб ўтди. Криснинг укаларидан бири бошқа оилага бола қилиб берилди, бошқа укаси гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғуллангани учун ахлоқ тузатиш муассасасига тушди.

«Криснинг бу қадар истеъдодли бола эканини мактабда бирор киши тушунган деб ўйламайман, — деб ҳикоя қилади унинг укаси Жефф. — Унинг ўзи ҳам одамларнинг назарига тушишни истамас эди. Бу ахир Бозман эди. Бугун у буткул бошқача. Бизнинг болалигимиз пайтида у кичкина шаҳарча эди, бизни у ерда ҳеч ким ёқтирмаган. Бизнинг оиламиз — бечора омадсизлар тўдаси, шаҳардаги ҳамма шундай қарорга келганди».

Ўзини ва укаларини ҳимоя қилиш учун Крис жисмоний машқлар билан шуғуллана бошлади. Бир гал — Крис ўшанда 14 ёшда эди — отаси Жек Ланган яна болаларга қўл кўтарди ва Крис уни шундай калтакладикки, у хушидан кетди. Шундан сўнг Жек кетиб қолди ва бошқа қорасини ҳам кўрсатмади.

Мактабни тугатганидан кейин Крисга иккита стипендияни таклиф этишди: Бири Орегондаги Рид коллежига, бошқаси Чикаго университетига кириш учун эди. У Орегонни танлади.

«Бу улкан хато бўлган, — деб эслайди Крис. — Мен росмана маданий талвасага тушиб қолгандим. Мен, ёзда Монтанадаги ранчода жониворларни боқиб юрган тўпори йигитча, ўзимнинг тақир, типратикандай тикка сочларим билан узун сочли, асосан Нью-Йоркдан келган шаҳарлик олифта йигитлар билан бирга бўлиб қолдим. Мен ўзимни буткул бошқача тутардим. Машғулотларда бирорга сўз ҳам тиқиштира олмасдим. Улар шу қадар қизиқувчан эдиларки, тинимсиз саволлар беришарди. Ётоқхонада биз тўрт киши эдик. Мен-

дан бошқа учта йигит наша чекишар, хонага қизларни олиб келишар эди. Аввал мен наша чекиб кўрмаган эдим. Шунинг учун дарс қилиш баҳонасида кутубхонага беркиниб олардим.

Кейин мен стипендиядан маҳрум бўлдим. Ўзимнинг айбим билан эмас... Стипендияни чўзиш учун онам ота-оналар учун махсус молиявий ҳисобот варақасини тўлдириши лозим эди. Онам бу ишни қилмаган. Қўйилган талаблардан нимадир унга ёқмаганми, билмадим. Кейинчалик мен стипендиямни чўзиб бермаганликларини билиб қолдим, деканатдан сўраб кўрдим, нима гаплиги билан қизиқдим, улар менга молиявий ҳисоботни олмаганликларини айтишди, энди стипендия олмайдиган бўлдим. Мана, шунақа бир мусассаса эди. Улар ҳаммасига тупурган эдилар. Талабалар билан ишлари йўқ эди. На маслаҳат беришар, на устозлик қилишарди».

Крис охириги имтиҳонлар олдидан Рида коллежини ташлаб кетди. Шунга биноан, агар биринчи семестрда фақат юқори баҳолар олган бўлса, иккинчисида — фақат «қониқарсиз». У Бозманга қайтди, бир ярим йил қурилишда ишлади, кейин ўрмон инспекциясида ўт ўчирувчилик қилди. Кейин Монтана штати университетига кирди.

«Мен математика ва фалсафани танладим, — дея эслайди у. — Мен шаҳардан ўттиз мил узоқда, Бич-хилл-роудда яшардим, бир куни қишда машинанинг трансмиссияси ишдан чиқди. Ёзда, менинг йўқ пайтимда укаларим машинадан фойдаланишган. Улар темир йўлда ишлашарди, машинани рельслар устидан ҳам ҳайдашган. Уни тузатишга пулим йўқ эди. Шунинг учун мен ўз илмий раҳбаримга бордим, кейин деканимга муаммони тушунтирдим. Машинанинг трансмиссияси бузилди, мен эрталаб етти яримда ёки саккиз яримда дарсда бўлишим керак. Агар мени дарслар кечроқ бошланадиган бошқа гуруҳга ўтказсангиз, жуда хурсанд бўлардим. Қўшним фермер, соат ўн бирга у билан етиб келсам бўлади, дедим. Илмий раҳбарим мўйлови узун, тивит камзуллик, ковбойнамо одам эди. Начора, ўғлим, деди у, Сенинг Рид коллежидаги аттестатингни кўрдим ва сенга яхши таълим муайян қийинчиликларга чидашни тақозо этишини айтишим керак, сен ҳали буни тушунганингча йўқ. Илтимосим рад этилди. Кейин деканимга бордим. Ундан ҳам худди шундай жавоб бўлди».

Унинг овози титрарди. Гарчанд ўттиз йил аввалги воқеаларни эслаётган бўлса-да, бу хотиралар ҳали ҳам унинг газабини кўзгатарди. «Ўша пайтда мен англаб қолдим: пул ишлаб, машинамни тузатиш ва дарсга қатнаш учун минг ўлиб тириламан. Ахир ҳозир Монтанада қишнинг қаҳратони. Ҳар куни тасодифий машиналарга илиниб келишга, дарсга етиб келиш ва кеч уйга қайтиш учун ялиниб-ёлворишга тайёрман, лекин ҳеч ким мени тушунишни истмаяпти-ку. Бу қандай бедодлик. Шу онда тушуниб қолдимки, мен олий маълумотсиз ҳам яшашим мумкин. Агар яшай олмасам ҳам, бу тизим шу қадар жонимга тегдики, мен у билан бошқа келиша олмайман, истамайман. Шу тариқа коллежни ташладим. Шунақа гаплар».

Крис Ланганнинг Рид коллежи ва Монтана штати университети билан тўқнашуви ҳаётининг бурилиш нуқтаси бўлди. Болалигида у олим бўлишни орзу қилганди. У фалсафа доктори илмий унвонини олиши керак эди, ахир, университетлар айнан у каби қизиқувчан, заковатли инсонлар учун барпо этилган эди. «У университетга кирганида, мен унинг катта ютуқларга эришишига ишонган эдим, буткул ишонардим, — дейди унинг укаси Марк. — Мен унинг ўз ўрнини топишига ишонардим. Унинг ўқишни ташлаб кетиши менга мутлақо бемаънилиқдай туюлди».

Олий маълумотсиз Ланганга осон бўлмади. У қурилишда ишлади. Бир қишни Лонг-Айлендда, зимистонда моллюскаларни овлайдиган кемада ўтказди. У кўплаб ишларни қилиб кўрди ва охири ўша Лонг-Айленддаги майхонага кўриқчи бўлиб жойлашди. Шу ерда ишлади, у ҳаётининг катта қисмини яшади. Бироқ шу вақтлар мобайнида ҳамиша жиддий тарзда фалсафа, математика ва физикани ўрганишда давом этди ҳамда ўзининг фундаментал асари бўлган «Коинотнинг когнитив назарий модели» тадқиқоти устида ишлади. Ҳолбуки, у академик дипломга эга бўлмасдан туриб, бу тадқиқотни бирор-бир илмий журналда чоп этолмаслигини биларди.

«Менинг бор-йўқ маълумотим — бир ярим йил коллежда ўқиганим, — дейди у эгик елкаларини баттар қисиб. — бу нарса эртами-кечми менинг қўлёзмаларимни тақризчиларга жўнатган муҳаррирга маълум бўлади, тақризчилар эса мени суриштиришади ҳамда ҳеч нарса топиша олмайди.

Ва шундай дейишади: э-э, бу боланинг бор-йўғи бир ярим йиллик маълумоти бор экан! Наҳотки у ўзи ёзган мавзуну тушуна олса?»

Юракни эзадиган ҳикоя. Мен Лангандан, агар таклиф қилинса, Гарвардда дарс берармидингиз, деб сўрадим — «Қийин масала, — деди у. — Ростини айтсам, агар Гарварднинг профессори бўлсам, мен билан ҳисоблашишарди. Менинг ғояларим салмоқ касб этарди, ўз мавқеимни, унво-нимни ғояларимни олдинга суришга сарфлардим. Бу университет заковат қуввати манбаидир, агар мен шунақа ерда ишласам, ҳавода учиб юрган илм нурининг ҳар бир зарраси билан қувватланардим».

Мен тўсатдан унинг қанчалар ёлғиз эканини ҳис қилдим. Менинг қаршимда ҳамиша англашга чанқоқ, лекин ҳаётининг катта қисмини заковати жамият томонидан яккаланган, чекланган ҳолда ўтказишга мажбур инсон ўтирарди.

«Бу интеллектуал қувватни мен коллежда бир ярим йил ўқиган пайтимда ҳам сезганман, — деди у деярли ички бир ҳаяжон билан. — Ҳавода қандайдир ғоялар ҳамиша учиб юради. Бунақа жойлар инсонни ҳамиша фаол ушлаб туради».

«Бошқа томондан, — давом этди у, — Гарвард шунчаки ўз атрофида шов-шув муҳитини яратади, буларнинг барчаси фойда олиш учун. У шунга қурилган. Миллиардлаб пул хайрия қилинади. Унинг раҳбарияти ҳақиқат ва илм излаши даргумон. Улар муҳим мансабдор, каттакон бўлиб кўри-нишни истайди, аммо бировнинг пулли чекини қабул қилар экан, амалдор нима қилишни исташи ва нима қилиш кераклиги ўртасида танлашига тўғри келади, ҳамда у навбатдаги чек қоғозига эришиш учун нимадир қилишга мажбур. Шунинг учун улар сени синчков кузатади, уларнинг мезону ўл-човларидан ташқарига чиқмаслигини иштади».

## 2

Биз Крис Ланган айтиб берган ҳикоядан қандай сабоқ чиқаришимиз зарур? Унинг изоҳлари, қанчалик дилни эзадиган бўлмасин, бироз ғалати эшитилади. Онаси молиявий ёрдам ҳақида ариза тўлдиришни унутган, унга энди ҳеч қандай стипендия йўқ. У эрталабки сменадан кундузгисига ўтмоқчи, талабалар учун оддий иш, яна рад этишди. Нега

Рид коллежи ва Монтана штати университетиде унинг илтимосларига қулоқ солишмади? Одатда муаллимлар бунақа ажойиб талабаларга ғамхўрлик қиладилар-ку. Ланган эса мазкур ўқув муассасаларини қандайдир бераҳм бюрократик машиналар сифатида тасвирлайди. Бироқ коллежларда, айниқса Рид коллежи сингари кичик демократик муассасаларга қатъий бюрократия хос эмас. Профессорлар талабалар ўқишни давом эттиришлари учун бот-бот қоидалардан чекиниб турадилар.

Ланганнинг Гарвард тўғрисидаги мулоҳазалари-чи? Шунанга таассурот қоладими, у гўё ўзи сўз юритаётган ўқув муассасаларининг маданияти ва ўзига хосликлари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас. «Улар муҳим мансабдор, каттакон бўлиб кўринишни истайди, аммо бировнинг пулли чекини қабул қилар экан, амалдор нима қилишни исташи ва нима қилиш кераклиги ўртасида танлашига тўғри келади, ҳамда у навбатдаги чек қозонганга эришиш учун нимадир қилишга мажбур». У нима демоқчи? Профессорлар бизнесникдан маоши кам бўлса-да, илмни танлаши сабабларидан бири — бу ўзинг истаган ва тўғри деб билган нарсани эркин қила олишингдир. Ланган ҳаммасини тескарига айлантириб қўйди.

Крис Ланганнинг ҳикоясини тинглар эканман, мен беихтиёр машҳур физик, Иккинчи жаҳон урушида Америка атом бомбасини яратиш билан шуғулланган Роберт Оппенгеймернинг ҳаёт йўлини эсладим. Мавжуд маълумотларга қараганда, Оппенгеймер болалигида худди Крис Ланган сингари ноёб ақлий қобилиятларини намоён қилган. Унинг ота-онаси болаларини даҳо деб ҳисоблаганлар. Муаллимларидан бирининг таъкидлашича, «ҳар бир янги ғояни у чексиз даражада гўзал деб ҳисобларди». У учинчи синфда лабораторияда тажрибалар ўтказган, бешинчи синфда физика ва кимёни ўрганган. Бу ёш даҳо тўққиз ёшида амакиваччасига шундай таклиф қилган: «Менга лотин тилида савол бер, мен юнон тилида жавоб бераман».

Оппенгеймер Гарвард университетига ўқишга киради, кейин физика бўйича доктор даражасини олиш учун таълимни Кембриж университетиде давом эттиради. Бутун умр хафақондан сиқилган Оппенгеймер у ерда батамом тушқунликка тушиб қолади. Унинг назарий физикага мойиллиги кучли эди, аммо Патрик Блэкетт номли муаллим (1948 йил-



да Нобель мукофотига сазовор бўлган) Оппенгеймерни жини суймайдиган экспериментал физиканинг нозик жиҳатларини ўзлаштиришга мажбурлар эди. Оппенгеймер кундан-кунга кўпроқ чўқар, ҳиссий мувозанатини йўқотиб борарди ва бир куни шунақа аҳмоқона ишни қилдики, бунинг сабабини ҳеч ким тушунмади. У лабораториядан қандайдир кимёвий моддани олиб, муаллимини заҳарламоқчи бўлди. Не бахтки, Блэкетт мўъжиза туфайлигина бу хавфни сезиб қолди.

Университет раҳбариятига хабар берилди ва Оппенгеймер бошлиқлар ҳузурига чақирилди. Худди жиноятнинг ўзига ишониб бўлмагани каби, кейинги воқеаларга ҳам ишониш қийин. Мана бу ҳодиса Кай Берд ва Мартин Шервиннинг «Америка Прометейи» (American Prometheus) биографик китобида қандай тасвирланади: «Узоқ мунозаралардан сўнг, Робертга синов муддати беришга ва уни Харли-стритдаги машҳур лондонлик шифокорга даволаниш учун йўллашга қарор қилинди».

Синов муддати?

Қаршимизда истеъдодли икки ёш талабанинг ҳаётига оид воқеа-ҳодисалар тарихи, улар муаммога дуч келганлар ва бу муаммолар уларнинг коллежда ўқишни давом эттиришларини шубҳа остига қўйган. Ланганнинг онаси вақтида молиявий ҳисоботни тўлдирмаган. Оппенгеймер ўз муаллимини ўлдиршига уринган. Иккаласининг иши ҳам юқори мутасадди ташкилотларда кўрилган. Нима юз берди? Ланганга стипендия чўзиб берилмади, Оппенгеймерни психиатрга жўнатишди. Гарчи, Оппенгеймер ва Ланган иккаласи ҳам даҳолар бўлсада, қолган ҳамма нарсада улар бир-бирига сира ўхшамасди.

Уларнинг ўхшамаслигини Оппенгеймернинг Манхэттен лойиҳасининг илмий раҳбари этиб тайинланиши тарихи яққол намоиш этади. Лойиҳа раҳбари генерал Лесли Гровз атом бомбасини яратиш ишларига раҳбарлик қила оладиган инсонни изларди. Оппенгеймерга таяниш қалтис эди ва бунинг кескин сабаблари бор эди. Ўттиз саккиз ёшли олим ўзининг бўлғуси ходимларидан анча ёш эди. У назарийчи — бу иш эса тажрибалар ўтказишни ва инженерлар иштирокини тақозо этади. Унинг сиёсий майллари мукамал эмасди: коммунистлардан дўстлари кўп эди. Бироқ, энг жиддий тўсиқ унда маъмурий иш тажрибаси йўқ эди. «У амалиётга

мутлақо бегоналиги билан ажралиб турарди, — кейинчалик Оппенгеймернинг дўстларидан бири шундай хотирлайди. — Путурдан кетган оёқ кийимида ва ғалати шляпада юрар ва, энг ёмони, асбоб-ускуналар ҳақида ҳеч нарсани билмасди». Беркли шахрдан бўлган бир олим шундай деганди: «У гамбургер ортилган аравани ҳам бошқара олмасди».

Ҳа-я, дарвоқе, аспирантурада ўқиётганда у ўз профессорини ўлдирмоқчи бўлган! XX асрнинг энг муҳим масалаларидан бирини ҳал этишга киришиш керак бўлган инсоннинг таржимаи ҳоли шунақа эди. Кейин нима бўлди? 20 йил аввалги Кембриж воқеаси такрорланди: Оппенгеймер бутун дунёни вазиятга бошқача қарашга мажбур қилди!

Мана, Берд ва Шервиннинг асаридан яна бир парча:

«Оппенгеймер Гроувз Манхэттен лойиҳасига дуч келган одамни қўймаслигини яхши тушунарди, шунинг учун ўзининг бутун фасоҳати ва юксак заковатини ишга солди. Бу ўхшаши йўқ гўзал манзара эди: Гроувз унинг асири бўлиб қолди! Кейинчалик у журналистларга шундай деди: «Бу даҳо, ҳақиқий даҳо...» Маълумотига кўра, Гроувз инженер бўлиб, Массачусетс технологик институти дипломига эга эди, Оппенгеймер унинг заиф нуқтасига босим ўтказишни биларди».

Кейин муаллифлар давом этишади:

«Гроувз шу пайтгача учрашган номзодлардан фақат Оппенгеймер биринчи марта атом бомбасининг яратилиши фанлар кесимида турган кўплаб масалаларни ҳал этишини аниқ тушунган инсон эди... Гроувз фақат бошини силкитиб турар, Оппенгеймер «биз кимёвий, металлургик, инженерлик ва биз шу пайтгача етарли эътибор бермаган бошқа масалаларни ҳал этишга жипс бўлиб киришишимиз учун зарур бўладиган» марказий лаборатория ҳақида сўз юритарди».

Оппенгеймерни Рид коллежида стипендиясидан маҳрум қилиб бўлардими? Наҳотки у профессорларни ўз таълимини кундузги сменага ўтказишга ишонтира олмасди? Албатта, у буларни уддаларди! Гап унинг Крис Лангандан кўра ақлли эканида эмас. Шунчаки у истаган ишини қила оладиган шахдга, зеҳнга ҳам эга эди.

«Дастурда математик таҳлилга кириш бўйича мажбурий курс мавжуд эди, — Ланган Монтана университетидаги унга узоқ чўзилмаган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. — Менинг муал-

лимим бу фандан жуда қуруқ ва сийқаси чиққан маърузани ўқиб берарди. У нега материални бу қадар зерикарли тарзда ҳавола этишини аниқламоқчи бўлдим. Унинг ортидан хона-сигача эргашиб бордим ва нега бунақанги таълим тарзини танлаганини сўрадим. Нега у ёки бу мавзу математик таҳлилга алоқадор деб ҳисоблаши билан қизиқдим. Бу найнов ва узунёқ, қўлтиғининг остида тер излари доира чизган йигит ўтирилиб, менга бошдан-оёқ назар солди ва жавоб берди: «Биласизми, сиз бир нарсани тушунишингиз керак. Математик бўлиш учун айрим одамларда етарлича интеллектуал куч етишмайди».

Қаршимизда профессор ва вундеркинд талаба турибди. Ҳеч бир шубҳасиз, математикани севадиган талаба математикани ундан кам севмайдиган муаллими билан алоқа ўрнатишни истайди. Бироқ унинг уриниши самарасиз кетди. Гапнинг пўсткалласини айтганда — бу воқеанинг энг қайғули жиҳати ҳам шу — профессор билан математика ҳақидаги суҳбат давомида Крис асосий нарсани унга етказа олмади. Профессор Крис математик таҳлилни жуда яхши билишини англамай қолди.

### 3

Ўлдиришга уриниш учун жазо олмай қолиш ёки профессорни таълимни кундузги бўлимга ўтказишга кўндириш учун зарур фазилатни психолог Роберт Стернберг амалий интеллект деб атайди. Амалий интеллект деганда Стернберг «нимани, қачон ва кимга айтиш қобилиятини, шунингдек сўзлар ёрдамида юқори натижаларга эришишга оид билимни» тушунади. Бу амалий тушунча бўлиб, буни қаердан олганингизни тушунтирмасдан ва тушунтира олмасдан туриб, у ёки бу ҳаракатни қай тарзда бажаришга оид билимингиздир. Амалий заковат моҳиятига кўра омилкорликдир: бу илмнинг ўзи учунгина қилинадиган илм эмас, ҳаётнинг турли вазиятларида мўлжални тўғри олиш ва истаган нарсаларига эришишга ёрдам берадиган илмдир. Энг асосийси, заковатнинг бу тури IQ билан ўлчанадиган таҳлилий қобилиятлардан мутлақо фарқ қилади. Илмий атамалар орқали айтганда, илмий ва амалий интеллект бир-бирига нисбатан ортогоналдир: уларнинг бири бўлган одамда — ик-

кинчиси бўлмаслиги ҳам мумкин. Сиз таҳлилий интеллектга эга бўлишингиз мумкин ва айна пайтда амалий интеллект сизда бўлмаслиги мумкин ёки аксинча. Роберт Оппенгеймерда бўлгани каби, униси ҳам, буниси ҳам борлигидан қувонсангиз бўлади.

Бу амалий заковат қаердан олинади? Биз амалий интеллектнинг манбаларини кузатишимиз мумкин. У — ҳеч бўлмаганда, қисман — генларга, наслга боғлиқ. Крис Ланган олти ойлигидан гапира бошлаган. Уч ёшида мустақил ўқишни ўрганган. У ақлли бўлиб туғилган. IQ — туғма қобилиятни баҳолаш мезонидир. Турмуш зийраклиги эса — эгаллаб бориладиган билим, аниқроқ айтсак, орттирилган фазилатлар. Улар ташқи таъсирлар остида шаклланиши керак ва бу таъсирни, одатда, оила кўрсатади.

Бу жараённинг энг аниқ изоҳини социолог, Мэриленд университети ходими Аннетт Ларо ҳавола этган. Бир неча йиллар аввал у ажойиб тадқиқот ўтказди, унинг объекти бир гуруҳ учинчи синф ўқувчилари бўлди. У тадқиқот учун бой ва камбағал оилаларнинг қора ва оқ танли болаларини танлаб олди. Йигирма нафар бола танланди. Ларонинг жамоаси ҳар бир оилага камида йигирма бора ташриф буюришди ва ҳар бир ташриф бир неча соатлаб давом этди. Тадқиқотчилар оила аъзоларини уларни «уй жониворлари»дай қабул қилишни сўрашди ва ҳамма ерда ўз объектлари ортидан эргашиб юришди — черковга ҳам, футбол учрашувларига ҳам, шифокорга ҳам бирга боришди — уларнинг бир қўлида ёзув дафтари ва иккинчи қўлларида магнитофон бор эди.

Таъкидлаш мумкинки, ўн иккита оила билан бу қадар узок муомалада бўлиш болалар тарбиясига бўлган ўн икки хил турлича ёндашув ҳақида тасаввур берди. Бир хил ота-оналар талабчан, бошқалари фарзандларини бошларига чиқариб қўйганлар; бирлари болаларини худди курк товук тухумини эъзозлагандай эркалайдилар, бошқалари эса жуда босиқ муносабатда бўладилар ва ҳоказо ва ҳоказо. Бироқ тадқиқот буткул бошқача натижалар берди. Маълум бўлдики, тарбия «фалсафаси» иккитагина экан ва улар ўртасидаги чегара синфлар ўртасидаги чегарага жуда ўхшайди. Бадавлат ота-оналар болаларини бир тарзда тарбиялашади ва камбағаллар — бўлакча.

Биринчилари болаларнинг ҳаётида фаол иштирок этади-

лар, уларни турли фаолият турларига ўргатадилар, устозлари ва жамоадаги дўстлари билан қизиқадилар. Бой оиладан бўлган бир бола бейсбол жамоасига, иккита футбол жамоасига қатнаган, ёзда у яна сузиш ва баскетбол билан шуғулланган, оркестрда куй чалган ва пианино чалишга қатнаган.

Камбағал оилаларнинг болалари бунақа тигиз кун тартибига эга бўлмаган. Улар «ўйин» деганда ҳафтада икки марта қатналадиган футбол матчларини эмас, кўчада акалари ва қўшнилари билан копток ўйнашларини тушунишади. Ота-оналари учун болаларнинг ҳаракатлари уларнинг катталарга хос ҳаётларига алоқадор эмас, демак, болаларга эътибор қилмаса ҳам бўлади. Ишчи оиласидаги биргина қизча — Кэти Бриндл — мактабдан кейин хорга қатнаган. Бироқ унинг ўзи бу хорга ёзилган ва ўзи автобусга чиқиб қатнаган. Ларо ёзади:

«Бриндл хонимнинг муносабати нимаси биландир ўрта синф оналарининг муносабатларидан фарқ қилади: қизининг қўшиқ айтишга қизиқиши онасида қизчага ҳақиқий истеъдодга айланиши учун мадад бериш истагини уйғотмайди. Худди шундай Бриндл хоним қизи Кэтининг саҳна санъатига қизиқишини муҳокама қилмайди ва унинг бу истеъдодини ривожлантириш учун қўллари қисқалик қилаётганидан афсусланмайди ҳам. Бунинг ўрнига у Кэтининг қизиқишлари ва қобилиятини унинг характериға хос деб санай бошлайди — қўшиқ айтиш ва актёрлик «Кэти» хулқ-атворининг таркибий қисми, дейди. Қизалоқнинг чиқишларини у «ажойиб» деб билади ва бу «эътиборни ўзига қаратиш»га уриниш туфайли эмиш.

Ўрта синфга кирадиган оилалардаги ота-оналар шунчаки буйруқ беришмайди, улар болалари билан дилдан суҳбат қуришади ва баҳслашишади. Улар болалари ўзларига фикрларини айтишларини, муаммоларини улар билан баҳам қуришларини, саволлар беришларини истайдилар. Агар болалар бирор-бир фан бўйича ўзлаштиришда қийналсалар, бадавлат ота-оналар ўқитувчилар билан гаплашадилар, болалар ва муаллимлар ўртасида воситачилик қиладилар. Ларо синовдан ўтказган қизалоқлардан бири истеъдоддилар гуруҳига танловни ўтказиб юборган экан. Унинг онаси мактабга мурожаат қилиб, қизчасини хусусий тартибда тестдан ўтказишларига эришади. Қизчани қабул

қилишади. Камбағал ота-оналар, аксинча, маъмурият билан гаплашишдан тортинадилар. Улар ҳеч нарсага аралашмасликни ва панада туришни яхши кўрадилар. Мана, Ларо шундай бир она ҳақида нималарни ёзади:

«Ота-оналар мажлисида Макалистер хоним (ўрта мактабни тугатган) ўзини толиққан, жуда чарчагандай кўрсатади. Уй шароитида жуда қувноқ ва сергап бўлган бу аёл мактабда одамови бўлиб қолади. У букчайиб ўтиради, камзулининг тугмаларини ҳам ечмайди. Бирор сўз айтмайди. Муаллима аёл Гарольд уй вазифасини бажармаганини айтганда, Макалистер хоним ҳайратга тушади, бироқ, шунга қарамасдан, минғирлайди: «У вазифани бажарган». У муаллимага саволлар бермайди, ўғли Гарольднинг номидан гапга аралашиб, муомала қилмайди. Унинг фикрича, ўғлини муаллимлар ўқитиши керак, бу уларнинг иши, ота-оналарнинг иши эмас».

Ўрта синфга дахлдор ота-оналар риоя қиладиган тарбия усулини Ларо «биргаликда ривожланиш» деб атаydi. Унинг вазифаси — фаол равишда «боланинг истеъдодини, қобилиятларини ва истакларини қўллаб-қувватлаш ҳамда баҳолаш»дир. Бунга қарама-қарши ўлароқ, камбағалроқ ота-оналар тарбиянинг «табиий ривожланиш» услубига мойил бўладилар. Улар болани боқиш - бизнинг вазифамиз, ақлини ўзи таниб олади, деб ҳисоблашади.

Ларо таъкидлайдики, маънавий жиҳатдан иккала усулни ҳам бири-бирдан яхшироқ деб бўлмайди. Унинг кузатишича, камбағал оилаларнинг болалари кўпинча яхши тарбияланган ва инжиқлик, эркалик қилмайдиган бўлади, улар бўш вақтларини ўзлари банд қила олади ва мустақил бўлади. Бироқ амалий томондан «биргаликда ривожланиш» улкан афзалликлар беради. Бадавлат оилаларнинг турли машғулотлар билан банд бўлган болалари турли-туман ҳаёт тажрибаларини эгаллашади. Улар жамоада ишлашга кўникадилар, мураккаб вазиятларни ҳал қила оладилар, катталар билан осон тил топадилар ва ўз фикрларини ифода қиладилар. Ларонинг сўзларига қараганда, ўрта синфга дахлдор болалар ўзларида «ҳуқуқдорлик» тўғрисида тасаввурни шакллантирган бўлади.

Ҳозирги пайтда бу сўз бироз салбий тусга эга бўлган. Бироқ Ларо унга энг ижобий маъноларни жойлайди: «Улар ўзларини шундай тутадиларки, гўё ўз истакларини қондириш

учун ва жамоат жойларида фаол мунозараларга киришиш учун ҳақлари бор, улар кўпчилик орасида ўзларини жуда бемалол тутадилар. Улар эркин ахборот алмашадилар ва эътиборни талаб қиладилар... Ўрта синфдан бўлган болалар кўпинча гапни ўзларининг манфаатларига мақбул мавзуга буриб юборишади». Улар қоидаларни яхши биладилар. «Ўрта синфга дахлдор учинчи синф ўқувчилари ўз номларидан ҳаракат қиладилар ва имтиёзга эга бўладилар. Улар илтимос билан ўқитувчилар ва шифокорларга мурожаат қилишади ҳамда уларнинг ҳаракатларини ўз истакларини қондириш учун ўзгартиришларига эришадилар».

Уларнинг қарама-қаршиси ўлароқ, камбағал оилаларнинг болалари «кўзга кўриниб турган уятчанлик, бировга ишонмаслик ва тундлик» билан ажралиб туради. Улар истаган нарсаларига қандай эришишни билмайдилар ва буни эплай олмайдилар — Ларонинг аниқ таърифига кўра — у ёки бу вазиятни ўз мақсадларига «бўйсундириш»ни уддалай олмайдилар.

Очиқ кўриниб турган мисол тариқасида Ларо тўққиз ёшли Алекс Уильямснинг онаси Кристина ҳамроҳлигида шифокорга ташриф буюришини келтиради. Эр-хотин Уильямслар — бадавлат, ишида маҳоратли инсонлар.

— Алекс, ўйлаб кўр, шифокорга қандай савол бермоқчисан, — дейди Кристина машинада шифокорга боришар экан. — Истаган нарсангни сўрашинг мумкин. Тортинма. Нима керак бўлса, сўра.

Алекс бир дам ўйланиб турди-да, жавоб берди:

— Қўлтиғимнинг тагида дезодорантдан донача тошган.

— Ростдан-а? Янги дезодорантданми?

— Ҳа.

— Бу ҳақда шифокорга айтгин.

Алекснинг онаси, деб ёзади Ларо, ўз ўғлини, гарчаңд хонада ёши каттароқ ва ҳурматлироқ одамлар бўлса-да, мустақил фикр билдириш ҳуқуқи билан таништирмоқда. Улар 40 ёшдан ошган, кўнгли очиқ шифокорга киришадди. У Алекса унинг бўйи 95 фоиз ичида эканини айтади. Алекс дарҳол қайтадан сўрайди:

— Менинг бўйим ниманинг ичида?

— Фоиз ичида, яъни бу 10 ёшга кирган юзта боланинг

тўқсон бештасидан бўйинг баландроқ эканини англатади, — тушунтиради шифокор.

— Мен ҳали 10 ёшга кирмаганман.

— Ҳа, лекин сени аллақачон ўн ёшлилар тоифасига киритишади. Сен тўққиз йилу ўн ойликсан. Ёшни одатда яқин бўлган томонга эндириб ҳисоблашади.

Ларо учун бу ибрат бўладиган лаҳзалардир. «Обрўли одамнинг гапини бўлиш ҳуқуқдорликни англашнинг кўринишидир», — деб ёзади у.

Ота-оналар бола ўзидан ёши катта одамнинг гапини бўлиб қўйишига кўз юмадилар. Бундай «тарбиясизлик» уларнинг кўз ўнгида болада ўзининг қадр-қимматини англаш ҳисси ривожланаётганини, бола ўз фикрларини ва ғояларини айта олиш ҳуқуқини англаётганлигини кўрсатади. Бу шунингдек, ўрта синфга оид оилаларда тарбия стратегияси учун характерлидир. Алекс шифокорнинг гапини тузатиш учун қилган шартакилик (“Мен ҳали 10 ёшга кирмаганман”) — бола ўз ҳуқуқларини осонлик билан ўзлаштираётганлигининг яна бир исботидир. Сўнги сигнал аниқ кўрсатма тарзида берилади, Алекс шифокорнинг кўзини ярадор қилган боланинг ота-онасига телефон орқали маслаҳат бераётганини эшитиб қолади. «Менинг кўзларимга тегманг!» — ярим ҳазил-ярим чин қилиб, фармойиш беради Алекс.

Шифокор Алекса ўтирилиб қарайди:

— Энди эса энг муҳим саволни бераман. Текширишни бошлашимдан олдин бирор нима сўрамоқчимисан?

— М-м-м... Менда мана бу тошмалар пайдо бўлди, мана бу ерда (қўлтигининг остини кўрсатади).

— Қўлтигининг остидами?

— А-ҳа.

— Яхши, текшираётганда мен уларни кўраман. Нималигини аниқлаб, нима қилишинг кераклигини айтаман. Улар оғрийдими ёки қичийдими?

— Йўқ, шунчаки тошди.

— Яхши, мен у тошмаларни кўраман.

Бу суҳбат қанчалик содда бўлмасин, у бошқа ижтимоий қатлам болаларининг муомаласидан буткул фарқ қилади. Ўзга болалар жим ва итоаткор бўлишади, гапдан ўзларини олиб қочишади. Алекс вазиятни назорат қилмоқда. «Ўзи аввалдан тайёрлаган саволни ёддан чиқармасдан, у шифокор-



нинг бутун диққатини ўзига қаратди ва фикрини ўзи танлаган мавзуда жамлади, — деб ёзади Ларо. — Шундай қилиб, у ҳокимият мувозанатини ўз томонига оғдира олди. Оғдириш жуда силлиқ ўтди. Алекс унга ҳурмат билан муносабат қилишларига ўрганган. Уни ўзига хос бола деб ҳисоблашади ва у катталарнинг эътибори ҳамда қизиқишига ўрганган. Бу биргаликда ривожланиш стратегиясининг ўзак моҳиятидир. Шифокор билан суҳбат пайтида Алекс ўзини кўз-кўз қилмади, худди ота-онаси билан суҳбатлашаётгандай, босиқ тутди, — бир хил енгилликда фикрлади, баҳслашди ва ҳазиллашди».

Бу фазилатни қандай эгалланишини билиш жуда муҳимдир. У наслдан наслга ўтмайди. Алекс Уильямс ёши катта, ҳурматли инсонлар билан суҳбатлашиш қобилиятини ота-онаси ёки буvasидан ва бувисидан мерос қилиб олмаган. У шунингдек, ирққа ҳам боғлиқ эмас. Аниқланишича, Алекс Уильямс қора танли, Кэти Бриндл эса оқ танлидир. Бу қобилиятни *маданий* устуворлик демоқ мумкин. Алекс унга эришган, чунки ота-онаси — бошқа маърифатли ота-оналар каби — уни болаликдан шунга ўргатишган, бу ҳаёт ўйинининг қоидаларини юқтиришган, парваришлаган, қўллаб-қувватлаган ва тушунтириб боришган, шифокорга бораётган пайт йўлдаги тушунтириш ҳам шу парваришнинг бир қисмидир.

— Биз синфий устуворлик ҳақида гапирганимизда, — деб ёзади Ларо, — айнан шуни назарда тутамиз. Алекс Уильямсининг Кэти Бриндлдан кўра омадлироқ экани бой оилада туғилгани ва яхшироқ мактабда ўқиганидагина эмас, балким — бу қолган барчасидан кўра муҳим — унга замонавий дунёда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган ҳуқуқдорликни англаш ҳиссини тарбиялаганидадир.

#### 4

Айнан ана шу фазилат Оппенгеймерни Крис Лангандан ажратиб туради. Мусаввира аёл ва моҳир тадбиркорнинг ўғли бўлган Роберт Оппенгеймер Манхэттеннинг бой маҳаллаларидан бирида вояга етди. Оппенгеймерлар оиласи одатда якшанбада дам олиш учун табиат қўйнига чиқишарди — «паккард» машиналарини шахсий ҳайдовчи бошқарарди. Ёзда болакай Европага бобосини кўргани борарди. У Сентрал-парк-уэ-

стдаги Хулқ-атвор маданияти мактабига қатнардди, мамлакатда энг тараққийпарвар ҳисобланган бу мактабда ўқувчиларга буюк кишиларнинг таржимаи ҳоли орқали «сизлар дунёни ўзгартира оласиз, деган ишонч» сингдирилади. Унинг математика ўқитувчиси Роберт дарсда зерикаётганини англагач, унга мустақил шуғулланишни маслаҳат беради.

Болаликда Оппенгеймер тошлардан коллекция йиғарди. 12 ёшида у маҳаллий геологларга Марказий боғда кўрган турли тош жинслари ҳақида хат ёзади ва уларни шу қадар ҳайратга соладики, олимлар уни Нью-Йорк маъданшунослари услубида маъруза ўқиш учун таклиф қилишади. Шервин ва Берднинг ёзишича, Оппенгеймер ота-онасининг боланинг қизиқишларига муносабати «биргаликда ривожланиш» стратегиясининг намунасидир:

«Катта одамлар олдида чиқиш қилишдан ҳайиққан Роберт отасидан клуб қатнашчиларига улар таклиф қилаётган инсон ҳали бола эканлигини айтиб қўйишни сўрайди. Кўнглининг туб-тубигача ҳайратланган Жулиус, ўғлини бу маъруза шараф эканлигига ва уни рад этиш керак эмаслигига кўндиради. Белгиланган кунда Роберт ота-онаси билан клубга келади, ота-онаси ғурур билан уни фарзандлари Роберт Оппенгеймер сифатида таништиришади. Ҳайратланган геологлар ва ҳаваскор коллекционерлар боланинг бўйи етмай, минбар остига қўйиб берилган тахта қутининг устига чиққанидан шарақлаб кулиб юборишади, минбардан унинг қора сочларигина эмас, ўзи ҳам кўринади. Уятчанлик ва ҳаяжон билан бўлса-да, Роберт тайёрлаган маърузасини ўқиб беради ва уни гулдурос қарсақлар билан олқишлашади».

Шундан сўнг ҳам Оппенгеймер барча мураккаб вазиятларни моҳирона ҳал қилганлигига ҳайратланиш мумкинми? Агар сенинг отанг бизнес чўққисига ўз йўлини ўзи очган бўлса, сен унинг намунасида қалтис вазиятлардан қандай чиқишни кўриб турасан. Агар сен Хулқ-атвор маданияти мактабига таҳсил олган бўлсанг, сени судлов жараёнида иштирок этаётган Кембриж профессорлари кўрқита оладими?! Агар сен Гарвардда физикани ўрганган бўлсанг, Мичиган технологик университетига инженерликни ўрганган генерал билан қандай суҳбат олиб боришни биласан-да.

Крис Ланганнинг чекига эса фақат гадойтопмас Бозман ва дарғазаб, ароқхўр ота ҳаммани зир титратган уй тушди.

«Жек Ланган барчамизни бир нарсага — ҳурматлиларни инкор қилишга ўргатди», — икром бўлди Марк. Крис ўз ҳаётидан битта сабоқ чиқарди: мустақил бўлиш ва ҳеч кимга ишонмаслик. Шифокорга бораётганда унинг ота-онаси саволлар беришни, баҳслашишни ва катталар, обрўли одамлар билан суҳбатлашишни ўргатишмади. У ҳуқуқдорликни билмай ўсди. Лекин ҳар бир нарсада бир тузоқ кўришга, масофа сақлашга ва доим ҳамма нарсадан хавотирланишга ўрганди. Бир қараганда, майда нарса туюлган бу одатлар унинг Бозман шаҳарчасидан ташқаридаги дунёни ўзлаштириши йўлида улкан тўсиқ бўлди.

«Мен ҳам ҳеч қандай молиявий ёрдам ололмадим, — ҳикоясини давом эттиради Марк. — Биз бу жараёнлар: ариза бериш, қоғозларни тўлдириш, чек дафтарчалари ҳақида ҳеч нарсани, ҳеч нарсани билмас эдик. Биз буларнинг баридан жуда узоқ эдик».

«Агар Крис бадавлат оилада туғилганда, дейлик, керакли ерда таниши бўлган шифокор оиласида бўлганда эди, кафолат бераман, у газеталар ҳар куни ёзадиган, ўн етти ёшида фалсафа доктори унвонига эришадиганлардан бири бўларди, — дейди унинг укаси Жефф. — Ҳаммамизда тиббиёт бўйича дипломлар бўларди. Буларнинг барчаси сен яшайдиган муҳитга боғлиқ. Гап шундаки, Крис ҳамиша ўқитувчиларни тинглашдан толиқар эди, чунки у устозларидан кўпроқ биларди. Агар кимдир унинг заковатини сезганда ва ота-онаси таълимнинг қадрини билганларида, уни толиқишга қўймасдилар, ҳаракат қилардилар».

## 5

Ва ниҳоят Терман ҳам худди шу хулосага келади. Ўзининг 730 нафар вояга етган «термит»лари ҳақидаги қайдларини таҳлил қилар экан, уларни уч гуруҳга бўлади. Юз эллик киши, яъни 20 фоиз А гуруҳига тушади. Бу гуруҳ ҳаққоний ўз касбининг усталари, адвокатлар, шифокорлар, инженерлар ва олимларни ўз ичига олади. Яна 60 фоиз «қоникарли» баҳо олгандардан иборат гуруҳига киритилди. Қолган 150 киши С гуруҳи эди, улар, Терманнинг фикрича, ўзларининг юксак ақлий салоҳиятларини деярли ишлатмаганлар. Бу гуруҳ одамлари ўртасида ўт ўчирувчилар, ҳисобчилар, сотув-

чилар, пойабзал усталари, шунингдек, куни билан диванда ёнбошлаб ётадиган, яъни умуман ишламаганлар бор эди.

А гуруҳи иштирокчиларининг 90 фоиз коллежни тугатган, 98 киши илмий унвонларга эга эди. С гуруҳидан фақат учдан бири коллежни тугатган. Яна учдан бири ўқишни ташлаб кетган. Чорак қисмида фақат ўрта мактабнинг аттестати бор эди, холос. Охирги гуруҳнинг барчасидан — бу 150 киши бўлиб, ҳаммаси ўз вақтида даҳо деб баҳоланган эди, — саккиз кишигина олий маълумот ҳақида диплом олган.

А ва С гуруҳлари ўртасидаги фарқ нимада эди? Терман барча мумкин бўлган изоҳларни мулоҳаза қилиб кўрди: уларнинг жисмоний ва ақлий саломатлигини текширди, кучлиги ва нозиклигини баҳолади, уларнинг ишқибозликлари ва касбий қизиқишларини таққослади, улар қачон гапира ва юра бошлаганларини суриштирди, шунингдек бошланғич ва ўрта мактабдаги IQ даражаларини кузатди. Бор-йўғи биттагина омил қолди: тарбия.

А гуруҳи вакиллари, одатда, ўрта ва юқори синфларга дахлдор эдилар. Уларнинг хонадонларида бой кутубхоналари бор эди. Бу гуруҳ вакиллари оталарининг ярмидан кўпи коллежларни тамомлагандилар — ҳолбуки, оталарнинг ёшлигида олий маълумотлилик кам учрайдиган ҳолат эди. Бошқа томондан, С гуруҳи вакиллари қуйи ижтимоий қатламдан эдилар. Уларнинг деярли учдан бир қисмиининг ота-оналари асосан ўрта мактабни тугатмай, саккиз синфни ҳам ўқимай ташлаб кетганди.

Терманнинг ҳамкасблари шахсий фазилатлари ва муомаласини аниқлаш учун А ва С гуруҳи вакилларининг барчаси билан учрашдилар. Уларнинг кутганидай бўлиб чиқди, улар биргаликда ривожланиш шароитида ўсганлар ва мустақил вояга етганларни қиёслашда юзага келган тафовутни кўрдилар. А гуруҳи вакиллари тасаввури кенгрок, ўзига ишонган, истараси иссиқ ва яхши кийинган инсонлар эди. Ростини айтганда, бу тўртта мезон бўйича берилган баҳолар бир-биридан шу қадар фарқ қилдики, гўё уларнинг қарши-сида одамларнинг икки хил насли тургандай эди. Албатта, бундай эмасди. Бу тарбиялангани туфайли дунёга ўзининг яхши томонларини кўрсата олганлар ва бундай имкониятга эга бўлмаганлар орасидаги фарқнинг ифодаси эди, холос.

Терман тадқиқотларининг натижалари жуда ташвишли

эди. С гуруҳи ҳам бошида қанчалик истеъдодли бўлганини унутмайлик. Агар сиз улар билан беш ёки олти ёшларида танишган бўлсангиз, қаршингизда ҳамма нарсага қизиқувчан, фикри зийрак ва тасавури кенг болалар турганини кўрадингиз. Шубҳасиз, улар ўзига хос, истеъдодли болалар эди. Бироқ, қанчалик изтиробли бўлмасин, Терманнинг тадқиқоти шуни кўрсатди: амалда қуйи ижтимоий қатламларга мансуб бўлган бирорта истеъдодли вундеркинд муваффақиятли инсон бўла олмади.

Хўш, С гуруҳига нима етишмади? Қандайдир қимматбаҳо, камёб, ДНКларда қодланган ёки мия қатламларида дастурланган нарсами? Йўқ. Уларга етишмаган нарсани, агар бу эҳтиёжни вақтида билганимизда, осон таъминлаш мумкин эди: уларни ташқи дунёдаги ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий муҳит етишмади. С гуруҳидагилар ўз истеъдодларини истеъдодсизларча сарф қилдилар. Ҳолбуки, бундай бўлмаслиги мумкин эди.

Айни пайтда Крис Ланган Миссуридаги отбоқарлик фермасида ишлайди. У бу ерга бир неча йил аввал, уйланганидан сўнг кўчиб ўтди. Унинг ёши ҳозир 50 дан ўтди, лекин ўзи анча ёш кўринади. Унинг танаси ҳали бақувват, яғринлари кучли ва мускуллари таранг. Сочлари силлиқ қилиб орқага таралган. Батартиб мўйловларига оқ оралай бошлаган. Кўзларини «авиатор» номли қора кўзойнаги беркитиб туради.

«Менинг одатий куним тахминан шундай ўтади: ўрнимдан тураман, қаҳва қайнатаман, компьютер олдига ўтираман ва кеча тугатмаган ишимни давом эттиришга киришаман, — деб ҳикоя қилади у. — Мен шуни билдимки, агар ҳал этилмаган масалани шу ҳолда қолдирсанг, уйку олдидан хаёлни жамлаб, кейин ётсанг, масаланинг ечими эрталабдан пайдо бўлади. Гоҳида мен бу ечимни аниқ ифодалай оламан, чунки уни тушимда кўраман ва эслаб қоламан. Баъзан эса саволнинг жавобини ҳис қиламан — ёзишни бошлайман ва жавобнинг ўзи саҳифага тўкила бошлайди».

Крис ҳозиргина тилшунос Ноам Хомский асарларини ўқиб тугатди. Унинг хонаси китобларга тўла. У доимо кутубхонадан ҳам китоблар олиб туради. «Менга дастлабки манбага яқинроқ турган яхшироқдай туюлади», — деб эътироф этади у.

Ланган ўз ҳаётидан розидай туюлади. У ўз тулпорини парваришлайди, китобларни мутолаа қилади, севган аёли би-

лан яшайди. Бу майхонадаги кўриқчи бўлишдан бошқа бир ҳаётдир.

«Мендан кўра ақллироқ бирор одамни топса бўлади, деб ўйламайман, — давом этади у. — Мен ҳеч қачон ўзимга ўхшаш бирор одамни учратмадим. Менинг ақлим янги имкониятлар учун очиқдир. Агар орангизда кимдир мен билан беллашмоқчи бўлса: ўйлайманки, мен сизлардан ақллироқман, — ишончим комил, сизни енгаман».

Унинг сўзлари мақтанчоқликка ўхшайди. Лекин бундай эмас. У фақат ҳужум орқали ўзини ҳимоя қилади, холос. У ўн йилликлардан бери ўз устида ишлайди — аммо унинг бирор асари ҳали чоп этилмаган ва уларнинг қимматини аниқлаши мумкин бўлган физиклар, математиклар, файласуфлар томонидан ўқиб чиқилмаган. Миллиард одамдан биттасида учрайдиган ноёб ақл эгаси бўлган бу одам дунёни ўзгартира олмади. У илмий анжуманларда нутқ сўзламайди. Нью-Хейвеннинг шинам сабоқхоналарида талабаларга дарс бермайди.<sup>11</sup> У Шимолий Миссуридаги отбоқарлик фермасидаги оддийгина уйчада яшайди, томорқада жинси шим ва футболка кийган ҳолда ўтиради ва буни четдан қандай кўришни яхши билади: бу даҳоликнинг буюк парадокси бўлган Крис Лангандир.

«Мен машҳур ноширларга, улар истагандай, ёлвориб бормаганман, — якунлайди у. — Уларни тергамаганман, кўнгироқ қилмаганман, агент изламаганман. Сабаби шунда. Мен ҳеч қачон шундай қилмадим ва менга бунинг кераги ҳам йўқ».

Бу енгилганини тан олишдир. Унинг ақлидан ташқаридаги ҳамма нарса унинг ҳафсаласини пир қилган. У ташқи дунё тузилишини яхшироқ билиши керак эканини тушунади, бироқ буни қандай қилиш кераклигини билолмади. У ҳатто математик таҳлил муаллими билан ҳам одамдай гаплашолмади! Бироқ бошқалар у каби буюк ақлга эга бўлмасалар-да, бундай муаммоларни йўл-йўлакай ҳал қилиб кетавердилар. Чунки уларга йўл кўрсатган одамлар топилди. Крис Ланганнынг мададкори йўқ эди. Бу уни оқлаш эмас, бу мавжуд фактдир. У ўз йўлини ўзи барпо этмоқчи бўлди, аммо ҳали ҳеч ким ёлғиз муваффақиятга эришолмаган.

---

<sup>11</sup> Нью-Хейвенда Йел университети жойлашган, у АҚШдаги энг нуфузли дорулфунунлардан биридир. — Таҳририят изоҳи.

## 5-БОБ

**Жо Фломнинг учта сабоғи****«Мэри йигирма беш цент олди»**

## 1

Жо Флом — Skadden, Arps, Slate, Meagher & Flom юридик фирмасининг бошқарувчи ҳамкори, компания номида қайд этилганлардан тирик қолган сўнгги инсондир. У Манхэттендаги осмонўпар «Конде Наст билдинг» биносининг сўнгги қаватларидан бирида бурчакдаги офисни эгаллаган. Жо бўйи пастроқ, бироз букчайиб юрадиган, каттабош ва шалпангқулоқ киши. Кичкина мовий кўзчаларини каттагина кўзойнак беркитиб туради. Ҳозир у бир қадар хушбичим, аммо ёшлигида жуда бақалоқ эди. Жо Флом лапанглаб юради, минғирлаб, тушунарсиз гапиради, доим ниманидир ўйлаётган бўлади ва қийшиқ ёзади. У фирманинг йўлақларида юрганда, атрофдагилар жим бўлиб қоладилар.

Унинг болалиги Буюк депрессия даврига тўғри келди. Уларнинг оиласи Бруклиндаги Боро-паркда истиқомат қиларди. Унинг ота-онаси Шарқий Европадан келган яхудий-муҳожир эдилар. Отаси, Исадор, тикувчилик саноатининг собиқ қасаба уюшмалари ташкилотчиси эди, аёллар кўйлақлари учун «елкача» тикиб оила тебратарди. Онаси ишбай фаолият юритарди — уйда қўлбола аппликациялар тайёрларди. Оила қашшоқ эди ва тез-тез у жойдан бу жойга кўчарди. У замонларда уй эгалари дастлабки уч ой яшаганлик учун ҳақ олиши мумкин эмасди. Шундай кўчиб юрмаса, Фломлар оиласи кун кўролмасди.

Ўрта мактабда Флом Манхэттенда, Лексингтон-авенюда жойлашган обрўди Таунсенд Харрис давлат мактабига имтиҳон топшириб, ғолиб бўлди. Қирқ йил фаолияти мобайнида бу мактабда учта бўлғуси Нобель мукофоти совриндори, олтита Пулитцер мукофоти совриндори ва битта Олий Суд судьяси таълим олган, яна бу ерда полиомелитга қарши вакцинани ихтиро қилганлар — Жорж Гершвин ва Жонас Солк таҳсил олишган. Эрталаблари онаси Фломга но-

нушта учун ўн цент пул берарди — бу пул учта бўғирсоқ, апельсин шарбати ва Nedick's дўконидан қахва сотиб олишга етарди. Мактаб дарсидан кейин болакай қўлбола аравагани тикувчилик кварталига олиб борарди. Икки йил у Шимолий Манхеттендаги шаҳар коллежининг кечки курсларида ўқиди, кундузлари эса нон топиш учун турли ишларни бажариб юрди, кейин ҳарбийга ёзилди, сўнг тезда бўшаб, ҳужжатларини Гарвард ҳуқуқ мактабига топширди.

«Мен олти ёшимдан юриспруденция билан шуғулланишни истаганман», — дейди Флом. У коллеж дипломини олмади, аммо уни барибир Гарвардга қабул қилдилар. «Нима учун? Мен уларга хат ёзиб, нега мени олишлари кераклигини тушунтирдим», — дейди ўзига хос кўйма сўзлар билан Флом. Гарвардда — бу 1940-йилларнинг охири эди, у ҳеч қачон ҳеч нарсани ёзиб олмасди. «Биринчи курсда биз ҳаммамиз, тентаклар каби, тиришқоқлик билан ҳамма нарсани ёзиб борардик, кейин ёзганларимиздан режа тузардик, кейин режадан хулосалар чиқарардик, ҳаммасини яна бир марта иккинчи варақнинг устидаги юпқа қоғозга кўчириб ёзардик, — деб эслайди Чарльз Хаар, Фломнинг курсдоши. — Бу прецедентларни эслаб қолишнинг кенг тарқалган усули эди. Ҳамма шундай қиларди, бироқ фақат Жо бундай қилмасди. Бунга ўхшаш бирор нарса қилмасди. Бироқ унда «юрист тафаккури» деган нарса бор эди — унинг фикрлаши ғаройиб эди».

Жо «жонли юридик энциклопедия» унвонига эга эди — бу курсдаги энг яхши талабага бериладиган эҳтиром эди. «Ишга жойлашиш мавсуми»да — иккинчи курснинг мавлуд ойидаги таъиллари пайтида — у Нью-Йоркка, каттакон юридик компанияларга ишга жойлашиш учун суҳбатларга қатнарди. «Мен бесўнақай, бақалоқ йигитча эдим ва ўзимни жуда нокулай сезардим, — деб эслайди Флом. — Ишга кирмаган бир мен ва бошқа яна бир йигит қолди. Кунларнинг бирида менинг профессорим қандайдир йигитлар фирма очишмоқчилигини айтиб қолди. Мен уларнинг олдида бордим, улар эса ҳар икки гапнинг бирида мижозлари йўқ фирмани очиш қийин эканини сўзлашарди. Улар гапиршигани сари менинг қизиқишим ортди. Ва мен шунга қарор қилдим, нима бўлса бўлар! Таваккал қилиш керак. Улар биргалашиб бир йилда 3600 доллар тўплашди — дастлабки



маош». Дастлаб у ерда Маршалл Скадден, Лесли Арпс Уолл-Стритдаги каттакон юридик фирма ҳамкорлар лавозими-га уларнинг номзодини рад этгани ва Pan American Airlines компаниясида ишлаган Жон Слейт бор эди. Флом уларга ёрдамчи бўлди. Уларнинг Уолл-стритдаги Lehman Brothers компанияси биносининг юқори қаватида бир нечта кичкина хоналардан иборат кичик офислари бор эди. «Биз ҳуқуқнинг қайси соҳасига ихтисослашгандик? — жилмаяди Флом. — Ким эшикни тақиллатиб кириб келса, ўшанга мослашардик!»

1954 йилда Флом бошқарувчи ҳамкор лавозимини эгаллади ва фирма катта қадамлар билан юксала бошлади. Тез орада унинг штатида юз нафар юрист ишлай бошлади. Кейин 200. Улар 300 киши бўлганда, Фломнинг ҳамкорларидан бири — Моррис Крамер — юридик факультетларнинг ёш битирувчиларини ишга олганда ўзини айбдор сезишига иқрор бўлди. Уларнинг фирмаси катталашиб кетди, бошқа «ўса олмайди» ва улар янги ходимларнинг лавозимини кўтара олмайдилар. Флом шундай жавоб берди: «Биз минг киши бўлгунча тинчимаймиз». Уни ўз мақсадига эришишда қатъиятсизликда айблаб бўлмасди.

Бугун Skadden энг улкан ва қудратли юридик фирмалардан биридир — унинг бутун дунёда 23 та филиали ва 2000дан ортиқ юристи бор. Фирма йилига миллиард долларга яқин пул топади. Фломнинг хонасида у АҚШ Президентлари катта Жорж Буш ва Билл Клинтон билан тушган суратлари осилган. У Юқори Ист-Сайддаги улкан хонадонда истиқомат қилади. Агар кейинги ўттиз йилда сизнинг компаниянгиз Fortune 500 рўйхатига кирган бўлса, агар сиз кимнидир қўшиб олишни ёки кимгадир қўшилишни режалаштирсангиз, агар сиз муҳим корчалон бўлсангиз ва мураккаб вазиятга тушиб қолсангиз, сизнинг юристингиз — Жозеф Флом, сизнинг юридик фирмангиз — Skadden бўлса керак. Агар бундай бўлмаса, албатта, сиз буни орзу қилгансиз.

## 2

Умид қиламанки, бу пайтга келиб сиз бунақанги ҳикояларга шубҳа билан қарашга ўргангандирсиз. Муҳожирларнинг истеъдодли фарзанди қашшоқлик ва буюк депрессия

билан курашади, обрўли ва консерватив юридик фирмалардан рад жавобларини олади, бироқ ўз қобилиятлари ва тиришқоқлиги туфайли улкан ютуқларга эришади. Пастдан юқорига кўтарилган инсон учун одатий бир ҳол, аммо биз хоккейчилар, компьютер миллиардерлари ва «термит»лар ҳақида ўқиган барча нарсалар бизни шунга ишонтирадики, уларнинг муваффақияти фақат шу билан боғлиқ эмас. Омадли инсонлар четдан ҳам мадад олишади. Уларнинг келиб чиқиши ҳам муваффақиятига таъсир кўрсатади. Улар муайян даврнинг, жойнинг ва ўз атрофининг маҳсулоти бўладилар.

Биз Билл Жой ва Крис Ланган ҳаёт йўлларини таҳлил қилдик. Энди китобнинг биринчи қисмидан билиб олганларимизга ҳам таяниб, Жозеф Флом ҳаётини ўрганамиз. Унинг интеллекти, хулқ-атвори ёки нафсонияти ҳақида эсламаймиз — гарчанд унда биз санаб ўтган нарсалар, шубҳасиз, етарлича мавжуддир. Мижозларининг юксак баҳолари ҳам келтирилмайди. Skadden, Arps, Slate, Meagher & Flom тезкор парвози ҳақида ҳам ҳикоя қилинмайди.

Асосий саволга жавоб топиш учун мен Жо Фломнинг болалиги ўтган Нью-Йорк муҳожирлари дунёси одамларининг ҳаётларини ҳикоя қиламан — бу унинг юридик мактабдаги ўртоғи, ота-ўғил Морис ва Морт Жанклоу ҳамда ажойиб жуфтлик, Луис ва Режина Боргенихт тарихидир. Унинг чекига қандай имконлар тушган? Буюк инсонларни ҳаммаша ташқи ёрдам билан қувватлаганларини билган ҳолда, Жо Флом ҳаётини таҳлил қилиб, уни шакллантирган вазиятларни ажратиб кўрсата оламизми?

Биз қуйидан чиққан одамлар ақл бовар қилмайдиган улкан муваффақиятларга эришгани тўғрисида ҳикоя қилишни яхши кўрамыз, чунки бизга вазиятга қарши бора оладиган якка курашчи қаҳрамонлар ёқади. Бироқ Жо Фломнинг ҳаққоний ҳаёт йўли унинг афсонавий талқинидан ҳам кўра қизиқарлироқдир. Бунинг сабаби шундаки, бир қарашда тўсиқ бўлиб кўринган вазиятлар — унинг қашшоқ оиладан эканлиги, яҳудийлар таҳқирланаётган бир даврда яҳудий эканлиги ва Буюк депрессия даврида вояга етганлиги кутилмаганда афзалликка айланади. Жо Флом — ўзига хос инсон. Аммо нега у шунақа инсон бўлди? Бобнинг охирида биз тушунамизки, Фломнинг ҳаётидан чиқарилган са-

боқларни Нью-Йорк юридик дунёсига ҳам қўллаш мумкин, бу шаҳардаги аксарият юристлар ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдан туриб ҳам, улар оиласининг ижтимоий мақомини, ёшини ва келиб чиқишини аниқлаш мумкин. Бироқ биз олдинга кетиб қолдик.

## Биринчи сабоқ: яхудий бўлиш қанчалар муҳим?!

### 3

Жо Фломнинг Гарвард юридик мактабида бирга таҳсил олган курсдошларидан бири Александр Бикел эди. Флом сингари у ҳам Шарқий Европадан келган яҳудий муҳожирлари оиласидан эди ва Бруклинда вояга етганди. Флом сингари Бикел Нью-Йоркдаги давлат мактабида ўқиган, кейин Шаҳар коллежида сабоқ олган. Флом сингари Бикел ҳам юридик мактабдаги гуруҳнинг юлдузи бўлган. Агар саратон касаллиги унинг ёрқин мартабасини узиб қўймаганида, у шубҳасиз ўзи мансуб авлоднинг конституциявий ҳуқуқ бўйича машҳур мутахассиси бўларди. Ва Флом ҳамда юридик мактабнинг бошқа талабалари каби Бикел 1947 йилнинг Мавлуд мавсумида иш излаб йўлга отланганди.

Аввал у Уолл-стритга, ўша даврнинг аксарият компаниялари каби эскича ва консерватив фирма бўлган Mudge Rose офисига иш излаб борган. Mudge Rose 1869 йилда барпо этилган. Бу компанияда ўша пайтда кейинчалик 1968 йилда Америка Президенти бўлган Ричард Никсон амалиёт ўтаган. Унинг ёши катта бир ҳамкори айтганидай: «Биз ўз исмини газетада икки марта: туғилганда ва ўлганда кўришни истайдиган ходимларга ўхшаймиз». Бикел кетма-кет бир неча суҳбатлардан ўтди, охири уни катта ҳамкори билан учрашиш учун кутубхонага йўллашди. Бу манзарани тасаввур қила оласизми: деворлари қора тахталар билан нозик тарзда қопланган кенг хона, оҳори тўкилган эрон гилами, жавонларда чарм муқовали эски китоблар, деворда жаноб Мадж ва жаноб Роузнинг суратлари.

Кўп йиллар ўтгач, Бикел шундай эслайди: «Мени шунча суҳбатларда эзгилаганларидан сўнг, ўзимнинг катта ҳамко-

римга йўлиқдим ва у менга шахсан шуни эълон қилди: бундай бошланғич маълумотга эга инсон учун — тасаввур қилинг, унинг Бруклиндан келиб чиққанлиги ва яхудий илдизини англатадиган бу эвфемизмни талаффуз қилишдан олдин Бикел маъноли сукут сақлаб турди — мен аниқ анча ютуққа эришганман. Аммо мен тушунишим керакки, унинг фирмаси бундай келиб чиқиши бор ёшларни қабул қилиш учун анчайин чекланган имкониятга эга эди. У, албатта, ютуқларим учун табриклайди, бироқ, у мени ишга таклиф эта олмайди. Улар мен билан танишганларидан хурсанд бўлишди ва ҳоказо”.

Бикелнинг эсдаликларидан аён бўладики, унинг сўхбатдоши бундай вазиятда нима қилишни ҳам билмайди. Бу пайтга келиб юқори мартабага эришган эди. У Олий Суддаги ишларни юритган. Бир нечта яхши китобларни ёзган. Унинг келиб чиқиши туфайли иш беришни рад этиб, Mudge Rose ўзини ахлоқона тутди.

1940–1950 йилларда Нью-Йоркнинг эски урфдаги юридик фирмалари худди хусусий ёпиқ клубларга ўхшарди. Уларнинг барчаси Манхеттенинг марказида, Уолл-стритда ёки унга ёндош зим-зиё, мрамар билан қопланган тунд биноларда жойлашганди. Етакчи фирмаларнинг ҳамкорлари айнан битта Чирмовуқ лигаси университетларини битирган, битта черковга қатнайдиган ва ёзни Хэмптонсдаги деразасидан уммон кўринадиган бир хил виллаларда дам оладиган оқсуяқлар эди. Улар мумтоз бичимдаги кулранг костюмлар кийишар, уларнинг фирмаларини бу одамлар кечки майхўрликка ва шаҳар ташқарисидаги клубларга бориш учун кийишни севадиган оёқ кийимига мослаб «оқ пойабзаллилар» фирмаси деб атардилар. Ўзининг «Уолл-стрит адвокати» (The Wall Street Lawyer) китобида Эрвин Смигел уларга ким кераклигини ёзади:

«...кўнгилга хуш ёқадиган муомалали ва ташқи кўриниши дилбар шимолий қиёфадаги, «дуруст университет»ларнинг келиб чиқиши «дуруст» бўлган ва атроф дунёни билладиган битирувчилари, улкан ишчанлик қобилиятига эга адвокатлар. Талабаларга ишга жойлашиш учун зарур фазилатларни муҳокама қилишда юридик факультетнинг собиқ декани янада ҳаётгий талабларни олдинга суради: «Ишга жойлашиш учун улар (талабалар) одамшаванда оилалар билан алоқага, одоблилик фазилатларига ёки қатъий хулқ-атворга

ёхуд ҳар иккаласига эга бўлиши керак. Унинг мақбуллиги шу фазилатларнинг биргаликда келиши билан аниқланади. Агар инсон саналган сифатларнинг бирортасига эга бўлса, у ишга кириши мумкин. Агар иккита фазилатга эга бўлса, бир неча таклифдан истаганини танлаб олиши мумкин. Агар учала фазилатга ҳам эга бўлса, истаган ерида ишлаши мумкин».

Бикелнинг жилоланиб турувчи сочлари ҳам, мовий кўзлари ҳам йўқ эди. У акцент билан гапирар, оилавий алоқалари аввал Бухарестда яшаган, яқиндан бери Бруклинда яшаётган Сулаймон ва Йетта Бикелларга қондошлигидангина иборат эди. Фломнинг ҳам бу соҳада мақтанадиган ҳеч нарсаи йўқ эди. Унинг сўзларига қараганда, ишга жойлашиш учун суҳбатлашаётганда ўзини жуда «ноқулай» сезарди. Нима қилсин, пакана, бесўнақай бир яхудий эди, ўзига хос Бруклин акценти билан гапирарди. Унга малласоч оқсуяклар қандай муносабатда бўлганини тасаввур қила оласизми? Агар сиз «дуруст» оилага, динга ва ижтимоий табақага дахлдор бўлмасангиз, юридик факультетни тугатгандан сўнг, сизни номлари ҳамманинг оғзида бўлган улкан компаниялардан бир поғона пастдаги майда, иккинчи даража юридик идорачалар томон тўғри йўл кутади. Иккинчи вариант — сиз ўзингиз фирма очасиз ва «эшикни чертган ҳар мижоз»га қаноат қиласиз, бошқача айтганда, юридик ҳамжамиятнинг «қаймоқлари» рад этган ишларни бажаришга мажбурсиз. Бу дахшатли адолатсизлик десангиз, албатта ҳақсиз. Бироқ буюк инсонлар билан ҳамиша бўлгани каби, бошга тушган улкан тўсиқлар келгусида гўзал имкониятларга айланади.

#### 4

Уолл-Стритнинг эски урфдаги юридик фирмалари ўз фаолиятларининг тури тўғрисида ўзига хос тасаввурга эга эдилар. Улар мамлакатнинг энг улкан ва обрўли компанияларига вакиллар бўлиб, «корпоратив» ишлар билан шуғулланишарди. «Вакиллик қилардилар» дегани бу вазиятда ўз мижозларига акциялар ва облигациялар чиқарилиши билан боғлиқ солиқлар ва ҳуқуқий жиҳатлар бўйича маслаҳат беришни, шунингдек мижозлар федерал қонунларни бузмасликларини кузатиб туришни англатади. Улар суд жараёнида қатнашмайдилар, яъни одатда, уларда даъво аризаси

киритиш ва ҳимоя қилиш бўйича бўлимлар мавжуд эмасди. Cravath, Swaine & Moore фирмасининг барча «оқ пойабзаллилар» фирмалари ичида «энг оқ туфлиликлар» фирмасининг юристи — Пол Крават айтганидай, юристнинг вазифаси низоларни судда эмас, музокаралар столида ҳал этишдир. «Менинг Гарварддаги курсдошларим солиқлар ва қимматли қоғозлар билан машғул эдилар, — деб эслайди яна бир «оқ пойабзаллилар» фирмасининг ҳамкори. Булар олижаноб соҳалар ҳисобланарди. Судлов низолари — жиддий одамлар учун эмас, ҳали ғўр, ёш одамларнинг иши. У пайтлар компаниялар ўзаро келишиб қўя қолар, кўп ҳам бир-бирини судга беришавермасди».

Бундан ташқари, эски салобатли фирмалар фирмаларнинг бир-бирини ютиб юборишларида иштирок этмас эдилар. Бугун, акция ва фирмаларни сотиб олувчилар, хусусий сармоялар билан шуғулланувчилар доимо бирин-кетин турли компанияларни эгаллаб олаётган замонда буни тасаввур қилиш қийин, аммо 1970-чи йилларгача компанияни аввалдан келишувсиз сотиб олиш катта жанжалга олиб келарди. Mudge Rose каби Уолл-стритда фаолият юритувчи обрўли фирмалар бундай битимлардан узоқроқ туришга ҳаракат қилардилар.

«Бу низоли ютишлар, бир-бирини сингдириб олишларнинг битта камчилиги бор эди, — дейди American Lawyer журналининг асосчиси Стивен Брилл, улар бир-бири билан душман бўларди. Бу келишувлар мардонавор, эркакча келишувлар эмасди. Агар сизнинг Принстон бўйича дўстингиз, X компаниясининг бош директори фирманинг ишлари расво бўлишига қарамасдан, яхтада уммон бўйлаб саёҳат қилиб юрса, сиз ноқулай аҳволга тушасиз. Мен ҳам унинг изидан борсам, яхши бўларкан, деб ўйлай бошлайсиз. Ҳаммаси ишларнинг одатий тарзидан воз кечишни истамасликдадир».<sup>12</sup>

1950–1960 йилларда Бруклиндаги яхудий юристларнинг

12 Нью-Йоркнинг ўша машҳур юридик ҳамжамиятига дахлдор юрист ва ёзувчи Луис Окинклоссининг «Алвон ҳарфлар» (The Scarlet Letters) китобида обрўли юридик фирмалар компанияларнинг ютилиши билан шуғулланишдан ҳазар қилишларини намоён этган бир лавҳа бор. «Ҳақиқатнинг кўзига тик бок, азизим, биз ифлос ишларни қиламиз», — дейди компанияларнинг ютилиши билан шуғулланувчи юрист ўз ҳамкорининг хотинига.

эшигини тақиллатиб келган иш одатда «оқ пойабзаллар» назарга илмаган ишлар: суд низолари ва энг асосийси, ишончномалар учун кураш — ҳар қандай низоли ютиб юборишлар учун хос бўлган юридик ҳаракат бўларди. Сармоядор талаб этиладиган акциялар сонини сотиб оларди ва компания раҳбариятини малакасиликда айбларди, шундан сўнг бошқа акциядорларни ўз томонига оғдиришни бошларди, уларни ўзига ишончнома беришларига ишонтирарди, натижада у раҳбариятни «ағдарарди»ди. Ишончнома учун курашда сармоядор ёнига оладиган юрист Жо Фломга ўхшаган инсон бўларди.

«Ҳокимият, пул ва Skadden юридик салтанатининг гуллаб-яшнаши» (Skadden: Power, Money and the Rise of a Legal Empire) китобида тарихчи-юрист Линкольн Каплан энг биринчи ютиб юборишлар жараёнларини қуйидагича тасвирлайди:

«Ишончнома учун курашда ғолиб «илон уяси»да аниқланарди (расман бу ер идора деб аталарди). Ҳар иккала томоннинг адвокатлари ишонч билдирилган шубҳали шахсларни тасдиқлаш ёки рад этиш ваколатига эга бўлган инспекторлар билан учрашишарди. Бундай учрашув кўпинча норасмий жойда ўтарди ва катта шовқинли баҳслар орқали муҳокама қилинарди. Гоҳида учрашув иштирокчилари футболкаларда келишар, музокаралар давомида тарвузхўрлик қилишар ёки виски ичишарди. Гоҳида «илон уяси»даги муҳокамалар натижалари кураш якунини ўзгартирар ва бир турдан иборат танловларга олиб келарди.

Адвокатлар кўпинча, инспекторларнинг тайинланиши-

---

«Агар ҳеч ким компанияни сотиб олишни истамаса, унинг юристлари уни сотишга кўндириш учун турли-туман аянчли суд даъволарини кирита бошлайдилар. Биз директорлар томонидан бошқаришнинг самарасизлиги, тўланмаган дивидендлар, низомнинг бузилиши, акциялар чиқаришнинг қонуний эмаслиги ҳақида ишларни кўзгатамиз. Биз жиноий хулқ-атворда айблаймиз, ҳаммага эшиттириб, монополияга қарши қонунчилик бузилганлиги ҳақида баёнот берамиз, шубҳали ва долзарб бўлмаган мажбуриятлар муносабати билан даъволар кўзгатамиз. Бунга жавобан ғанимларимизнинг адвокатлари бизнинг ҳужжатларимизни кўриб чиқишга рухсат беришни сўраб сон-саноксиз талабномалар киритадилар ва туганмас сўровлар уюштирадилар. Мижозимизни ноумид сансоларлик, коғозбозлик тўрига ўрамоқчи бўладилар. Бу ҳақиқий уруш, ахир, сен уруш ҳам, муҳаббат ҳам қурбонлар талаб қилишини биласан».

ни уюштирган ва инспекторни қарздор қилиб қўйган ҳолда, танлаб олиш жараёнига таъсир ўтказишга уринардилар, инспекторлар ҳар икки томон узатган сигараларни чекиб ўтирдилар. Раҳбариятнинг адвокати ғанимларининг ишончли вакилларига ишончсизлик билдирарди («мен норозилик билдираман!») ва аксинча... «Илон уяси»да ғолиб келган адвокатлар импровизацияга жуда уста эдилар.

Кўплаб адвокатлар ишончномалар учун кураш қоидаларини Жо Фломдан кўра яхшироқ билардилар, аммо баҳсда ундан яхшироғини топиш қийин эди...

Яна Каплан ёзади:

«Флом жуда семиз эди (бир адвокатнинг сўзларига қараганда, унда юз футлаб ортиқча вазн бор эди), афти-ангори ҳам ўзига тортмасди (ҳамкорларидан бири уни қурбақага ўхшатганди) ва яхши муомала қилишга бегона эди (ичагидан елларни бемалол қўйиб юбораверар, ҳамсуҳбатининг юзига қараб сигара тутунини пуркар ва кечирим сўрашни билмасди). Бироқ ҳамкасблари, дўстлари ва рақибларининг баҳолашига кўра, унинг темир иродаси ва ғалабага эришишда ҳақиқий истеъдоди бор эди».

«Обрули мижозларидан бирига ютиб юборувчи компаниялар ҳамла қилганида ҳатто «оқ пойабзаллилар» фирмалари ҳам Фломга мурожаат қилишарди. Уларнинг ўзлари қўлларини кир қилгилари келмасди, аммо бунақа ишларни бажонидил Skadden фирмасига йўллашарди.

«Флом энг бошиданоқ ишончномалар учун курашга ихтисослашди, биз эса бунақа ишлар билан ҳам, шунингдек никоҳни бекор қилиш жараёнлари билан ҳам боғланмасликка уринардик, — деб ҳикоя қилади Cravath, Swaine & Moore фирмасидаги эски ҳамкор бўлган Роберт Рифкинд. — Шунинг учун биз улардан узоқроқ туришга ҳаракат қилардик. Эсимда, бир гал биз ишончнома учун курашга оид иш билан шуғулланганимизда, катта ҳамкорларимиздан бири Жони таклиф қилишни буюрди. У келди, ҳаммамиз музокаралар хонасида йиғилдик, муаммони тушунтирдик у эса, ишни қандай ҳал этишни тушунтирди ва чиқиб кетди. Мен шундай дедим: ахир, биз ўзимиз бу ишни эплаймиз. Ҳамкор асло бунга қўнмади. Биз ҳеч қачон бунақа иш билан шуғулланмаймиз. Биз ростдан ҳеч қачон бу билан шуғулланмадик».

1970-йиллар келди. Суд жараёнлари аввалгидай ноппи-



сандлик қўзгамай қўйди. Қарз олиш осонлашди. Федерал қонунлар юмшади. Бозорни байналмилаллаштириш юз берди. Сармоядорлар янада тажовузкорона ҳаракат қила бошладилар ва натижада, компанияларни корпоратив ютиб юборишлар сони ва кўлами ошди.

«1980 йилда, агар сиз «Бизнеснинг давра столи» (Америкадаги улкан компаниялар раҳбарларини бирлаштирган ташкилот)га низоли ютиб юборишларга рухсат бериш керакми, деган савол билан мурожаат қилсангиз, учдан икки қисми рад жавобини берарди, — дейди Флом. — Бугун эса жавоб деярли бир овозда «ҳа» бўларди».

Компанияларни рақобатчилар олдинга сурган даъволардан ҳимоя қилиш зарур эди. Дарғазаб кайфиятда бўлган ғанимларнинг ҳамлаларини қайтариш керак эди. Қаршилиқ кўрсатаётган қурбонларини қўлга олишни истаётган сармоядорлар учун юридик стратегияни ишлаб чиқариш зарур эди. Акциядорларга расман вакиллик қилиш шарт эди. Бу ишларнинг мисли кўрилмаган катта маблағлари ҳақида гап борарди. 1970-йилнинг ўрталаридан бошлаб то 1980-йилнинг охиригача ҳар йили Уолл-Стритда айланадиган пул маблағларининг ҳажми кўшилиш ва ютиб юборишлар пайтида 2000 фоиз ўсарди ва чорак триллион долларгача кўтариларди.

Бир лаҳзада низоли ютиб юборишлар ва судлов низолари — аввал консерватив «оқ пойабзаллилар» фирмалари рад этган барча нарсалар — ҳамма юридик компанияларнинг орзусига айланди. Мазкур бир соатда энг керакли ҳисобланган бу икки соҳада энг зўр мутахассислар кимлар эди? Қачондир катта компанияларга ишга киролмаганлар ўн-ўн беш йил аввал асос солган иккинчи даражали фирмалар.

«Оқ пойабзаллилар» низоли ютиб юборишлар билан шуғулланишни ўз нафсониятларига тегадиган иш деб ҳисоблардилар. Бу бизнесга киришга қарор қилишган пайтда эса, мен улардан бир бош юқори бўлиб улгурган эдим, — деб ҳикоя қилади Флом. Агар сенинг бунақа ишларда обрўйинг бўлса, улар энг аввало, сенга мурожаат қилишади».

Яхшилаб ўйлаб кўринг, бу ҳикоя Билл Жой ва Билл Гейтснинг ҳаёт йўлига қанчалар ўхшайди! Улар ҳам буткул янги илм соҳасини эртанги катта муваффақиялардан умид қилмасдан мустақил ўзлаштиришларига тўғри келган. Тў-

сатдан шахсий компьютерлар инқилоби юз берганда, уларнинг ортида аллақачон 10 000 соатдан зиёд амалий тажриба бор эди. Шунинг учун улар инқилобни илм ва тажриба билан қуролланган ҳолда қарши олдилар. Флом ҳам шу йўлни босиб ўтди. Skadden компаниясида бошқарувчи ҳамкор лавозимига тайинлангунча ўтган йигирма йил ва юридик ҳамжамиятдаги инқилоб унинг Гамбургги, унинг «Лейксайд» мактаби бўлди. Дунё ўзгарди ва у бу ўзгаришларга тайёр эди. Ўзини ўзи барпо этган инсонлар ҳақидаги афсоналарга кўра: қаҳрамонлар тақдир ўйинлари устидан ғалаба қозонади. Дарҳақиқат, Жо Флом сингари яхудийларни низоли ютиб юборишлар билан шуғулланишга мажбур қилган тақдир ўйинлари унинг фойдасига айланди.

«Бу йигитлар бошқалардан ақлироқ эмасдилар, — дейди Рифкинд. — Улар шунчаки кўп йиллар чархланган кўникмаларга эга эдилар ва бу кўникма тўсатдан керак бўлиб қолди».<sup>13</sup>

Флом айтганидай: «Наҳотки, биз ўтириб олиб, кўшиб олишлар ва ютиб юборишларда ўз иштирокимизни режалаштирган бўлсак? Йўқ. Шундай бўлиб қолди, биз эса пайдо бўлган имкониятдан фойдалана олдик».

## Иккинчи сабоқ: демографик омад

---

13 Ўзининг мақолаларидан бирида ҳуқуқшунос Эли Уальд тақдирнинг ажойиботлари яхудий юристлар учун ҳақиқий омадга айланганини батафсил таҳлил қилади. Флом ва унга ўхшаганларнинг омади келганини таъкидламайди. Омад — бу лотереяда катта ютуқ ютиб олишдир. Қулай имконият келганда улар бундан унумли фойдаланганлар. Уальд шундай ёзади: «Яхудий юристларнинг омади келди ва улар ўзларига ёрдам бердилар. Бу энг аниқ ифода. Улар юзага келган вазиятни ўз фойдаларига йўналтирдилар. Омаднинг унсури «оқ пойабзаллилар»нинг бундай ишлар билан шуғулланишни истамасликлари эди. Бироқ «омад» сўзи хатти-ҳаракатлар, меҳнат, тафаккур ва имкониятлардан фаол фойдаланишни ҳисобга олмайди — буларнинг бари юзада турмайди ва шунинг учун унчалик сезилмайди».

## 5

Морис Жанклоу 1919 йилда Бруклин юридик мактабига кирди. У Руминиядан келган муҳожирлар оиласидаги етти боланинг тўнғичи эди. Мориснинг укаларидан бири Бруклиндаги кичикрок дўконнинг бошқарувчиси бўлди. Яна икки укаси атторлик моллари бизнеси билан шуғулланди, тўртинчи укаси график дизайн студиясини очди, бешинчиси куш патидан шляпа ясайдиган уста бўлди, олтинчиси Tishman Realty молия бўлимига хизматчиликка ишга кирди.

Морис бу оиладан коллежга кирган ягона фарзанд эди. Уқишни тугатганидан сўнг, у Бруклин марказидаги Корт-стритда амалиёт бошлади. У жуда бежирим кийинар, урфдаги фетр шляпаларини ва Brooks Brothers шимларини киярди. Ёзда канотье кийиб олифталигини намойиш этарди. Машхур талмудчининг қизи бўлган гўзал Лилиан Левантер унинг хотини бўлишга рози бўлди. Жанклоу катта машина миниб юрарди. Кейин Квинсга кўчиб ўтди. Сўнг ўз ҳамкори билан катта фойда келтириши мумкин бўлган ёзув қоғози ишлаб чиқарадиган фирмани сотиб олди.

Морис Жанклоу Нью-Йоркнинг омадли адвокатларидан бири бўлиш учун ҳамма имкониятларга эга эди. Зиёли ва маърифатли инсон эди, ижтимоий тизим ўрнатган ҳамма қоидаларга риоя қилган ҳолда яшай оладиган оиланинг фарзанди эди. Бунинг устига у дунёнинг энг иқтисодий ривожланган шаҳрида туғилганди. Бироқ, энг ажабланарлиси, барча ҳаракатларига қарамасдан, у Корт-стритдан нарига ўта олмади. Морис охири енгилди.

Лекин унинг ўғли Мортнинг ҳаёти бошқача бўлди. Морт Жанклоу ҳам юриспруденцияни ўрганди ва бу йўналишда катта ютуқларга эришди. 1960-йилларда у юридик фирмага асос солди, кейин энг биринчилардан бўлиб, кабел телевидениесининг франчайзинг тармоғини очди, сўнг уни Cox Broadcasting фирмасига мисли кўрилмаган катта пулга сотди. 1970-йилларда у бутун дунёда энг машхур бўлган адабий агентликни очди.<sup>14</sup> Унинг хусусий самолёти бор

14 Унинг Janklow Nesbit агентлиги билан мен ҳамкорлик қиламан. Шунинг учун мен Жанклоу оиласининг тарихини билиб олиш имконига эга бўлдим.

эди. Ұғил ҳаётда отаси орзу қилган ва эришолмаган барча нарсаларга эришди.

Нега Морт Жанклоу отаси мағлуб бўлган жойда ҳамма нарсага эришди? Албатта, бу саволга юзлаб жавоблар топиш мумкин. Бироқ, келинг, иккала Жанклоу ўртасидаги фарқларни худди 1830-йилларнинг «қароқчи-баронлари» ва 1955-йилларда туғилган дастурловчиларни кўрганимиз каби, улар туғилган жой контекстида кўриб чиқамиз. Нью-Йорклик яҳудий-юрист туғилиши учун идеал вақт мавжудми? Аён бўладики, у мавжуд экан ва Морт Жанклоу ютуғини изоҳлайдиган факт Жо Фломнинг иккинчи тилсимини ҳам очиб берар экан.

## 6

Крис Ланган ҳақидаги бобдан биласизки, Льюис Терманнинг тадқиқоти 1903–1917 йилларда туғилган IQ даражаси юқори болаларнинг ҳаёт йўлини тадқиқ этишга бағишланган. Омадли болалар гуруҳи ва омадсиз болалар гуруҳи аниқланган. Айни пайтда биринчи гуруҳ болаларининг аксарияти бой-бадавлат оилаларнинг фарзандлари эди. Шу маънода Терманнинг тадқиқоти Аннетт Ларо чиқарган хулосани тасдиқлайди — ота оналарнинг ижтимоий мансублиги берган афзалликлар муҳим рол ўйнайди.

Бироқ Терман тадқиқоти натижаларини бошқа мезонга кўра: «термит»ларнинг туғилган санасига қараб таҳлил қилиш ҳам мумкин. Агар уларни икки гуруҳга ажратсак: 1903 ва 1911 йиллар орасида туғилганлар ҳамда 1912 ва 1917 йиллар орасида туғилганлар. Аён бўладики, омадсизларнинг аксарияти биринчи саналар оралиғида туғилган.

Агар Буюк депрессия ва иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ тарихий ҳисоб-китоблар таҳлил қилинса, бунинг сабабини топиш мумкин. 1912 йилдан кейин, дейлик 1915 йилда туғилганлар Буюк депрессиянинг даҳшатли йиллари ўтиб бўлганда коллежни тугатганлар. Улар ҳали ёш бўлганлар ва ўз тажрибаларида шунга иқрор бўлдиларки, уруш нафақат инсонни аввалги ҳаётидан ажратиб олади, балки унга имкон ҳам беради (албатта, агар у тирик қолса). Терманнинг 1911 йилгача туғилган болалари депрессия авжида бўлган даврда коллежни тугатган ва уларнинг иш топиши қийин бўл-

ган. Иккинчи жаҳон уруши авжида бўлганда, уларнинг ёши 30 атрофида эди ва улар ишларини, оилаларини ҳамда энди йўлга қўйган ҳаётларини тарк этиб урушга кетганлар. 1911 йилгача таваллуд топганларни «демографик омадсизлар» деб аташ мумкин. XX асрнинг энг фожиавий ҳодисаси уларга энг ноқулай пайтда тузалмас зарба берди.

Худди шу демографик таҳлилни Нью-Йоркнинг Морис Жанклоу сингари яҳудий-юристарига ҳам қўллаш мумкин. Салоҳиятли юридик идораларнинг эшиклари улар учун ёпиқ эди. Уларга фақат васиятномалар, никоҳни бекор қилиш жараёнлари, битимлар ва майда низолар ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланишгина қолганди. Бу амалиёт ҳам Буюк депрессия даврида деярли тамом бўлганди. Мана, Нью-Йоркдаги Буюк депрессия йилларидаги ҳаёт ҳақида Жералд Ауэрбах нималарни ёзади: «Шаҳардаги юристарнинг ярмидан кўпи яшаса бўладиган минимумдан ҳам кам пул топарди. Бир йил ўтганда 1500 юрист ишсизлик нафақасини олиш учун «қашшоқлик қасами»ни ичишга тайёр эди. Яҳудий адвокатлар (Нью-Йорк адвокатларининг ярми) учун уларнинг амалиёти „очликдан ўлишнинг муносиб усули“га айланаёзганди». Иш тажрибасига қарамасдан, уларнинг даромадлари насроний ҳамкасблариникига қараганда «даҳшатли даражада паст» эди.

Морис Жанклоу 1902-йилда туғилган. Буюк депрессия бошланганда, у энди уйланган ва машина сотиб олганди, Квинста кўчиб ўтиб, қоғоз ишлаб чиқарадиган фирмани сотиб олганди. Бунинг учун бунданга ёмонроқ вақтни топиб бўлмасди.

«У катта пул топишни режалаштирган эди, — деб ҳикоя қилади отаси ҳақида Морт. — Аммо депрессия унинг орзу дарахтини тубидан кесиб ташлади. Унинг жамғармаси йўқ эди, оиласидан ҳам умид қилмасди. Омадсизлик уни оддий хўжалик ходимига айлангирди. Иқтисодий инқироз барча имкониятларидан маҳрум қилди. Шундан сўнг унинг таваккал қилиш иштиёқи ҳам сўнди. У васиқани расмийлаштириб бергани учун йигирма беш доллар оларди. Унинг Jamaica Savings Bank идорасида ишлайдиган дўсти вақти-вақти билан буюртма узатиб турарди. У аллақачон амалга ошган битимларнинг ҳисобот ҳужжатлари орасида йигирма беш доллар учун умрини елга соғурарди. Йигирма беш доллар учун! Эсимда, отам эрталаб онамга шундай дерди: «Менда бир

доллар етмиш беш цент бор. Автобус учун ўн цент, метро учун ўн цент ва бутерброд учун йигирма беш цент оламан». Қолганини онамга берарди. Биз қашшоқлик чегарасида яшардик».

## 7

Келинг, энди бу ҳикояни Морт Жанклоу каби 1930-йилларда туғилганлар тарихи билан солиштирамиз.

Жадвалга назар солинг, унда XX асрнинг биринчи ярмида АҚШда туғилиш кўрсаткичлари ифодаланган. 1915-йилда 3 000 000га яқин бола туғилган. 1935-йилда қарийб 600 000 нафарга кам, лекин яна 15 йил ўтгач 3 000 000дан ҳам кўпроқ бола туғилган. Агар янада муайян кўрсаткичлар билан ишласак, 1915 йилда ҳар 1000 америкаликка 29,5 чақалоқ тўғри келган; 1935 йилда — 18,7; 1950 йилда эса — 24,1. Ўттизинчи йиллар демографик ўпирилиш йиллари бўлди. Иқтисодий инқирозга жавобан оналар туғмай қўйишди ва натижада, бу ўн йилликда туғилган авлоднинг сони олдинги ва кейинги авлодларга нисбатан сезиларли даражада кам эди..

1910	2 777 000	30,1
1915	2 965 000	29,5
1920	2 950 000	27,7
1925	2 909 000	25,1
1930	2 618 000	21,3
1935	2 377 000	18,7
1940	2 559 000	19,4
1945	2 858 000	20,4
1950	3 632 000	24,1

Мана, иқтисодчи Скотт Гордон «оз сонли авлод» даврида туғилганларнинг афзалликлари ҳақида нималарни ёзади:

«У кенг, яхши тиббий техникаларга тўла касалхонада дунёга келади. Шифокорлар ва ҳамшираларнинг бўш вақти кўп бўлади — туғилишнинг янги тўлқини келишидан олдин улар нафас ростлайдилар. У мактаб ёшига етганда ўқув муассасаларининг эшиклари улар учун кенг очилади, ўқитувчиларнинг улкан жамоаси қучоғини очиб кутиб олади. Мактабнинг баскетбол жамоаси унчалик кучли эмас, лекин

гимнастика зали ҳамиша бўм-бўш. Университетда ҳам ҳаммаси жойида: аудиториялар ва ётоқхоналарда бўш жой бемалол, ошхоналар тирбанд эмас, профессорлар жуда меҳрибон ва эътиборли. Таълимдан сўнг у иш излай бошлайди. Ёш мутахассислар оз ва уларга эҳтиёж юқори, чунки аввалги тўлқин унинг иш берувчиларига маҳсулотлар ва хизматларга барқарор талабни таъминлаб турибди...»

Гордон ўз ҳикоясида қай бир ерларини бўрттирган, албатта. Бироқ шубҳа йўқки, 1930 ва 1935 йиллар ўртасида — XX асрнинг энг чуқур демографик инқирози авжида бўлганда — туғилган Нью-Йорк аҳолиси (агар жўяли айтсак, нафақат Нью-Йорк аҳолиси) сезиларли афзалликка эга бўлган. Мазкур болалар авлоди 1930 йиллар охирида — 1940 йиллар бошида мактабга борди, бу Нью-Йорк ўрта таълим тизимининг олтин даври эди, бу тизим бутун дунёдаги мактаблар учун намуна бўлиб хизмат қилди. 1930 йиллар авлоди шу қадар кам сонли эдики, ҳар бир синфдаги болалар сони бундан 25 йил олдингига нисбатан икки марта кам эди.

Уларнинг ўқитувчилари эса, аксинча, олдинги, кўп сонли авлодга мансуб эдилар, коллежни айнан Буюк депрессиядан олдин тугатгандилар. Бу иккинчи афзаллик эди. Бу авлоднинг кўплаб истеъдодли ва юксак маърифатли вакиллари орзу қилганларидек иш топа олмадилар. Уларга фақат мактабда муаллимлик қилиш қолди, холос.

«Қирқинчи йилларда Нью-Йоркнинг давлат ўрта мактаблари мамлакатда энг яхши таълим муассасалари ҳисобланарди, — деб ҳикоя қилади Нью-Йорк университети профессори, шаҳар таълим тизимини ўрганган Дайана Равич. — Улар бошқа шароитда коллеж профессорлари бўлиши мумкин бўлган педагоглар авлоди эдилар. Улар пухта билимга эга эдилар, ўзлари танлаган ва истаган ишга жойлашиш имконини тополмай, мактабда дарс бериш билан қаноатландилар. Бу уларнинг барқарор бандлигини, нафақасини таъминлади ва ишдан ҳайдалишдан сақлади».

Бу авлод коллежга кирганда ҳам қулай вазият юзага келди. Флом сингари, у ҳам яхудий муҳожирларининг фарзанди ва қашшоқликда вояга етган. Нью-Йоркнинг 1970-1980 йиллардаги етакчи процессуал адвокатларидан бири Тед Фридман шундай ҳикоя қилади:

«Мен Шаҳар коллежи ва Мичиган университетидан би-

рини танлашим керак бўлди». Шаҳар коллежида ўқиш текин эди, АҚШдаги энг яхши олий ўқув юртларидан бири бўлган Мичиган университетига ўқиш йилига 450 АҚШ доллари турарди. «Агар баҳоларинг яхши бўлса, бир йил ўқигандан сўнг стипендия олишга даъвогар бўлишинг мумкин эди. Шундай қилиб, агар мен яхши ўқисам, фақат биринчи курс учун тўлашим керак бўларди». Аввал Фридман Нью-Йоркда қолишни истади. «Мен шаҳар коллежида бир кунни ўтказдим, лекин менга бу ер ёқмади. Яна бу жойда тўрт йилни ўтказиш кераклигини тасаввур қилиб, даҳшатга тушдим, уйга келдим, жомадонни йиғиштирдим ва йўл машиналари билан Энн-Арборга (Мичиган университети жойлашган шаҳарга) жўнадим.

Икки юз долларча пулим қолганди. Мен Катскилл тоғларида ишладим, ўқиш учун пул тўпладим ва бироз йиғиб ҳам қўйдим. Энн-Арборга келгач, замонавий урфдаги ресторанда официант бўлиб иш бошладим. Яна Ford заводида тунги сменада ишладим. Анчагина пул топдим. Иш топиш қийин бўлмади. Заводлар ишчига эҳтиёжманд эди. Кейин қурилишда иш топдим, бу ерда шунчалик кўп пул жамғардимки, адвокат бўлгунимча ҳеч ерда бу қадар кўп маош олмагандим. Ҳа ёзда биз Энн-Арборда Chrysler учун синов майдони қурдик. Мен у ерда юридик факультетда ўқиш мобайнида бир неча йил ишладим. Иш вақтидан кейин ҳам кўп ишларни бажаришга тўғри келгани учун маош юқори эди».

Бу ҳикояни таҳлил қиламиз. Биринчи хулоса: Фридман ишдан қўрқмаган, ўз ҳаёти учун масъулиятни ўзига олган ва таълим олган. Иккинчи, янада муҳим хулоса: у шундай даврда яшаш бахтига эга бўлдики, бу даврда кўп ва сидқидилдан ишлайдиган одам ўз ҳаёти учун масъулиятни олган ҳолда таълим ҳам олиш имконига эга эди. Биз ҳозир Фридман иқтисодий жиҳатдан ноқулай, бефойда вазиятда қолди, деган бўлардик. Бироқ, қаранг, у осонгина яхши таълим ола билди. У Нью-Йоркдаги ўрта мактаблардан бирини бу мактабларга дунё ҳавас қилган бир даврда ўқиб тугатди. У танлаган ўқув муассасаларидан бири, шаҳар коллежи, текин эди, иккинчи муассасада, Мичиган университетига ўқиш бор-йўғи 450 АҚШ доллари эди. Айни пайтда ўқишга киришда ихтиёрийлик бор: бутун бир факультетга ҳужжат топшириб, эртасига бошқасига уриниб кўриш ҳам мумкин эди.



Университетгача қандай борилади? Автостоп йўли билан, ёзда ишлаган пулларни олиб, йўлга тушиш мумкин. Етиб келгач, у дарҳол бир нечта яхши ҳақ тўланадиган ишларни топади, чунки заводлар «ишчиларга эҳтиёжманд» эди. Албатта, эҳтиёжманд бўлади-да: улар кўпсонли авлоднинг, 1930 йилдаги демографик инқироздан олдин туғилганларнинг эҳтиёжларини қондиришлари керак эди. Муваффақиятга эришиш учун жуда зарур бўлган қулай имкониятлардан фойдаланиш кўникмаси нафақат бизнинг ҳаракатларимиз ёки ота-онамизнинг ёрдами билан келади; у замоннинг ўзига ҳам боғлиқдир: муайян тарихий лаҳзалар бизга муайян имкониятларни ҳавола этади. Агар сиз 1870 йилларда ёш тадбиркор бўлсангиз ёки коллежни 1975 йилда тугатган дастурчи бўлсангиз, сизнинг чекингизга сиздан бир неча йил олдин туғилганларда бўлмаган имконият тушади.

Морт Жанклоу айнан шундай қулай вазиятда дунёга келди. Атрофидаги олам унга ишонч бахш этди. Унинг Парк-авенюда жойлашган офиси замонавий санъатнинг буюк асарлари билан тўла — бу Дюбюффе ва Ансельм Кифер асарлари дидир. У ўта кулгули воқеаларни ҳикоя қилади. («Онамнинг иккита опаси бор эди. Бири тўқсон тўққизгача яшади, иккинчиси тўқсонга кирди. Биринчиси ўткир ақл эгаси эди. У ўша пайтда Maidenform савдо бўлими бошлиғи лавозимида ишлайдиган Аль тоғага турмушга чиқди. Мен бир куни ундан сўрадим: тоғажоним Аль Америка нимага ўхшайди? У шундай жавоб берди: биласанми, болакай, Нью-Йорқдан сўнгра қандай шаҳар қишлоқ бўлиб кўринади».) У бутун дунё унинг учун яратилган деб ўйлайди. «Мен ҳамиша таваккал қилишни севардим, — дейди у. — Мен кабель телевидениеси билан қизиққананда, шунақанги битимлар тузардимки, улар, агар нимадир қовушмаса, мени хонавайрон қилиши мумкин эди. Аммо омадим келишига ишончим комил эди».

Морт Жанклоу Нью-Йорк давлат мактабларидан бирида уларнинг ривожланган бир даврида таҳсил олди. Моррис Жанклоу ҳам давлат мактабига борган, аммо у пайтда бу мактаб ўқувчилар билан тўлиб-тошганди. Морт Жанклоу Колумбия университетининг юридик факультетига ўқишга кирди, чунки демографик инқироз даври болалари ўз истагига кўра олий ўқув юртини танлаши мумкин эди. Моррис Жанклоу Бруклин юридик мактабига кирди ва бу 1919

йилда муҳожирларнинг болалари кира олиши мумкин бўлган максимум шу эди. Морт Жанклоу ўзининг телекомпаниясини сотиб, ўн миллионлаб доллар топди. Моррис Жанклоу васиқаларни расмийлаштириб, 25 доллар пул топарди. Ота ва ўғил Жанклоуларнинг ҳаёт йўли шуни исботлайдики, Жо Флом юлдузининг ёрқин парвози бошқа бир исталган даврда амалга оша олмасди. Ҳатто энг истеъдодли адвокатлар, ортида аъло оилавий тарбияси турган бўлса ҳам, туғилган даври чекловларини енгиб ўтишга қодир эмас.

«Ўз ҳаётининг сўнги ярим йилини онам ярим беҳушликда ўтказди, — деб эслайди Морт Жанклоу. — Ушанда у аввал мен ҳеч қачон эшитмаган нарсаларни ҳикоя қилиб берди. У 1918 йилдаги грипп эпидемиясидан вафот этган дўстлари учун йиғлар эди. Ота-онамнинг авлоди жуда кўп уқубатларни бошдан кечирди. Ер шарининг 10 фоиз аҳолисини олиб кетган эпидемияни, дўстларининг ўлимини кўрди. Кейин Биринчи жаҳон урушини, Буюк депрессияни, Иккинчи жаҳон урушини бошдан кечирди. Тақдири азал уларга унчалик шафқат қилган эмас. Замон жуда оғир эди. Бошқача шароитда отам кўп нарсаларга эришган бўларди».

### Учинчи сабоқ: тикувчилик саноати ва сермазмун иш

#### 8

1889 йилда Луис ва Регина Боргенихт уммон лайнерига ўтиришди, лайнер Гамбургдан сувга тушиб, Америкага йўл олди. Луиснинг келиб чиқиши Польшанинг таркибига кирган Галициядан эди. Регина мўъжазгина венгер шаҳарчасида туғилган эди. Улар бор-йўғи бир неча йил бирга яшагандилар, уларнинг битта боласи бўлиб, иккинчиси яқинда дунёга келиши керак эди. 13 кунлик сузиш давомида улар машина бўлими остидаги каютадаги сомон матрас устида ухлашларига тўғри келди, кема силкинганда ўзларини кроватга боғлаб қўйишарди. Нью-Йоркда улар фақат битта одамни — Боргенихтнинг ўн йил аввал келган синглиси Саллини танишарди. Бир неча ҳафтагагина етадиган пуллари бор эди. Уларнинг

Америкага келиши, бошқа кўплаб муҳожирларнинг келиши каби, соф таваккалчилик эди.

Луис ва Регина ойига саккиз доллар эвазига Қуйи Ист-Сайдда, Эддридж-стритда миттигина хонадонни ижарага олишди. Луис шаҳар айланиб, иш излашга чиқиб кетди. Унинг йўлига онда-сонда кўча сотувчилари учраб қоларди. Йўлаклар қўлбола аравачаларга тўла эди. Унинг атрофида шовқин ва ғимир-ғимир ҳаракатлар, тўполон авжида эди, булар ҳеч бирида Кўхна Дунёда қолдирган хотиржамликдан асар ҳам йўқ эди! Аввалига Луис ўзини йўқотиб кўяёзди, кейин кўниқди ва ўзига келди. У синглизининг олдига, унинг Лудлоу-стритдаги балиқ дўконига борди ва синглизини қарзга бир қисм балиқ беришга кўндирди. Кейин ўзининг савдо нуқтасини очди: йўлакка икки идиш балиқни қўйиб, рақсга тушганча олмонча кўшиқ айта бошлади:

Қовуриш учун,

Пишириш учун,

Тайёрлаш учун.

Тагин аъло газак ҳам бўлар.

Балиқ ҳар қандай столга ярашар

ва ҳар қандай чўнтак учун муносиб!

Ҳафта охиригача у саккиз доллар топди. Иккинчи ҳафта — ўн уч доллар. Анчагина пул. Бироқ Луис ва Регина кўча савдосидан жиддий бизнестга ўтиш учун нима қилиш кераклигини билишмасди. Шунда оила бошлиғи ўзини маҳсулотларини тарқатиб юрувчи савдогар мавқеида синаб кўришга қарор қилди. У сочиқ ва дастурхонлардан бошлади, тўғри, бошида унинг иши юришмади. Кейин ёзув дафтарлари, бананлар, пайпоқлар ва шимлар сотиб кўрди. Регина иккинчи болани, қизчани туғди ва Луиснинг келажак ҳақида кўпроқ ўйлашига тўғри келди. Энди у тўртта қоринни тўйдирishi керак эди.

Унинг миясига ярқ этган бир ғоя келишидан олдин, у Қуйи Ист-Сайд кўчаларида беш кун тенгираб юрди, деярли ҳаётдан кўнгли совиб бўлди. Луис тўнкарилган кути устида ўтирар ва Регина тайёрлаб берган бутербродни еб турган эди. Кийим-кечак. Атрофдаги ҳамма дўконларда кийим сотилар эди — костюмлар, кўйлаклар, коржомалар, юбкалар, иштонлар, лозимлар, шимлар... Сотиб ол ва киявер. Луис кийимнинг қўлда тўқилишига ёки тикувчига буюртма бе-

риб, тиктиришга ўрганган эди, бунақа дўконда сотиш бемаъ-  
нилиқдек туюлар эди.

«Мени ҳайратлантирган нарса кийимларнинг сони эмас  
гарчанд бу ҳам бир мўъжиза эди, — деб ёзади Боргенихт кўп  
йиллар ўтиб, аёллар ва болалар кийимлари ишлаб чиқарув-  
чи бадавлат тадбиркорга айлангач. Ҳайратга солгани шу бўл-  
дики, ҳатто камбағал одамлар ҳам тикиш учун бир дунё куч-  
ни ва вақтни сарфлаб ўтирмасдан, шунчаки дўконга кириб,  
керакли кийимни сотиб олаётгандилар. Мана, шу иш билан  
шуғулланиш керак, айнан шу ишнинг истиқболи бор», — дея  
ўйларди у.

Боргенихт кичкина ёзув дафтарчасини сотиб олди. Қай-  
ерга борса ҳам, одамлар нима кийганини ва қанақа эркалар,  
аёллар ва болалар кийимлари сотилаётганини дафтарга  
ёзиб юрди. У нимадир ўзига хос нарсани — сўнги коллек-  
цияларда бўлмаган, лекин одамлар кийишни истайдиган  
кийимни изларди. Луис тўрт кун кўчаларни айланиб юрди.  
Охирги куни кечқурун, уйга қайтаётиб, ўйин ўйнаётган бир  
нечта қизчани кўриб қолди. Уларнинг биттаси бошқалардан  
ажралиб турарди. Кўйлагининг устидан гул солиб тикилган,  
пасти олд томонидан кесилган ва орқа томонида боғичли  
фартук кийган эди. У худди шундай кийимни Европада ҳам  
кўрганини эслади. Ажабланарлиси, Қўйи Ист-Сайддаги бар-  
ча дўконларни ўрганиб юрганида бирор марта кўзига бунақа  
либос кўринмади.

Уйга қайтгач, Луис ўз фикрларини Регинага айтди. Унда  
Америкага келган заҳоти сотиб олинган кўҳна тикув машинаси  
бор эди. Кейинги кун эрталабдан у дўконга борди ва юз ярд ка-  
так гулли ва эллик ярд оқ мато сотиб олди. Қайтиб келгач, ма-  
тони тушлик столига қўйди ва Регина фартукчалар бича бош-  
лади — кичиклари чақалоқлар учун, каттароқлари каттароқ  
болалар учун, сотиб олинган матодан жами қирқта фартук  
чиқди. Кейин уларни тика бошлади. Ярим тунда у ухлашга  
ётди, Луис ишни давом эттирди. Эрталаб Регина боғичлар кес-  
ди ва тугмаларни тикди. Соат ўн бўлганда фартукчалар тайёр  
бўлди. Уларни елкасига ташлаб, Луис Хестер-стрит томон йўл  
олди.

– Болаларнинг фартукчалари! Қизлар учун фартуклар!  
Ранглилари — ўн цент, оқлари — ўн беш цент!

Соат биргача ҳаммаси сотиб бўлинди.

– Онаси, бизнинг ўз бизнесимиз бор! – Хестер-стритдан уйгача чопиб келган Луис остонадан туриб қичқирди. – Биз уч соат ичида икки доллар олтмиш цент пул ишладик!

У хотинини белидан қучди ва хонада айлантира бошлади.

– Сен менга ёрдам беришинг керак, — ҳамон ҳаяжонини босолмасди у. – Биз бирга ишлаймиз. Онаси, бу бизнинг бизнесимиз!

## 9

Фломлар, Борғенихтлар ва Жанклоулар сингари яхудий-муҳожирлар XIX асрда ва XX аср бошида Америкага келган бошқа муҳожирларга ўхшамас эдилар. Ирландлар ва италияликлар қашшоқлашган қишлоқлардан келган деҳқонлар ва ер ижарачилари эди. Европалик яхудийларга эса юз йиллар мобайнида ерга эгалик қилиш ман этилганди, шунинг учун улар шаҳарларга жойлашиб, ҳунармандчилик қилишарди. Шарқий Европадан Иккинчи жаҳон уруши олтидан ўттиз йил мобайнида Америкага келган 70 фоиз яхудийлар у ёки бу касб эгалари эди. Бу ерга келгунча улар кичик дўкончалар ва заргарлик буюмлари дўконлари эгалари, китоб муқоваловчи ёки соат тузатувчи бўлганлар. Уларнинг аксарияти кийим-кечак сотишда катта тажрибага эга эди — улар орасида тикувчилар, тери ва мўйнага ишлов берувчилар ва шляпа усталари кўп эди.

Луис Борғенихт, масалан, 12 ёшида ота-онасини тарк этиб, Польшанинг Бржеско шаҳарчасидаги универсал дўконда сотувчи бўлиб жойлашган эди. Кейин унда матолар савдоси билан шуғулланишига имкон пайдо бўлди ва бу имкониятдан дарҳол фойдаланди. «Ўша пайтда мато сотувчилар «оксуяклар» ҳисобланарди, — деб ёзади Борғенихтнинг ўзи. — Учта асосий ҳаётий эҳтиёжнинг иккитаси — овқат ва турар-жой зарурий бўлса, кийим-кечак қандайдир юксак эҳтиёж, санъат эди. Кийим-кечак санъати усталари, дунёнинг турли бурчакларидан ноёб матолар олиб келадиган савдогарлар унинг ёшлигининг қироллари эди. Уларнинг фикрига қулоқ солишарди, улар билан ҳисоблашишарди».

Борғенихт аввал матолар сотди, қандайдир Эпштайн деган одамнинг қўл остида ишлади, сўнг қўшни Ясловада Brandstatter's дўконида ишлади. Бу савдо маскани жуда

машхур эди. Айнан шу ерда ёш Боргенихт матоларнинг турли-туманлиги ичра уларни фарқлашни ўрганди: матони пайпаслаб унинг зичлигини, ишлаб чиқарувчисини ва тайёрланган ерини айта оларди. Бир неча йилдан сўнг Боргенихт Венгрияга кўчиб ўтди ва 16 ёшидан кийим тикиш билан шуғулланган Регина билан танишди. Улар иккаласи матолар сотувчи кичик дўконлар тармоғини очишди, синчковлик билан кичик тадбиркорлик сирларини ўрганишди.

Боргенихтнинг миясига Хестер-стритда кути устида ўтирганида келган гоё шунчаки йўқ жойдан келган эмасди. У аслида тажрибали мато сотувчи, унинг аёли эса моҳир тикувчи эди. Бу соҳада улар ўзларини сувдаги балиқдай сезардилар. Боргенихтлар ўзларининг кичкина хонадонларида дўконча очганларида, бошқа минглаб яҳудий муҳожирлар ҳам шу иш билан банд эдилар. 1900 йилга келиб, кийим ишлаб чиқариш буткул Шарқий Европадан келганларнинг қўлида эди. Боргенихтнинг ўзи айтгандай, яҳудийлар «меҳмондўст заминга чуқур ўрнашдилар ва ўзлари ҳаммадан яхши тушунадиган ишларга савдойиларча муккасидан кетдилар».

Бугун, Нью-Йорк турфа қиёфали улкан гигант шаҳарга айланганда, Янги дунёга Боргенихтлар сингари муҳожирлар Кўхна Дунёдан олиб келган кўникмаларни деярли ҳеч ким эсламайди. Бироқ XIX аср охиридан то XX аср ўрталаригача тикувчилик саноати шаҳарнинг улкан ва шиддатли ривожланаётган саноат соҳаси эди. Кийим-кечак ишлаб чиқишда бошқа ҳамма соҳалардагидан кўпроқ одам фаолият юритарди. Ва, албатта, Нью-Йоркда дунёнинг бошқа ҳар қандай шаҳридан кўра кўпроқ кийим тикиларди. Манхеттендаги Бродвейнинг куйи қисмидаги улкан биноларда, — Тайм-скверда 20 квартал чўзилган каттакон 10 ва 15 қаватли дўконлардан тортиб, то Сохо ва Трайбекдаги омборхоналаргача — бош кийими усталари, мўйначилар, ички кийим тикувчилари ишлашар, улкан биноларнинг ичи тикув машиналарига тўла бўлиб, эркаклар ва аёллар кийим тикиб ўтирардилар. 1890-йилларда кийим тикиш ва мато билан савдо қилишда катта тажриба тўплаган инсонлар учун Нью-Йоркка кўчиб ўтиш тақдирнинг инояти эди. Бу елкасида дастурлаш бўйича 10 000 соат тажрибасини ортмоқлаб, 1986 йил Кремний водийсига келиш билан баробар эди.

«Ҳеч бир шубҳа йўқки, ўша яҳудийлар Америкага, энг

зарур касб маҳоратига эга ҳолда, жуда омадди бир пайтта келдилар, — дейди социолог Стивен Штайнберг. — Пайдо бўлган имкониятлардан тўла фойдаланиш учун муайян фазилатларга эга бўлиш зарур эди. Бу муҳожирлар тер тўкиб ишлардилар. Муайян йўқотишларга чидардилар. Тежамкорлик қилардилар, пул жамғарардилар ва оқилона сарфлардилар. Айни пайтда унутмаслик керакки, ўша даврда тикувчилик саноати гуркираб ривожланаётган эди. Иқтисод уларнинг билим ва кўникмаларига муҳтож эди».

Луис ва Регина Боргенихт ҳамда улар сингари минглаб муҳожирларда ажойиб имконият бор эди. Худди шундай, уларнинг болалари ва набиралари ҳам бу тажрибаларни эгаллаб олардилар, бу нарса уларнинг авлодлари муваффақиятга эришишида ҳам муҳим ўрин тутди.

## 10

Фартукларнинг биринчи партиясини сотгандан кейинги кун Луис ўзи Польшада ишлаган Brandstatter's дўконига ўхшаш Н.В. Clafin and Company тикувчилик ашёлари дўконига жўнади. Немис тилида гапирадиган сотувчини чақириб, Боргенихт юзлаб фартуклар учун мато сотиб олди, унга бор жамғармасини — 125 АҚШ долларини сарфлади. Регина билан иккаласи бир неча кеча-кундуз тинимсиз бичиб-тиқдилар. Фартукларнинг ҳаммаси икки кунда сотиб бўлинди. Луис матоларнинг янги партиясини олиш учун Clafin дўконига жўнади. Бу фартукларни ҳам тезда сотиб бўлишди. Регина кун бўйи тика олиши учун улар кемада ўзлари билан бирга келган бир муҳожир аёлни болаларга энагаликка ёллашди, бошқа бир аёлни ёрдамчиликка ишга олишди. Луис маҳсулотларини узоқларгача, Гарлемгача олиб борди, кўп хонадонли уйлардаги оналарга ҳавола қилди. Кейин Шериф-стритдаги ичкарисида яшаш жойи бўлган кичикроқ дўконни ижарага олди, яна учта қизни ишга олиб, улар учун ҳам тикув машиналари харид қилди. Ҳамма уни «фартукчи одам» деб атай бошлади. Улар Регина билан фартукни шу қадар тез сотишардики, яна тикиб улгуришмасди.

Узоқ ўйлаб ўтирмасдан, Боргенихтлар кенгайишга қарор қилишди ва катталар учун ҳам фартуклар тикишни бошлаб юборишди, кейин ичкўйлак, юбкалар ва аёллар кўйлаклари

тикишга ўтишди. 1892 йилнинг январида уларнинг қўл остида 20 киши ишлаб бошлади, ишчиларнинг аксарияти ўзларига ўхшаган яҳудий муҳожирлар эди. Улар Қуйи Ист-Сайдда ўз фабрикаларини очишди ва кўпроқ мижозларга хизмат кўрсата бошлашди. Уларнинг мижозлари орасида бошқа яҳудий муҳожирлар, ака-ука Блумингдейлларга тегишли дўкон ҳам бор эди. Унутманг, Боргенихтлар бу мамлакатга келганларига бор-йўғи уч йил бўлганди, улар деярли инглизча гаплашишмасди ва ҳали бойиб кетмаган эдилар. Топган фойдаларининг ҳаммасини бизнесларини кенгайтиришга сарфлар эдилар, банкда Боргенихтларнинг 200 АҚШ доллари пули бор эди, холос. Бироқ улар ўз ҳаётларини ўзлари барпо этаётган эдилар.

Тикувчилик саноатининг яна бир афзаллиги шунда эди. У нафақат гуркираб бораётганди, балки тадбиркорликка ҳам ўхшаб кетарди. Кийимлар битта фабрикада ишлаб чиқарилмасди. Машхур фирмалар андозаларни ишлаб чиқар ва матоларни тайёрлашарди, тикиш, дазмоллаш ва тутмаларни қадаш майда пудратчиларга берилади. Агар пудратчи етарлича кенгайса ёки унда интилиш ҳисси пайдо бўлса, унинг ўзи андозалар бичиб, матолар билан ишлаб бошларди. 1913 йилга келиб, Нью-Йоркнинг кийим тикувчи бизнеси 16 000 та бир-биридан мустақил фирмаларни ўз сафига бириктирганди — уларнинг аксарияти Шериф-стритдаги Боргенихтларнинг фабрикаси каби эди.

«Бу бизнесга кириш унчалик қийин эмасди. Унинг асосий ишлаб чиқарувчи қуроли арзон тикув машиналари эди, — дейди тикувчилик саноати ҳақида жуда кўп ёзган тарихчи Дэниел Соьер. — Катта бошланғич капитал ҳам шарт эмасди. XX аср бошида битта-иккита тикув машинаси эллик долларгача турарди. Пудратчи тикув машиналари, бир нечта дазмол ва бир жуфт ёрдамчи топса бўлди. Бу бизнес ҳаммаша осон, қилса бўладиган ва одамни ўзига тортадиган соҳа эди. Майли, соф фойда унчалик кўп бўлмаса ҳам, бир мунча пул топиш мумкин эди».

Мана, Боргенихт маҳсулотлари турини кўпайтириш ҳақидаги қарорини қандай тасвирлайди:

«Бозорни ўрганар эканман, 1890 йилда болалар кўйлақларини тикиш билан бор-йўғи уч киши шуғулланганини билдим. Уларнинг бири менинг ёнимда, Ист-Сайдда яшар-



ди, бироқ у фақат буюртмага тикарди. Қолган иккитасининг кўйлаклари жуда қиммат эди ва улар билан рақобатчи бўлишга менда хоҳиш йўқ эди. Мен оммабоп нархдаги осон ювиладиган ипак ва жун маҳсулотлардан кийим тикишни истардим. Мен олдимга шундай мақсад кўйгандим — аҳолининг катта қисми сотиб ола биладиган кийимлар — тижорат нуқтаи назаридан — ҳам катта ва ҳам кичик дўконлар, ҳам шаҳардаги ва ҳам қишлоқлардаги дўконлар яхши харид қиладиган кийимлар. Регинанинг ёрдами билан — у ҳаммиса бекиёс дидга ва узоқни кўра билиш қобилиятига эга эди — мен бир нечта намуналар тайёрладим. Уларни эски мижозлар ва дўстларнинг олдига кўйдим, мен айнан бир хил нарсаларга эътибор бердим: менинг кийимларим аёлларга кўпроқ вақтни ва кучни тежаш имконини беради, матолар ва тикиш сифати улар ўзлари тикадиганидан яхшироқ бўлиши керак эди, нарх ҳам анчагина арзон, хариддорнинг қурби етадиган бўлиши шарт эди».

Бир воқеа Боргенихтга янги фикр берди, катта фирмаларни енгиб ўтишнинг ягона имконияти — турли фирмаларни у билан бевосита ишлашга, ўртадаги воситачиларни олиб ташлашга эришиш керак. У Lawrence and Company вакили жаноб Бингхем, «балад бўйли, қотма, кўк кўзлари совуқ боқадиган оқсоқол» билан учрашишга келишиб олди. Мана, улар учрашишди — Польшанинг жайдари еридан чиққан, чарчаб қолган, инглиз сўзларини қийналиб бир-бирига кўшадиган муҳожир ва калондимоғ янки. Боргенихт 40 ўрам кашмири мато сотиб олмоқчилигини тушунтирди. Бингхем аввал ҳеч қачон Шериф-стритдаги дўконча каби майда фирмаларнинг вакиллари билан ишлаган эмасди.

— Агар сиз менинг ҳузуримга келган бўлсангиз ва менадан илтимос қилиб турган бўлсангиз, жуда ўзингизга ишонар экансиз! — деб пўписа қилди Бингхем. Бироқ, барибир келишувга эришилди.

18 соат иш кунининг бошидан охиригача Боргенихт замонавий иқтисод сирларини ўрганишдан чарчамасди. Маркетинг тадқиқотлари ўтказишни билиб олди. Ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Калондимоғ янкилар билан музокаралар олиб бориш амалиётини ўрганди. Янги урф бўлган анъаналарни кузатиб боришга ҳаракат қилди.

Ўша пайтда Нью-Йоркка келган ирланд ва италян муҳо-

жирлари бундай афзалликка эга эмасдилар. Уларда шаҳар иқтисоди учун зарур кўникмалар йўқ эди. Бу одамлар мардикорчиликка ёлланардилар, қурувчи, хизматкор каби бошқа ишларни бажарардилар, индаллосини айтганда, 30 йил ишлашлари мумкин эди, лекин шунда ҳам на маркетингни, на ишлаб чиқаришни, на дунёни назорат қилиб турган янкилар билан музокара қилиш санъатини билолмасдилар.

Калифорнияга 1900-1920-йилларда кўчиб келган, мулкдор фермерларнинг мева ва сабзавот экилган плантацияларида ишлаган мексикаликларнинг тақдири қуйидагича кечган: Улар Мексикадаги феодал деҳқонлик ҳаётини Калифорниядаги феодал деҳқонликка алмаштирганлар, холос. «Тикувчилик саноатида шароитлар ҳеч ҳам яхши эмасди, — деб ёзади кейин Соьер. — Бироқ сен бу ерда, ҳар ҳолда, нималар юз бераётганини билиб турардинг. Агар сен Калифорния плантацияларида ишласанг, сен сабзавот ва меваларни машина ортиб кетганидан кейин нима бўлишини билолмасдинг. Агар сен мўъжазгина кийим-кечак дўконида ишласанг, арзимас маош олардинг, соатлаб тер тўкиб даҳшатли шароитларда ишлардинг, лекин омадди инсонларнинг нима қилаётганларини кўрардинг, тажриба орттирардинг ва кейин ўзинг дўкон очардинг».


Боргенихт ишдан кейин болалари олдига, уйга келаркан, худди шарбади сиқиб олинган лимон пўчоғига ўхшаб қоларди. Лекин у тирик эди. Ўзига ўзи хўжайин эди. Ўзининг қарори ва танловига ўзи масъул эди. Унга осон бўлмаган: унинг бизнеси доимий фикрлашни ва кенг тасаввурни талаб этарди. Сарф этилган куч-ҳаракатлар олинадиган фойда билан бевосита боғлиқ эди: улар Регина билан фартук тепасида кечгача қанча кўп турсалар, кейинги куни шунча кўп фойда олишарди. Мана шу уч унсур — мустақиллик, мураккаблик ва куч ҳамда фойданинг боғлиқлиги — қониқиш олиб келадиган ишнинг асосий жиҳатидир. Ахир, сизга, ростини айтганда, олинган маошнинг ҳажми эмас, ўзингизни намоён этишингиз роҳат беради. Агар мен сизга ҳар куни, то умрингизнинг охиригача почтани турларга ажратиш учун йилига 150 000 АҚШ доллари берсам, рози бўлармидингиз? Ўйлайманки, рози бўлмасдингиз. Бундай иш мустақилликни, мураккабликни ва умуман сарф қилинган қувват ҳамда олинадиган маош ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англамайди.

Мазкур учта талабга жавоб берадиган ишни психологлар мазмунли иш деб ҳисоблайдилар. Муаллимнинг меҳнати маънилидир. Шифокорнинг меҳнати мазмунга эгадир. Қанчалик қатъий қоидалар ҳукмрон бўлмасин, тикувчилик саноатининг ажойиблиги бегона мамлакатга келиб, ҳозиргина кемадан тушган Боргенихтлар каби инсонларга ўзига мазмунли иш топиш имконини беришидир. Бундай меҳнат салмоқли натижалар беради: тикувчилик саноати билан боғланган кўплаб муҳожирлар каттагина маблағ тўпладилар. Аммо ундан-да муҳимроғи мазмунли меҳнат шу оилаларда ўстан болаларга бу ҳолатнинг таъсиридир. Тасаввур қила оласизми, Регина ва Луис Боргенихтларнинг ишлари уларнинг болаларига қандай кўринган? Ота-оналарининг мисолида бу болалар юз йил ўтгандан сўнг Алекс Уильямс ўз касбида, масалан, тиббиётда ёки юриспруденцияда юксак марраларга эришишни истайдиганлар учун зарур ҳақиқатни англадилар: агар тиришқоқлик билан меҳнат қилсанг, ортга чекинмасанг, ўз ақлинг ва тасаввурингни тўғри қўллай олсанг, бутун олам сенинг оёғинг остида бўлади.

## 11

1982 йилда социология кафедраси аспиранти Луиза Фаркас Нью-Йорк ва Майами-Бичдаги пансионатлар ва қариялар уйларига ташриф буюради. У Боргенихтларга ўхшаган, тўғрироғи, улар сингариларнинг — XIX аср охирида Нью-Йоркка яҳудий муҳожирлари тўлқинида келганларнинг болаларини излади. Уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, у оила шажарасини тузарди ва унда ота-оналарнинг, болаларнинг ва айрим ҳолда эвараларнинг фаолият турини акс эттирарди.

Мана, у баён этган «18-рақамли объект» тарихи:



«Рус тикувчи Америкага келади, тикувчилик фабрикаси-га тинкани куритадиган ишга жойлашади ва арзимас маош олади. Кейин тикишга улгурмаган кийимларни уйига келтириб, хотини ва катта фарзандлари билан тикиб, тутатади. Маошини ошириш учун тунлари ҳам ишлайди. Кейин у тикилган кийимларни Нью-Йорк кўчаларида сота бошлайди, озроқ капитал тўплагач, ўғиллари билан ўз ишини очади — эркаклар кийимларини тикадиган устахона ташкил қилади. Улар янада сифатли кийимларни таклиф этишади ва шу сабабли талаб ўса бошлайди. Рус киши ва унинг ўғиллари эркаклар костюмлари ишлаб чиқарадилар ва ўз маҳсулотларини бир нечта дўконларга етказиб бера бошлашади... Ота ва ўғиллар иши ривожланиб боради... Уларнинг болалари яхши таълим олишади ва ўз мутахассислиги бўйича ишлашади».

Мана, яна бир мисол. XIX аср охирида Польшани тарк этган тери ошловчи:



Фаркас тиклаган оилавий шажараларнинг баёни кўплаб саҳифаларни эгаллайди ва ҳар бир кейинги шажара олдингиларига ўхшайди. Хулоса аён: шифокор ва адвокат бўлган яҳудийлар бу касбларни келиб чиқишларига зид ўлароқ эмас, келиб чиқишлари *туфайли* эгаллаганлар.

Яҳудийларнинг муваффақиятларини одатда уларнинг маърифатлилиги ва интеллектуал маданиятга дахлдорлиги билан тушунтиришади. Улар қадимдан «китоб одамлари» ҳисобланади. Бу таърифда муайян ҳақиқат бор. Лекин юридик мактабларга фақатгина раввинларнинг болалари кирган эмас, оддий тикувчиларнинг болалари ҳам кирган. Касбий ютуқларга эришишнинг ҳал қилувчи афзаллиги Талмуд-

ни такрорлашнинг натижаси бўлган интеллектуал интизом эмас, амалий заковат ва зеҳн бўлган.

Зеҳн ва заковат Хестер-стритда фартук сотаётган отасини кузатиш орқали ҳосил бўлган. 1970-1980 йилларнинг машҳур процессуал адвокати Тед Фридман болалигида онаси билан Карнеги-Холлдаги концертларга борганини эслайди. Улар камбағал эдилар ва Бронкснинг энг чекка ерида яшардилар. Улар қандай қилиб чипта олишган? «У ерда Мэри исмли чипта сотувчи аёл ишларди, — тушунтиради Фридман. — Биз унга пул берардик. Мэри ўзининг йигирма беш центини оларди ва бизга чиптасиз иккинчи қаватнинг болохонасида тикка турган ҳолда кўришга рухсат берарди. Карнеги-Холл эгалари буни билишмасди ҳам. Ҳамма сир биз ва Мэрининг ўртасида қоларди. У томонга бориш йўли яқин эмасди, лекин ойда бир ёки икки марта биз албатта концертга тушардик».<sup>15</sup>

Фридманнинг онаси рус муҳожирлари эди ва инглизчада қийналиб гапирарди. Лекин ўн беш ёшида тикувчи бўлиб ишлай бошлаган, кейинчалик атоқли касабаси ташкилотчисига айланган. Шунинг учун, ишонтириш ва ташаббускорлик кучи билан болаларни Карнеги-Холл концертларига олиб тушиш мумкинлигини билади. Бўлғуси адвокат учун бу энг яхши сабоқ эди. Тикувчилик саноати — кўплаб касб эгалари учун ўзига хос ўқув қароргоҳи эди. Роберт Оппенгеймернинг отаси ким эди? Луис Боргенихт каби кийим-кечак ишлаб чиқарувчи эди. Фломнинг бурчакдаги офисидан бир қават тепада Барри Гарфинкелнинг офиси жойлашганди. Гарри Skadden фирмасида Фломдан озгина кам ишлаган ва кўп йиллар судловни юритиш бўлимини бошқарган. Гарфинкелнинг онаси нима иш қилган? У модистка эди ва уйда шляпа ясар эди. Луис ва Регина Боргенихтларнинг икки ўғли нима иш қилган? Улар юридик факультетга ўқишга кирган,

15 Бу вазиятда маданий далилдан — яхудийларнинг таълимга катта эътибор берадиган «китобий миллат» эканидан, — шубҳасиз, юз ўтириб бўлмайди. Тикувчилик саноати Фридман онасининг топкирлигини ўзига яраша тақдирлади. Аммо у ўзининг топкирлигидан фойдалана олдимми? У болаларини Карнеги-Холлга олиб бора бошлади, болаларни келгуси касбларига тайёрлашга ёрдам берадиган соҳаларни мақсадли тарзда танлади.

уларнинг тўққиз набираси ҳам адвокатлар ва шифокорлар эди.

Қуйида Фаркасининг тадқиқотидаги энг ажиб оила шажараси ҳавола этилган. Бу Руминиядан келган яҳудийлар оиласи. Улар ўз юртларида кичкина баққоллик дўконига эга эдилар ва Нью-Йоркка келгандан сўнг, бу ерда ҳам Манхэттенда, Қуйи Ист-Сайдда худди шундай дўкон очгандилар. Бу Жо Фломнинг келиб чиқиши ҳақидаги саволга ўринли жавобдир.



## 12

Skadden бош офисидан ўн квартал шимолда, Манхэттен марказида Жо Фломнинг асосий рақобатчиси бўлган дунёда энг яхши ҳисобланадиган юридик фирмалардан бирининг офиси жойлашган.

Фирма «Блэк-рок» номи билан машҳур бўлган ҳашаматли бинода жойлашган. Унга фақат мўъжиза туфайлигина кириш мумкин. Бош пойтахтларда филиалларига эга бошқа ҳашаматли юридик фирмалардан фарқли равишда, бу фирма яқка-ягона офисга эгадир. У ишларнинг ярмидан кўпини қабул қилишни рад этади ва соатбай ҳақ олмайди, шунчаки хизматининг баҳосини айтиб қўя қолади. Kmart чакана дўконлар тармоғининг сингдириб ютилишига оид ишни қабул қилар экан, фирма икки ҳафталик ишига 20 000 000 АҚШ доллари тўлаш учун ҳисоб варағини тақдим қилди. Kmart жон деб тўлади. Агар унинг адвокатлари сизни макр билан енга олмасалар, кўпроқ куч сарфлаб, айланиб ўтадилар, агар ишда айланиб ўта олмасалар, тазйиқ ва қўрқитиш орқали ютиб чиқадилар. Кейинги йигирма йилда бутун дунёда ҳеч бир фирма бу фирманики сингари фойда олган эмас. Жо Фломнинг ишхонасида Жорж Буш ва Билл Клинтон билан тушган суратлари қаторида, мазкур компаниянинг бошқарувчи ҳамкори билан тушган сурати ҳам бор.

Юристик касбида бунақа юксакликка кўтарилиш учун

ақл, ингилиш ва меҳнатсеварлик керак, компаниянинг асосчилари бўлган тўрт одам, шубҳасиз, шу мезонларга тўғри келадилар. Бироқ биз кўпроқ нарсани биламиз, шундай эмасми? Муваффақият — тасодиф эмас. У вазиятлар ва имкониятларнинг олдиндан айтса бўладиган ва натижалари жамланмасидан туғилади. Мазкур босқичда — Билл Жой, Билл Гейтс, малакали хоккей ўйинчилари, даҳолар, Жо Флом, Жанклоу оиласи, Боргенихтлар оилалари тарихини ўрганганимиздан сўнг мукаммал юристлар келиб чиқишини аниқлаш асло қийин эмас.

Уларнинг барчаси демографик инқироз пайтида дунёга келган, уларнинг тасарруфида Нью-Йоркнинг энг яхши мактаблари ва меҳнат бозорининг максимал қулай имкониятлари бор эди. Уларнинг бари, албатта, яхудийлар эди, шунинг учун, келиб чиқиши туфайли консерватив юридик фирмаларнинг эшиклари уларга ёпиқ эди. Уларнинг ота-оналари тикувчилик саноатида мазмунли иш топдилар ва болаларига ҳуқуқдорлик ҳиссини сингдира олдилар. Болалар энг зўрига бўлмаса ҳам, яхши университетларга кира олдилар. Улар энг ақлли талабалар бўлиши шарт эмас, шунчаки ақлли эканликлари етарли эди.

Биз яна ҳам батафсил таҳлил ўтказишимиз мумкин. Нью-Йорк яхудий-юристарининг ҳам, худди XIX асрнинг «қароқчи-баронлари» ва XX асрнинг компьютер магнатлариники сингари ўз идеал таваллуд вақтлари бор. Бу тахминан 1930 йиллар, чунки 1975 йилда, юриспруденциядаги инқилоб пайтида бу инсонларнинг ёши қирқ ёш атрофида бўлиши керак эди. «Оқ пойабзаллилар» фирмаларининг адвокатлари вақтларини Принстон клубида мақсадсиз, овқат устида ва мартини сипқориб ўтказганларида, улар 15 йил ўз кўникмаларини сингдириш, ютиб юборишга оид ишларда чархлаб, тобига келтирдилар. Агар Нью-Йоркда буюк адвокат бўлмоқчи бўлсангиз, аутсайдер бўлиш фойдалидир, шунингдек мазмунли иш билан шуғулланадиган ота-оналарингиз бўлиши ҳам фойдалидир. Ҳаммасидан ҳам афзали 1930 йилларнинг бошида туғилмоқдир. Ва агар топқирлик, собитқадамлик учта юқорида саналган фазилатга қўшилса, бу инсон муваффақиятга эришишга маҳқумдир. Бу хоккейчининг 1 январда туғилгани кабидир.

Биз сўз юритмоқчи бўлган компания — бу Wachtell,

Lipton, Rosen & Katz компаниясидир. Биринчи ҳамкор, Герберт Уочтелл, 1931 йилда туғилган. Унинг болалиги Бронксда, Ван Кортланд парки қаршисидаги Тикувчилик саноати бирлашган қасаба уюшмалари ётоқхонасида ўтган. Унинг ота-оналари Украинадан келган яҳудий муҳожирлар эди. Отаси, акалари аёлларнинг ички кийимларини ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Улар бугун Соходаги Бродвей ва Спринг-Стрит кесишган ерда жойлашган ҳашаматли тураржой ҳисобланадиган бинонинг олтинчи қаватида ишлардилар. 1940-йилларда Герберт Уочтелл давлат мактабига қатнаган, кейин Манхэттендаги Давлат коллежига ўқишга кирган, ундан сўнг Нью-Йорк университетининг юридик факультетига ўқишга киради.

Иккинчи ҳамкор, Мартин Липтон, 1931 йилда туғилган. Унинг отаси суғурта агенти бўлиб ишлаган. Мартин Нью-Жерсидаги Давлат мактабига қатнаган, сўнг Пенсильвания университетига кирган, кейин Нью-Йорк университетининг юридик факультетига ўқишга киради.

Учинчи ҳамкор, Леонард Розен, 1930 йилда туғилган. Камбағал оилада, Бронксда, «Янки» стадиони ёнида яшаган. Унинг ота-онаси ҳам Украинадан келган яҳудий муҳожирлар эди. Отаси Манхэттен Тикувчилар кварталлида дазмолчи бўлган. 1940-йилларда у Давлат мактабида сабоқ олган, сўнг Шимолий Манхэттендаги Шаҳар коллежида ўқиган ва Нью-Йорк университетининг юридик факультетига ўқишга киради.

Тўртинчи ҳамкор, Жорж Кац, 1931 йилда туғилган. У Бронксда вояга етган, оила биринчи қаватдаги кичкинагина хонадонда яшарди. Унинг ота-онаси Шарқий Европадан келган муҳожирларнинг болалари бўлган. Отаси суғурта полисларини сотган, бир неча квартал нарида яшаган бобоси тикувчи эди ва уйда ишларди. Жорж Давлат мактабини тугатди, сўнг Шимолий Манхэттендаги Шаҳар коллежида ўқиган ва Нью-Йорк университетининг юридик факультетига ўқишга киради.

Тасаввур қилинг, тўртовлондан бирортаси, юридик факультети битирувчиси Mudge Rose фирмасининг ҳашаматли қабулхонасида келиб чиқиши «дуруст» бўлган мовий кўзли малласоч билан бирга ўтирибди. Ҳаммамиз ҳам малласоч томонда бўлар эдик. Ва хато қилардик, чунки Кац-



лар, Розенлар, Липтонлар, Уочтеллар ва Фломлар мовий кўзли малласочларда бўлмаган бир нарсага эга эдилар. Уларнинг дунёси маданияти, авлоди ва оилавий тарихи уларга ноёб имконият ато қилди.

II-ҚИСМ

**Мерос**

## 6-БОБ

## Харлан, Кентукки

«Ўлсанг эркақдай ўл, аканг каби ўл»

## 1

Аппалачи тоғларининг узун қатори ўртасида, Кентукки штатининг жанубий шарқида Харлан номли мўъжаз бир шаҳарча ястаниб ётади.

Шаҳарча Камберленд пасттекислигида жойлашган бўлиб, бу ерда тоғ чўққиларини у ер-бу ерда торгина водийларнинг қийқими кесиб ўтади. Бу водийлардан айримларига фақат кичикроқ анҳорча ва бир томонлама йўлгина жойлаша олади. Камберленд платосига дастлабки аҳоли келганида тоғ ва водий бағирлари одам ўтолмайдиган ўрмонлар билан қопланган эди. Улкан лола дарахтларининг баландлиги 50 метрга етар, танасининг айланмаси 2 метрча келарди. Уларнинг теварагини салобатли оқ қарағайлар, қора қайинлар, заранг дарахтлари, ёнғоқ, тўс қайинлар, толлар, игнабарг кедрлар, қарағайлар ва ёввойи ток занглари чирмашган шох-шаббалар ўраганди. Ўрмонларда айиклар, ёввойи мушуклар ва шақилдоқ илонлар яшар, дарахтларнинг шохларида олмахонлар сакраб юрар, тупроқнинг устки қатламида қават-қават тошқўмир ястанган эди.

Харлан 1819 йилда Британия ороллариининг шимолий туманларидан келган муҳожирлар томонидан барпо этилганди. Улар XVIII асрда Виржинияга жойлашганлар, кейинчалик янги ерларни излаб ғарбга, Аппалачи томонларга йўл олганлар.

Бу ўлка ҳеч қачон бой бўлмаган. Дастлабки 100 йил мобайнида унинг аҳолиси 10 000 кишидан ошган пайтлари кам бўлган. Дастлаб кўчиб келганлар ўзларининг кичик молхоналарида чўчқа боқар, тоғ ёнбағирларида қўйларни ҳайдаб юришар ва зўрға рўзғор тебратишарди. Ҳовлининг орқа томонида виски қайнатишарди. Баҳорда, дарёда сув кўтарилган пайтларда дарахтларни кесишар ва Камберленд дарёси орқали пастга оқизишарди. XX аср келгунига қадар энг яқин темир йўл бекати арава билан икки кун юриладиган масо-

фада эди. Қўшни Пайн-Маунтин шаҳарчасига олиб борадиган йўл кўпинча ўтиб бўлмас тўсиққа айланарди. Атрофдаги ташқи олам бу ғалати шаҳарчанинг мавжудлигини ҳам унчалик билмасди. Бир куни Харландаги икки қадимий оила — Ҳовардлар ва Тернерлар ўртасида низо чиқмаганида бу жимлик узоқ давом этиши мумкин эди.

Сэмюэл Ҳовард — Ҳовардлар оиласининг бошлиғи — шаҳарчада суд ва камоқхона биноларини барпо этганди. Унинг рақиби Уильям Тернер кичик қовоқхона ва иккита дўконга эгалик қиларди. Бир куни кучли шамол Тернерга дахлдор биноларни ўраб турган тўсинларни қулатди ва қўшнининг сиғири унинг ерларига кириб кетди. Уильям Тернернинг набираси Иблис Жим сиғирни отиб ташлади. Қўшни шу қадар ваҳимага тушдики, Тернерларни айблаш ўрнига, топган-тутганини йиғиштириб, шаҳарчадан жўнаб кетди. Бошқа гал Тернерларнинг рақобатчиларидан бири янги дўкон очди. Тернерлар у билан гап таллашиб қолишди, ундан сўнг у дўконини ёпди ва Индиана штатига жуфтакни ростлади. Бир сўз билан айтганда, Тернерларнинг хулқи жуда оғир эканини ҳамма билди.

Икки оила ўртасидаги жиддий жанжал Сэмюэл ва Уильямнинг набиралари, Уилс Ҳовард ва Кичик Боб Тернер покер қартабозлиги пайтида бир-бирларини қаллоблиқда айблаганлари туфайли келиб чиқди. Тўқнашув юз берди. Кейинги куни йигитлар кўчада учрашиб қолишди ва отишувдан сўнг Кичик Боб кўкраги ўқдан илма-тешик ҳолатда ерга қулади. Сўнг Тернерлар Ҳовардларнинг дўконига ташриф буюрдилар ва Ҳовард хонимни хафа қилдилар, хоним буни ўғли Уилсга хабар қилди. Бир ҳафтадан сўнг Виржиния штатидаги Хаган йўлида ўғил Тернернинг бошқа набираси Уилл билан отишмага чиқди. Ўша оқшом Тернерлардан бири ўз дўсти билан Ҳовардларнинг уйига хужум қилди. Иккала оила Харлан суди биноси олдида юзма-юз тўқнашдилар. Жангда Уилл Тернер ўлдирилди. Ҳовардлар оиласи Уилл ва Кичик Бобнинг онасига, Тернер хонимга ярашув таклифи билан мурожаат қилдилар. «Бу қон ювган билан кетмайди», — деди хоним, ўғли ўлган ердаги қон изларини кўрсатар экан.

Воқеалар давом этди. Тез кунларда Салфер-Спрингс яқинида Уилс Ҳовард Кичик Жорж Тернерни отиб ташлади.

Кейин Ҳовардлар пистирмада Тернерларнинг учта дўстларини, Кавудсларни тутдилар ва отиб ташладилар. Ҳовардларни топиш учун қуролланган гуруҳ юборилди. Кейинги тўқнашувда яна олти киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Уилс Ҳовард англадики, Тернерлар қонсираб турибди, шунинг учун у дўсти билан Харланга қайтди ва ўз душманларининг уйига ҳужум қилди. Ортга қайтишда улар пистирмага дуч келдилар ва натижада, яна бир одам ҳалок бўлди. Уилс Ҳовард Кичик Жорж Тернернинг уйига келди ва ўт очди ҳамда тасодифан шу ерда ўтиб бораётган одамни отиб қўйди. Қуролланган тўда Ҳовардларнинг уйини ўраб олди. Навбатдаги отишма. Навбатдаги қурбонлар. Ўлка уяси бузилган арилар тўдаси каби гувуларди. Уйлайманки, сиз умумий манзарани тасаввур қилдингиз.

«Ўзингни бос! — қичқирди Уилл Тернернинг онаси, ярадор ўғли суд биноси олдида юз берган отишувдан кейин оғриқдан инграб уйга кирганида. — Ўлсанг, эркакдай ўл, аканг каби ўл!»

Аёл отишмалар одатдаги ҳол бўлган дунёда яшар эди ва табиийки, ярадор ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида ўз тасаввурига эга эди.

«Уилл инграшни тўхтатди ва онасининг олдида жимгина жон берди», — деб ёзади Жон Пирс ўзининг Кентуккида юз берган низоларга бағишланган «Қора кунлар» (Days of Darkness) китобида.

## 2

Тасаввур қилингки, сиз XIX аср охиридаги Харлан шаҳарчасига шу воқеани текшириш ва бу қадар аянчли тутаган низо ҳақида батафсил ҳамда ҳаққоний ҳисобот тузиш учун ташриф буюрдингиз. Сизда воқеаларнинг тирик қолган барча иштирокчиларини тўплаш ва истаганча сўроққа тутиш имкони бор. Сиз ҳар қандай ҳужжатни талаб қилишга ҳақлисиз.

Сиз нимани аниқлай олардингиз? Жавоб — унчалик кўп нарсани эмас. Харланда бир-бирини унчалар хушламайдиган инсонлар яшашини англадингиз ва қўллари бир неча бор қонга ботган Уилс Ҳоварднинг борар жойи қамоқхона

эканига ишонч ҳосил қилардингиз. Вазият сиз Харланда юз берган ҳодисани кенгроқ кўрмагунигизча ойдинлашмайди.

Ҳовардлар ва Тернерлар Харланда бир-бирини ўлдираётган бир вақтда Аппалачининг бошқа кичик шаҳарларида ҳам тўқнашувлар юз берарди. Харлан яқинида, Ғарбий Виржиния ва Кентукки орасида жойлашган заминда яшайдиган Хэтфилдлар ва Маккойлар орасида 20 йил давом этган низода бир неча ўнлаб одамлар ўлдирилган. Кентукки штатидаги Пери округида яшайдиган Френчлар ва Эверсоуллар орасидаги низоларда 12 киши дунёдан кўз юмган. Уларнинг олтитасини қаттол Том Смит отиб ўлдирган (бу одамни Жон Пирс шундай тасвирлаган: «Аниқ нишонга урувчи мерган, кўркмайдиган даражада аҳмоқ ва хавфли бўлиш даражасидаги ақлли кимса»). Кентуккидаги Роуэн округида Мартинлар ва Толливерлар ўртасида 1880-йилларда юз берган низоларда учта отишма, учта пистирма ва иккита хонадонга қуролли ҳужум содир бўлган, низо икки томондан юз одам иштирок этган отишма билан яқун топган. Клей ўлкасида 1806 йилда юз берган Бейкерлар ва Ҳовард ўртасида буғу овининг бемаврид байрам қилингани сабабли бошланган низо 1930-йилларгача, токи иккита Ҳовардлар учта Байкерларни пистирмада пойлаб, ўлдиргунарича давом этган.

Бу ҳали энг овозаси кетган низолар эди. Бир куни Кентуккилик ҳуқуқшунос Гарри Кодиллнинг қўлига Камберленд платосидаги шаҳарчалардан биридаги ўлка судининг ҳужжатлари тушиб қолади. Уларда 1860-йиллардан то 1900-йилларгача содир бўлган қотилликлар ҳақида қўзғатилган 1000 та жиноий ишнинг баёни бор эди. Бу қотилликларнинг барчаси аҳоли сони 15000 кишидан ошмайдиган ва кўплаб жиноятлар ҳатто судгача етиб бормайдиган минтақада юз берган эди. Кодилл Бритхитт округидаги суд жараёни ҳақида: Кейинчалик бу ишни «Қонли Бритхит» деб атайдиган бўлишди, ўшанда суд жараёнини тўхтатишга тўғри келди, чунки судланувчининг отаси, «эллик ёшлар чамасидаги, улкан бакенбардли ва иккита баҳайбат тўпшончани ушлаб олган эркак», судьянинг олдига келди ва унинг қўлидаги болғачани тортиб олганди, – деб ёзади.

«...У болғачани столга тақиллатиб урди ва эълон қилди: «Мажлис тамом, ҳамма озод. Бошқа ҳеч қанақа суд бўлмайди». Қўркувдан кўкариб кетган судья шошилинич тарзда бу

гапни тасдиқлади ва каловланиб ўтирмасдан, шаҳарчани тарк этди. Кейинги суд жараёнида суд ва шерифга ёрдам бериш учун олтмишта қуролланган аскарлар тўдасини беришди, аммо судланадиган инсон қолмаганди. Айбланувчини судга келаётганда пистирмадан отиб ташлашганди.

Агар бир оила иккинчи оила билан низолашса, бу адоватдир. Агар бир ҳудудда кўплаб оилалар бир-бири билан низолашса, бу энди қонуниятдир.

Аппалачидаги бу қонли низоларнинг сабаби нима эди? Кўп йиллар давомида кўплаб тахминлар олдинга сурилди ва муҳокама қилинди. Энг асосий эҳтимол сифатида шу нарса эътироф қилиндикки, мазкур минтақа социологлар томонидан «номус маданияти» деб аталадиган ҳодисанинг ўта хавфли тури билан «заҳарланганди».

Бу атама билан эркакнинг обрў-эътибори унинг ўзини ҳурмат қилиши ва ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлган маданиятни белгилашади. Номус, орият, қасос маданиятининг илдизлари Сицилия ёки испанлардаги Басклар мамлакати каби ўлкаларнинг тоғ туманларида ва бошқа ҳосилдорлиги кам ерларда яшайдиган чўпонлар маданиятига бориб тақалади.

Агар сиз тошли тоғ этакларида яшасангиз, ерни шудгор қила олмайсиз. Энг қулайи, кўй-эчкилар олиб, боқасиз. Сизнинг яшаб қолишингиз бутун ҳамжамиятнинг биргаликдаги ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортади. Ер эгаси унинг даласидаги ҳосилини биров ўмариб кетишидан хавотир олмаса ҳам бўлади, бунинг учун меҳнат қилиш керак, ўғри бутун далани бир ўзи йиғиштириб олишга қасд қилмаса керак. Аммо чўпонларнинг ҳамиша хавотирлари бор. Улар ўз қарамоғидаги жониворларидан айрилиб қолиш хавфидан доим хавотирда бўладилар. Шунинг учун улар қаҳрли, газабнок эканликларини, кучларини доимо намойиш қилишлари, буни ўз сўзлари ва хатти-ҳаракатлари билан исботлаб туришлари керак. Улар обрўларига озроқ соя солинса ҳам, жангга киришга, жанжал қилишга ҳамиша тайёр туришлари лозим.

– Биринчи жанжал — ёш чўпон учун обрў орттиришнинг ҳал қилувчи лаҳзаларидир, – Юнонистондаги чўпонлар маданияти ҳақида фикр юритаркан, этнограф Д. Кэмбелл шундай деб ёзади. — Жанжал, албатта, одамларнинг кўз ўнгида

юз бериши керак: қаҳвахонада, қишлоқ майдонида ёки аксарият ҳолларда яйловда бўлади, бошқа чўпон айтган сўкинишга ёки тўдасидан ажралиб қолган қўйга отилган тошга ҳақорат деб қаралади ва тезда ғазабнок жавоб ҳаракати берилиши шарт.

Хўш, нима учун Камберленд платосида бу ишлар юз берди? Ҳамма гап шундаки, Аппалачи туманлари — қолоқ қишлоқ хўжалиги минтақаларидир, улар Пенсильвания чегарасидан Виржиния, Ғарбий Виржиния, Кентукки, Теннесси, Шимолий ва Жанубий Каролина ҳамда Алабама ва Жоржиянинг шимолий яссиликлари орқали жануб ва ғарбга томон чўзилган бўлиб, бу ерга келган муҳожирлар асосан «ёввойиларча» номус маданиятига эга бўлганлар. Асосан бу ерларга ирландиялик шотландлар, Шимолий Ирландияда, Англиянинг шотланд воҳаларида ва шимолий графликларда яшаган шотланд протестантларининг авлодлари кўним топганди.

Бу чегара минтақаларининг кимга дохил экани юз йилликлар давомида баҳсу жанжалларга сабаб бўлиб келди ва уларнинг аҳолиси зўравонлик гирдобига ботди. Бу қонун нималигини билмаган олис ўлкаларда қоятошларнинг ҳосилсиз ерларида яшаб қолиш учун курашаётган чўпонлар тўдаларга, бандаларга бирлашиб олгандилар. Ҳар хил бало-қазоларга қарши улар янада кучлироқ жипслашардилар ва қондошлик ришталарига садоқатни ҳамма нарсадан устун қўярдилар. Шимолий Америкага кўчиб ўтаркан, улар ўз ватанларига ўхшаш кўринган Харлан округи сингари тоғли минтақаларга жойлашдилар, бу ерда Эски Дунёда яшаганлари каби номус маданиятига содиқликда яшай олдилар.

«Дастлабки кўчиб келганлар Американинг қолоқ минтақаларида ўзлари кўниккан чегара ҳудудларидагидай хавотирга тўла маконни кўрдилар», «Албион жавҳари» (Albion's Seed) китобида Дэвид Фишер шундай ёзади:

«Тоғли ҳудудларнинг аксарият ерлари «низоли ерлар» эди ва на қонунга, на ҳокимиятга бўйсунарди. Ирландиялик шотландлар ўзларини ўз юртларидагидек бошбошдоқлик ва анархия шароитида деб ҳис қилдилар, чунки бу жойлар уларнинг оилавий анъаналарига, ҳарбий этикасига, чўпонча ҳаёт тарзига, ерга ва бойликка муносабатига, иш ва ҳокимият ҳақидаги тасаввурларига жуда мос келарди. Чегара мадания-



ти атрофдаги ҳаёт шароитига шу қадар мослашган эдики, бу маданиятни бошқа этник гуруҳлар ҳам ўзлаштира бошлади-лар. Шимолий Британиядан кўчиб ўтганларнинг қадриятлари аста-секин бу «зулматга чўккан ва қонли заминда» устуворлик қила бошлади, чунки бунинг сабаби қисман уларнинг сони кўпчиликини ташкил қилганлиги билан изоҳланса, энг муҳими, номус маданияти бу ерлардаги хавfli ва бешафқат ҳаётда яшаб қолиш имконини берарди».<sup>16</sup>

Номус маданиятининг музаффарлиги Америка жанубида жинойт даражасининг баландлигини англашга ёрдам беради. Бу ерда мамлакатнинг бошқа ерларидагидан кўпроқ қотилликлар юз беради. Аммо мулкка тажовуз ва кўча қароқчилиги жинойтлари озроқ. Социолог Жон Рид ёзишича: «Жанубга хос қотиллик — инсонни унга таниш бўлган инсон ўлдиради ва у нима сабабдан ўлдираётгани қотилга ҳам, қурбонга ҳам яхши маълум бўлади». Кейин Рид давом эттиради: «Статистика шундан далолат берадики, низодан ва отишмадан чекиниб қола олган жанублик бошқа америкаликка нисбатан озроқ эмас, эҳтимол, кўпроқ хавфсизликка эга бўлади». Аппалачининг қоқоқ туманларида зўравонлик моддий фойдани кўзлаб эмас, кўпроқ шахсий сабабларга

---

16 Дэвид Фишернинг «Албион уруғи: Америкада британларнинг тўртта анъаналари» (*Albion's Seed: Four British Folkways in America*) китобида маданий мерос узок йиллик из қолдириши ҳақидаги ғояни яққол кўрсатиб беради. Агар сиз менинг биринчи китобимни - «Бурилиш лаҳзаси»ни (*The Tipping Point*) ўқиган бўлсангиз, ёдингиздадир, Пол Ревир ҳақидаги ҳикоя Фишернинг «Пол Ревирнинг пойгаси» (*Paul Revere's Ride*) китобидан олинганди. «Албион уруғи» китобида Фишер Америка очилганидан кейинги 150 йил ичида Британиядан келган мухожирларнинг тўрт оқимини тасвирлайди. Биринчиси: пуританлар, улар Шарқий Англиядан Массачусетсга 1630-йилларда келишган. Иккинчиси: роялистлар ва шартнома тузиб келган ишчилар, улар Жанубий Англиядан Виржинияга XVII аср ўрталарида келганлар. Учинчиси: квакерлар, улар Марказий Англиянинг шимолий районларидан бўлиб, Делавэрни XVII аср охири — XVIII аср бошида эгаллаганлар. Ва ниҳоят, чегара туманларининг аҳолиси, улар Аппалачи томонларга XVIII асрда кўчиб келдилар. Фишер бу бир-биридан кескин фарқ қиладиган тўртта маданият, бугунги кунгача бу тўртта минтақани таснифлашга оид ҳайратомуз далилларни келтиради.

кўра юз беради. Яъни ўз орини, номусини ҳимоя қилиш учун қилинади.<sup>17</sup>

Мен биз кўпинча маданий гуруҳларга нисбатан бу сингари умумлаштиришларга хавотир билан қарашимизни тушунаман — бу хавотирларга тўла асосимиз бор. Ахир ирқий ва этник хурофотлар айнан шундай юзага келади. Биз этник тарихнинг қулига айланмаган ўз тақдиримизнинг эгалари эканимизга ишонгимиз келади. Бироқ, сиз Кентуккининг кичик шаҳарчаларида XIX асрда нималар юз берганини ўрганмоқчи бўлсангиз, ўтмишга қайтишингизга тўғри келади — бир-икки авлод ортга қайтишнинг ўзи етмайди. Сиз 200, 300, 400 йил ортга қайтишингиз керак, уммон ортидаги бошқа мамлакатларга ўтишингиз ва улардаги муайян туман аҳли қандай яшаганини билишингиз лозим. Номус маданияти назариясида инсоннинг келиб чиқиши катта аҳамиятга эга — сиз ёки сизнинг ота-онангиз қаерда вояга етганлиги эмас, боболарингиз, боболарингизнинг боболари ва ҳатто уларнинг ҳам боболари қай ерда ва қандай яшагани контекстида қараш муҳимдир. Бу Харлан аҳолиси ўз ўтмишининг қули эканлигини билдирмайди. Йўқ, улар эркин ирода эгаларидир. Бу шуни англатадики, уларнинг шахсияти маданий меросининг қудратли таъсирида шаклланган, агар улар ўзгар-

17 Кўп йиллар олдин Холдинг Картер деган бир журналист ўзининг ёшлик пайтида маслаҳатчилар судида иштирокини тасвирлаган. Рид бу ҳақда шундай ёзади:

«Маслаҳатчилар суди автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаси ёнида яшайдиган бир шартаки, жиззакчи олифтанинг ишини тинглар эди. Бир неча ой мобайнида мижозлари ва шунчаки шохобча атрофида санқиб юрган бекорчилар унинг устидан кулганлар. У таҳқирловчиларни кўп марта огоҳлантирган ва бу йигитнинг жаҳлдорлиги, шартакилиги ҳаммага маълум эди. Бир куни кўшотар милтигининг ҳамма ўқини уни хафа қилганларга қарата отади, биттасини ўлдиради, иккинчисини ярадор қилади, учинчисини ўқ ялаб ўтади... Маслаҳатчи судьяларга суд қарори чиқариш буюрилганда, фақат Картер уни айбдор деб билган. Бошқа суд маслаҳатчиси шундай деганди: «Шунча таҳқирлашдан кейин бу йигитларни отиб ташламаса, уни ҳақиқий эркак деб бўлмасди».

Фақат номус маданиятидагина шартаки жаноб қотилликни шахсий ҳақоратга муносиб жавоб деб билади. Фақат номус маданиятида маслаҳатчилар суди бундай ҳолатда қотилликни жиноят деб топмайди.

салар ҳам, тарихий ўтмишларини ҳисобга олишлари керак бўлади.

## 3

1990-йилларнинг бошида Мичиган дорулфунунининг икки психологи — Дов Коэн ва Ричард Нисбетт социология факультетининг ертўласида тажриба ўтказмоқчи бўлишди. Улар бир тўда ёшларни тўплаб, уларни ҳақоратлай бошлайди. «Биз 18-20 ёшли йигитларни қайси ҳақоратли сўз кўпроқ жунбушга келтиришини аниқламоқчи эдик, — тушунтиради Коэн. — Тезда аён бўлдики, улар учун энг ҳақоратли сўз «чичқоқ» сўзи экан».

Тажриба қуйидаги тарзда амалга оширилди. Социология факультетининг ерости қаватида узун йўлак бўлиб, унинг икки томонига картотекалар тўла шкафлар терилган эди. Ёш йигитлар хонага битта-битта кириб, сўровномани тўлдирар эдилар. Кейин улардан сўровномани йўлак охирига олиб бориб топшириш ва яна хонага қайтиш буюриларди. Бир қараганда, бу маъносиз ва жўн иш эди.

Йигитларнинг биринчи ярми — назорат гуруҳи учун тажриба шу билан тугади. Иккинчи гуруҳни пистирма кутарди. Улар йўлакдан ўтаётганда ортларидан бир эркак, тажриба қилувчилар уюштирган шахс, қувиб ўтади ва шкафлардан биридаги ғаладонни очади, натижада тор йўлакда ўтишга жой қолмайди. Ёш йигит ғаладон ва девор орасидан сирғалиб ўтмоқчи бўлганда, эркак атайин жаҳл билан ғаладонни ёпади, йигитчани туртиб юборади ва сокин овозда, аммо аниқ эшитиладиган қилиб зарур сўзни айтади — «чичқоқ» дейди.

Коэн ва Нисбетт бу ҳақоратли сўз нимани англатишини аниқламоқчи ва барча усуллар билан ёш йигитларда кўзғаладиган ҳисларни ўлчамоқчи бўладилар. Улар йигитларнинг юзларини кузатишади ва қанчалик жаҳллари чиққанлигини қайд қилишади. Улар йигитларнинг қўлларини сиқишади ва қанчалар қаттиқ сиқилаётганларини аниқлашади. Йигитларнинг сўлагидан жанжалдан олдин ва кейин намуналар олиб, тестостерон ва кортизол — жаҳл ва ғазаб кўзгайдиган гормонлар миқдорини ўлчашади. Шундан сўнг улар талаба-

лардан қуйидаги матн парчасини ўқишни ва воқеа якунини ўзлари тугатиб қўйишни сўрашади:

«Улар кечки базмга келганларидан буён бор-йўғи йигирма дақиқа вақт ўтган ҳам эдики, Жилл, нимадандир ҳаяжонланиб, Стивни четга тортди.

— Нима гап? — сўради Стив.

— Ларри. У сен билан мен никоҳланганимизни билади, аммо аллақачон икки марта менга кўзини сузди.

Жилл одамлар орасига кирди, аммо Стив Ларридан кўз узмасликка қарор қилди. Албатта, беш дақиқа ҳам ўтмасдан, шилқим яна Жиллга яқинлашди ва уни ўпиб олишга уринди...».

Агар сизни қаттиқ ҳақоратлашса, сиз Стив муштини ишга солганини тасаввур қилмайсизми?

Натижалар психологларни ҳайратга солди. Ёш йигитлар ҳақоратга батамом турлича муносабатда бўлдилар. Айримларнинг хулқ-атвори сезиларли даражада ўзгарди. Бошқа бирларида деярли ўзгаришлар кузатилмади. Аммо ҳал қилувчи омил ҳиссий барқарорлик ҳам, йигит заковатли ёки «салобатли» экани ҳам, ташқи гавда кучи борлиги ёки йўқлиги ҳам эмасди. Ҳал қилувчи омил — ўйлайманки, сиз мени нимага мойиллигимни сезиб турибсиз, — уларнинг келиб чиқиши бўлди. Америка Қўшма Штатларининг шимолий қисмидан келган талабалар бўлаётган ҳодисага енгил, табасум билан қарадилар. Аския қилдилар ва шу етарли бўлди. Уларнинг билаклари сиқилмади, муштлари тугилмади. Кортизол даражаси пасайди, улар гўё ғазабларини босаётган эдилар. Уларнинг аксарияти Стив Ларрига ташланишини исташмади.

Жанубдан келган талабалар-чи? Мана, булар ростакмига ғазабланишди. Кортизол ва тестостерон даражаси кўтарилиб кетди. Муштлар темирдек тугилди. Стив Ларрини ўлгудай калтаклади.

«Биз «жўжача» ўйинига ўхшаш вазиятни юзага келтирдик, — ҳикоя қилади Коэн. — Талабалар, худди биринчи тажрибадаги каби, узун йўлақдан юриб бордилар ва бурчақдан бошқа бир биз уюштирган йигит иштирокчи чиқиб келди. Йўлак тор бўлгани боис, ундан фақат бир киши ўта оларди. Биз таклиф қилган йигитнинг бўйи 6 футу 3 дюйм эди, аввал у коллеж футбол жамоасида ўйнаган, кейин барда мастларни судраб чиқиб отадиган қўриқчи бўлган. У йўлақда алла-

нечук керилиб юрар, худди майхонада жанжал қўзғаетган жангарига ўшарди. Биз талабалар бу «муштумзўр»га қанчалик яқин келишади ва йўл бўшатишадими ёки йўқми шуни аниқламоқчи эдик. Менга ишонаверинг, ҳамма йўл бўшатишди».

Аммо шимоллик талабаларда муштумзўрнинг қиёфаси ҳеч қандай таассурот уйғотмади. Улар унга беш-олти фут наридан йўл бўшатишди ва ҳақорат қилган ё қилмаганига эътибор ҳам беришмади. Жанублик талабалар, аксинча, одатдаги вазиятда кучлига ҳурмат бажо этишди ва деярли тўққиз фут наридан туриб йўл бўшатишди. Агар ҳақоратлашса-чи? *Икки футдан ҳам яқин* келишди. Жанубликни «чичқоқ» деб кўринг, у жангга киришади. Тор бир йўлакда Коэн ва Нисбетт номус маданиятини амалда кузата олдилар: жанубий штатларнинг аҳолиси ўзларини худди Уилс Ҳовард Кичик Боб Тернер уни қартада фирибгарликда айблагандаги каби тутдилар.

#### 4

Биз Харлан ва Розето тарихидан қандай муҳим бир сабоқни чиқаришимиз мумкин? Бу хулоса ўз аждодлариники каби вазиятларда яшайдиган одамлар гуруҳи кўпинча худди аждодлари каби ҳаракат қилишидагина эмас. Масалага чуқурроқ қараш лозим. Жанублик талабалар уларнинг британиялик аждодлари каби шароитда яшамайдилар. Эҳтимол, уларнинг британиялик аждодлари бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунчаки улар жанубда вояга етган. Уларнинг ҳеч бири чўпон бўлмаган ва уларнинг ота-оналари ҳам чўпон эмас. Улар XX аср охирида яшаганлар, асло XIX аср охирида эмас. Улар Американинг шимолий штатларидан биридаги Мичиган университетиде таҳсил оладилар, демак, туғилган жойидан юзлаб мил наридаги коллежда ўқишга кирадиган даражада космополит инсонлардир. Аммо буларнинг барчаси аҳамиятсиз экан. Сабаби, бу талабалар ўзларини шундай тутадиларки, гўё улар XIX аср охиридаги Харланда, Кентукки штатида яшаётгандай эдилар.

«Тажрибада иштирок этган талабалар асосан йиллик даромади 100 000 доллар бўлган оилаларга мансуб эдилар, яна бу 1990 йилларнинг долларлари эди. — дейди Коэн. — Улар Ап-

палачи тоғларидан тушиб келмаганлар, улар Coca-Cola каби компанияларнинг қайсидир Атлантадаги бўлими ўрта бўгин раҳбарларининг фарзандлари эди. Ҳамма гап шундадир. Нега улар ўзларини шундай тутадилар? Орадан юз йиллар ўтса-да, нега улар ўзларини аввалгидай тутишда давом этмоқдалар? Нега Атлантанинг шаҳар четидаги худудидаги бўйигитлар чегара худудлари аҳолисидаги хулқ-атвори на-мойиш этмоқдалар?»<sup>18</sup>

Маданий мерос — қудратли омилдир. Унинг илдишлари чуқур ва ҳаёти узундир. У қон тўкилишига олиб келади ва касалликларнинг олдини олади. У авлоддан авлодга ўзгармай ўтиб келади, ҳолбуки, уни туғдирган иқтисодий, ижтимоий ва демографик омиллар аллақачон йўқликка юз тутган. Маданий мерос инсон хулқ-атвори шаклланишида ва атрофни қабул қилишида шу қадар муҳим ўринга эгаки, биз атрофимиздаги дунёни усиз тасаввур қила олмаймиз.

Тарихчи Дэвид Фишер шунга эътиборни қаратадики, бугун жануб туманларида саёҳат қилиб юрадиган истаган одам ҳозир ҳам дастлабки муҳожирларники каби талаффузни эшитиши мумкин. Илк кўчиб келганлар шундай гапирардилар:

«... where (қерда) ўрнига whar, there (шу ерда) ўрнига thar, hired (ёлланган) ўрнига hard, creature (моҳият) ўрнига critter, certain (ишончли), ўрнига sartin, going (ҳаракат бошлаётган) ўрнига a-goin, it (бу) ўрнига hit, hit (урмоқ) ўрнига heit, fire (олов) ўрнига far, deaf (қар) ўрнига deaf, poison (заҳар)

18 «Жанубда туғилганлик» феноменини тасдиқлаш учун, Коэн бир неча тажрибалар ўтказди ва натижа ҳамиша бир хил бўлади. «Бир марта биз талабаларни доимий жиғига тегиш билан ғазаблантиришга уриндик. Улар лабораторияга келдилар ва уларга болаликларидан эсда қолган манзарани чизишни таклиф қилдик. Лабораторияда тажрибанинг сохта иштирокчиси ҳам ўтирар ва ҳамманинг жиғига тегарди. У синалаётганларни жиғига тегиш учун ҳамма ишни қиларди: ўзи чизган суратни ғижимлар ва ахлат қутисига иргитаётгандай бўлиб, атай талабани нишонга оларди, унинг каламини олар ва атай қайтармасди, уни тентак деб атар, гап отарди: «Исмингни доскага ёзяман», — дер ва доскага «овсар» деб ёзарди. Шимолликлар камдан-кам ҳовлиқардилар. Жанубликлар аввал кўнгиллари бўшатар ва кейин тинчиб қолишарди. Лекин муайян вақтдан сўнг, шимолликларни ортда қолдириб кетардилар. Улар ғазабдан портлаб кетар ва ўзларини ўта тажовузкор тутардилар».

ўрнига pizen, naked (яланғоч) ўрнига nekkid, itch (қашламоқ) ўрнига eetch, bush (бута) ўрнига boosh, wrestle (олишув) ўрнига wrassle, chew (чайнамоқ) ўрнига chaw, push (итармоқ) ўрнига poosh, shut (ёпмоқ) ўрнига shet, bat (кўрсичқон) ўрнига ba-it, be (бўлмоқ) ўрнига be-it, narrow (тор) ўрнига narrow, window (дераза, ойна) ўрнига winder, widow (бева) ўрнига widder ва young (ёш, навниҳол, навкирон) ўрнига young-uns”.

Танияпсизми? Шева — маданий мероснинг бир қисми, вақт босими остида асраб қолинадиган шева. Яна қанча ўзига хос жиҳатлар аждодлардан худди шу тарзда мерос бўлиб ўтади? Агар бизнинг шу хулқ-атворимизнинг жиҳатларидан бирлари бизнинг ҳаётий муваффақиятларимизнинг асосида ётса, не ажаб?

Биз аллақачон кўриб ўтганимиздек, муваффақиятни биз яратамиз ўзимиз ишлаб чиққан қоидалар ва бизга берилган имкониятлар бунга асос бўлади. Китобнинг иккинчи қисми қуйидаги саволга жавоб излашга бағишланган: агар биз маданий меросга жиддий муносабатда бўлсак, одамларга ўз ишларида муваффақиятлироқ бўлишга мадад бера оламизми? Уйлайманки, ёрдам бера оламиз.

7-БОБ

## Самодаги ҳалокатли вазият

«Капитан, метеорадиолокатор бугун  
бизга анча ёрдам берди»

### 1

5 август, 1997 йил, Korean Air авиакомпанияси 801-рейсининг капитани соат олтида уйқудан уйғонди. Кейинчалик унинг оиласи терговчиларга айтишига қараганда, у спорт залида бир соат шуғулланиб, уйга қайтган ва Гуам оролига кечки парвоз режасини ўрганишга киришган. Кейин бироз ухлаб ҳам олади, тушлик қилади ва кундузги соат учларда Сеулга жўнайди. Хотинининг сўзларига қараганда, у олдинроқ йўлга чиққан, чунки халқаро аэропортга бориб, яна парвозга тайёрланмоқчи эди. Аввал у Корея ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилган, охириги тўрт йилда Korean Air учувчиси эди. У жами 8900 соат учган, бунинг 3200 соатини реактив самолётларда учганди. Бир неча ой олдин авиакомпания уни хавфсиз учгани учун тақдирлаган эди, чунки у кичик баландликда реактив самолёт двигателининг камчилигини тузата олганди. Ўзининг 42 ёшида у ажойиб соғлиққа эга эди, фақат ҳикоя қилишаётган ҳодисадан ўн кун олдин бронхити борлиги аниқланганди.

Кечки соат еттида ҳаво кемаси капитани ва борт инженери учиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни жамладилар. Улар «Боинг-747»да, учувчилар орасида классика ҳисобланган самолётда учишлари керак эди. Самолёт идеал ҳолатда эди: аввал унда Корея Президентининг шахсан ўзи учганди. «Боинг» терминалдан соат 22.30да йўлга тушди ва 20 дақиқадан сўнг ҳавога кўтарилди. Бортда 254 киши бор эди, уларнинг аксарияти ёш оилалар ва таътилга чиққанлар эди. Ҳавога кўтарилиш яхши ўтди. Соат 01:30 га яқин самолёт булутлар худудидан чиқди ва учувчилар жамоаси олисда жириланган чироқларни кўрди.



— Бу Гуамми? — сўради борт инженери. Бироз жимликдан сўнг ўзи жавоб берди: — Гуам, Гуам.

— Жуда соз! — жилмайди капитан.

Иккинчи учувчи авиадиспетчер хизматига самолёт «ёмғирли булутлар ҳудуди»дан чиққанини хабар қилди ва «сўлдаги олтинчи қўниш йўлагига радиолокация йўналирувчисини мослаш»ни сўради.

Самолёт қуйига эгила бошлади. Капитан улар визуал қўнишни амалга оширишларини айтиб, огоҳлантирди. У аллақачон Кимподан Гуамга саккиз маротаба, охирги маротаба бир ой олдин учган ва бу ерда маромида мўлжал оларди. Самолёт оёқлари чиқарилган. Ёпинчиқлар 10 градусга олдинга сурилган. Соат 01:41:48да капитан буюрди: «Ойна тозаловчилар ёқилсин», борт инженери буйруқни бажарди. Ёмғир бошланди. Иккинчи учувчи сўради: «Кўринмаяптими?» У учиш-қўниш йўлагини ахтарди, лекин кўролмади. Бир лаҳзадан сўнг ерга яқинлашишдан огоҳлантирувчи тизим хабар берди: «150 метр». Яъни самолёт ердан 150 метр баландликда эди. Унда нега улар учиш-қўниш йўлагини кўрмадилар? Яна икки секунд ўтди. Ҳайрон қолган борт инженери қайта сўради:

— Нима бўляпти ўзи?

Вақт 01:42:19 бўлганда иккинчи учувчи иккинчи марта қўниш йўлагига киришни таклиф қилди, яъни бошқатдан баландликка кўтарилиб, доирани айланиб, такрор қўнишга киришни сўради.

Яна бир секунддан сўнг борт инженери хабар қилди:

— Кўринмаяпти.

Иккинчи учувчи такрорлади:

— Кўринмаяпти. Иккинчи айланага қирамиз.

Соат 01:42:22да борт инженери яна такрорлади:

— Иккинчи доирага қиряпмиз.

01:42:23 да учувчи гапирди:

— Иккинчи доирага қиряпмиз.

Бироқ у самолётни кескин пастлашувдан чиқаришга улгуролмади.

Соат 01:42:26да самолёт Гуам аэропортидан тўрт километр жануби-ғарбий томонда жойлашган, қалин ўсимликлар қоплаган Нимиц-Хилл тепалигига урилди. 160 км/соат тезликда 212 тоннали 60 миллион доллар турадиган самолёт ерга

қулади. «Боинг» яна 600 метр масофага ерда судралди, нефт ўтказгични узиб юборди, қайин дарахтларини ағдарди, сўнг жарга қулади ва ёниб кетди. 228 нафар инсон ҳалок бўлди.

## 2

Korean Air томонидан илк хавотирли сигнал 1978 йил 20 апрелда эшитилганди, ўшанда «Боинг-707» ўз курсидан чиқиб кетган ва совет ҳарбий самолёти томонидан Баренц денгизида уриб туширилганди. Кейинги ўн йил мобайнида авиакомпаниянинг яна бешта самолёти ҳалокатга учради, 1990 йилларда, Гуамдаги фожиадан олдин, яна иккита самолёт ҳалокатга учраган: Цюрихда ва Жеджу-до оролида фожа юз берган.

1988 йилдан то 1998 йилгача Америка авиаташувчиси United Airlines сингари компанияларда ҳалокатга учраш кўрсаткичи ҳар миллионта учишдан 0,27 та бўлган, яъни, бошқача айтганда, ҳар тўрт миллион учишга битта ҳалокат тўғри келган. Худди шу даврда Korean Air компаниясининг ҳалокатга учраш кўрсаткичи ҳар миллион учишга 4,79 ҳалокат бўлган — яъни 17 баробар юқори.

Korean Air самолётлари шу қадар тез-тез ҳалокатга учраётгандики, АҚШнинг транспорт хавфсизлиги бўйича Миллий қўмитаси (NTSB), Гуамдаги ҳалокат ҳақида ҳисобот тайёрлаётиб, унга текширувлар бошланганидан то унгача бўлган барча ҳалокатлар рўйхатини илова қилишга мажбур бўлди. Гуамдаги ҳалокатдан сўнг бир йил ўтгач, Korean Airга тегишли «Боинг-747» Сеулдаги Кимпо аэропортига қўнаётиб ҳалокатга учради. Саккиз ҳафта ўтгач, Кореянинг Улсан аэропортида реактив самолёт ердан кўтарилишга улгурмай, учиш-қўниш йўлагидан чиқиб кетди. Март ойида эса McDonnell-Douglas 83 Поханг аэропортининг тўсинига урилди, яна бир ой ўтгач, йўловчи ташувчи самолёт Шанхайнинг одамлар яшайдиган туманига қулаб тушди. Агар NTSB ўз текширувини яна бир ой давом эттирса, бу рўйхатга Лондоннинг Станстед аэропортидан озроқ кўтарилган заҳоти қулаб тушган юк самолётини ҳам қўшган бўларди. Бу яна учувчилар хонасида огоҳлантирувчи сигнал 14 марта жаранглаганидан сўнг юз берди.

1999 йилнинг апрелида Delta Air Lines ва Air France ўзла-

рининг Korean Air билан ҳамкорлик битимларини тўхтатиб қўйишди. Жанубий Кореяда қўшинлари жойлашган АҚШ армияси ўзининг шахсий таркибига мазкур авиакомпания самолётларида учшни ман қилди. АҚШнинг Федерал авиация агентлиги Жанубий Кореянинг хавфсизлик рейтингини пасайтирди, Канада ҳукумати Korean Air раҳбариятини мамлакатнинг ҳаво майдонларидан мазкур авиакомпания самолётлари учиб ўтишини ман қиладиган қарор чиқариш масаласини жиддий кўриб чиқаётгани ҳақида огоҳлантирди.

Мазкур ҳодисаларнинг авж палласида жамоатчиликка Korean Air ташқи аудити ҳақидаги ҳисобот ошкор бўлди. Компания раҳбарияти дарҳол бу 40 саҳифали ҳужжатни «ўта шиширилган» ва «ишончли эмас» деб эълон қилди, бироқ бу пайтга келиб Korean Air обрўсини сақлаб қолиш имкони қолмаган эди. Ҳисоботда ёнилғи қуйиш пайтида команда омборхона олдида сигарета чекиб турганлиги, учиш пайтида сигаретани ёнғиндан хавfli бўлган ашёлар сақланадиган юкхона бўлинмасига олиб ўтганлиги каби вазиятлар батафсил баён қилинган эди. Мана, ёзувлардан бири: «Бутун парвоз давомида команда газета ўқийди ва уни шундай ушлаб турадики, газета сигнал чироғини ёпиб туради ва агар чироқ ёнаётган бўлса, уни кўриш имкони бўлмайди». Ҳисоботда, шунингдек, экипажларнинг маънавий-ахлоқий руҳияти пастлиги, тегишли қоидаларнинг кўп мартаба бузилганлиги ва классик «Боинг-747» самолётлари учувчиларининг етарли даражада тайёргарликдан ўтмаганлиги ҳақида сўз боради. «Иккинчи учувчилар, агар капитан билан бирор кор-ҳол бўлса, самолётни одатдаги ҳолатларда ёки экстремал вазиятларда қўндира олиши масаласида жиддий хавотирлар бор».

Шанхайдаги ҳалокат жамоатчиликнинг сабр косасини батамом тўлдирди, шундан сўнг Корея Президенти Ким Дэ Жун бошқа сукут сақлаб туrolмасди. «Korean Air муаммолари битта алоҳида олинган компаниянинг муаммоси эмас, бу бутун мамлакатнинг муаммосидир, — деб баёнот берди у. — Мамлакатнинг обрў-эътибори хавф остида қолди». Мазкур баёнотдан кейин Дэ Жуннинг ўзи Korean Air самолётлари билан эмас, унинг ёш рақобатчиси Asiana авиакомпанияси самолётларида уча бошлади.

Ва бирдан кичкинагина бир мўъжиза юз берди. Korean Air батамом ўзгарди. Ҳозирги пайтда бу авиакомпания хавф-

сиз учиш бўйича SkyTeam Alliance авиаташувчиларнинг мўғтабар альянсида фахрий ўринни эгаллаб турибди. 1999 йилдан бошлаб, унинг ҳисоботларига бирорта қора доғ тушмаган. 2006 йилда Air Transport World журнали компанияга ўзгаришларни тан олган ҳолда Phoenix Award мукофотини топширди. Бугун исталган эксперт шуни тасдиқлайдики, бу авиаташувчи бошқа ҳар қандай авиаташувчидан хавфсизроқ.

Бу боб мобайнида биз қора қутилларнинг ёзувлари таҳлилини ўрганамиз, ўша парвоз қандай об-ҳаво шароитларда ўтганини аниқлаймиз, жойнинг ўзига хосликларини билиб оламиз, Гуамдаги ҳалокатни бошқа шунга ўхшаш ҳалокатлар билан қиёслаймиз — буларнинг барини Korean Airlines компаниясида нима меъёрдан чиққанлигини ва қай тарзда мўъжизавий эврилиш юз берганлигини аниқлаш учун қиламиз. Бу чалкаш ва айрим ўринларда ғалати бир тарихдир. Бироқ унинг асосида битта оддий факт ётади — у бизга аллақачон Розето, Харлан ва мичиганлик талабалар орқали танишдир. Korean Airlines миллий маданий ўзига хосликларга эътибор қилганидан кейингина муваффақиятга эришди.

### 3

Реал ҳаётдаги ҳалокатлар аксарият ҳолларда кинодагисига ўхшамайди. Механизмнинг ишдан чиққан, синган ускунаси кинодаги каби титрамайди ва тутун, олов учқунлари орасида шиқирламайди. Биринчи учувчи тўсатдан: «Эй, Худо!» деб қичқириб юбормайди. Росмана ҳаётда ҳалокатлар аста-секин тўпланадиган ва қор парчаси каби бир-бирига ёпишиб катталашадиган сезилар-сезилмас майда-чуйдалардан бошланади.

Дунё тарихидаги энг овоза бўлган техноген ҳалокатлардан бири 1979 йилда Пенсильвания штатидаги Тримайл оролида жойлашган атом электростанцияси ядро реактори фаол зонасининг қисман эриши туфайли юз берди. Мазкур фожиа Америка атом энергетикасида чуқур инқирозни юзга келтирди, бу инқироздан соҳа ҳалигача чиқа олгани йўқ. Бироқ, дастлабки ходисалар воқеаларнинг бу қадар фожийалигидан далолат бермаганди. Ҳаммаси ўзига хос улкан сув филтрининг тикилиб қолишидан бошланди. Натижада сув ҳаво орқали совитиш тизимига сизиб ўтди, бу эса икки-

та клапаннинг автоматик тарзда ўчириб қўйилишига олиб келди ва буғ генераторига совуқ сувнинг келишини тўхтатди. Барча ядро реакторларида бўлгани каби, «Тримайл-Айленд»да шунақа вазиятлар учун ўрнатилган захира совитиш тизими мавжуд эди. Лекин ўша кун, қандайдир ҳалигача аниқланмаган ва биров тушунтиролмаган сабабга кўра, захира тизимнинг клапанлари ҳам ёпиқ эди, оператор пультадаги клапанлар ёпилиб қолганидан хабар берадиган чироқни тузатиш зарурлиги ҳақидаги тутқиқча илинган қоғоз ёрлиқча бекитиб турарди. Бунақа ҳолат учун яна битта захира тизими — махсус олдини олувчи клапан кўзда тутилганди. Бахтга қарши, ўша кун у ҳам ишламади. У очик ҳолатда қотиб қолганди, ҳолбуки у ёпиқ бўлиши зарур эди. Вазият яна шу билан чуқурлашган эдики, операторларга ишламаётган клапан олдини олиш ҳақида хабар бериш ускунаси ҳам ишламас эди. АЭС инженерлари нима юз берганини англаганларида, реактор қарийб эриб бўлганди.

«Тримайл-Айленд»да ҳеч қанақа катта камчилик юз бермаганди. Фалокатта бешта бир-бирига боғлиқ бўлмаган, тасодифий ҳодиса сабаб бўлганди, уларнинг ҳар бири алоҳида олганда атом станциясининг кундалик ишида қисқа муддатда тузаладиган камчилик ҳисобланарди. Юз берган фожианинг сабаби атом станциясининг аслаҳасида ёки унинг конструкцияси хатолигида эмас. Жиҳоз-аслаҳаларнинг камчилиги жузъий эди. Ҳамма гап шундаки, кимдир захира клапанларни беркитган ва бу ҳақда совитиш тизими учун масъул кишини огоҳлантирмаган; кимдир оператордан чироқнинг қанчалар муҳимлигини сўрамасдан, чироқни ёрлиқ билан бекитиб қўйган; сақлагич клапанини кузатиб турадиган шахс унинг ишлаш-ишламаслигини ўз вақтида текшириб қўймаган. «Тримайл-Айленд» АЭС фожиасининг сабаби ядро реакторини лойиҳалашдаги хатолар эмас, операторларнинг мураккаб технологик операциялар талаб этган даражада самарали, тезкор ва тўсиқсиз ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатини таъминламаганлигидир.

Авиаҳалокатлар ҳам шу қоидаларга бўйсунди. Самолёт бортига кўтарилар эканмиз, биз двигателнинг ёниб кетиши ёки юқорига кўтарилишда рулнинг қотиб қолиши сингари фалокатлардан кўрқамиз. Аммо бунақа ҳолатлар камдан-кам юз берган. Одатдаги замонавий тижорат авиалай-

нери ишончилиги жиҳатидан деярли тостердан кам эмас. Аксарият вазиятларда авиаҳалокатлар майда камчиликларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши ва тасодифий шарт-шароитлар туфайли содир бўлади.

Кўпинча ҳалокатларга ёмон об-ҳаво сабаб бўлади; даҳшатли даражада бўлмаса-да, учувчи одатдагидан кўпроқ асабийлашиши учун етарли бўлган об-ҳаво. Аксарият ҳолларда самолёт кечикиб учади ва учувчилар шу туфайли шошилишади. 52 фоиз вазиятларда учувчи 12 соатдан зиёд тўхтовсиз ишлайди, шунинг учун секин фикрлайди. 44 фоиз-вазиятларда иккита учувчи биринчи марта бирга учаётган бўлади ва бир-бирини унчалик тушуниб, киришиб кетиши осон бўлмайди. Кейин қаторлашиб хатолар юзага келади. Одатий ҳалокат инсон омили билан боғлиқ ҳолда хатоларнинг изчиллиги туфайли юз беради. Учувчилардан бири хатога йўл кўяди, бу хато ўз-ўзича машғум, ҳалокатли хато бўлмайди. Бу хато бошқа иккинчи учувчининг хатосига қўшилади, иккинчи хато биринчисига қўшилиб ҳалокатга олиб келади. Бироқ кейин улар яна бир хатога йўл қўйишади, кейин яна бир хато, яна, яна ва яна... Хатоларнинг қаторлашуви натижасида ҳалокат юз беради.

Бундан ташқари, бу хатолар камдан-кам ҳолатда билмаслик ёки маҳоратсизлик сабабли юз беради. Гап учувчи қандайдир техник манёврни бажара олмаслигида эмас. Сабаб, «Тримайл-Айленд» вазиятидаги каби, жамоавий ишнинг самарасизлиги ва ахборот алмашувнинг йўқлигидадир. Учувчиларнинг бирида муҳим ахборот бор, лекин у буни бошқаларга етказмайди. Бир учувчи хато қилди, аммо иккинчи учувчи буни сезмади. Муаммоли вазият қадамларнинг мураккаб изчиллигидан иборат қарорни талаб қилади, бироқ ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиши зарур бўлган, аммо буни нимагадир қила олмаган учувчилар битта ҳаракатни ўтказиб юборишади.

«Самолётнинг учувчилар хонаси шундай лойиҳалаштирилганки, бошқарув иккала учувчининг қўлида бўлади ва идеал ҳолатда уларнинг бири иккинчисини кузатиб туради ёки улар бир-бирларини кузатадилар, — дейди кўп йиллар «Боинг» компаниясида хавфсизлик бўйича бош инженер бўлган Эрл Уинер. — Самолётлар хатони кечирмайдилар. Бу ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди, яъни бир учувчи самолётни

бошқариб, иккинчи учувчи, агар шериги қобилиятини йўқотиб қўйса, бошқарарман, деб, шунчаки ёнида ўтирганидан кўра, биргалиқда самолётни бошқарса, хавфсизликни яхшироқ сақлайдилар».

Авиакомпанияда хавфсизлик нуқтаи назаридан муаммолар бор, деганда биз ўта ўзига хос нарсаларни назарда тутамиз. Гап самолётларнинг техник носозликларида эмас. Учувчиларнинг малакасида ҳам эмас. Ва ҳатто хавфсизлик қоидаларининг жузъий бузилишларида ҳам эмас. Бошқача айтганда, тахмин қилинаётган Korean Air учувчиларининг ёнилғи қуйиш пайтида сигарет чекиши ва учиш пайтида газета ўқиб ўтиришини, албатта, эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бироқ бу муаммолар, уларнинг қанчалик жиддий бўлишига қарамасдан, ҳалокатнинг ҳақиқий сабаблари эмас. Ҳақиқий сабаб учувчиларнинг қай тарзда ахборот алмашувидадир.

#### 4

1990 йил 25-январнинг оқшом пайтида Колумбиянинг Avianca авиакомпаниясининг 052-рейсини амалга ошираётган авиалайнери Нью-Йоркдаги Кеннеди Халқаро аэропортига етишга яқин қолганда қулаб тушди. Медельин шаҳридан учган ҳаво кемасининг капитани Лауреано Кавьедес эди, иккинчи учувчи — Маурицио Клотц бўлган. Ўша куни юз берган авиаҳалокат етти йил ўтгандан сўнг Гуамда юз берган авиаҳалокатга шунчалик ўхшайдики, уни ўз суриштирувизининг бошланғич нуқтаси деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ўша кун ҳаво унчалик яхши эмасди. Шарқий қирғоқни шимолий шарқдан келаётган пўртана қоплаган, у эса қалин туман ва кучли эсадиган шамолни олиб келганди. Нью-Йорк аэропортида 203-рейсни бекор қилишганди, Ла-Гуардиа аэропортида — 200, Филадельфияда — 161, Бостондаги Логан аэропортида — 53, Кеннеди аэропортида — 99 та рейс бекор бўлган. Ёмон об-ҳаво туфайли авиадиспечерлик хизмати самолётнинг Нью-Йоркка қўнишини уч марта қолдирганди. Аввал у 19 дақиқа Виржиниядаги Норфолк тепасида айланади, кейин 29 дақиқа Атлантик-Сити тепасида айланади, сўнг яна 29 дақиқа Кеннеди аэропорти йўлида, 65 километр жануброқда айланиб юрди.

Қарийб бир соатлик ҳавода ушлаб туришдан сўнг, экипаж қўнишга рухсат олди. Ердан 150 метр баландликкача пасайган самолёт шамолнинг силжиш зонасига кирди. Бироз вақт у қарши томондан кучли шамол эсан ҳолда учди, бу учувчиларни қўнишда инерцияни сақлаш учун двигателларни кучли қувват билан ишлатишларига ундади.

Кейинги секундда қаршидан келган шамол тўсатдан тинчиди, натижада самолёт учиш-қўниш йўлагига қўниш учун катта тезликда уча бошлади. Бунақа пайтда одатда шамолнинг силжишларига тезда жавоб берадиган автопилот ишга туширилади. Бироқ самолётда автопилот бузилган эди, шунинг учун уни ўчириб қўйишди. Сўнги сонияда учувчи самолётни яна юқорига кўтарди ва иккинчи марта қўнишга қарор қилди. Самолёт Лонг-Айлендни айланиб, яна Кеннеди аэропортига яқинлашди. Двигателларнинг бири тўсатдан ишламай қолди. Бир неча дақиқадан сўнг иккинчиси ҳам ишдан чиқди. «Менга йўлакни кўрсата қолсанглар-чи!».— бақирди учувчи жон-жаҳди билан, у аэропортга яқин қолган ва нимадир қилиб йўлакка қўндираман, деган умидда эди. Бироқ Кеннеди аэропортигача 25 километр бор эди. «Боинг-707» Лонг-Айленднинг Ойстер-Бей шаҳарчасидаги машхур теннисчи Жон Макэнройнинг отасига тегишли ер майдонига қулаб тушди. 158 пассажирдан 73 киши ҳалок бўлди. Ҳалокат сабаби ўша куниёқ маълум бўлди: ёнилғи етмаган. Ҳеч қанақа техник камчилик бўлмаган. Аэропортда ҳеч қанақа муаммо йўқ. Учувчилар маст эмасди ва гиёҳвандлик моддалари таъсири остида ҳам эмасди. Шунчаки самолётда ёнилғи тугагани.

## 5

«Бу классик ҳолат», — дейди Emirates Airlines авиакомпаниясининг ветеран учувчиси Сурен Ратватт. Кўп йиллар у инсон омилини ўрганиш — инсонларнинг самолётлар ёки дейлик, атом электростанциялари сингари мураккаб механизмлар билан ўзаро ҳаракатини таҳлил қилиш билан шуғулланган. Ратваттнинг асли келиб чиқиши Шри-Ланкадандир. Унинг ёши элликка яқинлашган ва у бутун умри давомида бизнес авиациясининг реактив самолётларида учган. Биз Манхэттендаги «Шератон» меҳмонхонаси вестибю-



лида суҳбатлашяпмиз. Шу бугун ҳам у Дубайдан узоқ вақт учиб келишдан сўнг Кеннеди аэропортига Emirates Airlines самолётини қўндирди. Ратватт Aviapса авиакомпаниясининг «Боинг» самолёти кулаши тарихини яхши биладиган одам сифатида авиаҳалокатга олиб келган одатий сабабларни бирин-кетин санай бошлайди. Шимоли-шарқий шамол. Рейсинг қолдирилиши. Автопилотнинг техник носозлиги. Қўнишнинг уч марта қолдирилиши, диспетчерлик хизмати самолёти узоқ вақт давомида самода айланиб юришга мажбур қилган — бу дегани фақатгина 80 минут кўпроқ учишгина эмас. Бу кичик баландликда учиш минутларидир, бунақа баландликда самолёт булутлар устидаги сийраклашган ҳавода учишга нисбатан кўпроқ ёнилғи сарфлайди.

«Улар «Боинг-707» самолётида учишган, у бошқариш анча мураккаб бўлган ҳаво кемасидир, — деб тушунтиради Ратватт. — Бу эски авлод моделидир. У анча ташвиш келтиради. Бошқарув тизимларида гидроприводлар мавжуд эмас, уларда самолёт рули ясиликлари билан қайиш узатгичлар ва металлдан бўлган кучни узатиш штангалари орқали уланган. Бундай ҳаво кемасини фақат жисмонан кучли одам бошқара олади, чунки камида кемада эшкак эшувчиларникидан кам бўлмаган куч сарфланади. Бугун мен учаётган самолётни бармоқ учларни енгил босиш билан бошқариш мумкин. Менинг ҳозирги самолётимдаги учувчи хонасида улкан асбоблар бор, у самолётда улар қаҳва финжони каби эди. Яна уларда автопилот синган эди. Шунинг учун капитан шу қаҳва финжонидан кичкина ўлчов асбобларини ҳам кузатиб турган, ўнг қўли билан тезликни назорат қилган, чап қўли билан эса самолётни бошқарган. Капитан бўлак-бўлакларга бўлинган ва бошқа нарсага кучи қолмаган. Чарчаган одам билан айнан шу нарса юз беради: унда қарор қилиш қобилияти сусаяди. У ҳар қандай бошқа одам сезадиган нарсани сезмай қолади».

Авиаҳалокат жойида топилган қора қутининг ёзувларидан аён бўладигани, парвознинг охириги соатида капитан Кавьедес доимо авиадиспетчерлик хизматидан операторнинг кўрсатмаларини испан тилида беришни сўраган, гўё унинг кучи деярли қолмаган, чарчоқдан инглиз тилини тушуниши қийин бўлган. У тўққиз марта кўрсатмани такрорлашни сўраган. Охирида илтимос қилган: «Қаттиқроқ такрорланг,

эшитолмаяпман». Самолёт Кеннеди аэропортининг жануби-шарқий томонида айланганда, — кабинадаги барча учувчилар ёнилғи оз қолганини билганлари ҳолда, — капитан Филадельфияга қўнишни сўраши мумкин эди, унғача борйўғи 104 километр масофа бор эди. Аммо у бундай қилмади. Демакки, унинг миясига Нью-Йорқдан бошқа нарса кирмаган. Қўнишга кириш жараёнида ерга яқинлашувни огоҳлантирадиган тизим 15 мартача қуйига тез эгилаётгани ҳақида огоҳлантирган, бироқ капитан бу огоҳлантиришларни ҳатто эшитмаган. Қўниш бекор қилинганидан сўнг, у дарҳол иккинчи доира учун кўтарила бошлаши керак эди — бироқ у буни қилмаган. Капитан буткул ҳолдан тойган эди.

Экипаж хонасида ҳамма вақт жимлик ҳукм сурган. Кавьедеснинг ёнида иккинчи учувчи, Маурицио Клотц ўтирган, бироқ қора кутидаги ёзувларда узоқ жимликлар бор, бу вақтда самолёт моторининг гувуллашидан бошқа овоз эшитилмайди. Клотцнинг вазифалари ичида авиадиспетчерлик хизмати билан сўзлашувларни олиб бориш вазифаси бор, бошқача айтганда, у мутлақо муҳим вазифани бажаради. Бироқ ўша куни у ўзини жуда суст тутди. Яқиндаги қўшимча аэропортга етиб бориш учун ёнилғи етишмаслигини Клотц учинчи марта қўниш рад этилгандан кейингина айтиди. Авиадиспетчердан қуйидаги кўрсатма келади: «Ўзларингни тутинглар» ва «Кеннеди аэропортига қўнишга руҳсат берилди». Кейинроқ терговчилар қуйидаги тахминни ҳам илгари сурадилар, Avianca экипажи ўзича авиадиспетчерлар Кеннеди аэропортига қўнишни кутиш зонасидаги ўнлаб олдинги рейсларни орқага суриб, ўзларини олдинга қўйди, деб ҳисоблашади. Аслида эса уларни олдинга ўтказишмаган, аксинча навбатнинг охирига суришган. Айнан ана шу фожиали тушунмаслик «Боинг-707» тақдирини ҳал этган. Учувчилар бу масалани аниқлаштиришга уринишганми? Йўқ. Улар яна 38 дақиқа буни умуман тушунишмаган.

## 6

Ратватт экипаж хонасидаги жимликни ҳеч ҳам тушунтира олмаётган эди. Биз меҳмонхона вестибюлида суҳбатлашар эканмиз, у менга Дубайдан учиб келишдаги рейс мобайнида эрталаб рўй берган ҳодисани сўзлаб беради. «Самолётда

бир ҳинд хонимнинг соғлиғи ёмонлашиб қолди. У тинмай қалтирар ва қусар эди. Унинг аҳволи буткул оғир эди. У эри билан Америка Қўшма Штатларида яшайдиган қизларини кўргани бораётганди. Эри на инглизча, на ҳиндча гапира олмасди, фақат панжоб тилида сўзлай оларди. Кўриниши ҳам ҳозиргина Панжобдаги қишлоқдан чиққандай эди, қолаверса уларнинг пуллари ҳам йўқ эди. Биз айнан Москва устидан учаётган эдик, аммо мен уларни бу ерда қолдирсам, нима бўлишини билмасдим. Иккинчи учувчига буюрдим: «Бошқаришни қўлга ол. Биз Хельсинкига учамиз».

Ратваттнинг қаршисида муаммо пайдо бўлди: улар узун маршрутнинг ярминигина ўтганлар, бу эса ҳали самолётнинг бакларида одатда қўниш пайтида бўлиши керагидан жуда катта ҳажмда ёқилғи борлигини англатади. «Бизда салмоқли оғирлик мавжуд эди, максимал қўниш оғирлигидан 60 тонна зиёд ёқилғи бор эди. Мен қарор қабул қилишим керак эди. Ёқилғини ҳавода оқизиб юбориш мумкин эди, лекин бу унчалик мақбул иш эмас. Самолётни у ҳолда қайгадир Болтиқ денгизи устига жўнатишарди, бунга яна қирқ дақиқа кетарди. Кекса бемор хоним ўлиб қолиши мумкин эди. Мен самолётни кўндиришга қарор қилдим. Бу менинг қарорим эди».

Самолёт вазни оғир ҳолда қўниш томон борарди. Автопилотдан фойдаланиб бўлмайди, чунки у бундай ҳолатни кўзда тутмайди.

«Шундай ҳолатда мен бошқарувни ўз қўлимга олдим, — давом этади Ратватт. — Қўниш жуда юмшоқ ўтиши керак, акс ҳолда оғир юкли самолёт вазни босимидан шикастланади ва ҳаммаси расво бўлади. Бунинг устига, агар сиз оғир юк остида қуйига эна бошласангиз ва қўнолмай, кейин иккинчи давра айланиб яна бир бор қўнолмай бўлсангиз, яна кўтарилиш учун тортиш кучи етмаслиги мумкин.

Қаршимизда мураккаб муаммо турарди, ҳаммасини батафсил ўйлаш керак эди. Рейс жуда олис бўлгани учун мен билан икки учувчи бирга эди. Мен уларни ҳам уйғотдим ва ишга солдим. Заҳирадаги экипажнинг тўрт одамини ҳам ҳаммасини мувофиқлаштириб туриш учун ишга жалб қилдик. Мен аввал Хельсинкига учмаганман ва шунинг учун у ернинг аэропорти ва учиш-қўниш йўлаклари қанақалигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Мен нотаниш аэропортнинг

ҳаво ҳаракати тизимга киришим ва компанияга ўз ҳаракатларим ҳақида хабар беришим керак эди. Мен бир вақтнинг ўзида самода туриб Дубай билан, Medlink билан, Аризонадаги мени шифокорга улаган махсус хизмат билан ва салонда бемор аёлга қараётган икки доктор билан суҳбатлашардим. Қирқ минут тўхтовсиз шу тариқа ўтди.

Омадимиз бор экан: Хельсинкиа об-ҳаво яхши эди. Ёмон об-ҳавода, яна оғир юк билан ва номаълум аэропортга қўниш — бундан оғири борми?! Бахтимизга, фин диспетчерлари яхши тайёрланган ва тез мўлжални ола биладилар. Мен уларни огоҳлантирдим: «самолётнинг вазни оғир, биз шамолга қарши қўнсақ, яхши бўларди». (бунақа вазиятда тезликни бироз пасайтириш имкони бор.) «Яхши, қўнаверинг», — жавоб беришди улар ва бизни ўзлари одатда қўндирадиган киришдан бошқа томонга йўналтиришди. Биз шаҳарнинг устидан айланиб учдик, холбуки одатда шовқин халақит қилмаслиги учун шаҳар устидан училмайди».

Бу вазият Avianca компаниясининг 052 рейсидаги каби жуда хавфли эмасди. Бироқ Ратваттдан нималар талаб қилинганини тасаввур қилинг. Албатта, қўниш учун мумкин бўлганидан 60 тонна оғир вазнли самолётни қўндириш учун у яхши учувчи бўлиши ва етарлича техник кўникмаларга эга бўлиши керак. Бироқ Ратваттга бу вазифани бажаришга ёрдам берган қолган барча нарсалар учувчилик маҳоратидан ташқари нарсалардир.

У самолётни синдириб, пачақлаб қўйиш хавфи ва йўловчи аёл ҳаётига бўлган хавфни таққослаши керак эди ва кейин, қарор қабул қилгач, яна таҳлил этиши шарт эди: бемор хоним учун қай бири яхшироқ — Хельсинкида бўлишми ёки Москвада бўлишми? У аввал ҳеч қачон бўлмаган аэропортнинг параметрлари билан тезда танишиши лозим эди: бу аэропорт қўниш мумкин бўлганидан 60 тонна оғир бўлган ҳаво кемасини қабул қиладими? Аммо унинг қаршисида турган энг мураккаб масала — йўловчилар, шифокорлар, иккинчи учувчи, уйғотиб олинган иккинчи экипаж аъзолари, Дубайдаги бошлиқлар, Хельсинкидаги диспетчерлар билан гаплашиш эди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, аёлнинг дарди кўзиганидан то Хельсинкига қўнгувча ўтган 40 дақиқа ичида кабинада бир неча сонияга бўлса-да жимлик бўлмаган. Ратваттга *ўзаро ҳаракат қилиш* вазифаси юкланган — у

шунчаки буйруқ бериб қолмасдан, кимларнидир кўнглини кўтариши, кўндириши, тинчлантириши, музокаралар олиб бориши ва ахборот алмашиши керак эди. Буларнинг барини имкон қадар аниқ ва тушунарли бажариш лозим эди.

## 7

Таққослаш учун Avianca 052 рейси учувчилар хонасидаги биринчи марта кўниш бекор қилингандаги суҳбатлар ёзувини келтираман. Ҳаво ҳамма нарсани бузиб турибди. Туман шу қадар қуюқки, Кавьедес ва Клотц қаерда эканликларини билолмаяптилар. Бироқ, сиз улар ўртасидаги диалогнинг мазмунига эмас, шаклига эътибор беринг. Хусусан, гаплар орасидаги жимликларга ва Клотц эътирозларининг характерига диққат қилинг.

Кавьедес: Йўлак, йўлак қайда? Мен уни кўрмаяпман. Кўрмаяпман.

Улар шассини чиқаришади. Капитан Клотцга янги маршрутни сўрашни буюради. Яна 10 сония ўтади.

Кавьедес (гўё ўзи билан ўзи гаплашгандай): Ёнилғимиз йўқ...

17 сония ўтади, бу пайтда учувчилар техник қўлланмалар билан алмашишади.

Кавьедес: Кўниш йўлаги нима бўлганини тушунолмайман. Мен уни кўрмаяпман.

Клотц: мен ҳам кўрмаяпман.

Диспетчер уларга чап томонга қайрилиб олиш кўрсатмасини беради.

Кавьедес: Хабар бер, бизда ҳалокатли вазият.

Клотц (диспетчерга): Тасдиқлайман, курс бир юз саксон, биз яна уриниб кўрамиз, дарвоқе, бизда ёнилғи тугаяпти.

Бу пайтда экипаж кабинасида нималар бўлаётганига эътибор беринг. Ёнилғи даҳшатли тарзда етишмаяпти. Кўнишга биринчи уриниш амалга ошмади. Экипаж самолёт яна ҳавода қанча вақт тура олиши ҳақида тасаввурга эга эмас. Капитан дарғазаб: «Хабар бер, бизда ҳалокатли вазият...» Клотц эса нима дейди? «Тасдиқлайман, курс бир юз саксон, биз яна уриниб кўрамиз, дарвоқе, бизда ёнилғи тугаяпти».

Айтиш керакки, «бизда ёнилғи тугаяпти» деган ибора учиш хавфсизлигини таъминлаш терминологиясида би-

рон-бир маънога эга эмас. Манзил охирига яқин келганда барча самолётларнинг ёнилғиси у ёки бу тарзда тугайди. У 052 рейсида ёнилғи бошқа қўшимча аэропортга бориш учун етмаслигини айтмоқчимми? Ёки улар ёнилғи тугашидан хавотирда эканликларини айтмоқчимикан? Кейин сиз асосий гапнинг тузилишига эътибор қаратинг. Клотц, керагидай, диспетчернинг кўрсатмасини тасдиқлайди, ўзининг ёнилғи борасидаги хавотирини фақат луқмасининг иккинчи қисмида билдиради. Бу худди ресторанда: «Ҳа, яна битта қаҳва келтиринг, илтимос, дарвоқе, томоғимга товуқ суяги тикилиб қолди», – деб гапиришга ўхшайди. Официант бунақа гапни жиддий қабул қилармикан? Клотц сўзлашган диспетчер кейин буни тасдиқлайди: «мен бу гапни шунчаки айтилган деб тушундим». Довулар пайтида диспетчерлар ёнилғи камлиги ҳақидаги луқмаларни учувчилардан тез-тез эшитадилар. Клотц гап бўлаклари орасига қўйган «дарвоқе» сўзи айтганларининг муҳимлигини пасайтиради. Ўша куни 052 рейсини бирга олиб борган иккинчи диспетчернинг сўзларига қараганда, иккинчи учувчи «ҳаяжонсиз оҳангда... вазиятнинг жиддийлигини билиб бўлмайдиган ҳолатда» сўзлаган.

## 8

Клотц самолётдаги ҳолатни диспетчерга хабар қилган гапни тилшунослар юмшатувчи усул деб аташади, бу талаффуз қилинадиган гапнинг маъносини силлиқлаштиришга уринишдир. Биз мазкур усул орқали эҳтиром кўрсатамиз, уялганимиз ёки ҳаё қилганимизни билдирамыз ёхуд юқори лавозимдаги кишига ҳурматимизни билдирамыз. Агар сиз бошлиқ бирор айтганингизни қилишини истасангиз, ундан: «Душанбагача ҳаммаси тайёр бўлсин!» деб талаб қилмайсиз, аксинча, гапингизни юмшоқроқ айтишга уринасиз: «Агар бу кўп вақт олса, овора бўлиб ўтирманг. Аммо дам олиш кунлари вақт топа олсангиз ва шу ҳужжатларни кўриб чиқсангиз, миннатдор бўлар эдим». Бундай ҳолатда юмшатиш жуда ўрнида ишлатилган. Бошқа вазиятларда масалан, ҳалокатга учраш ҳолатидаги самолётнинг кабинасида, у фақат халақит қилади.

Тилшунослар Уте Фишер ва Жудит Орасану шундай тажриба ўтказдилар: улар капитанлар ва иккинчи учувчилар гу-

руҳига гипотетик вазиятни таклиф қилдилар ва вазиятга ўз жавобларини ифода қилишни илтимос қилдилар:

«Сиз метеорадиолокаторни кўриб, 40 километр олдинда сезиларли даражада кучли ёмғирлар борлигини кўрдингиз. Учувчи, мазкур ҳудудда яширин чақмоқлар ва бир қадар турболентлик мавжудлиги ҳақидаги хабарга қарамасдан, самолётни олдинги курс билан 0,73 Мах тезликда бошқармоқда. Сиз бу ҳудудни айланиб ўтишни истайсиз.

Савол: сиз учувчига нима дейсиз?»

Фишер ва Орасанунинг фикрича, учувчини камида олтига усул билан курсни ўзгартиришга ишонтириш мумкин, уларнинг ҳар бири юмшатиш даражасига қараб фарқ қилади.

1. Буйруқ: «30 градус ўнгга бурилиш». Бу фикрни энг дангал ва аниқ ифодалаш усулидир. Юмшатиш усули ишлатилмаган.

2. Қатъий тавсия: «Ўйлайманки, биз дарҳол ўнгга бурилишимиз керак». «Биз» ўриндоши ишлатилганлигига ва талабнинг у қадар муайян эмаслигига эътибор беринг. Ифода бир қадар юмшатишган.

3. Таклиф: «Келинг, ноқулай об-ҳавони четлаб ўтамиз». Бу ерда билдирилган маъно шу: «Биз биргаликда эплаймиз».

4. Сўров: «Сиз қайси томонга бурилишни истар эдингиз?» Бу гапнинг янада юмшоқ вариантдир, чунки гапирувчи ўзининг асосий шахс эмаслигини эътироф қилмоқда.

5. Афзал кўриш: «Ўйлайманки, ўнгга ёки сўлга буриш лозим».

6. Ишора: «Бу ёгингарчиликлар яхшиликка олиб келмайди». Ўта юмшоқ вариант.

Фишер ва Орасану аниқлашларича, бундай ҳолатларда капитанларнинг аксарияти буйруқ берган бўлардилар: «30 градус ўнгга бурилиш амалга оширилсин». Ахир улар унвонига кўра кичикларга мурожаат қилмоқдалар. Улар юмшоқ бўлиш учун ҳаракат қилишга мажбур эмаслар. Иккинчи учувчилар эса, аксинча, унвони юқориларга мурожаат қилмоқдалар, шунинг учун энг юмшоқ вариантни — ишорани танлайдилар.

Фишер ва Орасану чиқарган хулосаларни ўқиб таҳликага тушмасдан бошқа илож йўқ: ахир ишора энг англаниши қийин бўлган гап ва бундай илтимосни рад этиш осон. 1982

йилда Колумбия округида, Вашингтон яқинида қайғуси билан ҳамманинг тилига тушган Air Florida рейси ҳалокатга учради. То самолёт кулагунча, иккинчи учувчи уч марта капитанни қанотлар хавфли тарзда музлаётгани ҳақида хабардор қилишга уринди. Бироқ, унинг қандай огоҳлантирганини тингланг — фақат ишоралар билан:

— Қаранг, музлаяпти, ана, ана, кўряпсизми?

Кейин:

— Кўряпсизми, қанча сумалакчалар осилиб турибди орқада, балки бошқа жойларда ҳам бордир?

Ниҳоят:

— Эҳ, музни кетказишга уриниш бефойда, улар сохта хавфсизлик ҳиссини беради, холос.

Учишга рухсат олиб, иккинчи учувчи ўзининг фикрларини таклиф даражасига етказди:

— Келинг, юзаларни яна бир марта текшираамиз, барибир ҳали бир оз вақт шу ерда бўламиз-ку, ахир.

Капитан:

— Ўйлашимча, бир дақиқадан кейин учамиз.

Самолёт Патомак дарёсига қулаши олдидан иккинчи учувчи капитанга айтган энг сўнгги гап на ишора, на таклиф, на буйруқ эди, бу одатий фактни таъкидлаш бўлди. Бу гап капитан унинг гапига кўшилди.

Иккинчи учувчи:

— Ларри, биз қулаяпмиз, Ларри.

Капитан:

— Кўряпман.

Юмшатиш усули авиаҳалокатларнинг энг катта жумбоқларини ҳам тушунтиради. Тижорий авиакомпанияларда экипаж капитанлари ва иккинчи учувчилар учиш вазифаларини тенг тақсимлаб олишади. Аммо тарихнинг гувоҳлигига қараганда, ҳалокатлар кўпроқ капитанлар «бош ролда» бўлганида юз беради. Аслида, бу гап нотўғри бўлиши керак эди, чунки одатда катта тажрибага эга учувчилар капитан бўладилар.

Келинг, яна бир марта Air Florida самолётининг ҳалокатига мурожаат қиламиз. Агар у капитан вазифасини бажарганда, у уч марта ишора қилиб ўтирармиди? Йўқ, у буйруқ берарди ва самолёт ҳалокатга учрамаган бўларди. Агар лайнерни тажрибаси кам учувчи бошқарса, учиш хавфсизроқ



бўлади, чунки иккинчи учувчи вазиятни қандай бўлса, шундайлигича айта олади.

Охирги йилларда гапни юмшатиш усуллариға қарши кураш тижорат авиациясида том маънодаги долзарб масала тусини олди. Энди ҳар бир салоҳиятли авиакомпания команданинг кичик аъзолари ўз фикрини аниқ ва ишончли ифодалашига ўқитадиган, учувчилар имкониятларидан фойдаланишни оптималлаштирадиган дастурларни жорий этмоқда. United Airlines учувчиларини хавфли вазиятларда ўз хавотирини аниқ ва очиқ ифодалашга имкон берадиган CUSS стандартлаштирилган тизими бўйича ўқитади. («Капитан, мени хавотирга солмоқда...», «Капитан, менга ёқмаяпти...» Агар капитан бу эътирозларга эътибор бермаса, унда: «Капитан, мен вазиятни хавфли деб ҳисоблайман». Агар бу эътироз ҳам таъсир қилмаса, иккинчи учувчи ҳаво кемасини бошқаришни ўзига олиши мумкин). Авиация соҳасининг экспертлари тасдиқлашларига кўра, нутқдаги юмшатиш усуллариға қарши кураш туфайли авиаҳалокатлар камайди.

«Амирликларда биз иккинчи учувчи ва капитан бир-бирларини исмлари билан аташларини талаб қиламиз, — дейди Ратватт. — Бизга бу оқилона иш бўлиб кўринади. «Капитан, сиз хато қиялмасиз» дегандан кўра, исмни айтиб муружаат қилиш осонроқ».

Ратватт гапиришдаги юмшатиш усулларидан жиддий таҳликага тушади. Avianca самолёти ҳалокатидан сўнг бу муаммога лоқайд қараб туриш умуман мумкин эмас. Ратватт фикрини шундай давом этади: «Шахсан мен ҳамиша учувчилар билан тенгма-тенг гаплашишга ҳаракат қиламан. Мен уларга: «Мен унчалик кўп учмайман. Бир ойда уч-тўрт марта. Сиз тез-тез учасиз. Шунинг учун, агар хато қилсам, менга айтинглар. Маслаҳат беринглар, — дейман. Умид қиламанки, шундан сўнг улар эркин гапира оладилар».

## 9

Avianca 052 рейси экипажининг хонасига қайтамиз. Биринчи марта амалга ошмаган кўнишга уринишдан сўнг, самолёт айланиб бурилади ва Кеннеди аэропортидан узоқлашади.

Клотц ҳозиргина авиадиспетчерлик хизмати билан

алоқага чикқан, улардан яна қачон қўнишга киришишлари мумкинлигини сўраганди. Кавьедес унга ўтирилади.

Кавьедес: У нима деди?

Клотц: Мен аллақачон хабар қилдим, яна бир уриниб қўрамиз дедим, чунки биз қилолмаймиз...

Тўрт сония жимлик.

Кавьедес: Огоҳлантир, бизда авария ҳолати.

Яна тўрт сония жимлик. Капитан яна савол беради:

— Хабар қилдингми?

Клотц: Ҳа, сэр. Аллақачон хабар қилдим.

Клотц авиадиспетчер билан хабарлашади — стандарт тасдиқлаш:

— Avianca нол эллик икки, курс юз эллик, икки минг метрни сақлайман.

Кўринишича, капитан саросимага тушган.

Кавьедес: Огоҳлантир, бизда ёнилғи йўқ.

Клотц яна диспетчерга мурожаат қилади:

— Уч минг метр балангликни ушлаб турибмиз, дарвоқе, бизда ёнилғи етишмайди, сэр.

Яна «авария ҳолати» ҳақида ҳеч бир гап бўлмади, ҳолбуки диспетчерлар бундай сўзларга дарҳол жавоб беришга ўргатилганлар. Бор-йўғи гап охирида «бизда ёнилғи етишмайди» ва яна юмшатовчи «дарвоқе». Шундай қилиб, Avianca экипажида аллақачон ўнлаб хатолар бўлди.

Кавьедес: Сен ёнилғимиз йўқлиги ҳақида хабар бердингми?

Клотц: Ҳа, сэр. Хабар бердим.

Кавьедес: Bueno.

Агар шу луқмалар ортидан фожа юз бермаса, бу Эб-ботт ва Костеллонинг типик комедиясига ўхшаб қоларди. Яна бир дақиқадан кўпроқ вақт ўтди.

Диспетчер: Avianca нол эллик икки, мен сизларни йигирма беш километр шимолий-шарққа ўтказаман ва киришга томон бураман. Ёнилғи етадимми?

Клотц: ўйлашимча, ҳа. Катта раҳмат.

Клотц: ўйлашимча, ҳа. Катта раҳмат. Улар ана-мана қулайдиган бўлиб туришибди! Бортпроводник аёллардан бири учувчилар хонасига киради ва аҳвол қанчалар жиддийлигини сўрайди. Борт инженери жимгина бўшаб қолган ёқилғи кўрсаткичига имо қилади ва бармоғини томоғидан кўнда-

ланг ўтказиб, тамом бўлдик, деган ишорани қилади. Кейинги беш минут мобайнида ҳеч ким бир сўз айтмайди. Радио тўлқинида музокаралар эшитилиб турибди, шунда бирдан борт инженери кичқириб юборади:

— Тўртинчи двигател ёняпти!

Кавьедес сўрайди:

— Менга йўлак беринг.

Бироқ қўниш йўлаги 25 километр узоқликда эди.

Ўттиз олти секунд жимлик ҳукм суради. Диспетчер сўнги марта сўрайди:

— Сизлар аэропортта етишингиз учун ёнилги етарлими?

Ёзув тугайди.

## 10

«Ҳалокат муносабати билан бир нарсани тушуниш керак, — дейди Ратватт. — Нью-Йорк диспетчерлари кўполлиги, жиззаки ва шартакилиги билан машҳурдир. Бироқ улар, шунингдек, маҳоратли ва малакали ҳамдир. Улар чекланган макондаги улкан ҳаракат оқимларини мувофиқлаштирадилар. Яна бир машҳур воқеа бор, у Кеннеди аэропортида йўқолиб қолган учувчи ҳақидадир. Сиз бу ердаги учиш майдонида йўқолиб қолиш қанчалар осонлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бу ҳақиқий лабиринт. Аёл диспетчер дарғазаб бўлади ва буюради: «Ҳеч қанақа ҳаракат қилманг. Мен билан ҳам боғланманг, ўзим сиз билан боғланаман». Кейин у алоқани ўчиради. Қанчадир вақт кутган учувчи микрофонни олади ва сўрайди: «Хоним, аввалги ҳаётда мен сизга уйланмаганмикинман?»

Улар бошқа ҳеч ерда учрамайдиган, расво одамлар. Улар шунақа фикрлашади: «Бу ерда мен буйруқ бераман. Оғзингни юм ва айтганимни қил». Улар сизга тўнғиллаши мумкин. Агар уларнинг кўрсатмаси сизга ёқмаса, сиз ҳам уларга жавобан тўнғиллаб беришингиз керак. Шунда улар бироз юмшайди. Шундай қилмасангиз, улар сизга ўз фикрини ўтказди. British Airways компаниясининг Нью-Йоркка учган бир рейсини эслайман. Авиадиспетчерлик хизмати уларга узоқ вақт қўнишга рухсат бермаган. Британия учувчилари луқма ташлаганлар: «Сизлар самолётларни қўндиришни Хитроу аэропортидаги хизматдан ўргансаларинг бўларди».

Ҳаммаси хулқ-атворга боғлиқ. Агар сиз шунақа «пичинг ал-машувлари»га кўникмаган бўлсангиз, Нью-Йоркнинг авиадиспетчерлик хизмати сизга кўрқинчли туюлади. Avianca рейсидаги йигитлар уларнинг босимидан ҳайқиб қолган».

Ратватт Кеннеди аэропорти авиадиспетчерлик хизмати билан гаплашиб, ўз фикрини тушунтира олмаслигини тасаввур қилиш қийин — бу унинг шартакилиги, қайсарлиги ва ўзига ҳаддан ишонганлиги учун эмас, у дунёга бошқача қарагани учундир. Агар унга учувчилар хонасида ёрдам керак бўлса, иккинчи командани уйғота олади. Агар унга Москвага ишониб бўлмайдигандек туюлса, бемалол Хельсинкига жўнайди. Агар Хельсинкида уни шамол йўналишида қўндирмоқчи бўлишса, у диспетчерларни шамолга қарши томондан қўндиришга қўндира олади. Улар Хельсинкидан учаётган тонгда Ратватт бошқа йўлакка бурила бошлайди. Иккинчи учувчи унинг хатосини тезда кўрсатади. Бу воқеани эслар экан, Ратватт кулади: «Маса — швейцариялик. У шу қадар қувонч билан менинг хатойимни тўғрилади. Кейин менга бутун қайтиш йўли мобайнида пичинг қилиб келди».

Кейин у давом этади: «Йигитлар диспетчерга унинг кўрсатмасини бажариш учун ёқилғи етмаслигини айтсалар, кифоя эди. Шунчаки айтилса бўлди эди: биз унақа қилолмаймиз. Биз ўн дақиқа ичида қўнишимиз шарт. Улар диспетчерга вазиятни тушунтира олмаганлар». Кўриниб турибди, Ратватт миллий ўзига хослик билан боғлиқ ноқулайлик туғдирадиган умумлашмани ифодалаш учун синчиклаб сўз ахтармоқда.

Avianca самолёти билан юз берган ҳодисани фақат Клотцнинг малакасизлиги ва капитаннинг чарчоғи билан изоҳлаш ғалати бўларди. Avianca ҳалокатининг сабаблари анча чуқурда жойлашган. Бу ҳалокатни учувчилар колумбиялик бўлгани билан, KAL 801 рейси ҳалокатини учувчилар корейс бўлгани учун юз берган деб ҳисобласак бўладими? «Биласизми, бирорта америкалик учувчи бунини шундай қолдирмасди, — тушунтиради Ратватт. — У шартта: «Мени эшит, биродар, мен кўнаман» — деган бўларди.

стед IBMнинг Европадаги офиси кадрлар бўлими учун тадқиқот ўтказди. У дунё бўйлаб юради ва компания ходимлари билан суҳбат ўтказди, улардан у ёки бу низоли вазиятларни қандай ечишлари, биргаликдаги ишни қандай ташкил этишлари ва юқори раҳбариятга муносабатлари ҳақида сўрайди.

Бунинг учун батафсил анкета-сўровномалар ишлаб чиқилган эди ва, IBMнинг дунёнинг турли бурчакларидаги филиалларига ташриф буюрар экан, Хофстед кенг кўламдаги материалларни тўплади.

«Ажойиб бир давр эди, — деб эслайди кейинчалик у. — Мен кўп нарсани билиб олдим. Одамларнинг хулқ-атворини кузатдим. Шунга эътибор қилдимки, улкан компаниянинг ичидаги одамлар буткул турлича фикрлайдилар ва ўзларини ҳар хил тутадилар».

Олим тадқиқотларининг натижалари маданиятлар ўртасидаги фарқларни таҳлил этиш тизимига айланди, «Хофстед ўлчамлари» бугунга келиб — маданиятлараро психологиянинг энг машҳур парадигмаларидан биридир.

Хофстеднинг таъкидлашича, маданиятларни, масалан, индивидларнинг ажралиб қолганлиги даражасига қараб фарқлаш мумкин. Мазкур шкала «жамоавийлик-шахсият-парастлик» деган номни олди. Индивидуализм томонда энг сўнгги ўринни Америка Қўшма Штатлари олди. Америка дунёда энг ривожланган саноат давлати бўлса-да, шу билан бирга унинг умумий соғлиқни сақлаш тизими йўқлигидан ҳайратланмаслик керак. Шкаланинг қарама-қарши томонида Гватемала жойлашган.

Хофстед ажратиб кўрсатган иккинчи ўлчам, — «ноаёнликни қабул қилмаслик»дир. Маданият истиқболнинг тушунарсизлигига қанча сабр қилади? Жамланган материаллар асосида Хофстед маданиятида қоидалар ва меъёрларга боғлиқлик, ҳар қандай вазиятга қарамасдан, белгиланган меъёрларга амал қилиш ёрқин ифодаланган бешта мамлакатни ажратиб кўрсатади:

1. Юнонистон.
2. Португалия.
3. Гватемала.
4. Уругвай.
5. Бельгия.

Охирги бешликка эса ноаёнликни қабул қилмасликка мойил бўлган бешта мамлакат кирди:

49. Гонконг.

50. Швеция.

51. Дания.

52. Ямайка.

53. Сингапур.

Таъкидлаш лозимки, Хофстед шкаланинг бўйламасига «тўғри» ёки «нотўғри» ҳолатда турганлар ҳақида гапирмаган. Шу билан бирга у мамлакатнинг ўрни унинг аҳолиси хулқ-атворини юз фоиз аниқлик билан белгилашини тасдиқламаган: Гватемалада ҳам шахсини ҳаммадан устун кўядиган одамларни топиш мумкин.

Бироқ унинг хулосалари ҳам Нисбетт ва Коэн Мичиган университетидаги тажрибаларидан чиқарган хулосаларга мос келади. Ҳар биримиз ўзимизнинг ноёб шахсиятимизга эгамиз. Бироқ унга биз вояга етган ва яшаётган муайян жамиятнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳам сингийди ҳамда бу фарқлар жуда ёрқин ифодаланади.

Мисол учун, Бельгия ва Данияни олайлик. Бир мамлакатдан иккинчисига бор-йўғи бир соатда учиб бориш мумкин. Данияликлар ташқи томондан бельгияликларга жуда ўхшайдилар ва сиз Копенгагендаги бирор бир чорраҳада турганингизда унинг Брюсселдан фарқини деярли тополмайсиз. Шубҳасиз, юзаки қараганда бу икки мамлакат бир хил кўриниши мумкин. Аммо ноаёнликни қабул қилмаслик контекстида улар бир-бирига қарама-қаршидир. Моҳиятан, бу ўлчамда данияликлар айрим европалик кўшниларида кўра ямайкаликларга жуда яқинроқдир. Эҳтимол, Дания ва Бельгияни европача либерал-демократик анъаналар бирлаштирар. Қолган барча нарса: тарих, сиёсий тизим, диний эътиқод, тил, пазандачилик, меъморчилик ва кўп асрлар қаърида илдиз отган адабиётлар яққол фарқ қилади. Буларнинг бари бирлашган ҳолда таҳлика ва ноаёнлик билан боғлиқ вазиятларда данияликлар ва бельгияликларнинг хулқ-атворлари турлича бўлишига олиб келади. Эҳтимол, энг катта қизиқиш уйғотадигани ҳокимиятдан масофадалиқ индексидир (ҲМИ). У қуйидаги сингари саволларга берилган жавобга қараб ўлчанади: «Сиз ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, хо-

димлар ўз раҳбарлари фикрига қўшилмасликни айтишдан қанчалик қўрқадилар?»

Ҳокимиятнинг масофасини ўлчаш у ёки бу маданият мансаб иерархиясини қанчалик ҳурматлаши ва қадрлашини кўрсатади. Қуйи даражадаги ҳокимиятга эга ёки бу институтлар ва ташкилотларнинг аъзолари даражасида нотенг тақсимланишидан норози бўладилар? Жамият аъзолари ўзидан катталарни қай даражада ҳурмат қилишади? Ҳокимият эгалари алоҳида имтиёзларга эгами?

Хофстед ўзининг мумтоз асари бўлган «маданият оқибатлари» (Culture's Consequences) китобида қуйидагиларни ёзади:

«Ҳокимиятдан масофадалик индекси кам бўлган мамлакатларда ҳокимият эгалари ўз ҳокимиятидан хижолат бўладилар ва ҳатто ўз мақомини пасайтириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Швециядаги (ҲМИ кам бўлган жой) бир университет мансабдорининг менга иқроор бўлишича, ваколатларини бажарар экан, ўзининг амалига эътиборни қаратмасликка ҳаракат қилади. Олий табақали раҳбарлар кўпинча ўз мақомларининг норасмийлигини таъкидлайдилар, расмий рамзларни рад қиладилар. Маълумки, Австриянинг (ҲМИ кам бўлган жой) федерал канцлери Бруно Крайский гоҳида ишга трамвайда қатнайди. 1974 йилда Португалиядаги кемпингда мен Нидерландиянинг (ҲМИ кам бўлган жой) автофургонда сайр қилиб юрган бош вазири Йооп Ден Ойлани кўргандим. Бельгия ёки Францияда (ҲМИ юқори бўлган жойлар) мансабдорнинг бунақа хулқ-атвори қўллаб-қувватланмайди. Бу мамлакатлар бош вазирларининг трамвайда ёки автофургонда сайр қилиб юришини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди».<sup>12</sup>

19 Хофстед бир неча йил аввал ўтказилган тадқиқотга таянади, бу тадқиқотда битта саноат соҳасига тегишли ва бир хил ишлаб чиқариш кўламида фаолият юритадиган олмон ва француз заводлари таққосланади. Француз заводларида раҳбар лавозимларни ўртача 26 фоиз француз ходимлар эгаллашади, олмон заводларида 16 фоиз олмонлар раҳбарлик қиладилар. Бунинг устига юқори поғонадаги француз раҳбарлар немис ҳамкасбларига нисбатан анча юқори маош оладилар. Хофстеднинг таъкидлашича, бу таққослаш натижалари иерархияга маданий муносабатдаги фарқларни очиб беради. Францияда ҳокимиятдан масофа сақлаш индекси Германиядагига нисбатан икки баробар юқоридир. Немислардан фарқли равишда,

Тасаввур қила оласизми, Хофстеднинг тадқиқоти авиация саноатида банд бўлган одамларда қанчалик ҳайрат уйғотди! Ахир, нутқда юмшатиш усуллариға қарши кураш ва жамоавий ўзаро ҳаракатчанликни мустаҳкамлашдан муддао ўзи нима эди? Бу асли учувчилар кабинасидаги ҳокимиятгача масофани қисқартиришга уриниш эди-ку. Хофстед ўша саволни беради «Сиз ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, ходимлар ўз раҳбарлари фикрига қўшилмасликларини айтишдан қанчалик кўп кўрқадилар?», – бу савол капитан билан ишлайдиган иккинчи учувчиларга берилади. Хофстеднинг тадқиқоти аввал авиация дунёси вакиллари эътиборидан четда қолган фактларни ошкор қилади: иккинчи учувчиларни ишонч билан ҳаракат қилишга ўргатиш улар ўсиб, вояга етган мамлакатнинг ҳокимиятдан масофалилик индексини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Ратватт ҳам, бирорта америкалик учувчи Нью-Йорк диспетчерларига ўзини кўрқитишларига имкон бермасди, деганида айнан шуни назарда тутган. Америка — ҳокимиятдан масофадалик индексининг пастлигига энг мумтоз мисол бўла олади. Вазият кескинлашганда, америкаликларда американизм уйғонади, яъни улар авиадиспетчерлик хизмати ходимини ўзларига тенг кўриб гаплашадилар. Ҳокимиятдан масофалилик индексиде қарама-қарши томонни ким эгаллайди? Колумбия.

Avianca компанияси самолёти ҳалокатидан сўнг, психолог Роберт Хелмрайх, учувчиларнинг хулқ-атворини тушунтиришда маданиятнинг таъсирини фаол ҳимоя қилган ҳолда, мазкур ҳалокатни тадқиқ қилди. Ўз асарида у шуни ёзадики, Клотцнинг хулқ-атворини унинг миллатини ҳисобга олмасдан тушунтириш мумкин эмас: у ўша куни муомалада ҳис қилган қийинчиликлар ҳокимиятга эга бўлган шахсларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатадиган инсоннинг қийинчиликларидир. Хелмрайх ёзади:

«Колумбияликларга хос бўлган ҳокимиятдан катта масофада туришнинг таъсири остида, иккинчи учувчи каловлашиб қолади, чунки капитан аниқ (ҳаттоки авторитар) қарорни қабул қиладиган ҳолатда эмасди, бундай ҳолат ҳокимиятдан катта масофада туриш маданияти анъанавий бўлган мада-

французлар мансабнинг поғоналашувига мойил муносабатда бўладилар ва уни қўллаб-қувватлайдилар.



ниятлар учун хосдир. Иккинчи учувчи ва штурман капитаннинг қарорини кутардилар, ўзлари муқобил таклифлар бера олмасдилар».

Клотц ўзини тобе деб билади. Инкирозли ҳолатларни ҳал қилиш унинг вазифасига кирмайди. Бу капитаннинг вазифаси бироқ капитан чарчаган ва жим. Бу ерда яна Кеннеди аэропортининг калондимоғ диспетчерлари иккинчи бор айланиб кўнишга киришга фармойиш берадилар. Клотц қалтис вазият ҳақида хабар бермоқчи бўлади, бироқ ўз маданияти учун хос бўлган тилни қўллайди, тобе одам юқоридаги раҳбариятга гапирадиган тилда сўзлайди. Диспетчерлар, аксинча, колумбиялик эмаслар. Улар — нью-йоркликлар, ҳокимият билан масофа сақламайдиган одамлар. Улар ўзлари ва самолёт учувчилари ўртасида ҳеч қанақа иерархик бўшлиқ кўрмайдилар. Шунинг учун уларнинг тасавурида юмшоқ сўзлашув юқори турган шахсга ҳурмат билдиришни эмас, *самолётда жиддий муаммо йўқлигини билдиради*.

Ёзувларнинг расшифровкасида битта эпизод бор, унда Клотц ва диспетчерлар ўртасидаги маданий бегоналик шу қадар аён кўринадики, уни ўқишдан юрак увушади. Avianca ва учишларни бошқариш маркази ўртасидаги ҳалокатдан бир неча дақиқа олдин бўлган охирги хабар алмашув. Ҳозиргина диспетчернинг ёнилғи етадимми, деган саволига Клотц жавоб беради: «Ўйлайманки, ҳа. Катта раҳмат». Капитан Кавьедес Клотцга ўгирилиб қарайди:

— У нима деди?

— Унинг жаҳли чиқди.

Жаҳли чиқди! Клотцнинг туйғулари топталган! Унинг самолётини ҳалокатдан бир неча секунд вақт ажратиб турибди, лекин у ўз маданияти тақозо этадиган қоидаларга риоя қилади, унинг маданиятида тобе кишилар юқори турган раҳбарларни ҳурмат қилиши ва улардан биров кўрқиши ҳам керак. Иккинчи учувчи диспетчерга бортдаги вазиятни хабар қилишга уриниши бекор, деган қарорга келади ва ўзи учун мумкин бўлган ягона хулосани чиқаради: учишни бошқариш марказидаги лавозимли шахсларни, эҳтимол, нима биландир хафа қилиб қўйгандирман, деб ўйлайди.

Кеннеди аэропортидаги самолёт ҳалокатидан сўнг Avianca раҳбарияти кетма-кет юз берган охирги тўртта — Колумбиядаги Барранкилья ва Кукуте, шунингдек Мадридда ва

Нью-Йоркдаги авиаҳалокатларни батафсил таҳлил қилади. Барча тўртта ҳолатда ҳам «самолётлар идеал техник ҳолатда бўлган, экипаж аъзолари жисмонан соғлом эди ва ўрта ҳамда юқори тайёргарлик малакасига эга эди. Шунга қарамасдан, ҳалокатлар юз берди».

Ҳисоботда хабар қилинишича, Мадриддаги самолёт кулашидан олдин учувчилардан бири капитанни хавотирга солаётган таҳлика ҳақида огоҳлантирмоқчи бўлган:

«Учувчи ҳақ эди. Йўловчилар ҳалок бўлишди, чунки... савол берар экан, учувчи қатъий бўлмаган ишоралар қилган. Капитан уларга парво ҳам қилмаган. Эҳтимолки, иккинчи учувчи, капитаннинг қарорини шубҳа остига қўйиб, интизомсиз бўлиб кўринишни истамаган ёки аҳмоқ бўлиб кўринишдан кўрққан, ахир, у капитан бу рейс билан кўп марта учганини биларди. Иккинчи учувчи ўз фикрини янада қатъий ифода қилиши шарт эди...»

Бизнинг ўзимизга юклатилган вазифаларни самарали бажаришимиз келиб чиқишимиз қай ердан эканлигига бевосита боғлиқдир. Мана, худди шунинг учун ҳокимиятдан масофалилик узоқ бўлган маданиятга дахлдор шахслар яхши учувчи бўла олмайди. Дарвоқе, ҲМИда энг юқорида эмас. Хелмрайх ва унинг ҳамкасби Эшли Мерритт бутун дунёда учувчиларнинг ҲМИни ўлчаб чиққанлар. Биринчи ўринни Бразилия эгаллаган. Иккинчи ўринда Жанубий Корея бўлган.<sup>20</sup>

20 Агар сизга қизик бўлса, учувчиларнинг ҲМИси энг юқори бўлган беш мамлакатнинг ва энг паст бўлган беш мамлакатнинг рўйхатига қаранг. Агар бу рўйхатни авиаҳалокатлар статистикаси билан қиёсланса, бевосита боғлиқликни аён кўриш мумкин.

1. Бразилия.
2. Жанубий Корея.
3. Марокаш.
4. Мексика.
5. Филиппин.

ҲМИ энг паст бўлган беш мамлакат:

15. АҚШ.
16. Ирландия.
17. Жанубий Африка.
18. Австралия.
19. Янги Зеландия.

## 12

Транспорт хавфсизлиги масалалари бўйича АҚШ Миллий қўмитаси (NTSB) Колумбия округида, Вашингтондаги Патомак дарёси бўйидаги XVII асрга оид бинода жойлашган. Узун даҳлизларнинг икки томонида хоналар бўлиб, у ерларда самолётларнинг бўлаклари: двигатель турбинасининг шаклини йўқотган қисмлари, вертолётларнинг қийшайиб кетган парраклари сақланади. Лабораторияларнинг бирида ValuJet компанияси самолёти экипаж кабинасидан олинган нутқларни ёзувчи қора қути сақланадиган асбоб жавонда туради. Бу самолёт 1996 йилда Флоридада ғалати ҳалокатда парчаланиб кетганди. Ўшанда 110 киши ҳалок бўлган. Ускуна пойабзал сақланадиган қути каби ҳажмда бўлиб, йўғон ишлов берилган пўлатдан қуйилган идишга солинган. Қутининг бир томонида нотекис тешик бор, гўё кимдир қозик билан тешган. NTSB терговчилари орасида инженерлар ҳам бор, улар ҳалокатга олиб келган воқеалар кетма-кетлигини ашёвий далиллар орқали тиклайдилар. Учувчилар ҳам бор. Улар орасида, қанчалик ғалати кўринмасин, психологлар кўпроқ, уларнинг вазифаси нутқ ёзувчининг ёзувларини эшитиш ва ҳалокат олдидан сўнгги дақиқаларда учувчилар томонидан барча айтилганлар ва қилинганларни тиклашдир. NTSBнинг қора қутилар бўйича энг яхши мутахассисларидан бири — элик ёшли психология фанлари доктори Малкольм Бреннер. У KAL 801.

«Одатдаги шароитларда Гуам аэропортига яқинлашишнинг мураккаб жойи йўқ, — деб ҳикоя қилади Бреннер. Самолётнинг ўзи асбоб-ускуналар ёрдамида қўна олади». Гуам аэропортида курс-глиссадли тизимдан фойдаланилади: радиомаёқлар кўмагида ускуна самолётни учиш-қўниш йўлагига бус-бутун ва соғ-омон олиб чиқаради. Аммо ўша куни глиссадли маёқ ишламаган. «У бузуқ эди, — деб тушунтиради Бреннер, — ва уни бошқа оролга таъмирлаш учун жўнатишганди. Барча учувчилар курс-глиссадли тизим ишламаслиги ҳақида огоҳлантирилган эди».

Умуман олганда, глиссадли маёқнинг йўқлигини жиддий муаммо деб бўлмади: у таъмирлашда бўлган бир ой мобайнида Гуам аэропортида маёқсиз 1500га яқин самолёт қўнган.

Лекин шу кичкина нокулайлик KAL 801 самалётининг кўнишида жиддий нокулайликни юзага келтирди.

«Иккинчи мураккаблик об-ҳаво шароитлари бўлди, — давом этади Бреннер. — Одатда, Тинч уммонининг жанубий қисмида ёмон об-ҳаво узоқ турмайди. Пўртаналар бўлмайди. Бу тропик жаннат жой. Аммо айнан ўша кун бу минтақада кичикроқ чақмоқ ўчоқлари кузатилди ва самолёт аэропортга бир неча миль қолганда уларнинг бирига дуч келди. Капитан бундай вазиятда қандай қилиб кўнишга яхшироқ киришиш борасида қарор қабул қилиши керак эди. Экипажга VOR/DME деб аталадиган тизимдан фойдаланиб кўнишга кириш учун кўрсатма берилди. Бу жуда мураккаб вазифа эди. Босқичма-босқич ўтадиган бунақанги кўнишда учувчилардан ўз ҳаракатларини максимал даражада мувофиқлаштириш талаб этилади. Аммо капитан узоқда Гуам чироқларини кўриб қолади. У хотиржам бўлиб қолади ва визуал кўниши ҳақида хабар беради».

Визуал кириш ўз номига мувофиқ кўнишдир. Аэропортларда VOR маёқлари ўрнатилган, улар учиш-кўниш йўлакларининг жойлашувини кўрсатиб туради. Капитан то йўлакнинг чироқларини кўргунча ва самолётни қўндиргунча VOR маёқларидан мўлжал олади. Кўнишга визуал киришлар одатий ҳолат. Шунинг учун бу қарорни оқилона деб ҳисоблаш мумкин. Аммо капитан ҳар бир қарорни мабодо у ишламай қолса, ишлатиладиган кўшимча бир қарор билан мустаҳкамлаши керак. Бу гал экипаж капитани бундай қилмади.

«Ҳамма ҳаракатларни келишиб олиш зарур. У босқичма-босқич пасайиш учун кўрсатма олиши лозим эди, — тунтиради Бреннер. — Аммо у бу ҳақда оғиз ҳам очмайди. Самолётни чақмоқ булутлари ўраб олади ва капитан ҳозир чиқиб кетаман ва аэропорт кўринади, деб умид қилади, мабодо 170 метр балангликда аэропорт кўринмаса, иккинчи доира кўниш учун юқорига кўтариламан, деб ўйлайди. Бундай стратегия иш бериши мумкин эди, бироқ бир «аммо»си бор. У мўлжал олган VOR маёғи аэропортда эмас, ундан тўрт километр наридаги Нимиц-Хилл тепалигида жойлашганди. Дунёда шунақанги бир нечтагина аэропорт мавжуд. Одатда, сен VOR маёқларидан мўлжал оласан ва у сени тўғри аэро-

портга олиб келади. Аммо бу ерда сен VOR маёғидан мўлжал олсанг, тўғри Нимиц-Хилл тепалигига тушасан».

Учувчи VOR ҳақида биларди. Унинг координатлари аэропортнинг навигация карталарида кўрсатилганди. Бунинг устига, капитан олдин ҳам саккиз марта Гуамга қўнган ва бу ҳақда учиш олдидан ўтказиладиган кўрсатмаларида айтганди. Бироқ ҳодиса ярим тунда бўлаётганини, у эса олдинги кун эрталабки соат 6 дан бери ухламаганини ҳисобга олинг.

«Биз ҳамма нарса чарчоқда деб ҳисоблаймиз, — дейди Бреннер. — Мана, тинимсиз ишлашнинг оқибати. Сен учасан, корейя вақти билан тунги соат бирда қўнасан. Ерда бир неча соатгина бўласан-да, яна куёш чиқар-чиқмас самога кўтариласан. Бир ой олдин капитан худди шундай рейсни амалга оширганда, биринчи тоифа салоннинг ўриндиғида ухлаганди. Аммо бу сафар у учувчилар хонасида эди ва жуда чарчаганини айтади».

Шундай қилиб, авиаҳалокатнинг классик шарт-шароитлари тайёр. Худди шундай учта сабаб Avianca самолётининг қулашига олиб келган. Унчалик муҳим бўлмаган техник носозлик. Ёмон об-ҳаво. Учувчининг чарчоғи. Алоҳида олганда уларнинг ҳеч бири ҳалокатга олиб келмайди. Бироқ, учаласи қўшилиб, даҳшатли фожиани келтириб чиқаради.

Нутқни ёзиб олувчи қурилманинг охириги 30 дақиқага оид ёзувлари.

01:20:01 Капитан: Агар рейс у томон-бу томонга тўққиз соатдан зиёд давом этса, биз нимадир олган бўлардик. Саккиз соат учун ҳеч нарса тўлашмайди. Саккиз соатдан фойда йўқ... Улар бизни максимум меҳнат қилишга мажбурлашади ва баъзан кўп ҳам ишлаймиз. Балким, шу тариқа... улар экипаж учун ва учиш соатларини оширишар... Нима бўлганда ҳам, улар бизни мажбурлашади... максимум ишлаймиз.

Унинг ўриндиқни нотинч ғичирлатгани эшитилади. Бир дақиқа ўтади.

01:21:13 Капитан: Э-э... рост... уйку босяпти (бу ёғини тушуниш қийин)...

Иккинчи учувчи: Албатта.

Парвознинг энг муҳим дақиқаларидан бири бошланмоқда. Иккинчи учувчи ўз фикрини айтишга қарор қилади:

— Сизга бу ерда ёмғир кучлироқдек туюлмаяптими? Шу ҳудудда, шу ерда?

Бу ерда энг аввало иккинчи учувчи капитанга – ҳарбий ҳаво кучлари собиқ офицерига мурожаат қилаётганини эслаш керак. Korean Air компаниясида ҳамма ишнинг бошида ҳарбий ҳаво кучларининг собиқ кекса офицерлари турарди — агар Кореянинг ўзи ҳокимиятдан катта масофа сақлаш билан ажралиб турса, тасаввур қилинг, корейс армиясида ҳокимиятдан қанчалик узоқ масофа сақланади. Ҳарбий маданият иерархияга қурилади ва ҳарбий самолётларнинг аксарияти — бир киши бошқарадиган реактив қирувчи самолётлар. Бир куни Korean Airнинг собиқ учувчиси айтгани каби, ҳарбий учувчилар ўзлари билан тижорат авиациясига «капитан бошқаради, истаганини қилади, қачон истаса, ўшанда қилади, қандай истаса, шундай қилади, қолган барча жим ўтиради ва қилт этмайди» деган тамойилни олиб келдилар.

Korean Airнинг кўплаб командаларида унвони кичиклар капитанга «ердаёқ» хизмат қилишлари кўзда тутилари, ҳатто унга овқат келтиришлари ва совға-салом олишлари лозим эди. Бу ҳамкорлик эмасди. Бу қуллик эди.

Интернетда аноним тарзда эълон қилинган Delta компаниясининг Korean Air бўйича ҳисоботида аудиторлардан бири авиакомпаниянинг бир рейсини тасвирлайди, бу рейс пайтида иккинчи учувчи диспетчернинг кўрсатмасини нотўғри тушунади ва капитан самолётни бошқа лайнер учун берилган курс бўйича бошқара бошлайди. Гуамнинг такрорланишига ўхшайди. «Борт инженери хато бўлганини сезиб қолади, аммо жим туради. Иккинчи учувчи ҳам тушунади, аммо бирор сўз айтмайди... [Яхши] визуал шарт-шароитлар мавжудлигига қарамасдан, экипаж кабина ойнасидан ташқарига қарамайди ва танланган курс аэропортга олиб бормаётганини кўрмайди». Ниҳоят самолётнинг радари хатони сезиб қолади ва шундан сўнг ҳал қилувчи муҳим гап айтилади: «Йўл кўйилган хато учун капитан иккинчи учувчини кафтининг орқа томони билан урди».

Иккинчи учувчини кафтининг орқа томони билан урди? Ота-оналар жаҳдини чиқарганида боласини шунақа тарзда жазолашади.

Аммо капитаннинг бу ҳаракатини ижтимоий мақомга улкан аҳамият берадиган маданиятнинг кенгроқ контекстида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Корейс тилида суҳбат иштирок-

чиларини боғлаб турган муносабатларга қараб, камида му-рожаатнинг олтита турли шакли мавжуддир. Улар расмий ҳурматни, норасмий ҳурматни, қўполликни, танишликни, яқинликни ва нейтрал муносабатларни билдиришга йўналтирилган. Капитанга илк бор муурожаат қилаётган иккинчи учувчи яқин муносабатдаги кишилар учун хос шакллардан фойдаланишга журъат қила олмайди. Бу Ратваттнинг ҳамма бир-бирини исми билан чақирадиган кабинасига унчалик ўхшамайди. KAL 801 рейсининг учта учувчиси кечқурун Кимпода рейсга тайёрланиш учун учрашганларида, иккинчи учувчи ва борт инженери капитанга эгилиб саломлашишди. Фақат шундан кейин учалалари қўл бериб кўришишди. Иккинчи учувчи ҳурмат билан: «Мен сиз билан илк бор учрашяпман», деб айтиши мумкин эди.

Корейс тилшуноси Хо Мин Сон ёзади:

«Стал атрофида ўтирганда юқорироқ мақомга эга инсон ўтириб, таом ейишга киришгунча, мансаб-у мақоми ундан кичик инсон кутиб туриши лозим; бошқача бўлиши мумкин эмас. Юқори ижтимоий мақомга эга бўлган инсон олдида ундан қуйи поғонада турадиган одам чекиши мумкин эмас ва агар ичаётган бўлса, юзини тескари ўтириши ҳамда стаканини беркитиши зарур. Мавқеи юқори бўлган кишини (кичик кишини эмас) учратганда, корейс унга эгилиши лозим. Агар мавқеи юқори одам кириб келса, уни туриб қарши олади ва ундан олдинда юриши мумкин эмас. Барча ижтимоий тадбирлар ва ҳаракатлар ёши улуғлигига ва мақоми юксаклигига қараб ўтказилади; бир мақолда айтилгани каби, «ҳатто сув ичиш ҳам навбати билан».

Шундай қилиб: «Сизга бу ерда ёмғир кучлироқдек туюлма-яптими? Шу ҳудудда, шу ерда?»

У нима демоқчи эканини биз тушунамиз: «Капитан, сиз визуал киришни амалга оширишга қарор қилдингиз, лекин қўшимча режангиз йўқ эди, ҳолбуки ҳавонинг авзойи бузуқ. Сиз бир оздан сўнг биз булутлар ичидан чиқамиз ва аэропортни кўришга улгураемиз деб ўйлайсиз. Агар кўролмасак-чи? Ойна орти қоронгу, тим қоронгу зулмат, ёмғир челақлаб қуймоқда, аэропортда эса глиссадли маёқ йўқ».

Бироқ у овоз чиқариб, ҳеч нарса демайди. У фақат ишора қилади, ўзининг тасавурида капитанга қанча гапириш мумкин бўлса, шунча гапиради, холос. Корейс мақолида

айтилганидай: «Кўп гапирадиганлар кам нарса айтадилар». Иккинчи учувчи об-ҳавони бошқа тилга олмайди.

Айнан шу пайтда самолёт булутлар орасидан чиқади ва узоқда чироқлар кўринади.

— Бу Гуамми? — сўрайди борт инженери. Бироз жимликдан сўнг ўзи жавоб беради: — Гуам, Гуам.

— Яхши! — жилмаяди капитан.

Бироқ бу ерда яхши нарсанинг ўзи йўқ. Чироқлар — алдамчи. Улар булутлардан бир дамгина чиқдилар, аэропортгача яна 30 километр ва расво об-ҳаво шароити бор. Борт инженери буларнинг барини билади, чунки об-ҳавони кузатиш унинг вазифасига киради. Демак, энди у овоз чиқаради.

— Бугун метеорадиолокатор бизга анча ёрдам берди, — дейди борт инженери.

«Метеорадиолокатор бугун бизга анча ёрдам берди»? Экипажнинг яна бир ишораси. Борт инженер ҳам иккинчи учувчи айтмоқчи бўлган гапни такрорлашни истайди: «Бу фақат кўзга ишониб самолётни кўндирадиган вазият эмас. Радарга қаранг: қаршимизда жиддий тўсиқ кутмоқда».

Ғарб одамига борт инженери об-ҳавони шунчаки бир марта тилга олгани ғалати туюлади. Ғарб усулидаги коммуникацияни лингвистлар «жўнатувчини йўллаш» деб атайдиган нарса ажратиб туради. Бошқача айтганда, гапирётган одам ўз фикрини аниқ ва равон айтиши керак. Ҳатто иккинчи учувчи қанотлар музлаши хавфидан огоҳлантириш учун фақат ишора қилган Air Florida ҳалокати пайтида ҳам, у бу ишорани яхлит тўрт марта такрорлади — ўз гапини тўрт хил турлича усудда тузди ва фикрини имкон қадар аниқ ифодалашга уринди. Уни капитандан ажратиб турган ҳокимиятдан масофани сақлашига қарамасдан, у ғарб маданий контексти доирасида ҳаракат қилади, унга кўра, гапи тушунилмай қолса, айб сўзловчидадир.

Бироқ Корея бошқа Осиё мамлакатлари сингари, ахборотни олувчига мўлжалланган. Хабарлардан маънони топиш — эшитувчининг вазифаси. Борт инженерининг тасаввурига кўра, у етарлича гапирди.

Сон мисол учун ходим (жаноб Ким) ва унинг раҳбари, филиал директори (Квасанг) ўртасидаги суҳбатни келтиради.

Квасанг: Бугун совуқ, қорин ҳам очди.



(Маъноси: Ичиш ва ейиш учун нимадир олиб келсанг бўлармиди?)

Жаноб Ким: бир қадаҳ ликёрга нима дейсиз?

(Маъноси: Сизга ликёр сотиб оламан.)

Квасанг: Ҳа, йўқ. Ташвишланма.

(Маъноси: Агар яна бир такрорласанг, таклифингга рози бўламан)

Жаноб Ким: Сиз, ҳойнаҳой, очдирсиз? Эҳтимол, овқатланиб келармиз?

(Маъноси: Мен сизни меҳмон қилиш истагимда қатъийман.)

Квасанг: Таклифингизни қабул қилишим лозимми?

(Маъноси: Розиман.)

Мазкур устумонлик билан қурилган суҳбатда муайян назокат бор — икки томон ҳам бир-бирининг истаклари ва сабабиятларига нозик эътибор қаратишади! Бу том маънода маданий сўзлашувдир: унда лоқайдлик ва нописандликка жой йўқ.

Шу билан бирга юқоридан туриб қилинган муомаланинг самарадорлиги эшитувчининг майда деталларга эътибор беришига ва суҳбатнинг моҳиятига етиш учун вақт борлигига боғлиқдир. Самолёт кабинасида, чарчаган учувчи бўрон авжига чиққан пайтда самолётни глиссадли маёқсиз аэропортга қўндиришга уринаётган пайтда ҳеч бир назокатга ўрин йўқ.

### 13

Korean Air худди шу муаммони ҳал қилиши керак эди. Бутун дунёдаги барча авиакомпаниялар ўз учувчиларини ўз фикрини аниқ ва тиниқ, бевосита айта олишга ўқита бошладилар. Ўқув материаллари ишлаб чиқарилди ва янги дастурлар жорий этилди. Аммо бу ислоҳотларни ҳоқимиятгача масофа қисқа мамлакатда ўтказиш — бир гап бўлса, қилинган хато учун капитан иккинчи учувчига тарсаки уриши мумкин бўлган кабинадаги муомала маданиятини ўзгартириш — батамом бошқа гапдир. Korean Air бунинг учун анча ҳаракат қилиши шарт эди. 2000 йилда авиакомпания ниҳоят фаол ҳаракат бошлади ва парвозларни бошқаришга Delta Airlines мутахассиси Дэвид Гринбергни жалб қилди.

Гринберг қўйган илк қадам ғалати туюлиши мумкин, аммо авиакомпания олдида турган муаммонинг моҳиятини англаганлар учун у тушунарлидир. Гринберг Korean Air таркибидаги барча парвоз экипажларининг инглиз тилини билишлари даражасини баҳолашдан бошлади. «Кимдир инглизчани юксак даражада билар, бошқаси унчалик билмасди, — деб эслайди у. — Биз авиацияга оид инглиз тилини мукамаллаштириш дастурини жорий этдик». Иккинчи навбатда у Boeing корпорациясининг шўъба корхонаси бўлган Alteon фирмасини ўқитиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш учун таклиф қилди. «Американинг Alteon фирмаси барча дарсларини инглиз тилида олиб борарди, — деб ҳикоя қилади Гринберг. — Унинг йўриқчилари корейсча гапиришмасди». Гринберг оддий қоидага амал қилди: инглиз тили Korean Air учун янги муомала тилига айланди, демак, сен ишингда қолишни истасанг, бу тилда бир қадар яхши гапира олишинг зарур. «Бу қадамимиз тозалаш эмасди, — тушунтиради Гринберг. — Ҳамманинг имконияти бир хил эди, инглизчани ўрганишга қийналганларга сўнги имкон ҳам берилди: уни ўз пулига мустақил ўрганиши керак. Бироқ тил билиш ўзига хос элақдан ўтказиш бўлди. Бирон-бир кишини учиш маҳорати камлиги учун бўшатганимизни эслай олмайман».

Гринберг Korean Air компаниясини амеракалаштирмоқчи эмасди. Инглиз тили — авиациянинг муомала тилидир. Самолёт кабинасида ўтирган учувчилар барча экипажлар риоя қиладиган ёзма йўл-йўриқларга риоя қиладилар. Бу йўриқномалар инглиз тилида тузилган. Бутун дунёдаги авиадиспетчерлик хизматлари билан музокаралар инглиз тилида олиб борилади.

«Агар сиз Кеннеди халқаро аэропортида энг тиғиз пайтда қўнишга уринаётган бўлсангиз, ҳеч қанақанги ўзаро пичир-пичирларга ўрин йўқ, — дейди Гринберг. — Одамлар доимо бир-бирлари билан гаплашишади, шунинг учун юз бераётган ҳамма нарсани англаб турганингга юз фоиз ишончинг комил бўлиши керак. Кимдир ёнма-ён ўтирган иккита корейс инглизча гаплашиши шарт эмас, деб эътироз билдириши мумкин. Агар улар диспетчернинг сўзларини муҳокама қиладиган бўлсалар, диспетчер тилини ҳам билиш керак».

Афсуски, Korean Air учувчилари ўз мамлакатларининг маданий анъаналари тақозо қилган тарзда ҳаракат қилган-

лар. Экипаж кабинасига кира туриб, уларнинг ҳар бири ўз тарихий ролидан чиқиши керак эди ва инглиз тили бу эврилишнинг асосий воситаси бўлади. Энди корейс иерархиясининг ҳеч бир ажиб даражалари: расмий эхтиром, норасмий ҳурмат, шартакилик, таниш-билишчилик, яқинлик ва нейтрал муносабатлар шарт эмас. Энди улар батамом бошқача мероста эга бўлган маданият ва тил дарёсига шўнғидилар.

Korean Air компаниясидан кетганидан сўнг Гринберг Cargo 360 авиакомпаниясига кўмак беради ва у ерга бир неча корейс учувчиларини таклиф қилади. Уларнинг барчаси борт инженерлари эди, яъни, аввалги Korean Airдаги иерархияга кўра, капитан ва иккинчи учувчидан сўнг учинчи шахс эдилар. «Бу йигитлар Korean Airнинг аввалги тизимида 15–18 йиллаб ишлаганлар. Ўзларининг тобелик ролларига кўникканлар. Шу давр мобайнида мансаб пиллапоясининг энг куйисида бўлганлар. Биз уларни ўқитдик ва ғарб командасига кўшдик. Улар ажойиб натижаларга эришдилар. Хулқ-атворларини батамом ўзгартирдилар. Ташаббускорликни ўргандилар. Ўз масъулиятларини сездилар. Кимдир буйруқ беришини кутиб ўтирмадилар. Уларнинг барчаси навқирон ёшдан ўтган, 50 ёшнинг нарисидида эдилар, узок йиллик тажрибаларининг ҳаммаси бир хил шароитда ўтганди. Энди улар қайта тайёргарликдан ўтказилди ва ғарбдаги ҳамкасблари билан самарали ишлашмоқда. Биз уларни одадий маданиятларидан тортиб олдик ва бошқача меъёрларга ўргатдик».

Тушунаман, бунга ўхшаш мавзуларни очик муҳокама қилиш осон эмас. Улар бизни асабийлашишга мажбур қилади. 1994 йилда Boeing илк бор хавфсизлик бўйича маълумотларини эълон қилганида, у ёки бу мамлакат дахлдор авиаҳалокатлар ва уларнинг Хофстед ўлчамларидаги ҳолати ўртасида ўзаро аниқ боғлиқлик борлиги аён бўлди. Компания тадқиқотчилари бирон-бир томоннинг ҳамиятига тегадиган ҳақоратли сўз ёзиб қўймаслик учун имкон қадар ҳаракат қилдилар. «Биз бу ерда бирор нарса бор деб айтмаймиз, лекин бизга бу ерда барибир нимадир бордек туюлади, — авиаташувлар хавфсизлиги бўйича инженер тахминан шунақа гапирганди. — Биз ҳаммасини ўрганишимиз лозим».

Нега биз миллий маданият масалаларида бу қадар кескин фикрлаймиз? Ҳар биримиз ижобий ва салбий тавсифно-

малар, анъаналар ва мойилликларнинг ноёб қоришигидан иборат бир миллий маданиятга дахлдор эканлигимиз бизни нега бу қадар ташвишлантиради? Ахир, маданият — руҳий ҳаста кишини боғлаб қўядиган арқон эмас-ку, буни Korean Air ва Cargo 360 билан ишлаган Гринберг ишончли тарзда исботлади. Биз, инсонлар, янги шахсларга ва янги ролларга кира оладиган қобилиятга эгамиз — бу нарса бизни эркинлаштиради. Биз ўз маданий меросимизнинг ворисимиз, лекин асири эмасмиз. Бироқ, қаёққа томон ҳаракат қилишдан олдин, қаёқдан келганимизни ҳам англашимиз лозим.

## 14

Учувчилар кабинасига қайтамиз. «Метеоррадиолокатор бизга жуда ёрдам берди».

Бугун ўша борт инженери бошқача айтган бўларди. Аммо тасвирланаётган воқеалар 1997 йилда, Korean Air ўзининг миллий ўзига хосликларига жиддий эътибор қила бошламасидан анча олдин юз берган. Капитан жуда чарчаган ва айтилган гапнинг ҳақиқий маъносини англай олмаганди.

— Ҳа, — қўшилади у. — Фойдали ускуна.

У ҳақиқатан ҳам борт инженери аслида нимани хабар қилмоқчи эканини тушунмади.

Самолёт VOR маёғини мўлжаллаб қуйига бормоқда, маёқ эса тоғнинг тепалик қисмида жойлашган. Об-ҳаво яхшиланмаяпти. Учувчилар ҳеч нарсани кўролмаётдилар. Капитан эса шассиларни ва ёпқичларни чиқаради.

01:41:48. Капитан буюради: «Ойна тозаловчиларни ишга туширинг», — борт инженери буйруқни бажаради. Ёмғир ёғаяпти.

01:41:59. Иккинчи учувчи сўрайди: «Кўринмаяптими?» У учиш-қўниш йўлагини излайди, лекин кўра олмайди. Бир қанча вақтдан бери кўнгли безовта, нимадир юз берадигандай. Бир сониядан сўнг ерга яқинлашишдан огоҳлантирадиган тизим электрон овозда хабар беради: «Юз эллик метр». Самолёт ердан юз эллик метр балангликда учаяпти. Бу вазиятда — Нимиц-Хилл тепалиги устида. Аммо учувчилар ерни учиш-қўниш йўлаги деб ўйлаётдилар. Унда нега ерни кўрмайдилар? Борт инженери ҳайрат билан сўрайди:

— Нималар бўляпти?

Тасаввур қила оласизми, улар қанақа талваса билан, шошилиб асбоб-ускуналарнинг кўрсаткичларини ўзларининг самолёт қаерда экани ҳақидаги тахминлари билан қиёсламоқдалар.

01:42:19. Иккинчи учувчи иккинчи давра айланиб қўнишни таклиф қилади. Ниҳоят у имо-ишоралардан жиддий тавсияларга ўтади ва қўнишни бекор қилдиришни истади. Кейинчалик, текширув пайтида, аниқланишича, агар у ўша пайтда бошқарувни қўлига олганида, команданинг юқорига кўтарилиш ва тепаликка урилишининг олдини олиш имкони бор эди. Иккинчи учувчиларни капитаннинг қарори хато эканлигига ишонган вазиятларда кемани бошқаришни ўзларига олишга ўргатишади. Аммо назарияни синфда ўрганиш — бошқа, реал ҳаётда, ҳавода, ёнингда хато қилсанг, тарсаки урадиган капитаннинг ёнида бажариш — буткул бошқа иш.

01:42:20. Борт инженери: Кўринмаяпти.

Ниҳоят, ҳалокат муқаррар бўлганда, иккинчи учувчи ва борт инженери очиқ гапиришга журъат қилишади. Улар капитандан «иккинчи даврага кириши»ни — юқорига кўтарилиб, яна бир марта қўнишга уринишини талаб қилишади. Аммо энди жуда кеч эди.

01:42:21 Иккинчи учувчи: Кўринмаяпти, иккинчи даврага кирамиз.

01:42:22 Борт инженери: Иккинчи даврага кирамиз!

01:42:23 Капитан: Иккинчи даврага кирамиз!

01:42:24:05 Ерга яқинлашишдан огоҳлантирувчи тизим (GPWS): Юз.

01:42:24:84 GPWS: Эллик.

01:42:25:19 GPWS: Қирқ.

01:42:25:50 GPWS: Ўттиз.

01:42:25:78 GPWS: Йигирма.

01:42:25:78 (биринчи зарба овози)

01:42:28:65 (товуш сигнали)

01:42:28:91 (қичқириқлар)

01:42:30:54 (товуш сигнали)

Ёзув тугади.

8-БОБ

## Шолипоялар ва математика бўйича тестлар

«Йил бўйи тонг отмасидан турадиган  
инсоннинг оиласи қашшоқ  
яшамайди»

### 1

Агар Гонконгдан мамлакат ичкарасига томон юрилса ва Чжуцзян дарёсининг кенг ҳосилдор водийсига чиқилса, Хитойнинг жануби ишлаб чиқариш цехига айланмасидан олдин қандай кўринишда бўлганини бемалол тасаввур қилиш мумкин. У вақтда электр узатиш тармоқлари, тутун ўрамалари, тиркамаларни судраган шатакчи машиналар тўла автострадалар йўқ эди. Фотоаппаратлар, компьютерлар, соатлар, соябонлар ва футболкалар ишлаб чиқарадиган фабрикалар йўқ. Бир-бирига қапишган кўпхоналик ўйлар, банан ва манго дарахтлари, қанд лавлаги, шакарқамишлар, папайя ва ананаслар экспортга етиштириладиган далалар ҳам йўқ. Чжуцзян — Жанубий Хитойнинг Миссисиписидир, кенгайиб, буралиб оқадиган дарё ўз сувларини ҳосилдор ерларга олиб боради. Хитойда ишлаб чиқариш ривожлангунча Чжуцзян қирғоқларида ястанган балчиқли ерларга фақат шоли экилган.

Дарёнинг юқорисида Гуанчжоу шаҳри жойлашган, бу ерда ҳали кўҳна тарих излари сақланиб қолган. Маҳаллий манзаралар гўзаллигидан юрак ҳаприқади. Наньлин тоғларининг кўшиқда юқорига қалқиб чиққан оҳактошлар билан қопланган тепаликлар юксалиб боради. У ер-бу ерда дехқонларнинг хом ғиштдан қурилган уйлари кўзга ташланади. Кичик шаҳарчаларнинг бозорларида очиқ осмон остида бамбукдан нафис тўқилган саватларга қатор ўтқазилган жўжачалар ва ғозларни сотилади, ерда қатор-қатор қилиб ёй-

илган сабзавотлар, чўчка гўштининг улкан бўлаклари ва тамакининг йўғон ғарамлари терилган ва ҳамма ерда кўплаб километрларга чўзилган шолипоярлар... Қишда тап-тақир ердан ўтган йилги ҳосилдан қолган шолининг илдиз туганаклари чиқиб туради. Эрта баҳорда ёмғирлар намни олиб келади ва далаларга шоли экилгач, ҳамма ёқ яшиллик касб этади, шоли ниҳолларининг учида дон пайдо бўлгач, тўрт томон чеки поёнсиз тилларанг денгизга айланади.

Хитойда шоли неча минг йиллардан бери етиштирилади. Жанубий Осиёнинг барча мамлакатлари Япония, Корея, Сингапур, Тайван шоли етиштириш усулларини Хитойдан ўрганганлар. Қадим замонлардан бери бутун Осиёнинг деҳқонлари ерга ишлов беришнинг битта машаққатли шакли билан машғулдирлар.

Буғдой далаларидан фарқли ўлароқ, шоли пайкаллари тозаланмайди, улар «барпо этилади». Дарахтлар ва буталарни кўпориди, тошларни йиғиштириш ва далани шудгор қилишнинг ўзи етарли эмас. Шолипоярлар тоғ ёнбағирларида жимжимадор ўйиқларнинг поғонали шаршараси шаклида ўйилади ёки ботқоқликлар ва дарё ёнларида тер тўкиб барпо этилади. Шолипоярлар суғорилади, шунинг учун уларни кўтармалар, дамбалар ўраб туриши керак. Бу пайкаллари яқин-атрофдаги сув манбалари билан улайдиган каналлар қазилиши лозим ҳамда тўғончаларда экинлар учун зарур сувни сақлаб туриш учун тўсиқлар, қопқоқчалар ясаши зарур.

Шолипоярнинг ўзи лойдан иборат йўғон қатламга эга бўлиши шарт, акс ҳолда сув дарҳол ерга сингиб кетади. Лойга шоли экиб бўлмайди, демак, унинг устига қалин қилиб балчиқ ётқизилиши лозим. Лой қатлами ўта текис бўлиши шарт, акс ҳолда сув даланинг у четидан бу четига оқиб кетади ва экиннинг бир қисми сув остида қолади, қолган қисми сувсизликдан қурийдди. Шолини доимо озиклантириб туриш лозим — бунинг ўзи ҳам санъат. Деҳқонлар анъанавий тарзда органик чиқиндилардан ва куйдирилган гўнган, дарё балчиғидан ёки наша ўсимлигидан фойдаланганлар. Озуқани тўғри танлаш ва эҳтиёт бўлиб қўллаш керак: унинг ортиқчаси ҳам, етишмай қолиши ҳам зарарлидир.

Шоли экиш пайти келганда, хитойлик деҳқонлар шолининг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги ёки қурғоқчиликка чи-

дамлилиги билан фарқланадиган юзлаб навларидан бирини танлаб олишлари мумкин. Ҳосилсиз қолмаслик учун деҳқонлар ҳар йили бир вақтнинг ўзида бир неча навларни турлича таркибда алмашлаб экадилар. Шоли донини ўстириб, кейин уларнинг кўчатларини текис қатор қилиб 15 сантиметр ораликда ерга экардилар ҳамда меҳр билан парваришлардилар.

Кўчатларни ҳар куни қўлда, ҳафсала билан ўтоқ қилиш зарур эди, чунки бошқа ўсимликлар навниҳол кўчатларни сиқиб қўйиши мумкин. Баъзида ҳар бир кўчатга бамбукдан ясалган махсус хаскаш билан ишлов берилар — шу тариқа зараркунанда ҳашаротлар йўқ қилинар эди. Айни пайтда деҳқонлар мунтазам сув даражасини текшириб туришлари ва кўрсаткичларни, сув қуёш остида қизиб кетмаслигини кузатишлари керак эди. Шоли бошоқлари пишганидан сўнг, деҳқонлар барча дўстлари ва қариндошларини чақирар ва битта аҳил жамоа бўлиб, ҳосилни тезда йиғиштириб олардилар, чунки ҳосилнинг ўрнига энди иккинчи мавсум экинини экишлари ва қиш келгунича иккинчи бор ҳосил олишлари шарт эди.

Жанубий Хитойда нонуштага конжи — оқ гуручдан бўлган сутчўп салатли бўтқа, ниш урган бамбук кўчати ва балиқли паштетни тановул қилишади. Тушликка ҳам конжи тановул этилади. Кечки овқатга ҳам қайла билан гуруч ейилади. Улар бозордан энг аввало гуруч харид қилишади, қолган пулга бошқа зарур нарсалар харид қилинади. Гуруч бойлик ва мартабанинг мезони ҳисобланади. У ҳар бир куннинг ҳар бир иш сонияларини белгилайди. «Гуруч — бу ҳаёт, — дейди Жанубий Хитой қишлоқларининг анъанавий ҳаёт тарзини ўрганган антрополог Гонкало Сантос. — Гуручсиз яшаш мумкинмас. Агар мамлакатнинг бу қисмида сиз бирор нарсага эришмоқчи бўлсангиз, албатта шоли экишингиз керак. Уларнинг наздида бу дунёда гуруч асосий ўринни эгаллаган».

## 2

Осиёликлар математикани яхши ўзлаштирадилар. Хитойлик, Жанубий Кореялик ва Япониялик талабалар, шунингдек бу мамлакатлардан яқинда келган муҳожирларнинг болалари ғарблик тенгдошларига нисбатан математи-



кани осон ва тез ўзлаштирадилар.<sup>21</sup> Математикада осиеликлар — шубҳасиз биринчилардир, уларнинг муваффақияти жуда кўплаб тадқиқотчилар жавоб беришга уринган саволни талаб қилади: нима учун шундай?

Математикадан истеъдодлилик илдиэларини ахтарганда, одатда интеллектга мурожаат қилишади. Биз ғайришуурий тарзда шунга ишонамиз: мураккаб ҳисоб-китоблар ва олий математика буюк ақлни талаб қилади. Мана, шунинг учун биз осиеликларнинг математикага қобилияти кучлилигини уларда қандайдир туғма когнитив устуворлик борлиги туфайли, деб тахмин қилишга уринамиз. Бироқ зинҳор ундай эмас.<sup>22</sup> Яна ҳам муҳими, бошланғич тахмин ҳам нотўғридир. Математика бўйича истеъдод фақат когнитив қобилиятларга боғлиқ эмас. У кўп жиҳатдан маданият билан боғлиқдир.

Мисол учун, рақамлар қаторига қаранг: 4, 8, 5, 3, 9, 7, 6. Уларни айтинг. Кўзингизни четга олинг ва 20 сония мобайнида уларнинг кетма-кетлигини эслаб қолинг, кейин овоз чиқариб такрорланг. Агар сиз инглизча гапирсангиз, сиз-

21. Буни исботлаш учун кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тадқиқотчи Эрлинг Боу ҳисоб-китобларига кўра, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва Тайван математика бўйича бир хил натижа кўрсатадилар, улар ўртача 98 фоиздадирлар. АҚШ, Англия, Франция, Германия ва бошқа ғарбона саноат мамлакатлари қайдадир 28-чи ва 36-чи процентил ўртасидадирлар. Бу жуда катта оралик. Осиеликлар ер юзининг бошқа халқларига нисбатан юқори IQ даражасига эгаллиги хақидаги ғояни илк бор британиялик психологи Ричард Линн илгари сурган. У эволюцион тушунтиришга қурилган жумбоқли назарияни ишлаб чиқди. Унда Ҳимолай тоғи, жуда совуқ иқлим, қадимий ов усуллари, миянинг ҳажми ва алоҳида унли товушлар сабаб қилиб келтирилади.

22. Линн назарияси, рости гап, бошқа мутахассислар томонидан чилпарчин қилинган, улар Линнинг даъволари ҳаммага хос эмаслигини, чунки у мисол сифатида даромади юқори бўлган шаҳар аҳолисини олганини исбот қилдилар. Эҳтимол, дунёда IQ бўйича етакчи мутахассис ҳисобланган Жеймс Флинн жуда қизиқарли ўзга бир назарияни илгари суради. Унинг таъкидлашича, тарихий сабабларга кўра осиеликларнинг IQ даражаси европаликларнинг IQ даражасидан паст бўлган. Бошқача айтганда, улар математикада устунликларини IQ даражаси юқорилиги туфайли эмас, унга ўчма-ўч эришганлар. Ўзининг бу мавзудаги фикрларини Флинн «Американинг осиеликлари: IQга ўчма-ўч муваффақият» китобида баён қилган (Asians Americans: Achievement Beyond IQ), 1991

нинг рақамларни тўғри эслаб қолиш имкониятингиз тахминан 50 фоизни ташкил этади. Агар сиз хитойлик бўлсангиз, кетма-кетликни хатосиз айтиб бера оласиз. Нима учун? Чунки бу одамлар рақамларни хотиранинг икки сониядан катта бўлмаган бўлагиди сақлайдилар. Бу икки секунд мобайнида биз ўқийдиган ёки талаффуз қиладиган ҳамма нарсани осон эсда сақлаб қоламиз (худди шунинг учун тез гапира оладиган ва ўқий оладиган одамларда хотира яхшироқ). Хитой тили она тили бўлган инсонлар 4, 8, 5, 3, 9, 7, 6 рақамлар кетма-кетлигини тўғри эслаб қоладилар, чунки бу тил, инглиз тилидан фарқли равишда, еттига сонни икки секундга жойлай олади.

Бу мисол Станислас Дехэйнинг «Рақам ҳиссиёти» (Number Sense) китобидан олинди. Мана, муаллифнинг ўзи бу ҳақда нималарни ёзади:

«Хитойларнинг рақамларни англатувчи сўзлари жуда қисқа. Уларнинг аксариятини чорак секунд ичида талаффуз қилиш мумкин (мисол учун, 4 — бу «си», 7 — «ки»). Инглизча эквивалентлари узунроқ: тегишлича «four» ва «seven». Уларни талаффуз қилишга учдан бир сония вақт кетади. Сўзларнинг узунлигидаги фарқ, аёнки, инглиз тилида сўзловчилар ва хитой тилида сўзловчилар хотирасининг ўзига хосликларини изоҳлайди. Валлийча, инглизча, арабча, хитойча ва иврит сингари ҳар хил турдаги тилларда рақамларни талаффуз қилишга сарфланадиган вақт ва тил соҳибларининг хотираси ҳажми ўртасида доимий такрорланадиган нисбат кузатилади. Мазкур мезон бўйича хитой тилининг кантон шеvasи биринчи ўринга чиқади, унинг қисқалиги туфайли Гонконг аҳолиси ўзларининг рақамларни эслаб қолиш бўйича ноёб хотиралари билан мақтанишлари мумкин».

Ғарб ва шарқ тиллари бир-бирларидан сонларни англатувчи сўзларни яшаш шакллари билан ҳам фарқланади. Инглиз тилида, мисол учун, сонларнинг номланиши ўта бетартибдир. Ўн тўрт сони «fourteen» тарзида жаранглайди, 16 — «sixteen», 17 — «seventeen», 18 — «eighteen», 19 — «nineteen», шунинг учун сиз 11 «oneteen» бўлиб жарангласа керак деб тахмин қиласиз, 12 — «twoteen», 13 эса — «threeteen». Лекин ундай эмас. Бу сонлар учун бошқача шакллар мавжуддир: «eleven» (ўн бир), «twelve» (ўн икки), «thirteen» (ўн уч) ва «fifteen» (ўн беш). Ёки «forty» (қирқ) ва «sixty» (олтмишни) «fifty» (эллик), «thirty» (ўттиз) ва «twenty» (йигирма) билан

қиёслаймиз. Эшитганда улар бир хил тамойил асосида ясалгандай туюлади, бироқ аслида бундай эмас. Ва яна бир нарса ҳақида ўйлаб кўринг. Йигирмадан юқори сонларни ясашда биз, инглизлар, ўнликларни биринчи ўринга ва бирликларни иккинчи ўринга қўямиз: «twenty one» (йигирма бир), «twenty two» (йигирма икки). Бироқ ўн бирдан то ўн тўққизгача бўлган сонлар бошқача ясалади. Аввал «бирликлар келади», кейин «ўнликлар» келади: «fourteen», «seventeen», «eighteen». Бу ғалати эмасми? Хитой, япон ва корейс тилларида эса бунақа эмас. Уларнинг ҳисоб тизими мантиқийлиги билан ажралиб туради. Ўн бир — бу ўн-бир, ўн икки — ўн-икки, йигирма тўрт — икки ўн у тўрт ва ҳоказо.

Бу тафовут осийлик болаларга иккита устунлик беради. Биринчидан, улар жуда эрта санашни ўрганадилар. Тўрт ёшли хитой боласи 40гача санай олади. Америкалик болалар бу ёшда 15гача санай оладилар, фақат беш ёшда улар 40гача санашлари мумкин. Бошқача айтганда, мазкур асосий математик кўникмада америкалик болалар осийлик тенгдошларидан деярли бир йилга орқада қоладилар.

Иккинчидан, осийлик болаларга асосий арифметик амалларни, масалан, қўшишни бажариш осонроқ. Етти ёшли инглиз боласидан миясида ўттиз еттига йигирма иккени қўшишни сўранг. У аввал сўзларни сонларга айлантиради (37 + 22) ва фақат кейин қўшишни амалга оширади: 2 плюс 7 тенг тўққиз, 30 плюс 20 тенг 50, биргаликда 59 чиқади. Осийлик болани уч ўнлик етти ва икки ўнлик иккени қўшишни сўрасангиз унинг миясида аллақачон сўзларнинг ўзидаёқ жамланган тайёр ечим: беш ўнлик ва тўққиз, яъни эллик тўққиз пайдо бўлади.

«Осий ҳисоблаш тизими шаффофдир, — дейди Осий ва Ғарб ўртасидаги фарқларни ўрганиш билан шуғулланган Шимоли-Ғарбий университет психологи Карен Фьюзон. — Ўйлайманки, бу математикани ўрганишда буткул бошқача ёндашувни шарт қилиб қўяди. Қуруқ ёдлаш мантиғи англашга имкон берадиган тизим билан алмашади. Мен қўлимдан келишига ишонаман. Мен бу тизимнинг оқилона эканини тушунаман. Касрлар билан ишларканмиз, биз бешдан уч деймиз. Хитойликлар бевосита шундай дейишади: «беш қисмдан учтасини олинг». Тушунча даражасида мазкур тил шакли сизга дарҳол каср нима эканини тушунтиради ва

сурат ҳамда махражнинг ўзаро нисбати қандайлигини англади».

Фьюзоннинг фикрича, бизга, катталарга у қадар салмоқли кўринмаган бу фарқлар математика алифбосини ўрнаётган олти, етти ва саккиз ёшли болалар учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Фарб мактабининг ўқувчиларида математикага нисбатан ўсиб бораётган салбий муносабат илк бор учинчи ёки тўртинчи синфда пайдо бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, қисман бўлса-да, бунинг сабаби математикада маъно ва мантиқнинг йўқлигидадир. Унинг лингвистик тизими жуда ҳам ҳайбатли, асосий қоидалари эса ғайририхтиёрий ва чалкашдир.

Осиёлик болалар бундай машғулотлардан озоддирлар. Улар кўпроқ сонларни эслаб қола оладилар, арифметик ҳисобларни тезроқ амалга оширадилар, тилларида касрларга оид сўз шакллари эса касрларнинг ички моҳиятига мувофиқ келади. Эҳтимол, бу ҳолат уларда математикага муҳаббатни уйғотар; эҳтимол, бу уларни тиришқоқлик билан шуғулланишга, кўпроқ дарсларда қатнашишга, уй вазифаларини оғринмасдан бажаришга ундар ва ҳоказо... Боши ва охири йўқ айлана ҳосил бўлади. Математикага нисбатан уларда тайёр устуворлик бор, бу устуворлик алоҳида олинган осийлик боланинг интеллектига боғлиқ эмас. Шунчаки уларнинг тиллари муайян турдаги интеллектуал жумбоқларни ечишга мослашган. Бу маданий меросдир.

Чуқур ўрнашган маданий анъана корейсларнинг самолётни бошқаришига халақит қилади. Бироқ, биз ҳозиргина қадим замонлардан қолган маданий мероснинг бошқа тури билан танишдикки, у XXI аср талабларига жуда мос келади. Маданий мерос катта аҳамиятга эгадир, шу муносабат билан савол туғилади: мазкур мероснинг математик истеъдод билан боғлиқ бошқа жиҳатлари ҳам борми? Мазкур бобда мен сизнинг эътиборингизни шопопояларга қаратишни иштайман. Агар математик қобилиятларга шопопояларга етиштириш таъсирида шакланган маданият таъсир кўрсатган бўлса-чи?

### 3

Шопопояларга қарасанг — фақат уларнинг ўртасида туришингиз керак — шунда унинг ўлчами янада катта таассурот

қолдиради. Зеро, у жуда кичкинадир. Шолипояр яъни ўсимлик экиладиган майдоннинг ўлчами, одатда, бир му бўлади, бир му гектарнинг ўн бешдан биридир. Бу меҳмонхонадаги битта хонанинг ҳажмидир. Осиёдаги одатий шолипоярнинг ўлчами икки-уч му бўлади, ортиқ бўлмайди. 1500 нафар аҳолига эга хитой қишлоғи, 180 гектар ери билан ўзининг барча эҳтиёжини таъминлай олади. Американинг Ўрта Ғарбида битта оилавий ферманинг шунча ери бор. Бунақа ўлчамда, яъни беш-олти кишилик оила меҳмонхонанинг иккита хонасидек ерда хўжалик юритганда, ерга муносабат тамоман ўзгаради.

Ғарбнинг агромаданияти автоматлаштиришга талпинади. Агар ғарб фермери ўз меҳнатининг самарадорлигини ошираман ёки ҳосилни кўпайтираман деса, у кўпроқ янги технологик аслахаларни жорий этади, қўл меҳнатини механик меҳнатга алмаштиради. Янчгич машина, сомон тўпловчи машина, дон ўрувчи комбайн, трактор. У яна битта пайкални тозалайди ва уруғ экади, чунки энди техника туфайли аввалгидай куч сарфлаб, кўпроқ ерни эплай олади. Бироқ Япония ёки Хитой деҳқонларининг техника сотиб олишга пуллари бўлмаган; бунинг устига ернинг йўқлиги уларга янги дала-ларни кўшишга имкон бермаган. Шунинг учун шоли етиштирадиган деҳқонлар вақтни оқилона тақсимлаш ва оқилона қарорлар чиқариш ҳисобидан ҳосилдорликни оширганлар. Антрополог Франческа Брей айтганидай, шоли агромаданияти «махоратга асосланган»: агар сиз далани янада синчковлик билан ўтоқ қила олсангиз, тўғри ўғит беришни ўргансангиз, сув даражасини тез-тез текшириб турсангиз, лой қатламини нафисроқ текисласангиз ва ҳар бир квадрат сантиметр ердан унумли фойдалансангиз, янада кўпроқ ҳосил оласиз. Шунинг учун шоликорлар бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари билан машғул деҳқонларга қараганда ҳамиша кўпроқ меҳнат қилганларидан ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Охирги фикр ғалати туюлиши мумкин, чунки қадимда ҳамма тер тўкиб ишлаган деб ҳисобланади. Лекин аслида ҳеч ҳам ундай эмас. Масалан, бизнинг аждодларимиз овчилар ёки турли ҳосилларни жамловчилар бўлишган, умумий фикрга кўра, уларнинг аксарияти жуда фаровон ҳаёт кечиришган. Ботсванадаги Калахари саҳросида яшайдиган Қанг бушменлари, Ердаги шу тариқа ҳаёт кечирадиган сўнги қабилалардан бири, асосан оқсилга бой бўлган ман-

го ёнғоклари билан, шунингдек мева-чевалар ва илдизлар билан овқатланишган. Улар ҳеч қандай экин экаишмайди ва ҳайвонларни ҳам боқишмайди. Вақти-вақти билан қанг эркаклари овга чиқиб туришади, аммо бу фақат спортга ўхшаш бир қизиқишдир. Қанг эркаклари ва аёллари ҳафтада 12-19 соатдан кўп ишлашмайди, қолган вақтда рақс, кўнгилочар ўйинлар билан банд бўлишади ва бир-бирлариникига, дўстлари ва қариндошлариникига меҳмонга боришади. Умуман олганда, улар иш учун бир йилда минг соат атрофида вақт сарфлашади. (Бир бушмендан нега унинг қабиласи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмаслигини сўрашганда, у ҳайрон бўлиб: «Дунё тўла манго ёнғоғи бўлса, яна ниманидир етиштиришга на ҳожат?» деган экан.)

Келинг, таққослаш учун XVIII асрдаги Европа деҳқонининг ҳаётига назар соламиз. Ўша замонларда эркаклар ва аёллар тонгдан куннинг иккинчи ярмигача, йилига икки юз кун ишлашарди, жамлаб кўрганда бу йилига 1200 соат бўлади. Кузга ҳосил йиғим-терими пайти ва баҳорги экиш мавсумида бироз узоқроқ ишлашган. Қишда иш куни жуда қисқарган. Ўзининг «Очиқ Франция» (The Discovery of France) китобида тарихчи Грэм Роббинг ёзишича, француз деҳқонларининг ҳаёти ҳатто XIX асрда ҳам узоқ давом этган байрамларга қоришиқ эди, иш кунлари қисқагина бўлган.

«Бу ва бошқа бу каби [француз қишлоқ ҳаёти ҳақидаги] китобларда тасвирланган фаол фаолиятнинг тўқсон тўққиз фоизи, — деб ёзади у, — баҳорнинг охиридан кузнинг бошланишигача даврга тўғри келган». Пиреней ва Альп тоғларида илк қорлар бошланиши билан бутун-бутун қишлоқлар уйқута кетган ва фақат март ёки апрелда жонланган. Франциянинг совуқ кам бўладиган иқлими бир қадар юмшоқ ва иссиқ туманларида ҳам шу анъана кузатилган. Робб яна ёзади:

«Фландрия далалари йилнинг катта қисмида бўм-бўш турарди. 1844 йилда Ньевр департаментига ёзилган расмий ҳисоботлардан бирида ҳосил йиғилганидан ва хомтоқ қилинган узум новдалари ёқиб юборилганидан сўнг мардикорларнинг ғалати қилиқлари ҳақида ёзилган. Барча зарур асбоб-ускуналарни таъмирлагач, бу чайир одамлар куни билан тўшақда биқиниб ётар ва жуда кам овқат ер эдилар. Улар ўзларини атайин заифлаштирадилар. Бу қишки мудроқ иқтисодий ва жисмоний заруратдан туғилган. Метаболизмнинг секин-

лашуви озиқ-овқат захираларини тежаш ва очлик туйғусини сўндириш учун эди... Одамлар ҳатто ёзда ҳам бекорчилик қилишарди... Француз инқилобидан сўнг мансабдорлар Элъзас ва Па-де-Каленинг виночилари ва эркин фермерлари қишки мавсумда «тинч ва камҳаракат машғулотлар» билан шуғулланиш ўрнига, «бемаъни дангасалик ботқоғига ботгани»дан арз қилишганди».

Бироқ сиз Хитойнинг жанубида яшайдиган деҳқон бўлсангиз, қиш бўйи ухлаб ётолмасдингиз. Куруқ даласиз мавсумга тўғри келган қисқагина дам олиш вақти — ноябрдан февралгача — кўплаб ишларга улгурардингиз. Бамбук новдасидан саватчалар ва бош кийимини тўқиш, бозорда сотиш керак. Шолипоярдаги кўтармаларни тузатиш, уйни таъмир қилиш зарур. Ўғилларингизни яқин қишлоқдаги қариндошларга ишлаш учун жўнатишингиз лозим. Соядан тофу пишлоғини тайёрлаш, илонларни тутиш (тансиқ таом!), ҳашаротларни териб келиш шарт. Баҳор келиши билан эса сиз яна тонгдан далага чиқишингиз керак. Маккажўхори ёки буғдой билан таққослаганда шоли етиштириш 20 марта кўпроқ меҳнатни талаб қилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, осеёлик шоликор деҳқон бир йилда қарийб 3000 соат ишлайди.

#### 4

Бир дақиқа у қандай ҳаёт кечирганини ўйланг. Уч минг соат ишлаш — бу инсон учун ўта оғир юқдир, бунинг устига унинг аксарият қисми тик оёқда, эгилиб, қуёш тигида шоли пайкалини ўтоқ қилиш билан ўтади.

Унга таскин берадиган ягона нарса бу ишнинг табиати дир. Биринчидан, шоли етиштиришда сарф қилинган куч-қувват билан олинадиган мукофот ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Далада қанчалик тиришқоқлик билан меҳнат қилсангиз, ҳосилингиз шунча мўл-кўл бўлади. Иккинчидан, бу мураккаб жараён. Деҳқон шунчаки ўйламасдан баҳорда дон сепаиб, кузда ўриб оладиган одам эмас. Аслида у оилавий пудрат фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уруғ танлашда шубҳаларни енгиб ўтувчи, мураккаб ирригация тизимини барпо этувчи ва унинг ишлашини кузатувчи, илк ҳосилни йиғиб-териби олишни бошқарувчи ва бир пайтда иккинчи экиш учун далани тайёрловчи инсондир.

Бироқ энг муҳими, бу иш хитой деҳқонига мустақиллик ато этади. Европа деҳқонлари, одатда, моҳиятан мулкдор-оқсуякларнинг ерларида меҳнат қилувчи, ўз тақдирига ўзи соҳиб бўлмаган қуллардир. Аммо шоли иқтисодига эга бўлган мамлакатларда, Хитой ва Японияда золим феодал тузумлар сингиб кетолмади. Шоли етиштириш жуда кўп билим ва маҳорат талаб қилади, шунинг учун деҳқонларни куч ишла-тиб ҳар тонг ишга мажбурлаш тизими бу ерда ишламайди. XIV–XV асрларда Марказий ва Жанубий Хитойда ер эгалари деҳқонлардан муайян ижара ҳақини йиғиб оладиган бўлдилар ва деҳқонларга қолган ишларни ўзлари билганича олиб бориш имкони берилди.

«Шоли етиштириш жараёни нафақат ноёб меҳнатсеварликни, балким улкан синчковликни ҳам талаб қилади, — деб хикоя қилади тарихчи Кеннет Померанц. — Далани суғоришдан олдин уни идеал даражада текислаш ўта муҳимдир. Сув борасида заррача номутаносиблик ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Сув пайкалда муайян вақт мобайнида туриши лозим. Уруғларни бир хил масофада экиш билан уларнинг тартибсиз сепилиши ўртасида катта фарқ бор. Сиз шунчаки уруғни март ўртасида ерга сепа, ой охирида ёмғир ёғиб қолар, деб ишонч билан кутиб ўтиролмайсиз. Барча жараён назорат остида бўлиши лозим. Сиз шунча меҳнат сарф қилар экансиз, хўжайинингиз сизнинг юқори ҳосилдорликдан манфаатдор бўладиган тизим ўрнатиши шарт: ҳосил қанча катта бўлса, деҳқоннинг улуши ҳам шунча катта бўлади. Худди шунинг учун белгиланган муайян тўлов жорий қилинади: ер соҳиби, дейлик, ҳосилнинг қанчалигидан қатъи назар, йигирма бушел ҳосилни олади, агар ҳосил катта бўлса, йигирма бушелдан ортгани ҳаммаси деҳқонга тегади. Натижада у ҳосилнинг кўп чиқишидан манфаатдор. Шоли етиштиришда қуллик иши ёки ёлланма меҳнат ярамайди. Мажбурий меҳнат ҳолатида сув меъёрий даражасини ушлаб турадиган қулоқлар керагидан бир неча сония ортиқ ёпиқ қолиб кетиши хавфи бор — агар шундай бўлса ҳосилни кут-маса ҳам бўлади».

Хитой деҳқонлари ҳаётининг ифодаси сизга бошқа бир тасвирни эслатмаяптими? Уларнинг ҳаёти Эндигина Нью-Йоркка келган Луис ва Регина Боргенихт сингари яхуди муҳожирлар ҳаётига ўхшайди. Улар ҳам бир зум тин-



масдан, белларини букканча тер тўкканлар. Аммо уларнинг меҳнати мазмунли меҳнат эди. Тикувчилик саноатидаги мустақиллик, мураккаблик ва сарф қилинган ҳаракатлар ҳамда меҳнат натижаси ўртасидаги бевосита боғлиқлик яхудий муҳожирларга иқтисодий ва касбий юксакликка интилиш ҳиссини ато этди. Шоликорлик ҳам шу мақсадларга хизмат қиларди.

Тарихчи Дэвид Аркуш хитой ва рус мақолларини таққослаган, улар ўртасидаги фарқдан ҳайратга тушган. «Худо бермаса, ер ҳам туғолмайди» — бу типик рус мақоли. У деҳқонлар ўз меҳнатлари самарадорлигига ишонмаган репрессив феодал тузумга хос фатализм ва тушкунликни акс эттиради. Бошқа томондан, хитой мақоллари ҳайратомуз ишонч бахш этадики, «тиришқоқлик билан қилинган меҳнат, оқилона режа ва ўз кучига ишонч ёки гуруҳ билан яқдил ҳаракат қилиш вақт ўтиши билан қут-барака келтиради».

Мана, ботқоққа тўла шолипоярларда (дарвоқе, бу ерлар зулукка тўла эди) куёш тиғи остида 3000 соат тинимсиз ишлайдиган деҳқонларнинг бир-бирларига айтадиган гаплари:

- «Қон ва терсиз қандай овқат ерсиз?»;
- «Дангаса одам қишда музлаб ўлади»;
- «Деҳқон меҳнат қилади, мудом меҳнат қилади; агар меҳнат қилмаса, қишда дон қайдан бўлади?»;
- «осмондан овқат ёғирилишини кутманг; юк кўтаргувчи қўлларингизга боқинг»;
- «Ҳосилни сўраш бефойда, у оғир меҳнат ва ўғитдан ҳосил бўлади»;
- «Агар инсон меҳнат қилса, тинмаса, ер ҳам дангаса бўлишга уялади».

Ниҳоят, энг ифодали ҳикмат:

«Йил бўйи тонг отмасдан турадиган инсоннинг оиласи қашшоқ яшамайди».


Тонг отмасдан? Йил бўйи? Шошилмасдан манго ёнғоғини йиғаётган қанг қабиласи учун ва қишки уйқуга кетган француз деҳқонлари учун ҳамда бошқа шоли етиштирмайдиган исталган бир маданият учун бунақа иш кунини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу осиеликлар маданияти борасидаги мубҳам фикрлар

эмас. Сизга буни исталган коллежда тасдиқлашлари мумкин, осиелик талабалар кутубхонадан ҳаммадан кейин кетадилар. Айрим осиеликлар уларнинг маданияти ҳақида шу тарзда фикрласангиз, хафа бўлишади, буни тушунса бўлади, уларга мазкур стереотип бироз менсимасликдай туюлади. Бироқ бу айб эмас, ахир меҳнатта ишониш – гўзал ахлоқнинг ифодаси. Мазкур китобда тасвирланган ҳар бир муваффақият тарихи ўз тенгдошларидан кўра кўпроқ ва тиришқоқроқ меҳнат қилганлари туфайли юксалган инсон ёки инсонлар гуруҳи тўғрисида ҳикоя қилади; Билл Гейтсни болалигида монитрдан ажратиб бўлмасди. Билл Жойни ҳам. Гамбургда «Битлз» гуруҳи жамланганда улар бир неча минглаб соат меҳнат қилган. Жо Флом, то муваффақиятга эришгунича, йиллар бўйи ўз маҳоратини такомиллаштирган, компанияларнинг қўшилишини амалга оширган. Муваффақиятли инсонлар зинҳор қўл қовуштириб ўтирмайдилар, шунинг учун шоліпоярда шакланган маданият барча инсонларга машаққатлар ва қашшоқликнинг моҳиятини кўрсата олган доҳиёна маданиятдир. Бу сабоқлар осиеликларга кўплаб соҳаларда асқотган, бироқ энг кўп фойдаси теккан соҳа математикадир.

## 5

Бир неча йил аввал Берклидаги Калифорния университети профессори, математик Алан Шонфельд, Рене исмли аёл математик жумбоқни қандай ечаётганлигини видеога ёзиб олади. Аёл йигирма беш ёшларда эди. Унинг сочлари узун ва қора бўлиб, кумуш гардишли юмалоқ кўзойнак тақиб олганди. Видеода Рене алгебрага ўқитиш бўйича дастурда ишлаётгани акс этган. Экранда иккита: «X» ва «Y» ўқ чизиқ акс этган. Дастур зарур координатларни киритишни сўрайди, кейин киритилган координатларга мувофиқ чизиқ ўтказди. Шундай қилиб, агар сиз X ўқига 5 ва Y ўқига 5ни киритсангиз, куйидагича натижа оласиз:



Ўйлайманки, хотирангиз қаъридан ўрта мактабдаги алгебра дарслари ҳақидаги ғира-шира хотиралар сизиб чиқди. Ишончингиз комил бўлсин, видеодаги мисолнинг муҳимлигини баҳолаш учун мактаб дастурини эслашнинг ҳожати йўқ. Рене монологи ёзувини ўқий туриб, нима ҳақида гапирганига эмас, нима учун ва қандай гапирганига диққат қилинг.

Шонфельд ишлаб чиққан компьютер дастури талабаларга бурчак коэффициентини ҳисоблашни ўргатиш имконини беради.

Бурчак коэффициенти — ишонаманки, сиз уни эслайсиз (аниқроқ айтсам, сиз эслай олмайсиз, ҳар ҳолда, менинг ўзим эслай олмадим) — бу қарама қарши турган катетнинг ёндош турган бурчакка нисбатидир. Бурчак коэффициенти 1га тенг, чунки абсциссининг интервали 5 га тенг ва ординатанинг ўзгариш интервали ҳам 5 га тенгдир.

Шундай қилиб, Рене клавиатура олдида ўтириб, дастур  $Y$  ўқиға мос келадиган бутунлай вертикал чизиқ чизиши учун қандай сонларни киритишни тасаввур қилишга уринмоқда. Ҳали ҳам математика дарсларини эслайдиган одамлар тушунмадики, бу умуман имконсиздир. Вертикал чизиқнинг бурчак коэффициенти «ноаниқ»дир. Унинг ординатани ўзгартириш интервали чексиздир:  $Y$  ўқидаги ҳар қандай сон: нолдан то чексизликкадир.  $X$  ўқидаги абсцисса ўзгариши интервали нолга тенг. Нолга бўлинган чексизлик сон ҳисобланмайди.

Аммо Рене ечими йўқ вазифани ечишга уриниб ётганини билмайди. Шонфельднинг айтишича, қиз ёқимли адашиш оғушидадир. Профессор айниқса бу ёзувни кўрсатишни ёқтиради, чунки у Рене аста-секин адашишдан чиқа бошлашини намойиш қилади.

Рене — тиббиёт ҳамшираси. У аввал ҳеч қачон математика билан қизиқмаган ва ишида ҳам бунга дуч келмаган. Аммо тасодифан бу дастурга дуч келгач, ундан ўзини торта олмайди.

— Мен  $Y$  ўқига параллел чизик ўтказмоқчиман, — дея бошлайди қиз. Шонфельд қизнинг ёнига ўтиради. Рене ҳаяжон билан унга қарайди. — Мен беш йилдан буён бу иш билан шуғулланмаганман.

У турлича сонларни киритиб, тажриба қилиб кўра бошлайди.

— Мен бурчак коэффициентини бундай ўзгартираман... минус бир... Мен бу чизикни тўғри қилишим керак.

Монитор экрандаги чизик киритилаётган сонга қараб ўзгаради.

— Вой, бунақада бўлмас экан.

Рене ҳайронлигини кўрсатади.

— Нима қилмоқчисан? — сўрайди ундан Шонфельд.

— Мен  $Y$  ўқига параллель чизик ўтказмоқчиман. Мен бунинг учун нима қилишим керак? Менимча, мана бу ерини ўзгартиришим керак (у  $Y$  ўқини ўзгартириш учун сон киритиладиган рамкага қарайди). Мана, мен нимани англадим: агар бирнинг ўрнига икки қўйсам, график кескин ўзгаради. Шундай қилиб, юқорига кўтарилишни истасам, сонларни яна ўзгартириш керак.


Рененинг «ёқимли адашиши» шудир. Қиз аниқладики,  $Y$  ўқининг координатаси юқори бўлгани сари, чизик шунча юқорига кўтарилди бошлайди. Бундан қиз хулоса чиқаради: вертикал чизикни чизиб учун бу ўқда етарлича катта сонни киритиш лозим.

— Ўйлашимча, ўн икки ёки ўн уч етарли бўлади. Балким, ўн беш керакдир.


Шонфельд билан гап нимадалигини аниқлашга киришар экан, қизнинг жаҳли чиқа бошлайди. Унга саволлар беради. У эҳтиёткорлик билан қизни керакли йўналишга чорлайди.

У бир уриниш кетидан иккинчи уринишни қилади, бир вариант кетидан иккинчи вариантни киритиб кўради.

Қайсидир бир сонияда у 20 сонини киритади. Чизик бироз кўтарилади.



У 40 сонини киритади. Чизик янада кўтарилади.



— Бу ерда аён бир нисбат мавжуд. Фақат нега эканини тасаввур қилолмаяпман... Агар саксонни киритсам-чи? Агар қирқда чизик ярмигача кўтарилган бўлса, саксонда у тўғри У ўқига томон кўтарилиши лозим. Кўрайлик-чи, қани нима бўларкан.

У 80 сонини киритади. Чизик яна кўтарилади, лекин ҳали ҳам вертикал эмас.

— А-а-а, бу чексизлик, тўғрими? Чизик ҳеч қачон ўқ билан мувофиқ келмайди.

Рене ечимга жуда яқин келади. Аммо яна бошланғич хатосига қайтади:


— Хўш, нима қилишим керак? Юз сонини киритайми? Ҳар сафар сонни икки баравар оширсам, чизик ўққа томон ярмига кўтарилади. Аммо унгача етмайди. — Қиз 100 сонини киритади. — Энди яқинроқ келди. Лекин ҳали ҳам мос келмади.

Рене овоз чиқариб ўйлай бошлайди. Жавобни ҳозир топдигандай эди.

— Аҳа, мен шунақалигини билардим... аммо... мен билардим. Сон катталашса, чизик кўтарилади. Фақат ҳеч тушунма олмаяпман, нега...

Монитор экранига қараганча, жимиб қолади.

— Буткул чалкашиб қолдим. Биргача бўлган масофанинг ўндан бири. Аммо мен иштайман, чунки...



Бирдан унга етиб боради.

— Аҳа! Нолга бўлинган ҳар қандай сон! — Унинг юзи қувончдан чарақлаб кетади. — Вертикал чизик нолга бўлинган ҳар қандай сондир, бу ноаниқ сон. О-о-о! Майли. Энди

ҳаммаси аён. Вертикал чизиқнинг бурчак коэффицентини аниқлаб бўлмайди. А-а-а! Энди бу ерда маъно бор. Буни ҳеч қачон унутмайман!

## 6

Ўз фаолияти мобайнида Шонфельд у ёки бу масалаларни ечишга уринган кўплаб талабаларни видеога олган. Бироқ Ренега оид ёзув — унинг сеvimли ёзувларидан бири, чунки у олим математикани ўрганишнинг калити деб билган нарсани идеал тарзда намойиш қилган. Тажрибанинг бошидан то «А-а-а! Энди бу ерда маъно бор» дейилгунча йигирма икки дақиқа вақт ўтган. Бу кўп вақт. «Бу саккизинчи синф учун бериладиган вазифадир, — дейди Шонфельд. — Аммо мен Рененинг ўрнига оддий саккизинчи синф ўқувчисини кўйсам, ишончим комилки, бир неча уринишдан кейин у: «Мен тушунмаяпман», «Менга тушунтиринг», — дейди».

Бир кун Шонфельд ўрта мактаб ўқувчиларидан бирор топшириқни бажарар эканлар, агар ечим тезда, бир уринишда топилмаса, қанча вақтдан кейин жавоб излашни тўхтатишларини сўрайди. Жавоблар ўттиз секунддан беш минутгача боради, уринишларнинг ўртача давомийлиги икки минутга тенг бўлди.

Бироқ Рене чекинмайди. У турли ва турли вариантларни қўллаб, тажрибани давом эттираверади. Овозини чиқариб фикр юритади. Ишни ярим йўлда ташлаб қўймайди. Таслим бўлмайди. Қандайдир онгости қатламида у ўзининг вертикал чизиқ чизиш «назарияси»да қандайдир нотекиклик борлигини сезади ҳамда ўзининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилмагунча уринаверади.

Рене математикага туғма қобилияти бор қиз эмасди. «Бурчак коэффицентини» ва «ноаниқлик» сингари атамалар унга қийин сингарди. Айнан шунинг учун Шонфельд унинг намунасини энг таъсирли деб ҳисоблайди.

«Уни ҳамма нарсанинг тагига етиш истаги бошқаради, — дейди у. — Бу қиз юзаки нарсага қаноат қиладиган, «ҳа, сиз ҳақсиз» деган сўз билан тинчиб қоладиганлардан эмас. Бу жуда ноодатий ҳодиса. — У кассетани ортга қайтаради ва монитор экранига самимий тикилиб турган Ренени кўрсатади. — Қаранг, у чизмани қандай диққат билан ўрганмоқда.

Аксарият талабалар юзаки қараш билан кифояланадилар. У фикр юритади: «Бу менинг тасаввуримга мос келмаяпти. Мен буни тушунмайман. Бу муҳим нарса. Мен билишни истайман». Ва, ниҳоят, у тушунтиришгача етади ва гапиради: «Ҳа, энди ҳаммаси аён», - дейди».

Берклида Шонфельд масалаларни ечиш бўйича курсни олиб боради, бу курс мобайнида у, ўзининг таъкидлашича, талабаларни мактабда ўзлаштирилган математик одатларини йўқотиш учун ҳаракат қилади. «Мен жавоби ўзимга ҳам маълум бўлмаган масалани танлайман, — тушунтиради у ва талабаларни огоҳлантираман: икки ҳафтадан сўнг менга ечимни кўрсатишларинг керак. Сизнинг одатларингиз менга яхши таниш. Биринчи ҳафта сизлар тараллабеод қилиб юрасизлар ва иккинчи ҳафта ишга киришасизлар. Шунинг учун сизларни огоҳлантираман. Бир ҳафта давомида бу масалани ечиб бўлмайди. Ҳавола этилган муддатнинг ўртасидан бошлаб, сиз ечимни топишга улгурмайсиз, менинг хузуримга келасиз ва: «Бунинг ечими йўқ», — деб айтасиз. Шу сабабли дарҳол иш бошлашни тақлиф этаман, иккинчи ҳафтанинг бошида сезиларли даражада олдинга силжиганингизни кўрасиз».

Кўпинча биз математик истеъдодни туғма қобилият деб ҳисоблаймиз. У ё бўлади, ё бўлмайди. Бироқ Шонфельд истеъдод қобилиятлар билан эмас, кўпроқ муносабат билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Математикани қайта-қайта уринишдан кўрқмайдиган одам ўзлаштиради. Шонфельд ўз талабаларини айнан шунга ўргатишга ҳаракат қилади. Муваффақият тиришқоқликдан, қайсарликдан ва бошқалар 30 сонияда ташлаб кетадиган масалани 22 дақиқа давомида ечишга тайёрликдан ҳосил бўлади. Синфга фақат Ренелардан иборат яхлит гуруҳни жамланг, уларга математикани мустақил ўрганиш учун вақт ва имкон беринг. Натижалар сизни ҳайратга солади. Энди Ренегга хос бўлган тиришқоқлик истисно эмас, Камберленд платосидаги номус маданияти каби чуқур иддиз отган маданий хулқ-атвор бўлган мамлакатни тасаввур қилинг. Бу мамлакатнинг аҳолиси математикага қобилиятли бўлиши аниқдир.



## 7

Таълим ходимларининг халқаро гуруҳи ҳар тўрт йилда бир марта математика ва табиий фанлар бўйича ҳар томонлама тестларни ўтказиши, мазкур тестларда бутун дунёдан келган бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари иштирок этадилар. Бу тестлар TIMMS (Халқаро математика ва табиий-илмий таълимдаги тенденциялар) деб аталади, уларнинг мақсади — турли мамлакатларнинг академик ютуқларини қиёслашдир.

TIMMS тестларини топширишда ўқувчиларга турли-туман саволлардан иборат сўровномани тўлдириш таклиф этилади: бу саволлар орқали уларнинг математикага муносабатлари, уларнинг ота-оналари таълим даражаси, дўстлари ва ҳоказолар аниқланади. 120 банддан иборат бу анкета-сўровнома шу қадар зерикарли ва батафсилки, кўпинча унинг 10-20 та саволи жавобсиз қолади.

Қизиқарли томони шуки, аниқланишича, TIMMS сўровномасидаги жавоблар сони мамлакатларга қараб ўзгариб боради. Умуман олганда, барча иштирокчи мамлакатларни ўқувчиларнинг жавоблари сонига қараб ажратиш мумкин. Агар анкета бўйича тест натижалари ва ажратиш натижалари қиёсланса, *улар деярли бир-бирига мос келади*. Бошқача айтганда, узоқ вақт диққатини жамлаб ўтира оладиган ва туганмас сўровноманинг саволларга сабр билан жавоб бера оладиган талабалар математик масалаларни ҳам бошқалардан кўра яхшироқ ечадилар.

Бу факт Пенсильвания университетининг тадқиқотчиси Эрлинг Боу томонидан аниқланган, бироқ унинг ўзи тан оладики, бу муганосибликни у тасодифан билиб қолган. «Мени гўё бир равшанлик чулғаб олди», — дейди у. Бу тадқиқотнинг ноодатийлиги туфайли Боу уни бирорта илмий журналда нашр эттира олмади. Унутманг, у яхлит анкетани тўлдириш қобилияти ва математикага қобиллик қандайдир тарзда боғлиқ деб гапирмаган. У бу натижалар батамом бир-бирига мос деб гапирмоқда: агар иккала рўйхат солиштирилса, улар бир-бирига буткул ўхшашдир.

Бунга бошқа томондан қаранг. Тасаввур қилайлик, қайсидир шаҳарда ҳар йили математик Олимпия ўйинлари ўтказилади, уларда ҳар бир мамлакат мингтадан саққизин-

чи синф ўқувчиларидан иборат командаларни юборади. Бонинг таъкидлашича, биз қайси мамлакат нечанчи ўринни олишини *математикадан бирорта савол бермасдан туриб*, аниқлашимиз мумкин. Иштирокчиларга қанчалик тиришқоқлик билан ишлай олишларини аниқлайдиган топшириқ бериб кўрилса, етади. Дарвоқе, шу топшириқсиз ҳам аниқлаш мумкин. Қайси мамлакатлар математика бўйича яхши натижалар кўрсатишини аниқлаш учун қайси маданиятларда интилишларга ва тиришқоқлик билан меҳнат қилишга устуворлик берилишини аниқласак, етарлидир. Шонфельднинг математикадаги муваффақиятлар манбалари борасидаги назарияси нафақат индивидлар даражасида, балким мамлакатлар даражасида ҳам тўғридир.

Шундай қилиб, математика бўйича қайси мамлакатлар энг кучли? Бу гап ҳам гапни қаёққа бураётганимни тушунгандирсиз. 2003 йилда TIMMS тестлари бўйича саккизинчи синфлар орасида етакчилар бешталигига Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой (Тайпэй) ва Япония кирган. 1999 йилда саккизинчи синфлар учун тестлар бўйича етакчилар бешлигига Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой (Тайпэй) ва Япония кирган, 1995 йилда эса — Сингапур, Корея, Япония, Гонконг ва Бельгия етакчилик қилган. Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой ва Японияни, шубҳасиз, шоли етиштириш ва мазмунли меҳнат таъсирида шаклланган маданият бирлаштиради.<sup>23</sup> Бу

---

23 Иккита кичкина кўшимча. Агар сизни бу рўйхатда Хитойнинг йўклиги хайрон қолдирса, шуни билингки, Хитой хозирча TIMMS синовларида иштирок этмайди. Бироқ Тайпэй ва Гонконгнинг бу қадар юксак мавқеи шу фикрга етаклайдики, агар иштирок этса, Хитой ҳам бундан кам натижа кўрсатмайди.

Сиз савол беришингиз мумкин: мамлакатнинг шимолида нима гап, ахир у ерда шоли эмас, худди Ғарбий Европадаги каби қадим-қадимдан бугдой етиштириш маданияти шаклланган? Мамлакатнинг бу қисмидаги аҳоли ҳам математикадан кучлими? Биз буни билмаймиз. Психолог Жеймс Флинн фикрига кўра, Ғарблик муҳожирларнинг орасида аксарият математика бўйича кучли инсонлар, Жанубий Хитойдан келиб чиққанлардир. Массачусетс технологик институтини аъло баҳода битириб чиққан хитойлик талабалар, асосан Чжуцзян дарёси водийсидан келиб чиққанларнинг авлодларидир. Унинг сўзларига қараганда, энг паст натижага эга бўлган Хитойдан келиб чиққан америкаликлар Чжуцзян дарёси водийсининг чек-

мамлакатларда қашшоқ деҳқонлар юзлаб йиллар мобайнида шоли пайкалларида 3000 соатлаб ишлаганлар, бир-бирларини шундай сўзлар билан қўллаб-қувватлаганлар: «Йил бўйи тонг отмасдан турган одамнинг оиласи қашшоқликни билмайди».<sup>24</sup>

---

қасидаги Си деб аталадиган минтақанинг аҳлидан бўлиб, «у ерда тупрок унчалик унумдор эмас, қишлоқ хўжалиги ҳам у қадар ривожланмаган».

24 Осиёликларнинг «тиришқоқлиги»ни ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Бунга мисоллардан бири — Присцилла Блинко амалга оширган тадқиқотдир. У япониялик ва америкалик биринчи синф ўқувчиларининг катта гуруҳини мураккаб бошқотирмани ечишга ундаган ва болалар жумбоқни ечишни тўхтатган вақтни кузатиб турган. Америкалик болалар 9,47 дақиқадан ортиқ чидай олмаган. Япон болалари ўртача олганда 13,93 дақиқа ҳаракат қилган — бу тахминан америкаликлардан 40 фоиз узокроқ демақдир.

9-БОБ

## Маританинг келишуви

### «ЭНДИ МЕН ФАҚАТ КІРР БОЛАЛАРИ БИЛАН ДЎСТЛАШАМАН»

#### 1

1990 йил ўрталарида Нью-Йоркда Луи Гериг номли ўрта мактабнинг тўртинчи қаватида «КІРР академияси» номли текин тажрибавий мактаб очилди. Луи Гериг мактаби Жанубий Бронксда жойлашган. Бу шаҳарнинг қашшоқ туманларидан бири эди. 1960 йилда қурилган ер бағирлаб турган рангпар мактаб биноси туссиз кўпқаватли уйлар турган кўчада эди. Бу ердан бир неча квартал нарида, Бронксдаги марказий шоҳ кўча бўлган Гранд-Конкурснинг у бошида «Янки» стадиони турарди.

КІРР — бу ўрта умумтаълим мактабидир. Ундаги синфлар тўла: иккита бешинчи синфнинг ҳар бирида 36 тадан ўқувчи таҳсил олади. Мактабда ўқиш учун имтиҳон олинмайди: ўқувчилар Бронксдаги истаган тўртинчи синф ўқувчиси иштирок этиши мумкин бўлган лотерея ёрдамида танлаб олинади. Ўқувчиларнинг ярмиси — афроамерикаликлар, иккинчи ярмиси — латиноамерикаликлар. Болаларнинг тўртдан уч қисми тўла бўлмаган оиладандир. Ўқувчиларнинг тўқсон фоизи овқатни текин олади ёки арзонлаштирилган нархда олади. Бошқача айтганда, уларнинг ота-оналари шу қадар кам пул топадики, болаларнинг овқатланиши учун федерал ҳукумат пул тўлайди.

Шунақа тасаввур туғиладики, бундай тумандаги, шу каби ўқувчиларга эга мактаб муаллимини дод дегиздириб юборса керак. Аммо, мактаб ичига киришингиз билан бир нарса аниқ бўлади: бу мактаб бошқаларига ўхшамайди. Ўқувчилар даҳлизларда саф бўлиб, бир-бирининг ортидан тинчгина юришади. Синфда муомала SSLANT протоколи бўйича

олиб борилади: табассум қилиш (smile), ўтириш (sit up), эшитиш (listen), савол бериш (ask questions), биров мурожат қилганда бош силкитиш (nod), гапираётган одамнинг кўзига қараб туриш (track). Деворларга академиянинг собиқ ўқувчилари айна пайтда ўқийдиган коллежларнинг байроқлари илинган. Бу ерга киришни истовчилар сони бешинчи синфга ажратиладиган жойлар сонидан ҳамиша кўп. Ўзининг фаолият юритган ўн йили мобайнида КИРР академияси Нью-Йоркнинг энг машҳур текин ўрта мактабларидан бири бўлди, десак, бўрттирган бўлмаймиз.

Академия ҳаммадан ҳам ўзининг математика дарслари билан машҳурдир. Жанубий Бронксда бу фан бўйича дастурни фақат 16 фоиз ўқувчилар ўзлаштира олади. Аммо, КИРР академиясида бешинчи синф охирига келиб, аксарият ўқувчилар математикани севимли фанлари сифатида тилга оладилар. Еттинчи синфда улар ўрта мактабнинг юқори даражасидаги алгебрани ўрганишади. Саккизинчи синф охирида уларнинг математика бўйича тайёргарлик даражаси бутун мамлакат миқёсида 80 фоизга етади. Бошқача айтганда, бу шаҳарнинг энг нотинч ҳудудларидан биридаги қашшоқ, аксарият оилаларда ҳеч ким, ҳеч қачон коллежда ўқимаган хонадонларда яшайдиган, тасодифан танлаб олинган болаларнинг аралаш-қуралаш гуруҳи математикани шаҳар атрофидаги Американинг бадавлат туманларидаги имтиёзли синфларда таҳсил оладиган саккизинчи синф ўқувчиларидан кам бўлмаган даражада биладилар.

«Бизнинг болаларимиз яхши ўқийдилар, — дейди ҳамкасби Майкл Файнберг билан 1994 йилда академияга асос солган Дэвид Левин. — Ёзиш улар томонидан сал қийин ўзлаштирилади. Бироқ улар мактабни битириб чиқар экан, асосий ютуқлари математика бўлади».

Бутун бутун Америка бўйлаб 50 дан зиёд КИРР мактаблари очилган ва очилмоқда. КИРР дастури мамлакатдаги энг истиқболли таълим йўналишларидан биридир. Бироқ унинг муваффақияти фақат ўқув дастури, муаллимлари, захиралари ёки ташкилий янгиликлари билан эмас, балки, маданий меросга жиддий муносабати билан ҳам белгиланади.

## 2

XIX асрнинг бошидаёқ ислохотчилар гуруҳи АҚШда давлат таълимининг янги тизимини барпо этишни ният қилдилар. Ўша пайтлар текин ўрта таълим бутун мамлакат бўйлаб тартибсиз сочилган, бор-йўғи битта синфи бўлган қишлоқ мактаблари ва одам тўлиб-тошган шаҳар ўқув муассасалари томонидан таъминланарди. Қишлоқ жойларида ўқиш баҳордан то кузгача деярли бўлмасди, ҳатто расман тўхтатиларди чунки болалар оналарига ҳосилни йиғиб-териби олишда ёрдам берардилар. Аксарият шаҳарлар мактабларида ўқув режаси она-оналарнинг пароканда иш жадвалларига мослаб тузилар эди. Ислохотчилар ҳамма болалар мактабда ўқишини ва таълим ҳар томонлама бўлишини белгилаб беришган. Бошқача айтганда, мактабни тамомлаган болалар ўқишни, ёзишни билишлари ҳамда асосий арифметик амалларни бажара олишлари ва жамиятга фойда келтириши лозим эди.

Тарихчи Кеннет Голд таъкидлаганидай, илк ислохотчи-педагоглар болаларни ҳаддан зиёд кўп машғулотларга кўмиб ташлашнинг хавфидан жиддий хавотирда эдилар. 1871 йилда АҚШнинг таълим бўйича вакили Эдвард Жарвис «Таълим ва ақлдан озиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик» мавзусида ҳисобот эълон қилди. 1741 та ақлдан озиш вазиятини ўрганиб, Жарвис 205 вазиятда жинниликнинг сабабчиси «дарсларнинг ҳаддан зиёд кўплиги» деган хулосага келди. «Таълим жуда кўплаб руҳий касалликлар ҳолатларининг асосини юзага келтиради», — деб ёзади Жарвис. Массачусетс штатидаги давлат таълимининг отаси бўлган Горацій Манн ҳаддан ошган ақлий зўриқиш ўқувчиларнинг хулқ-атвори ва одатларига ҳалокатли таъсир қилади, бундан ташқари, «миянинг ҳаддан зиёд зўриқиши умуман соғлиққа салбий таъсир кўрсатади» деб ҳисобларди. Ўша даврнинг ихтисослашган журналларида вақти-вақти билан ўқувчиларга ҳаддан зиёд кўп уй вазифаси берилаётгани уларнинг табиий қобилиятлари ўтмаслашишига олиб келаётганидан хавотир билдириларди. «Тинимсиз ўтказилган босим интеллектга таъсир қилади ва уни секинлаштиради», — деб шарҳлайди бир журнал.

Голд ёзганидай, ислохотчилар «ўқишга ажратилган соатларни қисқартиришга ҳаракат қилдилар, чунки танаффус-

нинг узайиши ақлга етказиладиган зарарнинг олдини олади. Натижада, шанба кунги дарслар бекор қилинди, ўқув кунни қисқартирилди ва таътиллار узайтирилди — бу ислохотларнинг барчаси XIX асрда юз берди. Ўқитувчилар огоҳлантирилдики, «дарс пайтида ўқувчилар узоқ вақт жисмоний ҳаракатсизликдан ва ақлий зўриқишдан азобланмаслиги керак». Дам олиш пайтида ҳам когнитив ва таҳлилий қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари берилди. Massachusetts Teacher журналидаги мақолалардан бирида шундай бир ғоя олдинга сурилади: «Фақат ўқиш жараёни билан боғлиқ зўриқишдан холос бўлсагина, болалар озод тарзда фикрлайдилар ва ўз хулосаларини чиқара оладилар».

Албатта, иш ва дам олишни мутаносиблаштириш ғояси XIX асрга келиб туғилган эмас. Осиёнинг шопипояларида юзага келган кўп асрлик урф-одатлари илдиизидан куч олган меҳнат ҳақидаги тасаввурлари каби, ғарбнинг тасаввурлари ҳам қишлоқ хўжалиги анъаналари асосида шакланган. Чжуцзян дарёси водийсида деҳқонлар бир йилда икки марта ва ҳатто уч марта ҳосил етиштирдилар. Замин озроқ дам оларди. Шоли етиштириш бир ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради: ирригация яъни сув орқали таъминландиган фойдали моддалар туфайли заминга қанча кўп ишлов берилса, у шунча кўп ҳосил берарди.

Ғарбнинг қишлоқ хўжалигида бошқа тамойиллар амал қилади. Агар ерга бир неча йилда бир дам берилмаса, у зўриқади, чарчаб қолади. Қишда далалар бўш туради. Баҳорги экиш, кузги ҳосил йиғишнинг тифиз кунлари ёзги ва қишки дам олиш билан алмашиб туради. Ислохотчилар ёш ақлларни етиштиришда ҳам шу тамойилни қўладилар. Биз ҳам янги ғояларни шу тарзда шакллантираемиз: маълум нарсадан номаълум нарса томон ҳаракатланамиз. Ислохотчилар қишлоқ хўжалиги ишлари мавсумийлигини яхши билганлар. Бундан улар шундай хулоса чиқарганлар: билимларни парваришлаш лозим, бироқ ақлни зўриқтириш шарт эмас, акс ҳолда у пароканда бўлади. Ақл тошдек қотиб ва битиб қолмаслиги учун нима қилиш керак? Узоқ ёзги таътиллари — мана, замонавий ўқитиш тизимига чуқур таъсир ўтказган америкача анъаналарнинг ўзига хослиги айнан шунда.

## 3

АҚШда бўладиган таълим тўғрисидаги мунозараларда ёзги таътиллар ҳақидаги масала камдан-кам кўтарилади. Улар мактаб футболли ва ҳар йилги битириш базми сингари давлат таълимнинг ажралмас аънанаси ҳисобланади. Энди бошланғич мактабда ўтказиладиган тест натижаларига эътибор берайлик. Балки, шунда сизнинг узоқ ёзги дам олиш боразидаги қарашларингиз бироз ўзгарар.

Келтириляётган маълумотлар Жонс Хопкинс университети социологи Карл Александрнинг тадқиқотларидан олинган. Александр Балтимордаги 650 нафар биринчи синф ўқувчисининг ривожланишини кузатган, Калифорниянинг «ютуқлар тести» деб аталадиган математика ва ўқишдан ўтказилган синов натижаларини таққослаган.

Қуйида мазкур тестнинг бошланғич мактабнинг биринчи беш йили натижалари ижтимоий-иқтисодий — қуйи, ўрта, олий синфларга бўлинган ҳолда келтирилган. Келинг, ўқиш бўйича тест натижалари билан чегараланайлик (ўқиш ва математиканинг асосида айнан бир хил тамойиллар ётади).

Ижтимоий-иқтисодий тоифа	1-синф	2-синф	3-синф	4-синф	5-синф
Паст	329	375	397	433	461
Ўрта	348	388	425	467	497
Юқори	361	418	460	506	534

Биринчи устунга қаранг. Ўқувчилар биринчи синфга хавотирли бўлмаса-да, билимлар ва қобилиятларда анча турлича тафовутлар билан келадилар. Бой-бадавлат оилаларнинг болалари қашшоқ оилаларнинг болаларидан 32 баллгача олдинда турганлар, айтиш керакки, Балтиморда қашшоқ оилалар *ростакамига* жуда қашшоқ эдилар. Энди бешинчи устунга қаранг. Бошидан бойлар ва камбағаллар ўртасида анча оз бўлган фарқ, тўрт йил ўтгач, икки бараварга ошган.

Бу тариқа «ютуқлардаги тафовутлар» — кўп болада кузатилган феномен бўлиб, одатда, ундан иккита хулоса чиқардилар. Биринчиси — жамиятнинг имтиёзли, бадавлат қатламларига дахлдор болалардан фарқли равишда, камбағал оилалардан чиққан болаларда ўқишга туғма қобилият бўл-



майди. Улар унчалик ақлли эмас. Иккинчиси — бироз кўтаринки қараш — бизнинг мактабларимиз қашшоқ оилаларнинг болаларини ўқитишга мослаштирилмаган: биз уларда зарур кўникмаларни шакллантира олмаепмиз. Айнан шу ерда Александрнинг тадқиқоти алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки, келтирилган фикрларнинг ҳеч бири етарлича ишонтира оладиган мулоҳазалар эмас.

Балтиморда мактаб ўқувчилари Калифорния ютуқларга эришганлик тестларини ўқув йили охирида, июнда ҳамда сентябрда, улар ёзги таътилдан қайтгач ҳам топширишади. Александр таъкидлашича, иккинчи тестнинг натижалари унга бир қадар ўзгача таҳлиллар ўтказиш имконини беради. Ўқувчи томонидан ўқув йили бошида, сентябрда тўпланган балларни ўқув йили охири — июнда тўпланган балларга солиштирилганда, унинг ўтган йил давомида эришган ютуқларини аниқ билиш мумкин. Июнь ва сентябрь тест натижаларининг солиштирилиши эса бола ёз мобайнида билимини қанчалар оширганини кўрсатади. Бошқача айтганда, сиз бутун ўқув йили ва ёз мобайнида юз берган ижобий ютуқларни ҳеч бўлмаса қисман, баҳолай оласиз.

Келинг, сентябрь натижаларидан бошлаймиз. Қуйида ҳавола этилаётган жадвалдан июнь тестлари сентябрь тестларидан неча баллга кўтарилганлиги кўринади. «Жами» деб аталган устунда синфнинг бошланғич мактабда таҳсил олган барча йиллардаги умумий ютуқлари кўрсатилган.

Ижтимоий-иқтисодий тоифа	1-синф	2-синф	3-синф	4-синф	5-синф	Жами
Паст	55	46	30	33	25	189
Ўрта	69	43	34	41	27	214
Юқори	60	39	34	28	23	184

Иккинчи жадвалнинг маълумотлари буткул бошқа манзарани чизади. Биринчи жадвалга қараганда, камбағал оиланинг болалари қолоқлар орасидадир. Бироқ иккинчи жадвалнинг натижалари бизни бу фикрдан қайтаради. Яна охириги «Жами» деган устунга қаранг. Беш йил мобайнида камбағал оилаларнинг болалари бой оилаларнинг болаларидан беш баллга ўзиб кетганлар. Улар ўртача қатлам болаларидан озгина орқададир, иккинчи синфга келганда эса камбағал оила

болаларининг кўрсаткичлари барча қолган қатлам болалари натижаларидан олдинга чиқиб олган.

Энди ёзги таътил вақти мобайнида ўқиш бўйича тестлар натижалари қанчалик ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Ижтимо-ий-иктисодий тоифа	1-синфдан сўнг	2-синфдан сўнг	3-синфдан сўнг	4-синфдан сўнг	Жами
Паст	-3.67	-1.7	2.74	2.89	0.26
Ўрта	-3.11	4.18	3.68	2.34	7.09
Юқори	15.38	9.22	14.51	13.38	52.49

Фарқни кўряписми? Биринчи устунга қаранг, у ерда биринчи синф ўқувчиларининг ёзги таътилдан сўнг кўрсатган натижалари берилган. Бадавлат ота-оналарнинг болалари сентябрда мактабга келиб, дарҳол бошқалардан 15 балл юқори баҳоланадилар. Камбағал оилаларнинг болалари таътилдан қайтадилар ва уларнинг баллари деярли минус тўрттача тушиб кетади. Улар ўқиш даврида бадавлат оилалар болаларига етиб оладилар ва ўзиб кетадилар, аммо ёзда улардан жуда орқада қоладилар.

Энди эса охириги биринчи синфдан то бешинчи синфгача бўлган ёзги натижалар кўрсатилган «Жами» деган устунга назар солинг. Камбағал оила болаларининг баллари 0,26 гача кўтарилган. Бошқача айтганда, бошланғич мактабда ўқитишнинг барча йиллари давомида қашшоқ оилаларнинг болалари таътил даврида ҳеч нарсани ўрганмаганлар. Бадавлат оилаларнинг болалари эса умумий ҳисобда қарийб 52,49 баллга эга бўлганлар. Уларнинг камбағал оилалардаги болалардан афзаллик томони — мактабдан *ташқари* ўқишлари натижасидир.

Биз бу ерда нимани кўрамиз? Бу натижалар шубҳасиз биз Крис Ланган ҳақидаги бобда кўриб чиққан турлича тарбия усулларининг натижасидир. Аннетт Ларонинг тадқиқотидаги тўққиз ёшли болани, Алекс Уильямсни эсланг. Сизнингча, бу ёзги таътиллار қанақа ўтади? Унинг оиласи имтиёзли синфга дахлдордир. У музейларга боради, махсус дастурларда иштирок этади, машғулотлар ўтказиладиган ёзги лагерларга ташриф буюради, зерикиб қолганида, китоб ўқийди. Алекснинг ёз мобайнида математика ва ўқиш борасида янада олдинга силжишида ҳайратланарли нарса йўқ.

Ижтимоий пиллапоянинг қуйи поғонасида турган Кэти Бриндлнинг иши эса буткул бошқачадир. Оиласида уни ёзги лагерга жўнатадиган пул йўқ. Онаси уни факультатив машғулотларга етаклаб боролмайди, уйда ҳам кутубхонаси йўқ, агар Кэти зерикса ҳам, нимани ўқирди... Фақат телевизор қолади, холос. Бошқа илож йўқ, у ёзни ўйин-кулгу билан ўтказди — янги дўстлар орттиради, кўчада ўйнайди, кинога боради, қисқаси, ҳар қандай бола орзу қилганидай, ёз кунларида мириқиб ором олади. Аммо бу ишларнинг ҳеч бири унинг яхши ўқиши ва ҳисоблашига ёрдам бермайди ўйин билан ўтган ҳар бир куни уни Алехсандан янада кўпроқ узоқлаштиради. Алехс Кэтидан кўра ақллироқ эмас. Алехснинг ривожланиш учун имкониятлари кўпроқдир: ёзнинг уч ойини ҳам у ўзининг таълими учун фойдали тарзда ўтказди, айни пайтда Кэти телевизор кўриш ҳамда кўча чангитиш билан оворадир.

Карл Алехсандрнинг тадқиқотлари билан танишгандан сўнг, Америка Қўшма Штатларида таълимга нотўғри ёндашув борлиги тўғрисида хулосага келишдан бошқа илож йўқ. Синфларда ўқувчилар сонини камайтириш, ўқув дастурларини қайта ишлаш, ҳар бир ўқувчи учун ажойиб янги ноутбуклар сотиб олиш ва мактабни янада яхшироқ молиялаштириш каби масалаларда тўхтовсиз баҳслар олиб борилаверади. Буларнинг бари мактабларнинг ўзида чуқур муаммолар мавжудлигини билдиради. Бироқ, болаларнинг сентябрдан июнгача бўлган ўқиши натижалари акс этган иккинчи жадвалга қаранг. Мактаб ўз вазифаларини бажармоқда. Ўқишда қолоқ болаларнинг ягона муаммоси бор: улар етарлича ўқимаяпти.

Алехсандр оддий ҳисоб-китобларни амалга оширди ва балтиморлик болалар йил бўйи ўқиганда нима бўлишини аниқлади. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, бошланғич мактабни тугатган бой ва камбағал оилаларнинг болалари математика ва ўқишда бир хил даражада бўлишлари мумкин.

Кутилмаганда осиеликларнинг математикада устунлигининг сабабларидан бири янада аёнлашади. Осие мактабларида бунақанги узун таътилга чиқишлар йўқ. Буни тушунса бўлади. Ютуққа эришиш учун 365 кун тонг отмасдан туриш кераклигига ишонган халқлар ўз болаларига кетма-кет уч ойлаб дам олиш имконини бермайдилар. АҚШда ўқув йилининг давомийлиги ўртача 180 кун, Жанубий Кореяда — 220 кундир.

Японияда ўқувчилар умумий ҳисобда 243 кун ўқийдилар. Бутун дунё бўйлаб битирувчилар ўртасида ўтказилган тестда алгебра, геометрия ва санокқа оид топшириқларнинг қанчаси мактабда ўтилган мавзулардан олинган, деб сўралди, Япониялик ўн иккинчи синф ўқувчилари: 92 фоиз жавоб берганлар. Мана, бу — 243 кун давом этадиган ўқув йилининг муайян фойдаси. Сизда зарур ҳамма мавзунинг ўрганиш учун етарли вақт бўлади ва билганингизни унутиш учун вақт кам қолади. Қиёслаш учун: америкалик ўн иккинчи синф ўқувчиларининг жавоби: 54 фоиз. Америкада қолақ ўқувчилар билан боғлиқ муаммо йўқ. Аммо ёзги таътиллار муаммоси бор — айнан шу муаммони КИРР мактабларида ечишга қарор қилишди. Шунинг учун Американинг қашшоқ кварталларида шолিপояларда олинган тажрибани қўллаб кўришди.

## 4

«Дарслар 07:25 да бошланади. 07:55 гача мажбурий тафаккурни ривожлантириш машғулоти ўтказилади. Ҳар куни инглиз тили ва математикага 90 дақиқа ажратилади, фақат бешинчи синф бундан мустасно, бешинчи синфда математикага бир соат, табиий фанларга бир соат, ижтимоий фанларга, муסיқага бир соат ва ҳаммасига қўшимча бир соат ўн беш дақиқа ҳамма ўқувчилар учун мажбурий бўлган оркестрда куй чалишга ажратилади. Ўқув куни 07:25 дан то 19:00 гача давом этади. Ўртача бир кун олинса ва танаффуслар, тушликка чиқиш чиқариб ташланса, бизнинг болаларимиз давлат мактабларникидан кўра 60-70 фоиз кўп вақт синфларда бўлишади», — Дэвид Левин Бронксдаги КИРР академиясини шундай тасвирлайди.

Левин мактаб вестибюлида турибди. Ҳозир тушлик пайти, академия кийимидаги ўқувчилар унинг атрофидан сафсаф бўлиб ўтадилар. Левин кўйлагининг чети ташқарига чиқиб қолган қизчани тўхтатади. «Имкон топганинда, менга бир яхшилик қил», — кўйлакни қандай жойлашни кўрсатар экан, илтимос қилади у. Ва гапни давом эттиради: «Шанба куни машғулотлар тўққиздан биргача давом этади. Ёзда — саккиздан иккигача». Ёзги таътиллار ҳақида гапирар экан, Левин июлдаги учта қўшимча ўқув ҳафталари ҳақида ҳикоя қилади. Алал-оқибат, академияда айнан кам таъминланган оилаларнинг болалари ўқишади, улар, Алекснинг сўзларига

қараганда, узоқ ёзги таътиллار даврида орқада қолиб кетишадди, шунинг учун академияда ёзги таътиллار қисқартирилди.

«Бошида уларга қийин бўлади, — давом этади Левин. — Кун охирига келиб уларнинг оёқлари чарчоқдан эгасига бўйсунмай қолади. Бизнинг таълим қисман чидамга ва қисман истакларга қурилган. Қисман қўллаб-қувватлаш, мукофотлаш ва кўнгилочар ўйинлардан иборат. Ва қисман эскича интизом ҳам бор. Ҳаммаси битта идишда жамланган. Биз чидам ва сабр ҳақида кўп гапирамиз. Болаларимиз бу нарсаларни яхши билишлари керак».

Левин йўлак бўйлаб математика хонаси томон юради ва саккизинчи синф шуғулланаётган синфхонанинг парталари охирида жимгина туриб олади. Аарон исмли ўқувчи, доска олдида туриб, тафаккурни ривожлантирадиган масалани ечмоқда — бу КИРР академиясининг барча ўқувчилари учун мажбурий жараён. Муаллим Фрэнк Коркоран, ёши ўттиздан ошган эркак, сочларини «отнинг ёли»дай турмаклаб олган. У бир четда ўтирибди, гоҳ-гоҳ мунозарани керакли йўналишга солиш учун аралашиб қўяди. Худди шундай сахнани ҳар куни эрталаб ҳар бир Америка мактабида кўриш мумкин, фақат бир истисноси бор. Аарон доска олдида туриб, битта масалани, мана, йигирма дақиқадан бери ечмоқда. У вазифани бажариш давомида нафақат бошқа болалар билан бирга жавоб излайди, балки ечимга бир неча йўللار билан келиш мумкинми, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Худди шундай қатъият билан Рене ноаён бурчак коэффициенти тушунчасини таҳлил қилганди.

«Кўшимча вақт эркин мулоқот учун шароит яратади, — деб тушунтиради дарсдан сўнг Коркоран. — Ўйлайманки, «улгурмадимми, демак, кечикди» деган ёндашув математикага зарар келтиради. Материал шу қадар тез суръатда узатиладики, уни фақат тез фикрлайдиган болалар ўзлаштири олади. Шу тариқа математикага қобилиятли одамлар бор ва математикага қобилияти йўқлар бўлади, деган ишонч пайдо бўлади. Ўйлайманки, узайтирилган дарслар ўқитувчига материални тушунтириш имконини беради, ўқувчилар ҳам бемалол ўтириб, ҳаммасини ўзлаштириш имконини оладилар — таҳлил қиладилар ва янада хотиржам вазиятда ишлайдилар. Биз анчайин секин суръатда ишлашимиз билан ажралиб турамиз ва натижада катта ҳажмдаги материални ўзлашти-

рамиз. Ҳуқуқчилар дарсни яхши қабул қиладилар ва ахборотни эслаб қоладилар. Шундай сокин суръат туфайли мен дарсни етарлича хотиржам олиб бораман. Бизда ўйин учун ҳам вақт қолади. Болалар дарс жараёнида истаган саволларини беришлари мумкин, янги материални тушунтиришда мен шошилишим шарт бўлмайди». Қўшимча вақт Коркоранга математика дарсини мазмун билан тўлдириш, ҳуқуқчиларга сарф этилган куч-қувват ва эришиладиган муваффақият ўртасидаги алоқани аниқлаш имконини беради.

Синфнинг деворига ўнлаб Нью-Йорк штатининг регент имтиҳонлари сертификатлари — Коркоран ҳуқуқчиларининг энг нуфузли мукофотлари осиб қўйилган. «Эсламан, бизда битта бешинчи синф қиз бор эди, — дейди Коркоран. — У математикани ҳеч ҳам тушуна олмасди. У ҳар шанба йиғларди. Шанба кунда биз хатолар устида ишлаймиз. Турган-битгани йиғи, — бу эсдаликлардан Коркоран ҳатто ҳаяжонга тушди. — Икки ҳафта олдин ўша йиғлоқи қиз электрон почтадан хат жўнатибди. Коллежда ўқиётган экан. Ҳисобчи бўлар эмиш».

## 5

Қолоқлардан аълочиларни яратадиган сеҳрли мактаб ҳақидаги бу ҳикоя дунёнинг ўзидай кўҳнадир. Бу — олдинга ундовчи адабиёт ва голливудча йиғлоқи фильмларнинг севган мавзуси. Бироқ КИРР сингари мактаблардаги реал ҳаёт у қадар муаммосиз эмас. Сиз ҳаммасини яққол тасаввур қилишингиз, бошқалардан 60-70 фоиз кўп ўқиш нималигини билишингиз учун КИРР академияси ҳуқуқчисининг намунавий дарс жадвали билан танишинг.

Бу ҳуқуқчи қизнинг исми Маритадир. У кемтик оиланинг ягона фарзанди. Унинг онаси ҳеч қачон коллежда ўқимаган, улар Бронксда, битта ётоғи бор хонадонда яшашади. Маританинг онаси академия ҳақида билиб олгунича, у уларининг яқинидаги диндош қавмларнинг мактабидаги дарсларга қатнашди.

«Мен тўртинчи синфда ўқиётган пайтимда, биз, мен ва дугонам Тамара, академияга ариза топширдик, — деб ҳикоя қилади Марита. — Эсимда, Оуэнс хоним бизлар билан суҳбат ўтказганди. У бу ерни шундай тасвирладикки, мен қамокхонага тушиб қолдик, деб ўйладим. Мен қарийб йиғлаб юбораёз-

дим. Хоним эса, агар истамасанг, имзо қўймай қўя қол, деди. Аммо ёнимда онам ўтирган эди, шунинг учун имзо қўйдим».

Шу лаҳзадан унинг ҳаёти ўзгарди. (Ҳикоянинг буёғини ўқиётганда, Марита 12 ёшда эканини унутманг).

«Мен ўн беш дақиқа кам олтида тураман, чунки хотиржам тайёрланишим керак, — деб ҳикоя қилади Марита. — Тишимни тозалайман, душ қабул қиламан. Агар кечиксам, мактабда нонушта қиламан. Одатда эрталабдан онам бақиради, чунки узоқ тимирскиланаман. Автобус бекатида дўстларим, Диана ва Стивен билан кўришаман, автобуснинг биринчи маршрути билан мактабга борамиз».

05:45 да КИРР академиясининг аксарият ўқувчилари ўринларидан турадилар, ахир, улар ҳали автобус ёки метро билан мактабга етиб олишлари зарур. Левин 70 та еттинчи синф ўқувчиси шуғулланаётган мусиқа синфига кирди ва улардан эрталаб соат нечада туришларини сўради. Бир нечтагинаси соат олтидан кейин уйғонишларини айтди. Болаларнинг тўртдан уч қисми бундан эрта туради. Синфнинг деярли ярми кунни соат беш яримдан олдин бошлайди. Маританинг синфдоши, Хуан исми бола иқрор бўлишича, у гоҳида кечадан қолган уй ишини бажариш учун эрталаб соат учда ёки тўртда туради, кейин «яна бироз мудраб олиш» учун ётади.

Марита ўз ҳикоясини давом эттиради:

«Мен мактабдан соат бешда чиқаман, агар кўча айланиб қолмасам, уйга беш яримга яқин келаман. Онам билан сўрашаман-да, дарҳол дарс қилишга ўтираман. Агар ўша кунни дарс у қадар кўп бўлмаса, менга икки-уч соат етади, демак, соат тўққизга яқин озод бўламан. Қандайдир иншо ёзишни топширишса, то оқшом соат ўн ёки ўн яримгача ўтираман.

Гоҳида онам кечки овқатни ейиш учун дарсни тўхтатиб туришга мажбур қилади. Мен аввал дарсни тугатиб олай, деб айтаман, бироқ онам менга овқатланиш лозимлигини уқтиради. Шунинг учун соат саккизлар атрофида ярим соатча танаффус қилишимга тўғри келади, кейин яна уй вазифасини бажаришга ўтираман. Онам мактаб ҳақида гапириб беришимни сўрайди, аммо мен шошилишим керак, чунки соат ўн бирда ювиниб, ухлашга ётишим шарт. Ҳаммасини бажариб, ўрнимга ётганимдан сўнг, куним қандай ўтганини, мактабда нималар юз берганини ҳикоя қилиб бераман, бироқ, агар мен соат ўн бир яримларда тугатсам, онамнинг

ўзи қарийб ухлаб қолади. Мен ҳам ухлаб қоламан ва кейинги тонгдан ҳаммаси яна бошқатдан бошланади. Биз битта хонада яшаймиз, лекин бу икки қисмга ажратилган жуда улкан хона. Бизнинг ётоқларимиз хонанинг турли бурчақларида туради. Мен ва онам энди дугоналар эмасмиз».

Буларнинг барчаси фақат болаларга хос бир жиддийлик билан, сўзларининг нақадар ўзига хослигини тасаввур ҳам қилмасдан, самимий айтилмоқда. Бу қизча худди ҳамкорининг ўрнини эгаллашга интилаётган адвокат ёки стажёр-шифокор каби тартиб билан яшайди. Фақат унинг кўзлари остида ҳали қора ҳалқаси ва қўлида буғи чиқиб турган қаҳваси йўқ — чунки ҳали униси учун ҳам, буниси учун ҳам жуда ёшдир.

Марита давом этади:

«Агар мен одатдагидай эмас, сал кечроқ, масалан, соат ўн иккида ётсам, эрталаб бу дарҳол сезилади. Кейин кун бўйи тикка туриб, ухлаб қоладигандай мудраб юраман. Бироқ эрталаб туришим керак, чунки билим олишим зарур. Эсимда, бир марта дарсда ухлаб қолибман, ўқитувчи мени дарсдан сўнг қолишимни айтди. Мендан сўради: «Нега дарсда мудраб қолдинг? «Мен жуда кеч ётганимни айтдим. У жилмайиб: «Вақтида ётиш керак», — деди.

## 6

Бу одатдаги ўн икки ёшли боланинг ҳаётига ўхшайдими? Биз боламизга бундай машаққатли ҳаётни сираям истамаймиз. Бизнинг назаримизда болалар қувнаб юриши, тўйиб ухлаши, хаёл суриши ва беғам кунлардан шодланиши керак. Бироқ Маританинг иши бор ва унинг чекига тушган бу синовли ҳаёт бизни ҳайратлантирмай қолмайди.

Унинг қаршисида ҳам корейс учувчилариники каби мураккаб танлов турибди. Ишда ютуққа эришиш учун улар ўз шахсиятларига босим ўтказишлари керак. Корейс маданиятининг қаъридан қизил ипдай ўтиб келаётган юқоридагиларга, мансаби баланларга бўлган эҳтиром учун учувчилар кабинасида жой йўқ. Марита ҳам қисман ўз «мен»идан воз кечишига тўғри келади, чунки у мерос олган маданий анъаналар бутунги ҳаётининг вазиятига мос келмайди — у болаларининг ёзги таътилини кўшимча таълим учун сарфлайдиган ўрта ёки



юқори синфга дахлдор ота-онанинг боласи эмас. Биз Маритага ноутбук беришимиз, ўзлаштириш учун мажбурий материални қонуний расмийлаштиришимиз, синфидаги ўқувчилар сонини икки барабар қисқартиришимиз ва унга янги мактаб ҳам куриб беришимиз мумкин. Бу қарорларнинг ҳеч бири вазиятни ўзгартиролмади, ахир унинг муаммоси мактабида эмас: унинг оиласи ва яшайдиган ҳудуди бошқачадир. У нима қилади? Ягона чора — мактабнинг чегараларини уйи ва ҳудудини сиқиб чиқаргунча кенгайтиришдир.

Мана, Маританинг қалбни тўлқинлантирадиган яна бир ҳикояси:

«Бешинчи синфга ўтганимдан сўнг ҳам, мен эски мактабимдаги бир қизча билан суҳбатлашишда давом этдим. Жума кунлари дарсдан кейин уникага кирардим ва то онам ишдан келгунича уникада қолардим. Унинг уйида ўтирар ва бирга дарс қилардим. Унга ҳеч қачон уй вазифаси берилмаган. Ва у менга доим шуни такрорларди: «Эй Худойим, сен дарсингни шу қадар кеч тугатасанки!» Бир куни академияга киришни истаганини, кейин ўйлаб, бу қароридан қайтганини, чунки у ерда ҳаддан зиёд ўқиш оғирлигини айтиб қолди. Мен унга: «Ҳамма ҳам КИРР академиясида ўқиш қийин, дейди, бироқ, ўзлаштириб олсанг, у қадар ёмон эмас», дедим. Дугонам менга эътироз билдирди, сен ақллисан, сенга осон, деди. Йўқ, дедим мен, бизда ҳамма ақлли. Бизда дарснинг кечки бешда тугаши ва уйга кўп вазифа берилиши уни кўрқитибди. Аммо бу уй вазифалари бизга синфда ўзлаштира олмаганимизни ўргатади ва синфда янада яхши бўлишимизга ёрдам беради, дедим мен. Дугонам мен бу ҳақда эшитишни ҳам истамайман, деди. Энди мен фақат КИРР болалари билан дўстлашаман».

Бироқ вазиятга Маританинг нуқтаи назари билан боқинг. У мактаб билан ўзига хос келишувга эга. КИРР академияси у сингари қашшоқликда ўсган болаларга камбағалликдан қутилиш ва математика бўйича 80 процентил ваъда қиларди. Мактабда қабул қилинган ўқитиш тизими туфайли академия битирувчиларининг 90 фоизи 9-синфдан сўнг ўқишни Бронксдаги сифати паст давлат мактабларида эмас, хусусий мактабларда ёки черков мактабларида ўқиш имконига эга бўлардилар. Сифатли ўрта мактаб таълимини олгач, КИРР академиясининг 80 фоиз битирувчилари коллежларга ўқиш-

га кирадилар, уларнинг аксарияти оилаларида коллежда ўқийдиган биринчи одам бўладилар.

Маритадан эса жим ўтириш, тиришқоқлик билан ўқиш, диққат билан эшитиш, гапираётган кишининг оғзига қараб туриш, йўлаклар бўйлаб саф бўлиб юриш ва энг асосийси одатда Американинг бошқа мактабларида болалардан талаб қилинмайдиган даражада кўп меҳнат қилиш талаб қилинади.

Бу келишувнинг нимаси ёмон? Бу китобдан ўрин олган барча фактлар шуни тасдиқлайдики: омади борлар муваффақиятга эришадилар. Январда туғилган хоккейчилар ва футболчиларда «барчаси юлдузлар» жамоасига тушиш имкони каттароқдир. «Битлз» гуруҳининг омади келиб, Гамбургга бора олди. Билл Гейтсга бахтли билет тушди: у омадли вақтда туғилди ва ўн уч ёшга кирганида совғага компьютер терминали олди. Жо Фломнинг ва Wachtell, Lipton, Rosen & Katz фирмасининг асосчилари бахтига бирданига бир неча бахтли билет тушди: улар омадли пайтда туғилдилар, омадли оилаларда туғилдилар ва тегишли миллатга дахлдор эдилар — буларнинг бари уларга 20 йил давомида, бошқа юридик ҳамжамият англаб қолгунича, фирмаларнинг бир-бирини сингдириб олиши билан шуғулланиш имкони яратди. Бироқ бу омадли имкониятларнинг барчаси бир нарсага: бошқалардан кўра кўпроқ ва тиришқоқроқ ишлашга бориб тақалади.

KIPP академияси — Марита учун ягона имконият, унинг атрофидаги одамлар бундан каттасига талабгорлик қила олмайдилар. Лекин шунинг ўзи улкан имкониятдир. Буларнинг бари кимдир Бронксда бир парча ерни сотиб олиб, шоли пайкалиникидай мазмунли меҳнатнинг соҳир тилсимларини очиб бера олгани учун содир бўлди.

## ХОТИМА

**Ямайка тарихи**

«Агар аралаш оилада бола туғилса,  
улар эркинроқ бўлади»

## 1

1931 йилнинг тўққизинчи сентябрида Дейзи Нейшн исмли ёш аёл эгизак қизалоқларни туғди. Аёл ва унинг эри Дональд Ямаиканинг марказий округи бўлган Сент-Кэтриндаги мўъжазгина Хеервуд кишлоғидаги мактабда муаллим эдилар. Қизларига Фейт ва Жойс деган исмларни қўйишди. Дональдга эгизаклар туғилганлигини хабар қилганларида, у чўкка тушиб, Худодан қизларининг ҳаётини асрашини тиланди.

Нейшнлар оиласи Хеервуддаги англиз черковига тегишли ердаги кичкина уйда яшашарди. Қўшни томонда бетон устунлар устига қурилган мактабнинг узун биноси бор эди. Баъзида бу мактабга 300 ўқувчи тўлар, гоҳида ўқувчилар йигирматага ҳам етмасди. Уқитиладиган билимлар кўп марта-лаб такрорлаш билан ўзлаштириларди. Болалар овоз чиқариб ўқир ва ўқиганларини ҳикоя қилиб беришарди. Ёзма машқлар тошқатламли тахтада бажариларди. Имкон бўлган ҳар қандай вазиятда дарслар ташқарида, очик ҳавода, манго дарахтининг тагида ўтиларди. Агар ўқувчилар тўполон қилсалар, Дональд Нейшн синфда у ён-бу ёнга юрар ва камарини ечиб, болаларни жойига ўтиришга мажбур қиларди.

У кўркем, босиқ ва салобатли эркек бўлиб, китобларни яхши кўрарди. Унинг мўъжаз кутубхонасида шеъррий тўпламлар, Сомерсет Моэм романлари ва файласуф Жоднинг асарлари бор эди. Ҳар куни кечқурун у ўзининг тепаликнинг нариги томонида яшайдиган энг яхши дўсти, англиз пастор, архидьякон Хей билан айвонда Ямаиканинг муаммолари ҳақида суҳбатлашиб ўтирарди. У ҳар куни газета ўқир, Европада авжига чиқаётган урушни кузатарди.

Унинг аёли Дейзи, қизлик фамилияси Форд, Сент-Элизабет округида туғилганди. Аёлнинг отаси кичкина баққолчилик дўконига эга эди. Уч қизнинг тўнғичи бўлган Дейзининг гўзаллиги ҳаммага овоза эди.

Эгизаклар ўн бир ёшга тўлганда, улар шимолий қирғоқ яқинидаги «Сент-Хильда» пансионида стипендияни қўлга киритишди. Бу инглиз руҳонийлари ва плантация эгалари оилаларидан чиққан қизлар учун қурилган кўхна инглиз хусусий мактаби эди. Пансионда ўқиб бўлгач, эгизаклар Лондондаги Университи-коллежга киришди. Шундан озгина вақт ўтмасдан, Жойсни Грэм исми ёш математикнинг 21 ёшга кириши муносабати билан ўтказиладиган байрамга таклиф этишди. Шеър ўқир экан, йигит сўзларни эсидан чиқариб қўйди ва Жойс унга ачиниб кетди — ҳолбуки ичи ачишиши учун ҳеч бир сабаб йўқ эди, чунки у бу йигитни биринчи марта кўриб турарди. Жойс ва Грэм бир-бирларини ёқтириб қолишди, турмуш қуришди ҳамда Канадага кўчиб ўтишди. Грэм математика профессори бўлди, Жойс — бинойидек ёзувчи ва оилавий шифокор эди. Улар қишлоққа жойлашишди, тепаликда чиройли уй қуришди ва учта ўғил фарзанд кўришди. Грэмнинг фамилияси Гладуэлл эди. У — менинг отам, Жойс Гладуэлл — онам эди.

## 2

Бу онам муваффақиятининг тарихи эди ва бу тарих у қадар ҳаққоний эмас. Йўқ, бу билан ушбу ҳикоя ўйлаб топилган, демоқчи эмасман, фактларнинг барчаси ҳаққоний. Аммо бу қисқа тарихда жуда кўп нарсалар тушиб қолдирилган. У ҳаққоний эмас деганда, Билл Гейтс ҳақидаги тарих «Лейк-сайд» мактабидаги компьютерни тилга олишсиз ёки осийлик математикларнинг қобилиятлари тарихи шодикорлик маданиятини тилга олишсиз ҳаққоний бўлмаслиги каби ҳолат назарда тутилмоқда. Бу мўъжаз баёнда онамнинг чеки ҳақида, унинг маданий мероси ҳақида бир сўз айтилмаган.

1935 йилда, яъни онам ва унинг синглиси тўрт ёшга тўлганда, Ямайкага жанубий африкалик тарихчи, Йоханнесбургдаги Витватерсранд университети профессори Уильям Макмиллан келади. Макмиллан ўз замонасидан анча илгарилаб кетган эди: У Жанубий Африка қоратанли аҳолисининг ижтимоий

муаммолари билан жиддий шуғулланган ва Кариб ороллари-га шу мавзуда маъруза қилиш учун келганди.

Ҳаммасидан ҳам кўра, Макмилланни таълим тизими ташвишлантирган. Мактаб таълими — агар бувим ва бува-нинг уйи ёнидаги ёғоч саройда ўтадиган ҳодисани таълим деб бўлса — у боланинг 14 ёшлигида тугарди. Ямайкада давлат ўрта мактаблари ҳам, университетлар ҳам йўқ эди. Академик қобилиятга эга ўсмирлар мактаб директори билан қўшимча шуғулланар ва агар омадлари чопса, педагогик коллежга ўқишга киришарди. Интилишлари астойдил ҳаддан зиёд бўлганлар хусусий мактабга кириш, уни тугатгач, АҚШ ёки Англия университетларига кириш йўлини излашарди. Бироқ стипендиялар кам берилар, хусусий мактабларда ўқиш тўло-ви жуда катта эди. «Бошланғич ва ўрта мактаб ўртасидаги кўп-рик жуда тор ва омонат», — деб ёзганди Макмиллан ўзининг фош этувчи «Вест-Индиядан огоҳлантириш» (Warning from the West Indies) китобида. Мактаб тизими аҳолининг қаш-шоқ қатламига мутлақо ёрдам бермасди. У давом эттиради: «Шуни таъкидлаш керакки, мактаблар тизими ижтимоий та-фовутларни бадтар кескинлаштиради ва чуқурлаштиради». Агар ҳукумат ўз халқига кенгроқ имкониятлар яратиб берма-са, оқибат даҳшатли бўлади, деб огоҳлантиради у.

Китоб чоп этилганидан бир йил ўтгач, Кариб ороллари-ни исён ва тартибсизликлар ўз домига олди. Тринидадда 14 киши ҳалок бўлди, 59 одам яраланди. Барбадосда 14 киши ҳалок бўлди, 47 одам яраланди. Шафқатсиз иш ташлашлар Ямайкадаги ҳаётни фалаж қилиб қўйди, натижада фавқу-лодда ҳолат эълон қилинди. Таҳликага тушган британ ҳуку-мати Макмилланнинг тавсияларига қулоқ солди ва бошқа ислохотлар орасида барча хусусий мактабларда ўқишни истовчи ўсмирларга стипендия жорий этилди. Стипендия-ларни 1941 йилдан бошлаб ҳавола эта бошлашди. Онам ва унинг синглиси бир йилдан сўнг имтиҳон топширдилар. Шу туфайли улар ўрта маълумотга эга бўлдилар: агар улар икки, уч ёки тўрт йил олдин туғилганларида, таълимдан четда қо-лардилар. Онамнинг ҳаёти бунақа бўлиши туғилган йили, 1937 йилги иш ташлашлар ва У. Макмиллан туфайлидир.

Менинг момом Дейзи Нейшн гўзаллиги билан машҳур бўлганини ёзгандим. Аслида бу унчалик аниқ ва тўлиқ бўл-маган тасвир эди. Дейзининг энг асосий жиҳати шахсияти-

нинг кучлилигидир. Онам ва синглисининг «Сент-Хильда» мактабида ўқиши — тўлалигича унинг шарофати туфайлидир. Бобом илмли ва салобатли одам бўлса-да, ҳаётга мослашган одам эмасди, хаёлпараст ва китобларнинг шайдоси эди. У қизлари учун қандайдир режаларни хаёл қилган бўлса ҳам, уларни ҳаётга татбиқ қилиш учун шиддати, узоқни кўра билиш салоҳияти етмаган. Бироқ момомда шашт ва олисни кўра билиш туйғуси барқ урарди. Унинг қизлари қўшни болалар билан ўйнаб, вақт ўтказмасди. Улар китоб ўқирди. «Сент-Хильда» мактабида ўқиш унинг ғояси эди: у ерда бой оилаларнинг болалари ўқирди. Бу мактабга кириш учун лотин тилини ва алгебрани билиш керак эди, шунинг учун қизлар билан архидьякон Хей шуғулланарди.

«Агар ўшанда ундан болаларинг учун нимани орзу қилардинг, деб сўралганда, у Ямайкадан кўчиб кетишни орзу қиламан, деган бўларди, — деб эслайди онам. — Унинг фикрича, Ямайкада қиладиган ишлари йўқ эди. Агар имкониятини топиб, ўша ердан кета олсанг, унинг фикрича, қаршингда бутун дунё эшиклари очилади».

Стипендия олишга топширилган имтиҳонларнинг натижалари келганда, маълум бўладики, уни фақат холам олган, онамга стипендия ажратилмаган. Бу онамга оид ҳикоянинг биринчи вариантида кўрсатилмаган яна бир фактдир. Онаминг эслашича, унинг отаси ва онаси, эшик остонаси олдида узоқ гаплашганлар ва: «Бизда пул йўқ», деган қарорга келганлар. Улар биринчи семестр учун пул тўлаганлар ва мактаб кийимини сотиб олганлар, шу билан оиланинг жамғарган маблағи тугаган. Иккинчи семестр учун пул тўлаш вақти келганда нима бўлади? Улар фақат битта қизларини ўқишга жўната олмасдилар. Момо буни эшитишни ҳам истамасди. У икалаларини жўнатади ва Яратганга илтижо қилади, алал-оқибат, биринчи семестр охирида ўқувчилардан бири биратўла иккита стипендия ютгани маълум бўлади. Иккинчи стипендияни онамга беришади.

Университетга кириш вақти келганда, холам «Юз йиллик стипендияси» деб аталадиган стипендияни қўлга киритади. Стипендия Ямайкада қуллик бекор қилинганлигидан юз йил ўтгач таъсис этилгани учун шу номни олганди. Ҳар йили давлат мактабларининг битирувчисига аталган битта шунақа стипендия бериларди, чунки британлар қуллик бекор қи-

линган санани хурмат қилардилар. Мукофот навбати билан гоҳ ўғил болага, гоҳ қиз болага бериларди. Шундай бўладики, холам худди шунақа «қизлар учун аталган йил»ларнинг бирига ариза топширади. Унинг омади келади. Онамнинг эса омади келмаган. У Англияга бориш йўл харажатини, хона ижарасини ва университетда ўқишни ўзи тўлаши керак эди. Бу маблағнинг қанчалар катта эканини тасаввур қилиш учунгина айтаман – холамнинг стипендияси отаси ва онасининг маошини қўшганча миқдорда эди. У пайтларда талабалик кредитлари йўқ эди, банклар ҳам қишлоқда яшайдиган мактаб ўқитувчиларига кредит бермасди. «Агар отамдан сўраганимда, — дейди онам, — у шубҳасиз бизда пул йўқ, — дерди».

Дейзи момом нима қилади? Қўшни шаҳардаги хитой дўкони соҳибига боради. Хитойликлар Ямайка аҳолисининг сезиларли қисмини ташкил этишади ва XIX асрдан бошлаб, унинг ишбилармонлик ҳаётида асосий ролни ўйнашади. Ямайкаликлар ҳар қандай дўконни хитой дўкони деб аташлари бежиз эмас. Дейзи хитой дўконига, жаноб Чансга боради ва ундан қарз олади. Қанча пул олганини ҳеч кимга айтмайди, бироқ бу жуда катта маблағ бўлса керак. Жаноб Чанс нега момомга қарз беришга рози бўлгани сабабини ҳам ҳеч ким билмайди, бироқ момом Дейзи Нейшн эди, ҳисоб-китобни ўз вақтида тўлар, Чансинг болаларини Хеервуд мактабида ўқитарди. Ямайка мактабларида хитойликларнинг болаларига осон бўлмасди. Болалар уларни: «Кучукхўрлар», — деб мазах қилишарди. Дейзи эса бу ғазаб дарёсида меҳр-у муҳаббат ороли эди, уни яхши кўришарди ва ҳурмат қилишарди. Эҳтимол, жаноб Чанс хитойликларнинг бошини силаган бу аёл олдида ўзини қарздор ҳис қилгандир.

«У нима қилмоқчилигини менга айтганмиди? Мен сўраганим ҳам йўқ, — деб эслайди онам. — Ҳаммаси қандай бўлиши керак бўлса, шундай бўлди. Мен ариза бердим ва мени қабул қилишди. Ўз ҳаракатларимда мен фақат онамга суяндим, ўз-ўзимни тергову сўроқ қилмадим».

Ўзининг олий маълумоти учун Жойс Гладуэлл аввал У. Макмилланга, кейин «Сент-Хильда»нинг стипендиясидан воз кечган ўқувчисига ва ниҳоят, жаноб Чансга раҳмат айтиши керак. Аммо миннатдорчиликнинг каттаси момом Дейзи Нейшнга аталиши шубҳасиз.

## 3

Дейзи Нейшн Ямаканинг шимолий-ғарбида туғилган. Унинг катта бобоси, Уильям Форд, асли Ирландиядан бўлиб, Ямайкага 1784 йилда келган, чунки бу ерда қахва плантациясини сотиб олганди. Бу ерга етиб келганидан сўнг, у бир кул аёлни сотиб олади ва уни ўзининг жазманига айлантиради. Форд уни жанубий қирғоқдаги балиқчилик қишлоқларидан бири бўлган Аллигатор-Пондада учратиб қолади ва кўз остига олади. Бу аёл Шарқий Африкадаги игбо қабиласидан бўлиб, оилавий хикояларга қараганда, жуда гўзал аёл экан. Улардан ўғил туғилади ва уни Жон деб аташади. У қоравой эди, бутунги тил билан айтганда, мулат, дурагайлардан эди. Шу пайтдан бошлаб Фордларнинг келгуси барча авлодларини дурагай аҳоли ҳисобига қўшадиган бўлишди.

Ямайкадаги кулдорлик даврида оқ танли мулкдорлар кўпинча африкалик жононларни хушторликка олишарди. Кариб ороллари ўша йилларда улкан бир кулдорлик колониясига айланганди. Оқлар ва қораларнинг нисбати деярли ўнга бир эди. Бутун оролни айланиб, ҳеч бўлмаса бир нечта оқ танли аёлни топиш қийин эди. 1700 йилларда оқ танли эркакларнинг 20 нафаридан 19 нафарининг қора танли жазмани бор эди.

Америка жанубида фуқаролик урушигача оқлар ва қоралар ўртасидаги ҳирсий муносабатларга, аксинча, ўта номақбул иш деб қаралган. Оқлар ва қораларнинг бирга яшадини ман этадиган қонунлар қабул қилинганди; бу қонунларнинг охирилари АҚШ Олий суди томонидан фақат 1967 йилга келиб бекор қилинди. Кул аёл билан очиқ яшаётган ер эгаси ижтимоий тавқи лаънатта дучор бўларди, аралаш никоҳдан туғилган ҳар қандай авлод куллигича қоларди.

Ямайкада эса бошқача хулқ-атвор ҳукмрон эди. Оқлар оқ ва қораларнинг кўшилиши ҳосиласи бўлган дурагайларга ўзларининг потенциал шериклари сифатида қарашар, уларни ўзлари ва кўпсонли куллар ўртасидаги чегара қатлами ҳисоблардилар. Африкалик кул аёллар ва оқ танли эркаклар бирлигидан туғилган қизлар хушторликка энг муносиблари ҳисобланарди, уларнинг териси бир қадар оқроқ бўлган болалари ижтимоий ва иқтисодий зинадан юқорига кўтарила оларди. Дурагайлар камдан-кам ҳолларда далада ишларди,



уларга бир қадар осон уй ишлари юкланарди. Уларнинг эркинликка чиқиш имкониятлари кўпроқ, осонроқ эди. Кўп-лаб дурагай хушторларга оқтанли бадавлатларнинг васиятига кўра салмоқли мерос қоларди, шу муносабат билан Ямайкада ҳатто мерос миқдорини 2000 фунт (ўша пайтда улкан бойлик) билан чеклаш ҳақида қонун қабул қилинганди.

«Вест-Индияга муайян вақтга жойлашиб қолиш учун келган европалик уй бошқарувчиси хуштор орттиришни зарур деб биларди, — деб ёзган XVIII асрда бир кузатувчи. — У танлаб олиши мумкин эди: қора танлилар, сарғиш танлилар, дурагай мулат аёллар, метискалар — буларнинг ҳар бири 100–150 стерлинг турарди... Агар аралаш оилада болалар туғилса, улар озод ҳисобланарди ва уларнинг аксарияти, отасининг пули бўлса, уч-тўрт ёшида Англияга ўқишга жўнатиларди».

Худди мана шундай дунёда менинг она томондан катта бобом Жон Форд дунёга келган. Кемага юклаб келинган куллардан уни бор-йўғи бир авлод ажратиб турган, у «африка тузалиш колонияси» деб аташ мумкин бўлган мамлакатда яшаган ва айни пайтда илм олиш учун барча имкониятларга эга озод инсон бўлган. У жисмида европаликлар ва ҳиндуларнинг маҳаллий аравак қабиласи аждодлари қони оқиб турган аёлга уйланади. Улардан еттита фарзанд дунёга келди.

«Бу инсонлар — дурагайлар — юқори мақомга эга эдилар, — дейди ямайкалик социолог Орландо Паттерсон. — 1826 йилга келиб, улар барча фуқаровий ҳуқуқларга эга эдилар. Умуман олганда, улар фуқаровий эркинликларни ямайкалик яҳудийлар билан бирга олдилар. Улар овоз беришда қатнаша олардилар. Оқтанлилар қиладиган ҳамма ишни қилиш ҳуқуқлари бор эди, буларнинг бари ҳали моҳиятан қулдорлик жамияти ҳисобланмиш юртда юз бераётганди.

Уларнинг аксарияти хунарманд бўлишга интилишарди. Ямаиканинг шакарқамиш плантациялари Америка жанубининг пахта плантацияларидан тубдан фарқ қилишини унутмайлик. Пахта кўп жихатдан қишлоқ хўжалиги экинидир. Ҳосил далада йиғиб-терилади, қайдадир Ланкаширда ёки мамлакат шимолида қайта ишланади. Шакарқамиш — агро-саноат экинидир. Бунда завод дала билан ёнма-ён бўлиши ло-

зим, чунки шакарқамиш йиғиб олинганидан кейин бир неча соатдан сўнг ширасини йўқота бошлайди. Истасанг-истамасанг, шакар заводи дала ёнида қурилади ва унга ишчилар керак. Қозончилар, дурадгорлар, гўлаҳлар — бу ишларнинг ба-рига айнан қора аҳоли ишга олинар эди». Пахта саноатидан фарқли ўлароқ, шакар саноати малакали ҳунармандларнинг катта синфига эҳтиёжманд эди ва қора танлилар бу ўринлар-ни эгалладилар.

Бундан ташқари, инглиз оқсуяклари фақат ўзларининг плантациялари, ундан фойда олиш ва уйларига, Буюк Бри-танияга қайтиш билан қизиқар эдилар. Инглизлар бу мам-лакатда қолишни зинҳор истамас эдилар, улар бу мамла-катни душман деб билардилар. Улар бу ерда янги жамият қурмоқчи эмасдилар. Бу вазифа ҳам барча имкониятлар бил-лан бирга қора танли аҳолига юкланган эди.

«1850 йилга келиб, Кингстон (Ямаиканинг пойтахти) мэри лавозимига қора танли киши тайинланди, — давом этди Паттерсон. — Daily Gleaner (мамлакатнинг бош газетаси) асосчиси ҳам шулардан эди. Бу қора танли шахслар энг аввалидан ўз касбларининг юксак чўққисига чиққан эдилар. Оқ танлилар бизнес билан шуғулланар ва плантациялар-ни бошқарардилар. Қора танлилар эса шифокорлар, адво-катлар, мактаб директорлари бўлиб ишлашарди. Епископ бўлиб ҳам Кингстонда қора танли руҳоний ишларди. Улар иқтисодий элита бўлмасалар-да, маданий элита эдилар».

Қуйида Ямайкадаги 1950-йиллардаги касб эгаларининг икки тоифаси — адвокатлар ва парламент аъзолари — этник гуруҳларга ажратиб берилган. Ажратиш уларнинг танаси рангига қараб амалга оширилган. «Оқлар ва ёруғлар» буткул оқ одамларга ва ёки — бунинг эҳтимоли катта — келиб чиқи-ши қора бўлган, лекин қоралиги у қадар билинмайдиганлар киради. «Зайтунранг» — бир тус қорароқ, «оч-жигарранг» — яна бир тус қора (бу икки тус орасидаги фарқни фақат ямай-каликларнинг ўзигина ажрата олади). Айни пайтда шуни ёдда тутиш керакки, 1950 йилларда қора танлилар Ямайка аҳолисининг 80 фоизини ташкил этганлар, ранглилар билан бешдан бир нисбатда бўлганлар.

Этник гуруҳ	Адвокатлар %	Парламент аъзолари %
Хитойликлар	3.1	-
Жанубий Ҳиндистон аҳолиси	-	-
Яҳудийлар	7.1	-
Сурияликлар	-	-
Оқлар ва оқишлар	38.8	10
Зайтунранглар	10.2	13
Оч жигарранглар	17.3	19
Қора жигарранглар	10.2	39
Коралар	5.1	10
Ноаёнлар	8.2	-

Қаранг, рангли аҳолига оқ ранг тусларининг аралашуви ва далаларда эмас, уйда ишлаган аждодларнинг мавжудлиги қанчалар устуворлик бахш этган, улар 1826 йилда фуқаровий эркинликларга эга бўлганлар, улар қул қилинмаганлар, аксинча, қадрланганлар, шакарқамиш далаларида эмас, обрўли касбларда юқорига кўтарилганлар. Буларнинг бари уларнинг икки-уч авлод кейинги ворислари ҳаётини сезиларли енгиллатган.

Дейзи Форднинг қизларига нисбатан иззатталаб режалари йўқ жойдан пайдо бўлмаган. У имтиёзлар кўринишидаги меросга эга бўлган. Унинг болаликда бирга яшаган катта акаси Руфус ўқитувчи бўлиб, жуда илмли одам эди. Иккинчи акаси Карлос, Кубага жўнайди ва Ямайкага қайтиб келганидан кейин тикувчилик фабрикасини очади. Унинг отаси, Чарльз Форд, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган, онаси Энн, илмли ранглилар оиласи бўлган, ижтимоий зинадан тез кўтарилиб бораётган Пауэлларга алоқадор эди. АҚШ вице-президенти бўлган Колин Пауэлл ўша Пауэлларнинг икки авлод кейин дунёга келган вакили эди. Генрининг тоғаси кўчмас мулк эгаси эди. Бобоси Жон — Уильям ва унинг африкалик хушторининг ўғли — руҳоний рутбасини қабул қилганди. Фордлар жамоасининг камида учта аъзоси Родс стипендиясига мушарраф бўлганлар. Агар менинг онам ўзининг муваффақияти учун У. Макмилланга, 1937 йилги иш ташловчиларга, жаноб Чансга ва ўз онаси Дейзи Нейшнга қарздор бўлса, Дей-

зи Нейшнинг ўзи мақсадга интилувчанлиги ва узоқни кўра билиши учун Руфусга, Карлосга, Эннга, Чарльзга ва Жонга қарздор эди.

## 4

Менинг момом буюк аёл бўлган. Аммо шуни унутмаслик керакки, Фордлар оиласининг ишонч билан юксалишига ғайрияхлоқий ҳаракат сабаб бўлган: Уильям Форд менинг момомнинг момосини Аллигатор-Понддаги қуллар бозорида кўриб қолади, ҳирсига итоат қилиб, сотиб олади.

Сотиб олинмаган қулларнинг умри оғир ва қисқа бўлади. Ямайка плантаторлари тирик мулкдан ёшлигида фойда олиб қолган мақбул, деб ҳисобларди. Улар қулларини то ўлиб қолгунича ёки фойда берганича ишлатардилар, кейин қул бозоридан янги ва ёш қулларни сотиб олардилар. Улар қулдан фарзанд кўриб, тарбиялаш ва айна пайтда қулга мулкдек муносабат қилиш ўртасида фалсафий қарама-қаршиликни ўйлаб эзилмасдилар. Уильям Фислвуд, ўша ҳирсий саргузаштларини қоғозга ёзиб борган плантатор, бутун умр Фибба исмли қул аёл билан яшаб ўтган, у — кўпчиликнинг фикрича — бу аёлни яхши кўрган ва бу аёл унга ўғил туғиб берган. Аммо «дала» қуллари билан жуда шафқатсиз муносабатда бўлган. Қочоқ қулларни у «Дерби дориси» деган йўл билан жазолашни яхши кўрган. Қочоқни қалтаклашган ва ярасига туз, лайм шарбати ва қалампир қўйганлар. Ёки бир қулни бошқасининг оғзига нажас тўкишга буюрганлар, кейин бўғзигача нажас тўлган қулнинг оғзига тўрт-беш соат латта тиқиб қўйганлар.

Шунинг учун жигарранг терири ямайкаликлар ўзларининг ёруғроқ туслари учун худога шукр қилардилар. Бу терилари уларга улкан устуворлик ато этарди. Улар бир-бирларининг териларини синчков текширардилар ва оқтандилар сингари ранглари учун ашаддий рақобатлашардилар. «Агар оилада бир неча бола бўлса ва уларнинг ранглари турлича тусда бўлса, бунақаси ҳам бўлиб туради, — деб ёзади ямайкалик социолог Фернандо Энрик, — фарзандларнинг териси ранги оқроқлари энг кўп эътиборга эга бўлишарди. Ёшлигидан то турмушга чиққунларича оиланинг қора аъзолари ранги ёруғ қариндошлари билан ўйин ва кўнгилочарликлар-

да иштирок этишлари мумкин эмасди. Ранги ёруғ фарзанд оиланинг рангини оқартиради, демак, унинг ютуғига, яъни никоҳигача ҳеч ким халақит бермаслиги керак, унинг никоҳи оиланинг мақомини оширади, деб ҳисоблашарди. Ранги салгина ёришганлар қора қариндошлар билан алоқани узардилар... қора оилаларнинг қора аъзолари ранги бир қадар ёруғ туғилган биродарларининг оққа «талпиниши»ни, оқ бўлиб «ҳисобланиш»га уринишини қўллаб-қувватлардилар. Оила ичидаги муносабатларнинг аънаналари тери ранги билан боғлиқ ижтимоий хурофотларнинг келиб чиқишига асос бўларди».

Бу даҳшатли иллат менинг оиламни ҳам четлаб ўтмаган. Дейзи ўзининг эри ундан ҳам оқроқ эканига жуда хурсанд эди. Аммо шу хурофот унинг ўзига қарши ишларди.

«Дейзи, албатта, яхши келин, — дерди унинг қайнонаси, — аммо анча қорароқда».

Онам томонидан қариндошларимиздан бири ҳам — уни Жоан хола деб атасам бўлади — терининг ранги туслари масаласида ақлдан озаёзган эди. У «оқлар ва ёруғлар» тоифасига мансуб ҳисобларди ўзини, аммо унинг марҳум эри ямайкаликлар «инжун» деб атайдиган, — қора танли ва туғри нозик, текис қора сочли одам эди. Унинг қизлари куйиб кўйгандек онасига эмас, отасига ўхшади. Бир гал у қизларидан бирини кўргани меҳмонга отланади ва поездда бир қизиқарли оқиш рангли эркак билан гаплашиб қолади. Поезддан чиқа туриб, у бир иш қиладики, кейинчалик бу ҳақда, уятдан қизарган ҳолда, онамга айтиб беради. У ўзини кутиб турган, ўз тани ва қонидан бўлган қизининг олдидан танимасликка солиб ўтиб кетади, чунки ўша у танишган эркак унинг қора қизи борлигини билишини истамайди.

1960 йилларда онам эсдаликлар китобини ёзади ва уни «Жигарранг юзли, каттакон жаноб» (Brown Face, Big Master) деб атайди. «Жигарранг юзли» деб онам ўзини атаган, «каттакон жаноб» деган ямайка шеvasида «худойим» деганини англатади. Китоб бобларидан бирида бир воқеа баён этилган, унга кўра, менинг ота-онам — оила қурганларидан сўнг — Лондонда ўша пайти митти бола бўлган катта акам билан яшашган. Улар ўзларига турар-жой излашган ва узоқ қидиришлардан сўнг отам шаҳар ташқарисидан жой топган. Аммо кейинги куни уй соҳибаси уларни қувиб юборган.

«Сиз хотинингиз Ямайкадан эканини айтмагансиз», — деган аёл отамга ғазаб билан.

Китобда онам ўзининг бунақа камситишларини оқлашга ва ўз аччиқ тажрибасини эътиқоди билан мослашга аянчли уринишларини баён қилади. Алал-оқибат, онам тан олишга мажбур бўладики, ғазаб — яхши ечим эмас, Ямаиканинг ранглилар аҳлидан бўла туриб, у бошқаларнинг одамларни териси рангига қараб ажратиш истаги учун эътироз қила олмайди:

«Мен Худога кўп илтижо қилдим: «Мана мен қошингдаман, таҳқирланган қора ирқнинг вакилиман, ҳукмронлик қилувчи оқтанлилар билан эрк ва тенглик учун курашадман!»

Худойим ҳайрон бўлди, менинг илтижоларим унга самимий кўринмади. Мен уринишимда давом этдим. Шунда Худойим айтди: «Сенинг ўзинг ҳам шундай қилмаганмидинг? Фалончи ва фалончиларни эслайсанми, сен улардан нафратланардинг, улардан қочардинг ва уларни бошқалардай ҳурмат қилмасдинг, чунки улардан салгина оқишроқ эдинг ва уларнинг ирқига дахлдор эканингдан уялардинг?! Улар сендан қорароқ эканидан гоҳо хурсанд бўлмасмидинг? Улар каби тим қора эмаслигинг учун Худодан миннатдор бўлмасмидинг?» Менинг ижара хонадоннинг соҳибасига бўлган нафратим эриб кетди. Аслида, ўзим ҳам ундан заррача яхши ҳам, ёмон ҳам эмасдим... У ҳам, мен ҳам худбин эдик, кибрли ва олифта эдик, бошқалардан ўзимизни ажратардик».

Онамнинг маданий мероси куллик даврларигача борарди ва ҳаёт йўлида кўп бора ёрдам қилганди. Бироқ у бу мерос билан боғлиқ қийинчиликларни ҳам сезмай қолмасди. Фордлар оиласи тарихи — бу юқорига фақат ўзининг ҳаракатлари туфайли кўтарилган яхши ва қобилиятли одамларнинг тарихи ҳақида ҳикоя эмас. Бу оиланинг тарихи, бошқа кўплаб муваффақиятга эришганлар оиласи тарихи каби, жуда мураккаб тарихдир.

Ўз ўтмишимизни холис баҳолай туриб, биз шунга тан олишга мажбурмизки, биз эришган муваффақиятлар фақатгина бизнинг шаҳду ҳаракатларимиз туфайлигина эмас, балким бунда биз туғилмасимиздан олдин шаклланган муайян устуворликларнинг, шунингдек бизга боғлиқ бўлмаган имкониятларнинг ҳам хизмати бор. Жо Фломни буюк адвокат деб аташ мумкинми? Эҳтимол, айтиш мумкиндир.

Бироқ саволнинг ўзи нотўғри қўйилган, чунки Фломнинг муваффақиятлари унинг миллати, авлоди, тикувчилик саноатининг ўзига хосликлари ва катта юридик корхоналарга хос бўлган стереотиплар билан бевосита боғлиқдир. Билл Гейтсни ростдан ҳам даҳо деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ ҳатто у ҳам дунёдаги энг бой одамлардан бири – ўзининг муваффақиятларини фақат ўзининг хизмати деб билмайди. «Менинг жудаям омадим келган» — мана шу унинг дастлабки айтадиган гапи. Ва унинг ростдан омади бор экан. Ахир, 1968 йилда «Лейксайд» мактаби ота-оналар клуби компьютер сотиб олди. На хоккейчилар, на Билл Жой, на Роберт Оппенгеймер, на исталган бошқа бир муваффақиятга эришган инсоннинг бошқаларга кибр билан қарашга ва: «Ҳаммасига ўзим эришдим», – дейишга ҳаққи йўқ. Чунки муваффақиятни ҳаққоний тушуниш бошқа нарсалар билан бирга камтарликни ҳам тақозо этади.

## 5

Умуман олганда, ўзига хос одамларни умум эътироф қилган доирадан чиқадиган инсонлар деб аташ мумкин, — улар мавжуд қоидалардан истисно шахслардир. Бир қараганда, даҳолар, миллионерлар ва юлдуз спортчиларни ҳам шундай деса бўладиганга ўхшайди. Бироқ, уларнинг ҳақиқий моҳияти улар ҳеч ҳам ўзига хослар эмаслигидадир. Бизнинг энг буюқларимиз ҳам ўз тарихимиз ва жамиятимизга чамбарчас боғланганмиз — бу тасаввуримизни туғёнга келтириши шубҳасиз. Муваффақиятнинг тилсимларини очиш ва қайта такрорлаш мумкин. Осиёликларга диққат билан қарасангиз, сиз математикада кўз илғамас юксакликларни забт этган даҳолар миллатини эмас, тиришқоқлик билан меҳнат қилишни мерос қилиб олган инсонлар ҳамжамиятини кўрасиз. Ҳаммамиз ҳам тиришқоқлик билан меҳнат қила оламиз. Бунинг Маритадан сўранг. Биз муваффақиятни баён қиладиган ёлғон тарихлар, уларни ўз тақдирини ўзи яратган, қашшоқликдан бойликка олиб чиққан деб таърифлашимиз бизга умид ва илҳом беришга қаратилгандир. Лекин бундай бўлмаяпти. Чунки буюқ ютуқларни биз қайтариб бўлмас, қўл етмас нарсага айлантирмоқдамиз. Муваффақиятнинг ҳақиқий

тарихлари мураккабликлари, ўзига хослиги ва нозик жиҳатларига қарамасдан жуда ҳам илҳомбахшдир.

Менинг момоннинг момосини Аллигатор-Пондедаги қул бозоридан сотиб олишган. Натижада унинг ўғли, Жон Форд, ўзининг дурагай оилада туғилгани туфайли ранги бир оз оқарган териси туфайли қуликдан озод бўлган. Дейзи Форд ўз фарзандлари учун гўзал тарзда фойдаланган имкониятлар маданияти Вест-Индияда қабул қилинган ижтимоий тизимнинг ўзига хослигидан юзага келган. Онам эса ўзининг илмлилиги, олий маълумоти учун 1937 йилдаги иш ташлаганлардан ва жаноб Чанснинг меҳнатсеварлигидан миннатдор бўлиши керак. Булар тарих менинг ойламга берган тухфалардир, бироқ баққолнинг пуллари, иш ташлашнинг натижалари, инсон танасининг ранги билан боғлиқ маданий имкониятлар ва имтиёзлар бошқа одамларнинг чекига тушганида эди, ўша тепаликдаги ажойиб уйда бугун қанақа одамлар яшаётган бўларди?



## Миннатдорликлар

«Зукколар ва ландавурлар» китоби худди мен аввалида ўйлаганим каби чиққанлигини англаш менга таскинбахшдир. Бироқ бу китоб жамоа меҳнатининг натижасидир. Мен ҳар доимгидек Ричард Нисбетт тадқиқотидан илҳомландим. Мен унинг «Номус маданияти» китоби устида кўп фикрладим ва менинг мулоҳазаларим ушбу китобнинг асоси бўлди. Раҳмат сизга, профессор Нисбетт!

Одатдагидай, мен дўстларимдан қўлёманинг бир неча вариантларини танқидий таҳлил қилиб беришларини илтимос қилдим. Бахтимга, дўстларим рози бўлишди ва менга «Зукколар ва ландавурлар» китобини маълум даражада яхши чиқишида ёрдам беришди. Жейкоб Вайсбергга, Терри Мартинга, Роберт Маккрамга, Сара Лайаллга, Чарльз Рэндольфга, Тали Фархадянга, Зоя Розенфельдга ва Брюс Хедламга каттадан-катта раҳматларимни айтаман. Стейси Калиш ва Сара Кесслер китобда келтирилган барча фактларни синчковлик билан текшириб чиқдилар.

Алоҳида миннатдорчиликни китоб муҳаррири Сюзи Хансенга билдираман — у ҳақиқий сеҳргардир!

Дэвид Ремник мени бир қанча вақт The New Yorkerдаги вазифаларимдан озод қилиб туришга рози бўлди ва мен китоб устидаги ишларни яқунлаб олдим. Раҳмат!

Генри Финдер, The New Yorkerдаги менинг муҳарририм, менга фикрларимни тўғри йўлга солишга мадад берди ва дарвоқе, бунақа ёрдамни биринчи марта бераётгани йўқ. Мен Генри билан кўп вақтдан бери бирга ишлайман, ҳатто менинг ичимда «ички Финдер»им пайдо бўлган, мен уни шундай атайман. Бу менинг Генри ёнимда бўлмаганда доноларча шипшиб турадиган ички овозим. Иккала Финдер — ичкиси ҳам, ташқиси ҳам — мен учун ўта қадрли ва беназир дўстдир.

Биллу Филлипсга ҳам алоҳида раҳмат айтишни истайман. Биз Билл билан бир-биримизга кўп бор елкадош бўлганмиз ва мен ундан яна бир бор ёрдамга келгани учун беҳад миннатдорман.

Penguin инглиз нашриётидан Уилл Гудлэд ва Стефан Макграф, шунингдек Little, Brown нашриётидан Майкл Питтш ва Жофф Шандлер қўлёмани сўнгги ҳар-

фигача ўқиб чиқдилар. Little, Brown жамоасининг қолган аъзоларига: Хизер Фейн, Хизер Риццо ва Жуни Данга ҳам миннатдорлик билдираман.

Менинг дўстим Памела Маршалга раҳмат, унинг ҳам келиб чиқиши мен каби Канададандир. У сўзлардан ҳақиқий мўъжиза ярата олади! Мен унинг иштирокисиз бу китобни қандай чоп этишимни тасаввур ҳам қилолмас эдим.

Тина Беннетт, менинг агентим, мен билан кўп йиллардан бери ишлайди. У зийрак, ақлли, меҳрибон ва донишманд аёл. Агар унинг менга қилган яхшиликларини ўйласам, ўзимга 1 январда туғилган хоккейчилардан кам бўлмаган омад кулиб боққанига амин бўламан.

Аммо мен энг қайноқ эҳтиромимни отам ва онамга, Грэм ва Жойсга билдираман. Бу китоб меҳнатнинг муҳимлиги ҳақидадир ва айнан отам мени мазмунли меҳнатта ўргатган. Отам нима иш қилмасин — мураккаб математик масалаларни ечишдан бошлаб, то боғдаги гулларни парвариш қилишгача — ҳаммасини завқ-шавқ, ҳафсала ва тиришқоқлик билан бажарарди. Мен яхши эслайман, иш столида ўтирган отамга термулардим ва унинг ўз ишидан бахтли эканини англардим. Ушанда мен ҳали бу ҳафсала отанинг фарзандига бериши мумкин бўлган энг катта мерос эканини тушунмас эдим.

Онам менга ўз фикрини ифода қилишни ўргатди, оддий ва аниқ-тиниқ сўзларнинг латофатини очиб берди. Онам бу китобнинг ҳар бир сўзини ўқиб чиққан ва уни такомиллаштиришда ёрдам берган. Мен бу «Зукколар ва ландаурлар» китобимни бағишлаган момом Дейзи менинг онамга камолот учун имкон берган, онам ўз навбатида менга бахтли ҳаёт учун имконият тухфа қилди. Шунинг учун уларнинг барчаларидан миннатдорман.

45000e

УЎК 159.923

КБК 88.53

Г 55

Гладуэлл, Малкольм.

Зукколар ва ландавурлар [Матн] / М. Гладуэлл. - Тошкент :  
«Ofset-Print» МЧЖ, «Nihol», 2019. - 240 б.

ISBN 978-9943-23-151-1

УЎК 159.923

КБК 88.53

Малкольм Гладуэлл  
**ЗУККОЛАР ВА ЛАНДАВУРЛАР**

Таржимон: Карим БАҲРИЕВ

Масъул муҳаррир: Муҳиддин ОМОН  
Муҳаррир: М. Нурмухамедова

Мусахҳиҳлар: О. Бекмуродов,  
М. Гафуров,  
Х. Жумаев

Дизайнер ва саҳифаловчи: М. Муродов

Техник муҳаррир: Б. Нурмухамедов

Босишга 09.08.2023 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. Офсет босма.  
Palatino Linotype гарнитураси. Кегль 11.  
Шартли босма табоғи 13.9. Босма табоғи 15.  
Адади 5000 нусха.

RAVZA YAYINLARI VE MATBAACILIK-ÖMER FARUK KASADAR

Davutpasa cad. Kale iş merkezi no:51/52

Topkapı/zeytinburnu/istanbul

02124819411

Matbaa sertifika no: 43988